

1  
- 5  
«ОЛТИН МЕРОС» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ  
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

НОДИРБЕК АБДУЛАҲАТОВ, СОБИРХОН МАСТОНОВ  
ИСМОИЛЖОН ТЎХТАБОЕВ

# ҲАЗИНИЙ ЮРТИ

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

УДК: 821.512.133(092) Ҳазиний  
83,3(5Ўзб)4  
А-15

Абдулаҳатов Н. ва бошқ. Ҳазиний юрти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010 – 296 б. / Муҳаррир: О.Жўрабоев. «Олтин мерос» Халқаро жамғармаси

Тарихий-маданий ва агиографик жанрда яратилган мазкур рисола машҳур шоир Зиёвуддинхон Ҳазиний (1867–1923)нинг ҳаёти ва у яшаб ўтган Қўқон яқинидаги катта Кенагас қишлоғи тарихи ҳамда Ҳазинийнинг аждод ва авлодлари ҳақида ҳикоя қилади.

**ББК 83,3(5Ўзб)4**

*Фаргона вилоят маънавият-маърифат кенгаши  
ҳомийлигида чоп этилди*

**Масъул муҳаррир:**  
Отабек ЖЎРАБОЕВ,  
филология фанлари номзоди

**Тақризчилар:**  
Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

Шерзодхон МАҲМУДОВ,  
тарих фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-649-4

© Н.Абдулаҳатов, С.Масонов, И. Тўхтабоев. «Ҳазиний юрти». «Янги аср авлоди», 2010 йил

## ВОРИСЛИК ЙЎЛИДАГИ ИБРАТ

Халқимиз узоқ йиллар мосуво этилган буюк маданий меросимиз истиқлол йилларида яна авлодлар эътиборида бўлиб, кун сайин бу бебаҳо мероснинг янгидан-янги қирралари очилиб бормоқда. Тадқиқотчиларимиз саъй-ҳаракатлари билан назардан четда қолиб келаётган боболаримиз ижоди ўқувчилар қўлига етиб, миллат фарзандлари тарбиясида истифода этилаётир.

Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайишига омил бўлаётир. Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш, маънавиятни шакллантиришнинг омил ва мезонлари ҳақида сўзлар эканлар, бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар муҳим эканини таъкидлаганлар. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят ҳокимлиги, Фарғона вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамкорлигида тайёрланиб, эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу рисола ҳам миллий меросимиз, Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Кенагас қишлоғи, унда яшаб ижод қилган Зиёвуддин Ҳазиний ҳаёт йўли ҳамда унинг авлодлари тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Муаллифлар бир қишлоқ тарихини нафақат Фарғона, балки Ватанимиз ва бу кенг макондаги адабий муҳит билан чамбарчас боғлиқ ҳолда баён қилганлар ва бунда кўплаб манбаларни асос қилиб келтирганларки, натижада рисоланинг бадиий ва тарихий қиммати янада зиёда бўлган.

Биз ушбу нашрни тайёрлаш ва чоп этишда кўмаклашган Фарғона вилоят ҳокимлигига ва барча жонкуяр, хайрихоҳ дўстларимизга маданий меросимизга бўлган юксак эътибор ва қизгин ҳамкорлик учун самимий миннатдорлик билдираимиз.

*Амиркул КАРИМ,  
«Олтин мерос» халқаро хайрия  
жамғармаси раиси*

## КАТТА КЕНАГАС ВА КЕНАГАСЛИКЛАР



*Мақонидир Кенагасда, ўзи аҳли Фарғона,  
Ҳазиний қаряда жойи, Қўқон эрур шаҳари*

Ҳар бир музофотнинг бошқа ҳудудлардан ажралиб турадиган ва қадам ранжида қилганларга мароқ билан айтиб бериладиган ўзига хос нақлларию фаройиб тарихи бўлади. Фарғона вилояти Учкўприк туманига қарашли Катта Кенагас қишлоғи тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бинобарин, Қўқон шаҳридан чамаси 13 чақирим шарқ томонда жойлашган Катта Кенагас қишлоғи ўлкамизнинг қадимги тарихига доир маълумотларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳам гоят аҳамиятлидир. Шунинг учун бўлса керак, бу ер халқларининг урф-одати, этник тузилиши, анъаналарида ҳам баъзи ўзига хос хусусиятларни учратамиз.

Катта Бачқир, Янгиқўрғон, Қўнғирот, Қўқон, Бувайда, Қиловли сингари қишлоқ ариқлари ҳамда Катта Фарғона каналининг Катта Кенагас қишлоғидан оқиб ўтганлиги ҳам бу ернинг географик жиҳатдан нақадар қулай ҳудудга жойлашганлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунга келиб, Катта Кенагас қишлоғида 6000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасаси, 1 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 2 та кутубхона, Ҳазиний номидаги уй-музейи, 4 та автомобиль таъмирлаш устaxonаси, 4 сартарошхона, 5 та ошхона, 30 та савдо шахобчалари, 12 та қассобхона, 3 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 10 та хусусий тегирмон, 8 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Катта Кенагасдан шу кунга қадар 5 нафар фан доктори ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Бу маълумотларнинг барчаси Катта Кенагасда аҳолининг ижтимоий ва маданий турмуши нақадар ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Катта Кенагас қишлоғи тарихи билан 1994 йили Зиёвуддин Ҳазиний адабий меросини ўрганишни бошлаган чоғда яқиндан танишганмиз. Ўшанда Катта Кенагас қишлоғига илк бор келишимизга фидойи инсон Насруллоҳ ота Раҳматуллаев (1926–2009) сабабчи бўлган. Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейининг илмий ходими вазифасида ишлаётган кезларимиз эди. Биз ишлаётган Тарих бўлими хонасига юзларидан табассум аримайдиган чеҳраси очиқ инсон – Насруллоҳ ота кириб келди. У биз билан қуюқ саломлашди ва оиламиз аъзоларининг ҳол-аҳволини обдон суриштирди. Сўнгра ўзини Учкўприк туманидаги Катта Кенагас қишлоғидан эканлиги, бу ерда шоир Зиёвуддин Ҳазиний уй-музейини ташкил этиш тараддудида келганлигини маълум қилди. Насруллоҳ ота Ҳазиний ҳаёти ва ижоди ҳамда Катта Кенагас қишлоғи тарихи ҳақида шу қадар берилиб сўзлардики, унинг мароқли ҳикоясини тинглашга берилиб кетиб, биз ҳатто тушликка чиқишни ҳам унуттаёздик.

Насруллоҳ отанинг шоир Ҳазинийга бўлган эҳтиромини кўриб барчамизда Катта Кенагас қишлоғига бориш иштиёқи туғилди. Қолаверса, Фарғона Давлат Университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиганимиз сабабли келгусида диплом иши мавзусини айнан Ҳазиний ижоди билан боғлаш режаси пайдо бўлди. Биз бу фикрни Насруллоҳ отага билдирган эдик, у ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетиб:

«Нодирбек, сизга бир сирни айтай. Ҳазиний эшон бувамининг ижодини ва Катта Кенагас тарихини ўрганай деб ким ният қилса, ишларига Худойи таоло ривож беради. Бунга ёрқин мисол Тўлқинойхон қизимиздир. Бағдод туманидан келган Тўлқинойхон Ҳалилова Ҳазиний меросини ўрганиш юзасидан диплом иши ёзишга астойдил киришган эди. Ҳозирга келиб «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» деган фахрий унвонга сазовор бўлиб, эл-юрт ўртасида юксак обрў-эътиборга эришди. Шундай экан, сиз ният қилибсиз, сира кам бўлмайсиз», деб фикримизни астойдил қўллаб-қувватлади.

Орадан кўп ўтмай, дўстим Баҳодиржон Ҳошимов ва мени вилоят музейидан Ҳазиний музейини ташкил этишда амалий ёрдам бериш учун Учкўприк тумани Катта Кенагас қишлоғига хизмат сафарига юбордилар. Биз икки-уч кунда у ердаги ишларни тамомлаб қайтамиз, деган ният билан йўлга чиққан эдик. Аммо хизмат сафаримиз бир неча ҳафтага чўзилиб кетди. Тўғриси

айтганда, ўша вақтларда бу қадар узоқ хизмат сафариди бўлмаган эдик. Ҳолбуки, биз музей ходимлари ўз олдимизга қўйган вазифани қисқа фурсатда тамомлаб, бемалол ортга қайтишимиз мумкин эди. Агар бошқа бирон жойда бўлганимизда аллақачон уйга жўнаб кетган бўлар эдик.

Аммо Катта Кенагас аҳолисининг оддий ва самимийлиги, қолаверса, қишлоқнинг бой тарихга эга эканлиги бизни ўзига ром этган эди. Бу ер одамларининг ҳеч бири амали ёки мансаби билан гурурланмас, давраларда ким бўлишидан қатъи назар, кексалар ҳурмати жойига қўйилар, манманлик ҳолатлари кўзга ташланмас эди. Бизга Ҳазиний музейини тайёрлаётган ходимлар сифатида эмас, балки узоқ кутилган қадрдон кишиларга қилинадиган эҳтиромни кўрсатдилар. Ҳатто бир сафар юқори мансабдор кишилардан бири эғнида эски уст-бошда кекса онасининг уйини ўзи меҳр билан лойсувоқ қилаётганлигига гувоҳ бўлдик. У кишидаги камтарлик бизни ҳайрон қолдирди. Бундай ҳолатларни кўрган сари Ҳазинийдек улуғ зотлар етишиб чиққан Катта Кенагас қишлоғига нисбатан меҳримиз ошиб борди. Бинобарин, Катта Кенагаслик ижодкор Ҳабибулло Аҳмедов ўзининг «Кенагас» номли шеърида бизнинг фикримизга ҳамоҳанг тарзда қуйидагиларни битган:

*Тарихинг узун азал улуг ном Кенагас,  
Халқинг иноқ-иттифоқ бўлган минг том Кенагас.  
Башарга етказиб кўп ажиб ўғлон Кенагас,  
Юртимда ўз ўрни ўзига хос Кенагас.  
Дардларга малҳам бўлиб ўтди куйлаб Ҳазиний,  
Ажиб дилкаш дамларда бўлди меҳмон Муқимий.  
Сўлимни ёзди юракдан қилди мерос Соатий,  
Улфати жонлар юрти меҳригиё Кенагас.  
Ҳар байтида бир нақл куйлади Сотволдихон,  
Ҳамнафас бўлди уларга хушовоз ота Шоброн.  
Кўп маърифат айлади юртга устоз Муқимжон,  
Қишлоқни этди обод сахий ота Нўмонжон.  
Ҳар ишда сардор эди, раис бобо Насруллоҳ  
Ўзни демай яшади тин билмади у асло.  
Унутмас ул зотларни бунда аҳли Кенагас,  
Ибратдир ҳар бир иши ҳар сония, ҳар нафас.*

Айтиш жоизки, Насруллоҳ ота туфайли биз Катта Кенагас қишлоғи тарихини тиклаш жонкуярлари Собирхон Мастонов, ака-ука Юнусхон ва Исмоилхон Маҳмудовлар билан ҳам танишишга муяссар бўлдик. Катта Кенагасликларнинг Насруллоҳ ота бошчилигида Ҳазиний хотирасини абадийлаштириш мақсадида елиб-югуриб хайрли ишга бош қўшганликлари ўз навбатида бизни ҳам четдан туриб кузатишимизга йўл қўймади. Шу боис, биз ҳам улар сингари музейни тайёрлашга астойдил киришдик. Кўп ўтмай 1995 йили Ҳазиний уй-музеи очилиб, Катта Кенагасда шоир меросига бағишланган шодиёналар бўлиб ўтди. 1996 йил эса «Зиёвуддин Ҳазиний ҳаёти ва ижоди» мавзусида диплом ишини ҳимоя қилиб, бизга таълим берган устозлар олдида юзимиз ёруғ бўлди. Диплом иши ҳимоясидан сўнг Қўқон вилоят Адабиёт музейининг илмий ходими, адабиётшунос олим Аҳмаджон Мадаминов билан учрашиб, суҳбатимиз орасида Зиёвуддин Ҳазиний ҳаёти ва ижоди тўғрисида рисола ёзиш истагимиз борлигини маълум қилдик. Аҳмаджон ака бу борада қимматли маслаҳатлар берди. Бироқ турли сабаблар билан Ҳазиний ва у яшаб ўтган Катта Кенагас қишлоғи тўғрисида ёзмоқчи бўлган рисоламиз ниҳоясига етмай қолган эди. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор деганларидек, мана энди рисола ни ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Кенагас – бу ном билан аталувчи қишлоқлар юртимизнинг кўп жойларида мавжуд.<sup>1</sup> Бу хил топонимлар Кенагас этноними асосида ясалгандир.<sup>2</sup> Кенагас ўзбек қабилаларидан бири бўлиб,<sup>3</sup> бир неча аймақлардан ташкил топган.<sup>4</sup>

Маълумотларга кўра, ўзбек Кенагаслари асосан юқори Қашқадарё воҳасида ўрнашиб, Кенагас бекларининг асосий турар

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX- начале XX вв.). Составители: И.Юлдашев, К.Убайдуллаев, О.Д. Чехович, К.З.Хакимова. –Т.: Университет, 2001.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. –М.: Наука, 1976.

<sup>3</sup> Султанов И.Т. Опыт анализа традиционных списков 92 «Племен Илатийа»// Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура) –М.: 1977.С. 171.

<sup>4</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. –Т.: «Ўзбекистон», 1994. 27-б.

жойлари Шаҳрисабз ва Кнтоб шаҳарлари ҳисобланган.<sup>5</sup> Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кенагас беклари кўп ҳолларда мустақил равишда ҳукмронлик қилишга интилиб келганлар. Натижада, Бухоро амирлари фармонларига итоат қилишдан бош тортганлар.<sup>6</sup> Бухоро амирларининг, жумладан Насруллахоннинг эрксевар Кенагас ўзбекларини бўйсундириш борасидаги қонли юришлари ҳам натижа бермаган.<sup>7</sup> Бу ҳақда XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонга келган Д.Н.Логофет ўзининг «Бухоро тоғлари ва текисликларида» номли асарида ҳам қуйидагиларни баён этади:

«Шаҳрисабздан 25 чақиримча нарида, катта ариқ бўйида Ёртепа қишлоғи жойлашган. Унинг яқинидаги қир устида қадимий қалъанинг харобалари – нураган девор ва тупроқ уюмлари кўринди.

– Бир пайтлар бу ерда катта шаҳар бор эди. – дейди биз билан Шаҳрисабздан Дарбандгача ҳамроҳ бўлиб йўлга чиққан савдогар Мирза Соҳиб. – Ёлғиз қабристон қолди. Бу қабристон жуда кўп одамларга сўнгги маскан бўлди. Кимга қаерда ётиш буюрилганини ёлғиз Аллоҳ билади. У кўпларга шу ерда ўз тирикчилик ташвишларини тугаллашни буюрди. Бу ерда Чингизхон жанг қилган, кўп ўлжа олган... Кейинчалик шаҳарни Амир Насруллахон вайрон қилган. Бу ернинг одамлари мағрур эди, амирга бўйсунишни, кулоқ солишни исташмади».<sup>8</sup>

---

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Таниева Г.М. Қарши беклиги аҳолиси (XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми) // Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. I қисм. –Т.: ЎзМУ, 2005; Таниева Г.М. Қарши беклиги тарихидан лавҳалар. –Т.: 2006; Таниева Г.М. Роль Каршинского вилаята в политической, социально-экономической жизни Бухарского эмирата (вторая половина XVIII – первая половина XIX в). Автореферат. кандис. –Т.: 2008.

<sup>6</sup> Мирза Абдулазиз Сами.Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангытских государей) / Перевод, издание текста и прим. Л.М. Епифановой. –М.: 1962. С.47.

<sup>7</sup> Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX-начало XX. ) // Этнографическое быта и культуры узбеков. –Т.: «Фан», 1972. С.16.

<sup>8</sup> Логофет Д.Н. Бухоро тоғлари ва текисликларида // Сомон йўли. Адабий-тарихий мажмуа. –Т.: «Камалак», 1992, 71-б.



Айтиш жоизки, Кенагас уруғининг тарих саҳифаларида ўзининг мағрурлиги ва шижоаткорлиги билан ном қолдирганлиги хусусида улуғ адиб ва сиёсатчи XX аср бошида Шарқнинг энг йирик сиймоларидан бирига айланган Исмоилбек Гаспиринский (1851–1914) билан боғлиқ мақолаларда ҳам таъкидлаб ўтилган:

«Шаҳрисабз шоҳ Темурнинг туғилган шаҳридир. Бу шаҳарда Яшилсарой ва Оқсарой номлари билан машҳур қасрлар бор. Яшилсарой Темур замонидан қолгандир. Турк-ўзбек тоифаларининг энг ҳайбатлиси ва жасури бўлган Кенагас тоифаси Кеш вилоятида яшайди. Тахти Қорача довонидан ошиб пастга тушаётганларида йўл бўйида сайёҳларга ёш бир чўпон дуч келган эди. Беклар фойтундан тушиб, чўпоннинг ёнига борадилар.

Исмоилбек чўпонга: – Ким бўласиз? – деганида, – Кенагас! – деб жавоб берди.

– Қардош эканмиз, мен ҳам Кенагасман, – деганда, чўпон: – Йўқ, бўла олмайсиз! – деди.

– Бўлишни истасам-чи?

– Йўқ, бўла олмайсиз!

– Нима учун бўла олмас эканман?

– Кенагас бўлиб туғилиш керак! – деди».<sup>9</sup>

Айтиш жоизки, Исмоилбек Гаспиринский Кенагас қавмига мансуб чўпон билан бўлган суҳбатга қадар ўз мақолаларида туркистонлик замондошларида ёвқур оталар шижоатидан асар қолмаганини афсус билан тилга олади. Аммо ёш чўпон йигит билан қилган мулоқотидан сўнг Соҳибқирон Амир Темур руҳи ҳали-ҳануз авлодларида яшаб келаётганлигига ишонч ҳосил қилади. Унинг Кенагасликларга хос дадил, ўз шаънини баланд тутиб жавоб беришини кузатар экан «Чўпонни бундай сўйлатган тоифа маориф билан мунаввар бўлса борми, тоғларни остуст қилиши шубҳасиздир. Дарвоқе, буни тарих исбот этиб турибди-ку» деган фикрни келтиради.<sup>10</sup>

В.В. Радловнинг маълум қилишича, Кенагас ўзбеклари Шаҳрисабздан ташқари Хивада ҳам турмуш кечирганлар.<sup>11</sup> «Тухфат

---

<sup>9</sup> Исмоилбек Гаспиринский (Гаспирали). Ҳаёт ва мамот масаласи / Таржимон, тўпловчи, нашрга тайёрловчилар: Беғали Қосимов, Зайнобиддин Абдурашидов. –Т.: «Маънавият», 2006, 100-б.

<sup>10</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>11</sup> Радлов В.В. Средняя Зеравшанская долина, СПб., 1880. С. 60.

ут-таворих-и хоний», «Насабномайи ўзбак», «Асомийи наваду ду фирқайи ўзбак» сингари ёзма манбаларда Кенагаслар жойлашган ҳудуд ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи ҳам эслатиб ўтилган.<sup>12</sup> Жумладан, ўзбек Кенагас бекларининг Хива хонлари олдида кўрсатган хизматлари Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» китобида ҳамда хоразмлик машҳур тарихчилар Мунис ва Огаҳий асарларида баён этилган.<sup>13</sup>

Бухоро хонлиги тарихига оид муҳим манбалардан бири Муҳаммад Вафо Кармаганий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек томонидан XVIII асрда ёзилган «Тухфат ал-хоний» номли асарда сиёсий воқеалар билан боғлаган ҳолда уруғлар яшаган ҳудудлар ҳам эслатиб келинган. Масалан, Миёнқолда етти уруғ. Нурда буркутлар, Қабодиёнда дўрмонлар, Шаҳрисабзнинг Сангфуруш вилоятида Кенагаслар.<sup>14</sup>

1924 йилдаги Ўрта Осиёни районлаштириш комиссиясининг берган маълумотларига кўра, ўзбек Кенагаслари 35040 нафар кишидан иборат бўлиб, улардан 18320 нафари Шаҳрисабз ҳудудида истиқомат қилганлар.<sup>15</sup> Ўтган асрнинг 50-йилларида элшунос олима О.А. Сухареванинг олиб борган дала тадқиқотлари чоғида берилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, аксарият информантлар Шаҳрисабзда кўпроқ Кенагас ўзбеклари яшашларини таъкидлаганлар.<sup>16</sup>

Бу ҳақда машҳур бошқирд шарқшуноси Заки Валидий Тўғон (1890–1970) қуйидагиларни келтиради: «*Кенагас беи аймоқдан*

---

<sup>12</sup> Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қаранг: Хивинские источники по истории Туркмен XIX в. // Материалы по истории туркмен и туркмены. Том II. XVI–XIX вв. Иранские, Бухарские, Хивинские источники. –М.-Л.: 1938: Мирмуҳаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. –Т.: 1957.

<sup>14</sup> Юсупова Д.Ю. XVI – XVIII асрлар манбаларида ўзбек этнографиясига оид материаллар // Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент–Наманган, 2007, 81–б.

<sup>15</sup> Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX – начало XX. ) С. 17.

<sup>16</sup> Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки), –Т.: 1958. С. 134.

*ибораатдир. Қанорасали, Қароқчили, Очамайли, Жиққут, Абоқли. Булар Хива ва Шаҳрисабз атрофида бўладилар».*<sup>17</sup>

Кенагас қабиласини ўрганиш юзасидан тадқиқот олиб борган К.О.Кубаков мазкур беш аймақни тарахли, қорасонли, очамайли, авоқли ва чуют номлари билан таърифлаб, Кенагас таркибида яна бошқа майда уруғ-аймоқлар ҳам бўлганлигини таъкидлайди:

«Бундан ташқари, биз томондан Кенагас таркибида бошқа майда уруғ-аймоқлар ҳам мавжудлиги қайд этилди: Темирчи, Қайчили, Дўрмон, Ур тороқли, Болғали, Найман, Қишлик, Чағатой, Сурун, Қушшабоши, Яманчи, Ширачи, Қорақалпоқ, Турон, Минжир, Губбулоқ, Шунингдек, Абоқли аймағи ўз навбатида Мош, Чилвир, Тарақли, Минжир, Бегзод, Дувурдоқ, Бақабош, Қийпуруш, Мўйна, Кераит, Эсамат, Жинивой, Каттакал, Кичиккал, Бешбола, Ақли, Қорағовур, Олтичекман, Қўнғирот, Хардури сингари тармоқларга бўлинган.

Чуют аймағи ҳам Қорабуруқ, Оқбуруқ, Қатш, Журат, Отчопар, Каламуш, Кўچارим, Тепатой, Сувлисой, Жўрғоқ, Тошлоқи, Қизилкуч, Қиёнли, Жуз, Кулдовур, Дасари Нухат каби тармоқларга ажралган».<sup>18</sup>

Кенагасларнинг айрим гуруҳлари Самарқанд, Сурхондарё атрофларида, Фарғона водийсида ва шимолий Афғонистонда яшаганлар».<sup>19</sup> Дарҳақиқат, Кенагас номи билан аталувчи қишлоқлар Фарғона водийсида оз эмас.<sup>20</sup>

Айрим маълумотларга кўра, Кенагас уруғлари Фарғона водийсиға Шайбонийхон қўшини билан бирга келган. XVI асрнинг иккинчи ярмида туғилиб XVII асрнинг биринчи ярми охирларида вафот этган Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған қаламига мансуб

---

<sup>17</sup> Заки Валидий. Ўзбек уруғлари // Ўзбегим. –Т.: 1992. 112-б.

<sup>18</sup> Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX – начало XX. ). С. 17.

<sup>19</sup> Бу ҳақда қаранг: Абрамзон С.М. К вопросу о патриархальной семье у кочевников Средней Азии // Краткие сообщения института этнографии АН. Вып.28. –М.: 1957; Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Соч. Т. II. Ч. II. М., 1964; Бартольд В.В. Фергана. Соч. Т. III. –М. 1965.

<sup>20</sup> Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. –Т.: «Фан», 1983. С.62.

«Мусаххир ал-билод» (Мамлакатларнинг эгалланиши) асарида келтирган маълумотларга кўра, шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Кенагас уруғидан чиққан саркардалар мамлакатда юз берган тарихий воқеалар силсиласида муҳим ўрин тутганлар.<sup>21</sup>

Чунончи. Қўқон ҳукмдори Абдураҳимбий ўзига керакли иттифоқчи сифатида Кенагас қабиласидан бўлган Шаҳрисабз ҳокими Иброҳим оталиқнинг қизи Ойчучук ойимга уйланган<sup>22</sup> ва у Фарғонада «Кенагас ойим» номи билан танилган эди. «Тарихи Туркистон» асарининг муаллифи эса, Абдураҳимбийнинг Кенагас қабиласи билан қариндошлик риштасини боғлаши хусусида «Шаҳрисабз волийси Олимбек ваннаъмий (валинеъма)-га элчи юбориб, онинг қизини ўзига талаб қилибдур» деган маълумотни келтиради.<sup>23</sup> Эҳтимол, айнан Кенагас ойим билан бирга Фарғона водийсига унинг қабиладошлари ҳам келган бўлишлари мумкин. Бироқ Заки Валидийнинг таъкидлашича, Қўқон ҳукмдори билан шаҳрисабзлик Кенагас бегининг қизи ўртасида тузилган никоҳ тўғрисида фарғоналик муаррихлардан бошқа тарихчиларнинг асарларида маълумотлар учрамайди.<sup>24</sup>

Маълумотларга кўра, Катта Кенагас қишлоғи аҳоли орасида «Минг том Кенагас» деб аталган. Қишлоқнинг бундай деб аталishi ундаги аҳолининг кўплиги билан изоҳланган. Чунки айнан «Минг уйлик», «Минг томлик» сингари иборалар аҳоли хонадони қалин бўлган қишлоқ ҳудудларига нисбатан қўлланилган. Масалан, Бешариқнинг Деҳқонтўда, Олтиариқнинг Полосон қишлоқлари ҳам шу ном билан аталган. Эмишки, қишлоқ уйлари-нинг томи туташиб кетганлигидан бир-биридан сакраб ўтиб,

---

<sup>21</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2009, 249, 293, 321-бетлар.

<sup>22</sup> Бейсимбиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. – Алма-ата.: Наука, 1987. С. 11.

<sup>23</sup> Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб ёзувидан тадбил қилувчилар: Ш.Воҳидов, Р.Холиқова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008, 50-б.

<sup>24</sup> Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Вып 2-й –Т.: 1916. С 81.

бир неча чақиримгача бориш мумкин бўлганлиги нақл қилинади. Худди шунга ўхшаш маълумотни Исҳоқхон Жунайдуллоҳу-жа ўғли Ибрат қадимги Ахсикент билан ҳам мавжудлигини қуйидагича баён этади. «Аммоки аввалги ободлигида иморатлари икки-уч қабат гиштдин бинолари бўлуб, шаҳар ниҳояси Косонғача боруб, Косон ила Ахси ўртаси қирқ чақиримлик йўл ҳаммаси иморат, бозор бўлган экан. Ҳаттоки бир эчки Ахси томида юрмак бўлса, то Косонғача борур экан. Том устидан юруб ҳаммомлар, мадрасалар, саройлар, ер тагидан юрадургон савқи ерлари, кўб таажжублик нимарсалари ҳозир ҳам кўрунуб турадур».<sup>25</sup>

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда Катта Кенагас «Кенагаси калон» номи билан ҳам қайд этилган.<sup>26</sup> 1909 йили Фарғона шаҳрида (ўша вақтда Скобелев номи билан юритилган – муаллифлар) чоп этилган «Фарғона вилоятининг аҳоли яшайдиган жойлар рўйхати» номли китобда келтирилган маълумотларга кўра, Қўқон уездининг Кенагас қишлоқ жамоаси таркибига 6 та қишлоқ кирган.

1. Катта Кенагас.
2. Валибой қўрғончаси.
3. Тоғлиқ қўрғончаси.
4. Мулла Каттабек қўрғончаси.
5. Низомиддин қўрғончаси.
6. Кичик Кенагас.

Мазкур китобда қайд этилган маълумотга кўра, 1909 йилга келганда Катта Кенагас қишлоғида жами 1630 нафар одам истиқомат қилган.<sup>27</sup>

Катта Кенагас қишлоғи ҳозирда қуйидаги маҳаллалардан иборат:

1. Тоғлиқ.

---

<sup>25</sup> Исҳоқхон тўра Ибрат. История древнего города Ахсы в Ферганской области. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: У.Долимов., Н.Жабборов. –Т.: «Манавият», 2005.,144-146-б.

<sup>26</sup> Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: «Фан», 1973. С.385.

<sup>27</sup> Список населенных мест Ферганской области. Скобелев. 1909. С. 68.

2. Зинбардор.
3. Чорбоғ.
4. Обжувоз.
5. Ҳазиний.
6. Янгиобод.
7. Кичик Қашқар.

Китобимиз ҳажми ва мавзу доирасини ҳисобга олган ҳолда, ушбу маҳаллалардан фақат Тоғлиқ ва Зинбардор (Зимбардор) маҳаллаларининг номи билан боғлиқ айрим маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ, Бувайда, Учкўприк, Данғара туманларида шу ном билан аталувчи қишлоқлар бор. Бу ҳақда Носиржон Охунов шундай ёзади: «Қўқон шаҳрида ҳам тоғлиқ маҳалласи бўлган. Хонлик давридаги дарвозалардан бири Тоғлиқ дарвозаси деб аталган. Қозоқ тарихчиси Чўқон Валихоновнинг қайд этишича, Қашқардан кўчиб келган кишиларнинг айрим гуруҳлари «Тоғлиқ» номи билан юритилган. Дарҳақиқат, «Тарихи Шоҳруҳий» асарининг муаллифи Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг ёзишича, 1827 йилда бир неча минг қашқарлик оиласи билан Фарғона ерларига кўчиртириб келинган. Улар яшаб тургун бўлиб қолган жойларнинг баъзилари Тоғлиқ номини олган. Шу ўринда яна бир савол туғилади. Нима учун қашқарликларнинг бир гуруҳини «Тоғлиқ» деб аташган? Мазкур саволга жавоб бериш учун Шарқий Туркистонда XVII-XVIII асрларда юз берган айрим воқеалар билан танишиб чиқишга тўғри келади.

Бу ҳақда Комилхон Каттаев ўзининг «Махдуми Аъзам ва Даҳбид» рисоласида қуйидагиларни баён этади: «Шарқий Туркистонда Махдуми Аъзамнинг фарзандлари Хожа Калонхожа ва Хожа Исҳоқи Валиларнинг авлодлари муқтадолик-пешволик қилганлар. Ушбу хожалар сулоалари «Оқтоғликлар» ва «Қоратоғликлар» деб аталган гуруҳга бўлинганлар; шу жиҳатданки, Шарқий Туркистоннинг пойтахти бўлган Ёркент шаҳри атрофидаги тоғлар – Қоратоғ, кейинчалик пойтахт бўлган Қашқар шаҳри атрофидаги тоғлар эса Оқтоғ деб аталган».<sup>28</sup> М. Қутлуқов эса, бу ҳақда қуйидагича фикр билдиради: «Ўзаро курашларда

---

<sup>28</sup> Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд.: Сўғдиён, 1994, 55-б.

Тяньшандаги қирғиз ва қалмоқлардан ёрдам олган Оппоқхожа авлоди кейинроқ «оқтоғликлар», Помир қирғизлари ва тожикларидан ёрдам олган Ёркент хожалари «қоратоғликлар» деб аталди».<sup>29</sup>

Бизнингча, «оқтоғликлар» ва «қоратоғликлар» атамасига ушбу изоҳлар етарли эмас деб ўйлаймиз ва бу борада уйғур олимлари Замир Саъдуллозода ва Фарҳод Ғаффорлар томонидан баён этилган ушбу маълумотларни ҳам келтириб ўтсак: «Бу икки катта-кичик гуруҳ хожалар ўртасидаги ҳуқуқ(ҳокимият) талашиш кураши натижасида Шинжонда бир-бирига қарама-қарши икки йирик гуруҳ вужудга келди. Муҳаммад Амин – Эшони Калон тарафдорлари ўзларини «Ишқия» деб атаса, Исҳоқ Вали тарафдорлари ўзларини «Исҳоқия – махдумзодалар» деб аташган. Хожа Муҳаммад Юсуфнинг ўғли Ҳидоятуллохожа (Офоқ хожа) билан Исҳоқ Валининг набираси (Хожа Абдуллоҳнинг ўғли) Убайдуллоҳ даврига келганда... Ҳидоятуллохожа ўз муридларига Исҳоқия тарафдорларидан фарқланиб туришлари ва ўз гуруҳи чегарасини аниқ белгилаш учун оқ тоқи (оқ дўппи) кийиб юришга буюради ва бу шартли белгини «Ишқия» гуруҳининг муҳим белгиси қилиб белгилайди. Хожа Убайдуллоҳ ҳам ўз муридларини Муҳаммад Амин – Эшони Калон тарафдорларидан фарқланиб туришлари учун қора тоқи (қора дўппи) кийишга буюради ва шартли белгини «Исҳоқия» гуруҳининг муҳим белгиси қилиб белгилайди. Шунинг билан Хожа Муҳаммад Амин – Эшони Калоннинг таъсири каттароқ бўлган ҳудуд халқлари, яъни ҳозирги Қашқар шаҳридан тортиб Куралгача бўлган жойлари «Оқ тоқиликлар»(йиллар ўтиши билан уйғур тилининг оҳанг ўзгариши хусусияти бўйича «Оқ тоғликлар» бўлиб қолган)нинг тарафдорлари деб қўйилди. Исҳоқ Валининг таъсири каттароқ бўлган Ёрканд, Қоғлик, Хўтан ҳудудларига қарашли шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг ҳаммаси «Қора тоқиликлар»(Қора тоғликлар) деб қўйилди».<sup>30</sup>

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, Фарғона водийсига кўчиб келган қашқарликлар орасида «Оқтоғликлар»

---

<sup>29</sup> Кутлуқов М. Муҳаммад Содиқ Қошғарий. –Т.: 1968, 20-б.

<sup>30</sup> Замир Саъдуллозода, Фарҳод Ғаффор. Ўрта Осиёдаги ислом мазҳаблари. Урумчи.: Шинжонг халқ нашриёти, 2002, 85-86-б.

ва «Қоратоғликлар» тарафдорлари ҳам бўлган. Бироқ улар Фарғона водийсида муқим ўрнашганларидан сўнг «Оқтоғлик» ва «Қоратоғлик» ўрнида уларга нисбатан фақат «Тоғлик» ибораси қўлланилган бўлиши мумкин.<sup>31</sup> Бинобарин, элшунос олима С.С.Губаева ҳам бу борада худди шундай фикр билдиради.<sup>32</sup>

\* \* \*

Зинбардор маҳалласи Катта Кенагас қишлоғи қабристонига дафн этилган, Қўқон хонлиги тарихида ўзининг ақл-фаросати ва маърифатпарварлиги билан ном чиқарган Каримқул Зинбардор номи билан боғлиқдир.

Каримқул Зинбардор тўғрисида Қўқон хонлиги тарихига доир Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих», Мирзо Олим Тошкандийнинг «Ансаб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин», Зиёвуддин Маҳзунийнинг «Фарғона хонлари тарихи», Мулла Муҳаммад Юнусжон Шиғовул Додхоҳ Тошкандийнинг «Тарихи Алиқули амир лашкар», Муҳаммад Солиҳхожа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Азиз ибн Ризо Марғинонийнинг «Таснифи Ғарибий», Мулла Ниёз Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Абдулғофур Исматиининг «Зафарномаи Худоёрхон», Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад Тошкандийнинг «Хулосат ал-аҳвол» асарларида маълумотлар келтирилган.<sup>33</sup>

Мазкур манбалардаги маълумотларга таянадиган бўлсак, Каримқул Зинбардор Қўқон хонлари Амир Умархон, Муҳаммад Алихон, Шералихон, Султон Сайидхон, Маллахон, Худоёрхонларнинг ҳукмронлиги даврида додхоҳ, меҳтар, дастурхончи, парвоначи, хазиначи, понсодбоши сингари муқим лавозимларни эгаллаб турган. Бундан ташқари Андижон, Мар-

---

<sup>31</sup> Қашқарликларнинг водийга кўчиб келиши 1825 йилга эмас, балки 1755–1759 йилларга тўғри келади. Хитой Шарқий Туркистонни шу йиллар орасида босиб олиб, Синьзян (Шинжонг) вилоятини ташкил қилган. Қашқар аҳолиси водийга кўчиб келиб ўрнашган.

<sup>32</sup> Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. –Т.: «Фан», 1991. С.83.

<sup>33</sup> Бу ҳақда қаранг: Beisembiev T.K. annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ilcaa. Tokyo. 2008.p.371.



ғилон, Хўжанд шаҳарларида маълум муддат ҳоқимлик ҳам қилган.<sup>34</sup>

Зиёвуддин Маҳзунийнинг «Фаргона хонлари тарихи» асарида Каримқул Зинбардорнинг Шералихон даврида Бухоро амири Насруллахоннинг қўшинларига қарши олиб борган фаолиятлари ҳикоя қилинган. Қуйида мазкур асардан айрим парчаларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этамиз:

«Андин кейин туғ, байроқ кўтарган аскарлар кела бошлашди... Андин кейин кўп йигитлари билан Каримқул қипчоқ келди. У «Подшоҳи олам, (Шералихон назарда тутилмоқда) минг жоним бўлса агар сизга хизмат қилгум. Бир қошиқ қоним қолгунча сизга хизмат қилсам армоним йўқ», деди...

Шералихон (Авлиё Ботирхон) Каримқулга: «Сиз Марғилон шаҳрини олиб, андин сўнг Андижон шаҳрини тозаланг!», деб ўн минг йигит билан жўнатди. Қолганларга ўзларига лойиқ хизматлар берди. Каримқул ўн минг аскар билан юриб Марғилон шаҳрига келди. Андаги манғитлар (Бухоро амирининг қўшинлари) қайга қочарини билмай, охийри номусдан урушга тайёргарлик кўра бошладилар. Каримқул томонидан довул урилди. Икки тарафдин икки жангчи чиқиб, найза санчишди. Манғитларнинг жангчисини Каримқул жангчиси ер тишлатди.

Каримқул тарафдан бошқа жангчи, манғитлардан яна бошқа биров жангга чиқди... Шундан сўнг икки томон жангга киришди. Қонли қиргин бўлиб, бошлар сой тошидек бўлиб ётди. У кунни кеч тушиб, эртаси уруш давом этди. Учинчи кунни жангчилар яккама-якка олишувга чиқиб, «ким юзма-юз жанг қилади», деб турганда, Марғилон шаҳридан Абдуқодирбек деган Иброҳим хаёлнинг иниси бошчилик қилган йигитлардан бири чиқиб енгилди. Манғитлар қоча бошлади. Каримқул парвоначилар ша-

---

<sup>34</sup> Бу ҳақда қаранг: Бейсимбиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-ата. «Наука», 1987; Мулла Олим Махдум Ҳожн. Тарихи Туркистон. «Насаф», 1992; Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. –Т.: «Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат напирнети», 1995; Амир лашкар Алимқул тарихи: –Т.:1997; Мағзуни. Фарғана хандарынын тарыхы. Бишкек, 2007; Muntakhab al-tawarikh. Selected history. vol. II . Muhammad Hakim Khan. Edited by Yayoi Kawahara Koichi Haneda. Research institute for languages and cultures of Aslaand Afrika. ILCAA 2006. 1.

ҳарга дабдаба билан киришди. Манғитлар лашкарлари қочиб қутулдилар. Каримқул Марғилоннинг катта-кичигини йиғиб, улардан дуо олиб, Андижон шаҳрига жўнади. Бориб шаҳарни қуршаб олди. Улар айтди: «Эй Каримча ботир (Андижондаги манғит ҳукмдори бўлса керак), кел бизга қўшулиб ёрдам бер. Шундай қилсанг бизнинг хонимиз сени катта юртга ҳоким қилар. Эй Каримча, чиқмасанг бизнинг қиличбоздан қутула олмайсан. Бу сўзларни эшитганидан сўнг (Каримча) Андижон аминларининг катта-кичигини тўплаб айтди: «Эй Каримқул ботир, ҳар кимнинг ўз ўй-фикри бор. Ҳеч ким бошқа бировнинг фикри билан иш қилмайди. Қандай урушаман десанг, мен тайёрман», деб Каримқулнинг элчиларини қайтариб юборди. Элчилар Каримчанинг сўзларини бирма-бир баён қилиб беришди. Каримқул ботир аччиғи келиб, довулни урдирди. Каримча тарафдан ҳам довул урилди...

Бу куни кеч кириб, жанг эртасига давом этди. Учинчи куни ҳам жанг давом этиб, қон дарё бўлиб оқди. Тўртинчи кун ҳам жанг бўлиб охир-оқибат манғитларнинг энгилиши билан тамом бўлди. Каримчани бойлаб олишди...

Ўш шаҳрининг азиз уламолари ва улуғлари, фуқаролари тортиғлар олиб бориб, ўз ихтиёрлари билан қўшулишди. Андин кейин Каримқул юрт улуғларидан шаҳарларга бошлиқлар тайин этди. Ўш шаҳрига Девонбеги деганни бошлиқ қилиб, ўзи Андижонда турди. Душманлик қилганларнинг барини боғлаб Қўқон шаҳрига юборди. Каримчани бош қилиб бирма-бир топширишди. Подшоҳ (Шералихон) суюнганидан Каримқулга парвоначи деган ном бериб, Андижонга ҳоким қилди. Каримқул парвоначига сарпо, от тортиқ қилди».<sup>35</sup>

Маълумотларга кўра, Каримқул Зинбардор баҳодир жангчи, азиз-авлиёлар ҳамда уламою фузалоларга ихлосманд, илм аҳлига ҳомий маърифатпарвар инсон бўлганлиги боис, узоқ вақт Қўқон хонлиги саройида юқори мансабларни эгаллаб келган. Бироқ умрининг сўнгги йилларини айнан Катта Кенагасда ўтказиб, шу ерда дафн этилишини истаганлиги Каримқул Зинбардор учун Катта Кенагас қишлоғи нақадар қадрли бўлганлигидан далолат беради.

---

<sup>35</sup> Мағзунӣ. Фарғана хандарынын тарыхы. Бишкек, 2007, 96, 102-б.

Катта Кенагасда яшаб шу ерда дафн этилган яна бир улуғ зот бу – Саййид Бузрукхон тўрадир. Бузрукхон тўранинг Катта Кенагас қишлоғида яшаб ўтганлиги хусусидаги дастлабки маълумотлар француз олими Тиерри Заркон тадқиқотларида айтиб ўтилган.<sup>36</sup>

Шу ўринда Бузрукхон тўра тўғрисида сўз юритишдан олдин унинг отаси Жаҳонгирхон тўра ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Чунки айтишларича, Катта Кенагасдаги Бузрукхон тўрага тегишли ер мулки дастлаб унинг отаси Жаҳонгирхон тўрага Қўқон хони Умархон томонидан инъом этилган экан.

Жаҳонгирхон тўра (тахм. 1788–1828) XIX асрнинг 20-йилларида Шарқий Туркистонда юз берган воқеалар силсиласида муҳим ўрин тутган тарихий шахс сифатида машҳур бўлган.

Жаҳонгирхон тўра тўғрисида Саййид Умарбек ибн Худоёрхоннинг «Анжум ат-таварих». Муҳаммад Умар Марғинонийнинг «Бадавлатнома», Тожирнинг «Фаройиби сипоҳ». Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих», Мулла Муҳаммад Юнусжон Шиғовул Додхоҳ Тошкандийнинг «Тарихи Алиқули амир лашкар», Муҳаммад Солиҳхожа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд». Исоҳқон тўра Ибратнинг «Тарихи Фарғона», Муҳйи Хўқандийнинг «Тарихи Муҳйи Хўқандий», Мулла Ниёз Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳий», Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад Тошкандийнинг «Хулосат ал-аҳвол», Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ат-таворих» сингари Қўқон хонлиги тарихига доир ёзма манбаларда маълумотлар учрайди. Мазкур асарларда Жаҳонгирхон тўра, Жаҳонгирхожа, Жаҳонгирхожам саййид Офоқий номи билан тилга олинади.<sup>37</sup> Аҳоли орасида кўпроқ у «Катта Хон Тўрам» номи билан машҳур бўлган.

2006 йилда Япониянинг «Нара Ипак йўли тадқиқот маркази» ва «Тойота» фондининг ҳомийлигида «Марказий Осиёдаги ис-

<sup>36</sup> Zarccone T. Quand le saint legitime le politique: le mausole de Afaq Khwaja a Kashgar // Cental Asian Survey, Vol.18, № 2, 1999. P.237.

<sup>37</sup> Бу ҳақда қаранг: Beisembiev T.K. annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ilcaa. Tokyo. 2008.p.148.

ломий муқаддас жойларни ўрганиш» (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси режаси бўйича Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг Уйғур автоном районининг Қашқар вилоятига халқаро илмий экспедиция ташкил этилган эди. Мазкур экспедиция чоғида хитойлик тарихчиларнинг Жаҳонгирхон тўра фаолиятига доир айрим илмий адабиётлари билан ҳам танишиб чиқишга муяссар бўлдик.

Маълумотларга кўра, Цин сулоласи ҳукумати XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Шарқий Туркистонда юз берган хожалар исёнини бостирганидан сўнг Офоқхоннинг авлодлари Қўқон хонлигига бош олиб кетишга мажбур бўладилар. Шу тарзда Қўқон хонлиги Шарқий Туркистонлик хожалари учун бошпанага айланади. «Шинжонг ерлик тарихи» китобида келтирилишича, Жаҳонгир тўранинг отаси Саримсоқхожа ҳам айнан шу даврда Қўқонга келиб ўрнашади. Натижада, XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаётган Қашқар хожалари авлодларининг сони 200 кишидан ошиб кетган.<sup>38</sup>

Маълумотларга кўра, Жаҳонгирхон тўранинг Шарқий Туркистонда ҳокимият учун бошлаган дастлабки ҳарбий ҳаракатлари 1820 йилда юз берган. Бироқ унинг дастлабки фаолияти муваффақиятсизликка учраб, ортга қайтиб келишга мажбур бўлади. Жаҳонгирхон тўранинг 1824–1826 йилдаги ҳарбий ҳаракатлари эса унга талайгина зафарлар олиб келган.<sup>39</sup> Бироқ 1827 йилда Цин армияси қўшинлари томонидан қўлга олиниб, 1828 йилда Пекинда қатл этилган.<sup>40</sup>

Ҳозирда Хитой Халқ Республикасида Жаҳонгирхон тўранинг хитойлик рассом томонидан чизилган сурати сақланиб қолган. Маълумотларга кўра, мазкур сурат Жаҳонгирхон тўрани Пекинга асир қилиб олиб кетилаётган пайтда маҳаллий рассом томонидан чизилган. Ушбу суратни хитойшунос олим Кавагое Ясухи-

---

<sup>38</sup> Шинжонг ерлик тарихи. Урумчи. Шинжонг нашриёти, 1992, 398-б.

<sup>39</sup> Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. – М.: Издательство восточной литературы, 1958. С.207.

<sup>40</sup> Кадырбаев А.Ш. Ходжи Суфийского ордена Накшбандие в Восточном Туркестане накануне в эпоху Маньжуро-Китайского владычества XVII – начала XIX века // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы: «Дайк-Пресс». 2007. С.78.

ро излаб топган. У кейинчалик «Жаҳонгир суратининг топилиши» номли мақола ёзган.<sup>41</sup>

Суратга қуйидагича изоҳ ҳам ёзиб қолдирилган:

«Бу (сурат) – Фарбий вилоятдаги қўзғолоннинг раҳбари Жаҳонгирнинг расмидир.

У (Жаҳонгир тўра) 1826 йилнинг ёзида Цин империясига қарши қўзғолон кўтариб, Қашқар, Янги Ҳисор, Хўтан, Ёрканд каби шаҳарларни босиб олди ва аскарлар ва Или амалдорларини ўлдирди. Шундан сўнг император Шанган генерал-губернатори Янг Чичун, Шандонг ҳокими Бу Лангъа ва Гунам саркардаси Янг Фунларни унга (Жаҳонгир тўрага) қарши Қашқарга юборди. Булар лашкар билан бориб зафар қучдилар ва тўрт шаҳарни қайтариб олдилар. Шундан сўнг 1827 йилнинг охирида бу қўзғолон раҳбари (Жаҳонгир тўра) Терагат тоғида асир олиниб, занжирбанд ҳолатида Пекиндаги Цин императори ҳузурига юборилди.

Ушбу расм 1828 йили апрел ойида Ханон вилоятидаги Пекинга олиб борадиган йўлда чизилди.

Генерал-губернатор Чань император тарафидан юқори табақага, Янь (амирлашкар) иккинчи даражага ўтқазилди ва Янь (Шанган генерал-губернатори) бутун Шанган вилоятига волий этиб тайинланди.

Жаҳонгир тўрани асир олиб занжирбанд қилган саркарда Чжао хизматлари эвазига мингбоши этиб тайинланди».

Жаҳонгирхон тўранинг ўлиmidан сўнг унинг фарзанди Саййид Бузрукхон тўра отасига тегишли ерда яшайди. Маълумотларга кўра, Бузрукхон тўра (Бузрукхон, Бузругхон, Хон тўрам, Подшоҳ бувам деб ҳам аталади) тўғрисида Қўқон хонлиги тарихига доир Мирзо Олим Тошкандийнинг «Ансаб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин», Мулла Маҳмуд ҳожининг «Тарихи Туркистон», Муҳаммад Умар Марғинонийнинг «Бадавлатнома», Мулла Муҳаммад Юнусжон Шифовул Додхоҳ Тошкандийнинг «Тарихи Алиқули амир лашкар», Муҳаммад Солиҳхожа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Исоқхон тўра Ибротининг «Тарихи Фарғона», Абдуллоҳ Амир Лашкарнинг «Тарихи

---

<sup>41</sup> Kawagoe Yasuhiro. «Jihangiru ryakuzono hakken». Tokyo, Bunkoshoho, No.7, 1976, p.94.

сиғарий», Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ат-таворих» асарларида маълумотлар келтирилган.<sup>42</sup>

Айтиш жоизки, Бузрукхон тўра ҳазрат Офоқ хожанинг авлоди бўлиб, бу ҳақда Мулло Мусо Сайрабийнинг (1836–1917) «Тарихи Ҳамиди» асарида баён этилган:

«Ботирлиқ хислатлик дўстлар, яқин муҳаббатлик суҳбатдошларнинг очуқ кўнглига етиб маълум ва яқин бўлғайки, бундоқ қисса ва афсоналарга қараганда, улуғ пайғамбар ва саййид авлоди Бузрукхон тўрам Жаҳонгирхон тўрамнинг ўғли, Жаҳонгирхон тўрам бўлса, Солиҳхон (аслида Саримсоқхон) тўрамнинг ўғли, бу бўлса, Бурҳониддин хожа подшоҳнинг ўғли, бу Аҳмадхон тўрамнинг ўғли, бу бўлса, Саййид Офоқ хожамнинг ўғли эди».<sup>43</sup>

Шарқшунос олим Омонбек Жалилов «Шарқий Туркистон хожаларидан Маҳдуми Аъзам авлодлари шажараси» мақоласида Офоқ (Оппоқ) хожа тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади:

«Офоқхожанинг асл оти Ҳидоятулло хожа бўлиб, у Хожа Калон-Хожа Муҳаммад Эминнинг набираси, яъни Хожа Муҳаммад Юсуф (Мозори Файз)нинг ўғлидир. Хожа Муҳаммад Юсуф отаси Хожа Муҳаммад Эминни Самарқанднинг Даҳбид қишлоғига дафн қилгандан сўнг, Шарқий Туркистоннинг Қумул шаҳрига келиб яшайди. Шунда Қашқар саййидларидан Саййид Алоуддин авлодларидан Мир Сайид Жалилнинг қизи Зулайҳобегимга уйланади. 1625 йили Қумулда хожа Ҳидоятулло туғилди. Ёркенд хони Абдуллахон (1638–1668) даврида, яъни 1638 йилда улар Қашқарга кўчиб келишади. Хон унга Башқарамни ҳадя этган. Йўлбархон (1670–1678) ва Қашқар аҳолиси унга мурид бўлган. Тахминан, 1640 йилларда отаси вафот этганида, уни муриди Ёрмуҳаммад назир қилиб берган Қашқардаги Ёғду деган жойга дафн этишади. Офоқхожа отасининг ишини давом эттириб, кўп ерларни кезиб, тасаввуфни ёйди, мурид ва мухлислар йиғди. Муридларнинг жуда кўплигидан Офоқхожага, яъни «уфқлар»,

---

<sup>42</sup> Beisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ILCAA. Tokyo. 2008.p.113.

<sup>43</sup> Мулло Мусо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди. Бейжинг.: Миллатлар нашриёти, 2007. 314-б.

«дунё қутби», «олам хожаси», «ягона авлиё» маъноларини ифодаловчи нисбатлар беришган. Офоқхожа 1694 йили 63 ёшида вафот этади. Уни Қашқарнинг Ёғду деган ерига қурилган «Офоқ алайҳи» мақбарасига дафн этишади».<sup>44</sup>

Офоқхожа ҳазратларининг саййидлик – пайғамбарзодалик силсиласига тўхталадиган бўлсак, ул зот Муҳаммад Юсуф хожанинг фарзанди, Муҳаммад Амин – Хожа Калоннинг невараси эканлиги ҳақида юқорида келтириб ўтилди. Хожа Калон ҳазрати Махдуми Аъзам – Саййид Аъзам Косонийнинг (1463/64–1542) тўнғич фарзандлари бўлиб. Наманганнинг Косонсой мавзесида таваллуд топганлар. Чунончи Носириддин ал-Ҳанафи ал-Ҳусайн ал-Бухорийнинг «Тухфат ул-зоъирин» китобининг «Ҳазрати Хожаги Махдуми Аъзам Косоний» деган бобида қуйидаги насабнома келтирилган: «Ҳазрати Саййид Аҳмад – Махдуми Аъзам бин Саййид Жалолиддин бин Саййид Жамолиддин бин Саййид Бурҳониддин хожам бин Саййид Амир Мажнун ибн Саййид Бурҳониддин Қилич бин Саййид Камолиддин бин Саййид Жалолиддин бин Саййид Шоҳ Ҳусан бин Саййид Ҳасан бин Саййид Муҳаммад бин Саййид Аҳмад бин Саййид Абдулло ал-Афзал бин Саййид Абдуллои Акмал бин Саййид Абу Толиб ҳужжатуло Саййид Муҳаммад Али бин ҳазрати Имом Али Мусо ар-Ризо бин ҳазрати Имом Мусо Козим бин ҳазрати Жаъфари Содиқ бин ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир бин ҳазрати Имом Зайнул-Обиддин бин ҳазрати Имом Ҳусайн бин ҳазрати Амирал-мўминин Имом Али ва Фотимаи Заҳро (р.а.) ҳазрати Муҳаммад мустафо саллолуҳу алайҳи васаллам!».<sup>45</sup>

Айтиш жоизки, Бузрукхон тўра дастлаб XIX асрнинг 30-йилларида Фарғона водийсидан кетиб, ҳали ёш бўлишига қарамай, Шарқий Туркистонда юз берган сиёсий курашларда фаол иштирок этганлиги тўғрисида ёзма манбаларда қатор маълумотлар учрайди. Бироқ, мазкур курашларда Бузрукхон тўранинг муваффақиятсизликка учраганлиги ҳикоя қилинади. Масалан, «Тарихи Туркистон» асарида қуйидагилар баён этилган:

«...Бир ой ўтгандан кейин Бузрукхон тўра Хитой Гулбоғини фатҳ қилгани хабари келиб, Хўқанд шаҳрига шодиёналар бўлибди.

---

<sup>44</sup> Жалилов О. Шарқий Туркистон хожаларидан Махдуми Аъзам шажараси // Турон тарихи. –Т.: 1994, 11-б.

<sup>45</sup> Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Сўғдиён, 1994.,9-10-б.

Муҳаммадалихон тахтга ўлтурганининг ўн учинчи йилида Хитой қўшуни келиб, Қошғарни Бузрукхон тўра қўлидин олиб, тахти тасарруфига киргизибдур. Бузрукхон тўра неча минг одам ила яланг оёқ, яланг бош, безоди роҳила [йўл озикисиз] болачақа, катта-кичик жилойи ватан бўлуб, Фарғона вилоятига келибдур».<sup>46</sup>

Бизнингча, айнан шу даврда Бузрукхон тўра отасига Қўқон хони томонидан суюрғол қилиб берилган Катта Кенагасдаги ерларида яшай бошлайди. Ўзи билан олиб келган қашғарликларни эса, Катта Кенагас ҳудудига жойлаштирганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Натижада, Катта Кенагас қишлоғида биз юқорида тилга олган Тоғлик ва Кичик Қашқар сингари қашғарликлар билан боғлиқ маҳаллалар пайдо бўлган кўринади.

Маълумотларга кўра, XIX асрнинг 60-70 йилларида шарқий Туркистон аҳолиси Цин ҳукмронлигига қарши жуда кўплаб қўзғолонлар олиб боради. Шундай ҳаракатлардан бири 1864 йил 4 июнда Кўчарда бошланди ва шу пайтда Рашидиддинхон бошчилигида Кўчар хонлиги ташкил топади.

Ана шундай мураккаб вазиятда Қашқар ҳоқими Содиқбек ўзининг ҳоқимиятини сақлаб қолиш мақсадида, Қўқон хони Саид Султонга мурожаат қилиб, Жаҳонгирхонанинг ўғли Бузрукхонни Қашқарга таклиф этади.<sup>47</sup> Зотан, бунинг ўзига хос сабаби бўлган. Қозоқ олими Чўқон Валихонов (1835–1865)нинг таъкидлашича, Бузрукхон тўра нафақат Қўқон хонлигида, балки Шарқий Туркистон аҳолиси орасида машҳур бўлган. Ч.Валихонов Бузрукхон тўранинг бу қадар машҳурлиги борасида қуйидагиларни келтиради:

«Жаҳонгир ўзидан ёлғиз Бузрукхон тўрани қолдирган. У (Бузрукхон тўра) олий насаб вакили сифатида «Махдуми Аъзамий» унвонини олган эди. Уни (Бузрукхонни) юмшоқ табиатли 38

---

<sup>46</sup> Мирзо Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан тадбил: Ш.Воҳидов ва Р.Холиқова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008, 94-б.

<sup>47</sup> Акбаров Қ., Маъмуров Ж., Ботирова Н., Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан алоқалари тарихидан // «Қўқон асрлар силласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Қўқон, 2004, 191-б.

150, 8-



ёшли<sup>48</sup> олим ва авлиё киши сифатида Қўқон ва Кичик Бухоро (Шарқий Туркистон)да бениҳоят ҳурмат қиладилар». <sup>49</sup> «Қашқар ва Фарғона тарихи» асарининг муаллифи Муҳаммад Зарифнинг баён этишича, Бузрукхон тўра ниҳоятда тақводор зот бўлиб, зоҳидлардек ҳаёт кечирган. <sup>50</sup>

Шу ўринда Мулло Мусо Сайрамининг «Тарихи Ҳамиди» асарида Бузрукхон тўранинг 1864 йилда Қашқарда хонлик маснадига ўтириши хусусида келтирган маълумотларидан айрим парчалар билан танишиб ўтсак:

«Ёқуббек Бузрукхон тўрамга доvon устида етишиб келди. Хон тўрам унинг билан кўрушуб, келганига ниҳоятда хушҳол бўлуб ифтихор билиб, ҳамма йигитларни мазкур қушбегига топшурди. Натижада, Бузрукхон тўрам тўралик маснадида, қушбеги хизматкорлик даражасида туруб, манзилма-манзил юруб Қашқар тевасига етиб келди. Бу тарих ҳижрий 1281 (милодий 1864) йили жадди фасли эди.

Бу чоғда Сиддиқбек(Содиқбек) ўзи қилғон ишга хафа ва пуншаймон бўлуб, иложсиз Хон тўрамнинг олдига киши чиқорди. Ортидин ноилож ўзи ҳам чиқди. Катта-кичик Қашқар аҳли тўб-тўб бўлуб тўрамнинг олдига чиқиб, зиёрат қилиб, шод-хуррамлик билан шаҳарга бошлаб кириб, Сиддиқбекнинг жой – макониға тушурди... Бузрукхон тўрам бу урушнинг фалакка етган бахт хушҳоллиқини Мулла Алимқулнинг<sup>51</sup> муборак қулоқлари-

---

<sup>48</sup> Чўқон Валиханов Шарқий Туркистонга қилган сафари 1856 йилда юз берганлигини назарда тутсак, Бузрукхон тўра 1856 йили 38 ёшда бўлган. Демак, Бузрукхон тўра 1818 йилда туғилган бўлиб чиқади.

<sup>49</sup> Валиханов Ч. Избранные произведения. Казахское государственное издательство художественной литературы, Алма-Ата. 1958. С.541.

<sup>50</sup> Вей Ляктоу, Ляо Чигин. Хожалар жамияти ҳақида / Таржима қилгучи Қурбон Турон. Бейжинг. Миллатлар нашриёти. 2006. .503-б.

<sup>51</sup> Аслида бу шахснинг исми муҳрларда «Мулла Алиқули амир улумаро ибни Ҳасанбий» номи билан юритилиб, манбаларда Алиқули номи билан тилга олинади. Султон Саидхон давридаги амирлашкар Олимқули ёхуд Алимқул ўрнида худди шу Алиқулини назарда тутмоқ керак бўлади. Амирлашкар Алиқули 1865 йили Тошкент атрофида Чор Россияси кўшинига қарши жангда ҳалок бўлгач, Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилган. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. –Т.: «Маънавият», 1999.

ға етказушни лозим деб тобти... Бу хизматчилар хўб вақт ва яхши соатда Қўқанга етиб бориб. Мулла Алимқулға кўруниш фурсатиға эга бўлди. Мулла Алимқул бўлса, бу хизматчиларга тўн – кийим-кечак, харжлайдиғон тилла, қурол-яроғ эҳсон ва инъом қилиб, Бузрукхон тўрамни хон кўтаруб, ниҳоятда қимматбаҳо тошлар билан безалган олтун тож, ҳамма эгар-жабдуқлари тамоман олтундан ярим чамбарак қилиб безаб нақшланган от, икки нафар кучлук ва овози яхши шотир (навкар, жиловдор), тўққуз нимча тўн, ҳасса, эгар-жабдуқларға олтун ҳал берилган тўққуз от ва бир тўққуз милтиқ сингари совға-саломларни юбориб мубораклаб, ҳаддан зиёда марҳамат ва илтифотлар қилиб, ниҳоятда зўр меҳрибончилик қилди. Бу хизматчилар шарафлик вақт ва гўзал соатда етиб келиб, Бузрукхон тўрам билан кўрушди. Тўрам шоҳлик тожисини муборак бошиға қўйди. Отқа миниб қурол-яроғларини қўлга олди. Ҳамма катта-кичиклар муборакбодлик садосини ва хушлуқ овозини бу кўк рангли фалактин ўтқузди. Султон, подшоҳларнинг қоида-услуглари бўйича подшоҳлик тахтига ўрунлаштурди. У (Бузрукхон тўра) атушлуқ Маҳмудхонни шиғовул қилиб тайинлади ва бошқа худайчи, парвоначи, эшикоғаси сингари мансабларни белгилади...

Бузрукхон тўрам тахти салтанатда ўлтуруб Қашқар, Янги-сор<sup>52</sup> тевасиғача муносиб одамларни тайинлаб, ҳар қайсисиға лойиқроқ тўн – кийим-кечакларни бериб шоҳоналик марҳамат ва подшоҳлик иноятларни қилиб хотиржам бўлди. Жанжали ва бесарамжон кунлар ўтуб, интизом ўрунлатди.<sup>53</sup>

Маълумотларга кўра, Бузрукхон тўра диний арбоб бўлгани учун Қашқар хонлигида давлат ишларини бошқаришни бош қўмондон Содиқбек (Сиддиқбек)ка топширади. Бундан норози бўлган Ёқуббек қушбеги Содиқбекдан бош қўмондонликни тортиб олиш мақсадида Бузрукхожа ва Содиқбек ўртасиға низо солишға эришади. Натижада, бир қисм қўшин билан хондан юз ўгириб қочиб кетишға мажбур бўлади. Фурсатдан фойдаланиб Ёқуббек, Содиқбекнинг одамларидан бир қанчасини сотиб олиб уни ўлдиради.<sup>54</sup>

---

<sup>52</sup> Янги Ҳисор.

<sup>53</sup> Мулло Мусо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди... 309-312-б.

<sup>54</sup> Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. –Т.: «Фан», 1989. 14-б.

Шундан кейин Ёқуббек Қашқар хонлигининг бош қўмондонни этиб тайинланади ва тез орада у бутунлай ҳарбий ва маъмурий ҳокимиятни ўз қўлига олади. Натижада, Бузрукхон тўра тахдан воз кечишга мажбур бўлади. Айрим маълумотларга кўра, Ёқуббек Бузрукхон тўрадан қутулиш мақсадида 4000 тилла билан уни ҳажга жўнатади.<sup>55</sup> Шу тарзда Бузрукхон тўра Қашқарни тарк этади. У Қашқардан йўлга чиқиб, Кашмир орқали Ҳиндистонга ўтиб Маккагача бормаи оғир бетоблиги учун Қобулга келади. Бузрукхон тўра Қобул ҳукмдори билан учрашиб, бир неча кун беморлиги туфайли унинг саройида қолишга мажбур бўлади. Сўнгра Қўқонга йўл олади.

Айтишларича, Бузрукхон тўра Қўқонга кириб келган вақтларда соғлиги тобора ёмонлашган бир ҳолатда бўлган. Бузрукхон тўра<sup>56</sup> умрининг охириги бир неча кунларини Катта Кенагас қишлоғида ўтказиб, вафотидан сўнг Катта Кенагас қабристонида дафн этилади. Маълумотларга кўра, Бузрукхон тўра, тахминан 1869-1870 йилларида вафот этган. Унинг 1870 йилда вафот этганлигини Қашқар хожалари тарихи юзасидан кўп йиллардан буён тадқиқот олиб борган француз олими Александр Папас ҳам тасдиқлайди.<sup>57</sup>

XX аср бошларига келиб Бузрукхон тўра мақбараси нафақат Катта Кенагасликларнинг, балки теваарак-атрофда яшовчи аҳолининг ҳам сеvimли зиёратгоҳига айланган (Мақбара биноси ноёб меъморчилик обидаси сифатида давлат муҳофазасига олинган). Бузрукхон тўра зиёратгоҳи билан боғлиқ айрим воқеалар ҳалихануз қишлоқ аҳлининг ёдида сақланиб қолган.

Айтишларича, ўтган асрнинг 20-йилларида большевикларнинг отряд қўмондонни бўлган ўзбек йигитларидан бири Бузрукхон тўранинг мақбарасини зиёрат қилиш учун Катта Кенагас

---

<sup>55</sup> Акбаров Қ., Маъмуров Ж., Ботирова Н., Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан алоқалари тарихидан... 192-б.

<sup>56</sup> Олинган маълумотларга кўра, Бузрукхоннинг олти ўғил ва бир қизи бўлган. Қизи Қашқарда турмушга чиқиб, ўша ерда қолган. Катта ўғли Саримсоқхон тўра Аравон қишлоғида, Ҳожиақбархон тўра Қувада, Маҳмудхон тўра ва Маъсумхон тўра (Катта Кенагас қишлоғида, бизга исми номаълум бўлган яна қолган икки фарзандлари Андижоннинг Пойтуқ ва Асака ҳудудларида яшаб ўтганлар.

<sup>57</sup> Papas A. Soufisme et Politique entre Chine, Tibet et Turkestan. Paris: Jean Maisonnuve Successeur. 2005. P.227.

қабристонига йўл олади. Айнан шу пайтда унга қарши неча кунлардан бери жанг қилаётган қўрбошилардан бири ҳам Бузрукхон тўра қабрини зиёрат қилиш учун мақбара томон кириб келади. Бир-бири билан юзма-юз бўлиб қолган икки рақиб қўл бериб кўришадилар. Сўнгра мақбара олдида кетма-кет Қуръон тиловат ўқишиб, яқин кишилардек хайрлашадилар.

Катта Кенагасда яшаб ўтган Бузрукхон тўранинг Султон Маҳмудхон тўра<sup>58</sup> (1859–1924) фарзандидан 9 ўғил ва уч қиз қолган.<sup>59</sup> Султон Маҳмудхоннинг Катта Кенагасдаги фарзанди Абдулқодирхон тўранинг беш ўғил ва икки қизи бўлган.<sup>60</sup>

2005 йили кунчиқар мамлакат – Японияда ўтказилган «Фарғона ва Шинжонг зиёратгоҳлари» мавзусидаги халқаро конференцияда Токиодаги Чуо университетининг профессори Шимен Ясуши Катта Кенагас зиёратгоҳлари мавзусидаги маърузасини ушбу анжуман иштирокчиси сифатида тинглар эканмиз, сўлим Кенагас қишлоғининг тарихи нақадар бой ва қизиқарли эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Муҳтарам Шимен Ясушининг ушбу маърузаси кейинчалик кенгайтирилган ҳолда «Катта Кенагасдаги Бузрукхон тўра мазори» номи билан мақола сифатида чоп этилди. Ушбу мақола «Қошғар хожалари ва Бузрукхон тўра», «Кенагасдаги Бузрукхон тўра зиёратгоҳи», «Бузрукхон тўранинг Катта Кенагасдаги авлодлари» сингари боблардан иборат бўлиб, унда илк бор Катта Кенагас қишлоғи тарихи тўғрисида маълумотлар келтирилган.<sup>61</sup>

Айтиш жоизки, хорижлик тадқиқотчиларнинг Катта Кенагас тўғрисидаги тадқиқотларининг хулосаларида умумий ўхшаш-

---

<sup>58</sup> Айтишларича, Султон Маҳмудхон тўра халқ орасида Хон бува номи билан машҳур бўлган.

<sup>59</sup> Султон Маҳмудхон тўранинг ўғиллари: Пошшоҳон тўра, Ҳожихон тўра, Машрабхон тўра, Ҳожиакбархон тўра, Масайидон тўра, Султонхон тўра, Абдуқодирхон тўра, Саййид Маҳмудхон тўра, Ҳокимхон тўра.

Султон Маҳмудхон тўранинг қизлари: Офтобхон пошшо, Фазилхон пошшо, учинчи қизининг номини аниқлай олмадик.

<sup>60</sup> Абдулқодирхон тўранинг ўғиллари: Тожимуҳаммадхон, Юнусхон (Саййид Акбархон), Юсуфхон, Исмоилхон, Асадуллахон.

Абдулқодирхон тўранинг қизлари: Муҳтор Азимхон, Марямхон.

<sup>61</sup> Shimen Y., Kawahara Y. Mazar Buzyrg Khan Tora in Katta Kenagas Village // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo. 2007. – p.79-102.

лик мавжуд. Чунончи, уларнинг келтирилган хулосаларига кўра, бир қарашда бошқа қишлоқлардан деярли фарқ қилмайдиган Катта Кенагас қишлоғи аслида ўзининг бой тарихга эга эканлиги билан диққатга сазовордир.

\* \* \*

Катта Кенагаснинг улуғ инсонлари тўғрисида сўз очганимизда, Мамажон қози Мирзажон мингбоши ўғлининг номини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш лозим бўлади. Чунки у киши ва унинг авлодларини қишлоқнинг ободончилиги борасида амалга оширган хайрли ишлари таҳсин ва мақтовларга сазовор.

Мамажон қози XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида чор Россиясининг Фарғона области генерал-губернаторлиги томонидан сайланган маҳаллий амалдор – Кенагас қишлоғи қозиси бўлган. Унинг қозилиги вақтида 1883 йил ҳозирги Обжувоз маҳалласидаги масжидни қурдириб, қатор обжувоз, боғлар ҳамда мадраса ҳам барпо этган. Мамажон қози ўзининг адолатпарварлиги билан эл-юрт орасида обрў топган. Айтишларича, унинг бу хислатлари фарзандларида ҳам намоён бўлган. Катта Кенагасда унинг авлодларини «қозизодалар» деб аташган.<sup>62</sup>

---

<sup>62</sup> Маълумотларга кўра, Мамажон қози Риштоннинг Оқ ер қишлоғидаги Кароматхон ҳамда Андижоннинг Қўрғонтепа қишлоғидан бўлган Нусратой исмли аёлларидан тўрт ўғил ва тўрт қиз кўрган. Мамажон қозининг ўғилларидан бири Соатжон (1904–1931) Қўқон шаҳридаги газеталардан бирида ишлаётган вақтида отиб ташланган.

Мамажон қозининг иккинчи ўғли Абдуллажон (1905–1980) ўсмирлик йилларида Қуръони каримни ёд олгани учун қишлоқ аҳли орасида «Қори дада» деган номни олган. У кўп йиллар давомида савдо ходими вазифасида ишлаган. Унинг 4 ўғил ва 2 қизи бўлган. Катта ўғли Анваржон (1936–1991) шогирдлари билан Ҳазиний уй музейи қурилишида қатнашган. Яна бир ўғли Адҳамжон (1940–1996) ўқитувчи касбида меҳнат қилган. Яна бир фарзанди Муҳсинжон биолог олим сифатида юртимизда ғаллачиликни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшган инсонлардан бири. Кенжа ўғли Мансуржон тадбиркорлиги билан бугунги кунда Кенагас қишлоғини ободонлаштиришда самарали меҳнат қилмоқда.

Мамажон қозининг учинчи фарзанди Нўмонжон (1915–1973) Катта Кенагас қабристонини девор билан ўрашда, Обжувоз маҳалласига кўприк қурдиришда бош-қош бўлган саховатпеша инсон бўлган. Тўртинчи ўғлининг исмини Мўминжон деб атаганлар.

Большевикларнинг давлат тўнтариши орқали ҳокимиятга келишидан сўнг Мамажон қози қозилик фаолиятини тўхтатиб, бир мунча вақт Тошкент атрофларида ҳаёт кечиршига мажбур бўлади. Бироқ 30-йилларда юз берган қатағонлик уни ҳам четлаб ўтмаган. 1937 йилда Тошкент шаҳрида қуйи Чирчиқдаги Шоназар қишлоғида шолчилиқ бригадасининг етакчиси сифати ишлаб турмуш кечираётган пайтда Мамажон қози НКВД ходимлари томонидан қўлга олиниб, қатағон қилинган.<sup>63</sup>

Мамажон қозининг адолатпарвар бўлганлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шу ўринда ўтмишда яшаб ўтган қозиларнинг шариат юзасидан одил ҳукм чиқаришларига доир қуйидаги ҳикояни келтириб ўтсак:

«Бир шаҳар қозисининг девор дармиён қассоб қўшниси бор экан. Бир куни қассобнинг хотини ундан қатиқ олиб келишни илтимос қилибди. Қассоб гузарга чиқиб бир чапьяда қатиқ сотиб олиб келади. Уйга кирса хотини йўқ, қатиқни шу ерда қолдириб хотинини ахтариб чиқиб кетибди. Хотин қўшниникига чиққан экан. Бир муддатдан кейин келганида, қассоб: «Бор, идишни бўшатиб бер, эгасига қайтаришим керак», дейди. Бундай қарасалар, уйнинг ичидан ит тумшуғини ялаб чиқиб келяпти. Тумшуғи оппоқ қатиқ. Югуриб уйга кириб қарашса, идиш ағдарилган. Қатиқнинг учдан бири йўқ. Эр хотинни роса уришибди. «Сен менга қатиқ олиб келинг, деб ўзинг қўшниникига чиқиб кетибсан. Мана оқибати қатиқ ҳам булғанди. Идиш ҳам ҳаром бўлди». Қассоб идишни эгасига қандай қайтараман деб ҳайрон бўлади. Шунда қўшнисини – қози ёдига тушади. Қозининг олдига кириб, ҳолини арз қилиб: «Идиш нима бўлади?», деб сўрабди. Қози: «Итнинг ўша идишдан қатиқ ичганини ўз кўзинг билан кўрдингми?» дейди.

– Кўрганим йўғ-у, бироқ ит қатиқ турган уйдан чиқиб келаётган эди. Тумшуғи оппоқ қатиқ эди. Уйга кирсак идишдаги қатиқ ярим бўлиб қолибди. Қатиқни шу ит ичмай ким ичади ахир? – деб жавоб қайтарибди қассоб.

Қози:

– Сиз ўша ит идишга оғзини солиб ялаётганини кўрсангиз, демак идиш ҳаром бўлди деб ҳукм чиқарамиз. Эҳтимол чапьядаги

---

<sup>63</sup>Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Учкўприк тумани Катта Кенагас қишлоғида яшовчи Мансуржон Мамажоновдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

қатиқни мушук ёки бошқа ҳайвон ялагандир. бизга қоронғу. Ит ялаганини кўрмасдан идишни ит ялаб ҳаром қилди. деб ҳукм чиқармаймиз, – дейди.

Қассоб: «Қози ҳам девона бўлиб қолибди», деб қатиқни тўкиб юбориб, қози ҳукмига мувофиқатан, дея идишни эгасига чиқариб берибди. Шу куни қассоб қўй сўйибди. Қўйнинг терисини ажратаётганда, одатда, қассоблар пичоқни оғизларига тишлаб олиб қўллари билан ажратадилар. У ўз одати бўйича терини шилаётган эди, бир ит келиб қўйнинг калласини қулоғидан тишлаб олиб қочади. Қассоб ҳай-ҳайлаб итнинг орқасидан қувлаб кетибди. Ит қочиб бориб омбордан ўтиб кетибди. Қассоб ўта олмай девордан ошиб ўтса, девор тагида бир одам, чала сўйилганича хириллаб ётганмиш. Аҳволни кўриб қассоб, оғзида пичоқ ҳамма ёғи қон ҳолатда қотиб қолибди. Шу пайт қўшнилари югуриб чиқиб келишади. Дарҳол қассобни ушлаб роса уришибди. Кейин судраб қозининг олди-га олиб боришибди. «Фалончини фалончи қассоб сўйиб юборибди» деган овоза тарқалибди. Қози қараса, «ўша қатиқ ва идиш тўғрисида» ҳукм сўраган қассоб қўшнисини. Қози одамлардан: «Бу кишини сўйилган одамнинг бўйнига пичоқ тортаётганларини кўрдингми?», деб сўрабди. Одамлар:

– Йўқ, пичоқ тортаётганини кўрганимиз йўғ-у, бироқ унинг уст-бошларига қон сачраган, оғзида пичоқ бор эди. Шуни кўриб ушлаб келдик, – дейишибди.

Қози:

– Пичоқ тортаётганини ҳеч ким кўрмаган бўлса, у сўйди деб шариат ҳукм чиқармайди. Эҳтимол, уни бошқа киши сўйиб кетгандир. Қассоб сўяётганда ит бирон нарсани ўғирлаб қочган. У итни қувлаб жиноят содир этилган жойга келиб қолган. Сўйган одам шарпани сезиб, қўшнингизни чала сўйиб қочиб кетган бўлиши мумкин, – дейди.

Қассоб:

– Вой ростданам худди шундай, қўй сўяётган эдим. Ит каллани олиб қочди. Орқасидан қувладим. Ит омбордан ўтиб кетди. Мен сизга девордан ошиб тушдим. Қарасам бир одам девор тагида чала сўйилган ҳолда хириллаб ётибди.

Қози:

– Бу одам айбсиз, уни қўйиб юборинглар. Сўйган одамни топиб келасизлар, – деб қассобни озод қилибди. Қассоб ўлим чангалидан қутулганига шукр қилиб, уйга қайтиб бориб, ўзи тўкиб

юборган қатиқни ерга ётиб олиб лой аралаш ялаётганмиш «Вой шариатнинг ҳукмидан айланай», деб тинмай такрорлармиш».<sup>64</sup>

Бузрукхон тўра ва Мамажон қози фаолиятига доир қизиқишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бу икки хонадон тарихи хусусида алоҳида китоб битиш мумкин. Бу эса ўз навбатида кўп изланиш ва тадқиқотларни талаб этади. Умид қиламизки, келгусида тарихимизнинг жонқуярлари бўлган заҳматкаш олимларимизнинг илмий изланишларида биз тилга олган мавзу атрофлича ёритиб берилади.

\* \* \*

Кенагас фазилатлари ҳақида Мамажон қозининг ўғли Абдуллажон қори даданинг ҳикояси эътиборга лойиқ.

«Кунларнинг бирида, айти ёзнинг саратон кирган вақти, дўкон олдида ўтирсам, Қўқон-Бағдод йўналишидаги автобусдан Тоғлиқ қишлоғи бекатида бир нотаниш киши тушиб, Кенагас томон пиёда келаётганидан таажжубга тушдим. Нотаниш киши Кенагас тўғрисида келганида, уни олдимга чақириб бир пиёла яхна чой узатдим. Иссиқдан терлаб кетганлигидан чойни қўлимдан қайтармай олди. Шундан сўнг ундан сўрадим: «Биродар, кечирасиз, ҳалитдан бери кузатаман. Тоғлиқ бекатидан тушиб шу ергача нега пиёда келмоқдасиз?»

У менинг саволимга вазминлик билан аста-секин жавоб берди:  
– Исмиб Набихон.

Кейин билсам у киши шоир Чустий домла эканлар. Чустий домла «Бу ерда шундай улуғ зотлар яшаб ўтганки, уларнинг ҳурматидан автобусда индамай ўтиб кетишни ўзимга лойиқ кўрмадим. Шунинг учун Кенагасдан пиёда ўтиб бўлгач, яна автобусга чиқаман» дедилар. Шоир Чустийнинг бу сўзлари, Катта Кенагас қишлоғига бўлган эҳтироми юрагимда бир умрга хотираланиб қолди».

Шоир Чустийнинг Катта Кенагас қишлоғида яшаб ўтган улуғларга бўлган эҳтироми бошқаларни ҳам ундан ибрат олишга ундайди. Зеро, донишмандлар айтганларидек, улуғларни эслаш билан кишилар Аллоҳ таолонинг раҳматига сазовор бўладилар.

---

<sup>64</sup> Тожимуҳаммад ҳожи Фозилжон ўглининг «Илм саодати» рисо-ласининг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллифга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.



## ЗИЁВУДДИН ҲАЗИНИЙ

*«Қўқонлик шеършунос ҳаққўйларнинг эътирофларича Ҳазиний ёшлигида анчагина дардли шеърлар ёзган шоир бўлиб, «Тор ўлди Ҳазинийга Фаргона тонг отгунча» деб ёзилган ҳаққоний лирик сатрлар... насиҳатқўй газаллар ёза бошлади».*

*Собир Абдулла.  
Ўзбекистон халқ шоири.*

*«Шоирнинг халқ тили ва дилига яқин, раво, мутаассир шеърлари инқилобдан олдин кўп ҳофизлар томонидан халқ сайилларида, тўйларда, турли маъракаларда айтилган. Унинг «Ё ҳаёт ан-набий» радиопли газали билан айтилган қўшиқ Ҳамроқул қори ижросида грамофон пластинкасига ҳам ёзиб олинган».*

*Аҳмадҷон Мадаминов.  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.  
филология фанлари номзоди.*

Бугунга келиб Зиёвуддин Ҳазиний адабий мероси юзасидан изланишлар олиб борган олимларимиз Ҳазиний Қўқон адабий муҳитининг Муқимий, Фурқат, Завқий, Муҳйи, Ниҳоний сингари энг йирик намояндалари билан тенг юсакликка кўтарилган улкан мутасаввуф ва лирик шоир сифатида машҳур бўлганлигини таъкидлашади. Масалан, бу борада адабиётшунос олим Шариф Юсупов қуйидагиларни ёзади:

*«Шуниси ҳам борки, XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида шеърят ихлосмандлари орасида Зиёвуддин Ҳазиний қадар зўр шуҳрат қозонган бошқа бирор ўзбек шоирини тасаввуф қилиши мушкул. Масалан, «Баёзи Ҳазиний» 1910–13 йиллар орасида Фулом Ҳасан Орифҷоновнинг Тошкентдаги матбаасида янги янги асарлар ҳисобига тўлдирилган ҳолда етти марта чоп этилганлиги бу тенгсиз қилам соҳибининг китоби, ўша давр маданий ҳаётида қанчалар катта воқеа бўлганлигини кўрсатиб турибди. Биргина баёз атиги уч йиллик қисқа муддатда етти бор чоп этилиб, кўз очиб юмгунча тарқаб кетганлиги, аввало халқнинг ўз шоирига меҳри бениҳоя эканлиги билан изоҳланар эди.*

*Маълумки, Ҳазиний XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср биринчи чорагида, ўлкамизда мураккаб тарихий вазият ҳукм сур-*

ган бир даврда яшаб ижод этди. Бу даврда Қўқон, Хива ҳамда Бухоро адабий муҳитларида янгича маърифатпарварлик йўналишида асарлар яратган Аҳмад Донши, Сатторхон, Фурқат, Ибрит, Комил тахлитидаги ижодкорлар мероси адабиётимизда янги бир босқични бошлаб берди, кейинчалик улар ижоди Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Мунавварқори, Таваллю ва бошқалар томонидан давом эттирилиб, юқорироқ поғонага кўтарилди.

Аmmo гап шундаки, Ҳазиний уларнинг аксар қисми билан бир даврда яшаб, биргаликда ижод қилган бўлса ҳам, унинг меросида янгича маърифатпарварлик ва жадишлик йўналишидаги асарлар деярли учрамайди. Шоирнинг 1999 йилда китобхонларга тавсия этилган девони, уни аввало йирик мутасаввуф шоир, диний мавзулардаги шеърятнинг энг азамат вакилларида бири сифатида гавдалантиради. Иккинчи томондан эса, шоир дунёвий мавзуларни, ишқи мажозийни акс эттиришида ҳам улкан истеъдод эгаси эканини баралла намойиш этади».<sup>65</sup>

Зиёвуддин Ҳазиний адабий меросига қизиқиш ва эътибор шоир ҳаётлик давридаёқ бўлган. Кейинчалик собиқ Совет тузуми даврида унинг ижодига танқидий ёндашувлар асосида эътибор берилганлиги маълум. Фақат мустақиллик даврига келиб, Ҳазиний ижодига қизиқиш тубдан ўзгарди. Бу ҳақда О.Жўрабоев жумладан шундай ёзади:

«Масалан, 1908 йил «Туркистон вилоятининг газети»даги мақолани ҳамда, 1910 йил Орифжонов матбаасида босилган «Баёзи Ҳазиний» унвон варагидаги сўзбошини келтириш мумкин. Шоир шеърларидан бир неча наъмунани эса собиқ Совет даврида биргина О.Шарафуддинов томонидан тузилган ўзбек адабиёти мажмуасидагина кўрамиз. Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» асарида Ҳазиний ҳақида қисқача маълумот ва шоир асаридан намуна берилган. Бироқ, Ҳазиний ҳаёти ва ижодининг яхлит тадқиқи истиқлолгача бўлган давр мобайнида юзага келмади. Совет даврида нашр бўлган баъзи илмий ва бадиий адабиётларда шоир ва унинг адабий меросига синфийлик нуқтаи назаридан ёндошилиб, ҳолис баҳо берилмаган эди. XX асрнинг 80-йиллирига келиб эса, Ҳазиний ижодига қараш ижобий

---

<sup>65</sup> Юсупов. Ш. Тарих ва адаб бўстони. –Т.: Маънавият, 2003. 141-142-б.

томонга ўзгара бошланганлиги ва шоирнинг баёзларига манба сифатида қарай бошланганлиги кузатилади. Истиқлолдан кейин ф.ф.н. А. Мадаминов наирга тайёрлаган шоирнинг шеърлар тўплами диққатга сазовор. Кичик сўзбоши билан берилган бу наир, Ҳазиний «Девон»и наирга қадар, шоир ижоди юзасидан маълумот берувчи манба вазифасини ўтади. Ф.ф.н. И. Остонақулов ҳам айрим ишларида шоир ҳаёти ва ижодига эътибор қаратган. Профессорлар А. Абдуғафуров, Ш. Юсупов ва Р. Орзибековнинг алоҳида мақоласи, Ҳ. Кароматов ва Б. Қосимовларнинг айрим тадқиқотларида шоир ижоди юзасидан ижобий фикрлар билдирилган». <sup>66</sup>

Дарҳақиқат, XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Шўролар мафкурасининг тўқиб чиқарилган уйдирмаларидан халос бўлган халқимиз узоқ йиллар давомида тадқиқот сифатида ўрганилмай келинган ижодкорларнинг адабий мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Бундай ижобий жараён Ҳазиний меросини ўрганишда ҳам яққол кўзга ташланди. Натижада, юқорида номлари зикр этилган олимларимиз томонидан қатор илмий мақолалар чоп этилди. <sup>67</sup> Ҳазиний ижоди бўйича чет эл

---

<sup>66</sup> Жўрабоев О. Р. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси. НД автореферати. –Т.: 2003, 4-5-б.

<sup>67</sup> Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов М., Остонақулов И. Бу жаҳонга ким келибдур // Ўз АС. 12.IV.1991; Орзибеков Р., Абсамиев Ҳ // Адабиёт ва тарих. Ўз АС. 29.XI.1991; Йўлдош Сулаймон. Ҳазиний ноласи // «Олтин водий» вилоят газетаси. 18.04. 1992; Икромиддин Остонақул ўғли. Зиёвуддин Ҳазиний. // Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. –Т.: 2004; Умарова И. «Ҳазиний тўрамнинг ғазали» // Миллий тикланиш. 1996 йил, 5 ноябр; 44 (73); Алиев Н., Остонақул И. «Расуллуллоҳ вориси» // Сирли олам. 1997.№ 10; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар / Мен Вомиқу сен Узро. –Т.: 1998; Юсупов Ш. Ҳазиний тўра меросига бир назар (Сўнгсўз ўрнидаги мақола) / Ҳазиний. Девон. 1999; Орзибеков Р. Ҳазиний Хўқандий назмиётида илоҳий тимсоллар талқини // Мустақиллик, Самарқанд ва миллий қадриятлар. –Т.: 1998; Кароматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. –Т.: 1999; Қосимов Б. XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар / Китобда: Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: 1999; Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. –Т.: «Маънавият», 2003; Мадаминов А., Турдалиев А. Хазини // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 4. –М.: 2003.

матбуотида ҳам мақолалар босилиб, баъзи ғазаллари француз тилига таржима этилди.<sup>68</sup>

«Ҳазиний юрти» номли мазкур рисоламизда Ҳазиний адабий мероси ва унинг шеърляти хусусида сўз юритмаймиз. Зеро, Ҳазиний ижодий мероси юзасидан изланишлар олиб борган Отабек Жўрабоевнинг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритиб берилган.<sup>69</sup>

---

<sup>68</sup> Ostanaquolov I. Traditions orales et Literature chez les qadiri de la vallee Ferghana aux XIXe-XXe siecles (Traduit de L'uzbek). //Journal of the history of sufism. Istanbul. «Simurg».2000. № 1.(Frans) 304-336 L.

<sup>69</sup> Бу ҳақда қаранг: О.Жўрабоевнинг Ҳазиний ижоди бўйича тадқиқотлари: Ҳазиний. Девон. –Т.: «Маънавият» Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифлари: А.Мадаминов ва О.Жўрабоев, 1999; Жўрабоев О. Р. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси. Н.Д.автореферати. –Т.: 2003; Жўрабоев О. Ҳазиний тўра (ҳаёти ва ижоди). –Т.: Фан, 2007; Жўрабоев О. Илоҳий оятлар ва теран мисралар // «Ватан» газетаси. –Т.: 1996. 22 август; Оташзабон шоир// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. –Т.: 1997. 24 октябрь; Ҳазиний адабий меросининг манбалари // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг анъанавий анжумани материаллари. –Т.: 1997; Зиёвуддин Ҳазиний ва унинг адабий мероси // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. –Т.: 2000. Ҳазиний асарларининг кўлёма манбалари ва матний қиёс масалалари хусусида // «Адабиёт кўзгуси» илмий тўплами. –Т.: 2000. №6; Ҳазинийга аталган зиё // «Ёшлик» журнали. –Т.: 2000. №5-6; Мардуми Фарғона // «Гулистон» журнали. –Т.: 2000. №6; Ҳазиний ижодида иқтибос// «Адабиёт кўзгуси» илмий тўплами. –Т.: 2000. №6; Ҳазиний ижодида мажозий ишқ талқини // «Ўзбек тили ва адабиёти» ж. –Т.: 2001. №5; Муршиди Фарғона кимдур?! «Шарқ юлдузи» ж. –Т.: 2001. №3; Ҳазиний ва Фурқат: руҳий-маънавий уйғунлик // Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. 6-конференция. Тошкент, 2001; Юсуфнинг харидори // Ўзбекистон шарқшуносларининг 7-анжумани материаллари. Тошкент, 2002; Шеърини санъат нима?! «Қишлоқ ҳаёти» г. –Т.: 2002. 7 ноябрь; «Тонг отқунча кимга аталган?!» // «Фидокор» г. –Т.: 2003. 22 май; Шукри беҳад бизни инсон айлади // «Хуррият» г. –Т.: 2003, 8 октябрь; Кўлёмалар давр руҳиятини акс эттирувчи манба сифатида // Ёш олимларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. –Т.: ЎЗР ФА, 2004; Мумтоз мерос тадқиқи: ютуқлар ва муаммолар (давра суҳбати)// Ўз АС. 2004, 21 май; Бир ғазал матни ва моҳияти хусусида // «Ўзбек тили ва адабиёти» ж. –Т.: 2005, №2; Ҳазиний Хўқандий // «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 11-жилд. –Т.: 2005; DOVBN'Y L'GBT'Y-T'YRK'TEK'Y TANG SIZ'BN'N XIX. Y'ZYIL KOKAND Y'AZRLER'ENDEK'Y TEZHAN'R'Y/ Journal of Academic Studies. November 2008. Janury 2009. (Istanbul.) Number.39.

Шу сабадан биз асосан Зиёвуддин Ҳазиний, шоир яшаган қишлоқ тарихи, унинг хонадони, яъни шоирнинг авлод ва аждодлари тарихи билан боғлиқ мавзуларга эътиборимизни қаратдик.

Маълумотларга қараганда, тарихда «Ҳазиний» (мунгли, ҳазин) тахаллуси билан ижод қилган бир нечта шоирлар яшаб ўтган. Улардан бири Султон Аҳмад Ҳазиний бўлиб, XVI асрда яшаб ўтган.<sup>70</sup> Асли туркистонлик бўлган шайх Ҳазиний Салим Соний (1566–1574) даврида Туркияда яшаб, «Жавоҳирул-аброр мин амвожил-биҳор» (Яхшиларнинг денгиз мавжларидаги гавҳарлари) номли асарини ёзиб Салим Сонийга армуғон этган. У ҳақда ясса-вийшунос олим Нодирхон Ҳасан жумладан шундай ёзади:

*«Яссавия мактабининг улкан вакилларида бири XVI асрда яшаб ижод этган Султон Аҳмад Маҳмуд Ҳазинийдир. Султон Аҳмад Ҳазиний ҳам улуг сўфий шоир асос солган шеърини анъаналарни давом эттирган. Унинг қаламига «Манбаул-абҳор фи риёзил-аброр» ва «Жавоҳирул-аброр мин амвожил-биҳор» асарлари – ясса-вийлик гоялари билан суғорилган тарихий, маърифий, адабий ва шу билан бирга, манқабавий характердаги манбалардир.*

*Султон Аҳмад Ҳазиний асли бугунги Қашқадарёнинг Ҳисор ҳудудидан бўлиб, тахминан 1533 йили таваллуд топган. «Жавоҳирул - аброр» муқаддимасида Ҳазиний ўзининг тўлиқ номини Султон Аҳмад ибн Мавлоно Маҳмуд ибн Султон ибн Ҳожи Шоҳ ал-Қурайший суммал-Искандарийул-Ҳисорий ал-Мовароуннаҳрий аш шаҳир би Ҳазиний» деб ёзади. Профессор М.Ф. Кўпрули ўзининг «Турк адабиётдаги илк мутасаввуфлар» асарида Ҳазинийни «Туркистонлик туркийлардандир» деб ёзади».<sup>71</sup>*

Қўқонлик маърифатпарвар муаллим, адабиётшунос ва ўлкашунос олим Пўлотжон Домулла Қайюмов (1885–1964) ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарида Эронда яшаб «Ҳазиний» тахаллуси билан ижод қилган уч нафар шоир ҳақида қуйидагиларни баён этади:

*«Ҳазиний I – Бу киши Эрон шоирларидан, астрободликдур. Номи Қози Саййид Ҳасандур. Шибаликда айбланиб, ўзбек хонларидан Абдуллахон буйруғи билан ўлдирилмишидур...*

---

<sup>70</sup> Ориф Усмон. «Ваҳдат шаробин ичдим» (Яссавия тариқати) // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1994, 142-б.

<sup>71</sup> Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. –Т.: «Фан», 2001, 6-б.

Ҳазиний II – Бу шоир Эрондандур. Номи Мирзо бўлиб, йазди бир савдогар эди...

Ҳазиний III – Бу киши ҳам Эрон шоирларидан бўлди. хуро-сонликдур. Номи Мирзо Муҳаммад Ризодур. Кибор содотлардандур. Имом Ризо наслдан эди». <sup>72</sup>

Шунинг Пўлотжон Қайюмов ўзининг «Тазкираи Қаюмий» асарида биз ўрганмоқчи бўлган Кенагаслик шоир Ҳазиний ҳақида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган:

«Ҳазиний – бу шоир Хўқанд атрофи қишлоқларидан Кенагас номли жойда эшонлар оиласида дунёга келмишидур. Отаси шайх-зодалардандур. Шоирнинг номи Зиёдхонтўра бўлди. Дониёлхонтўранинг ўғлидур. Бошланғич мактабни шу қишлоқда биттириб, шаҳарга тушиб Мадрасаи Жомеъда адабиётдан илми сарф, наҳв, лугат таҳсилга киришса ҳам итмом элмаган тасаввуф руҳидаги тарбияси кучлилиқ этиб, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» номли асари устида фикр юритиб, навҳали ашъорни мутолаа эта бошлаган. Ниҳоят Мажзубийларни пешвоси халифа Ҳакимнинг хонақоҳига қатнаб, шу жойда навҳали шеърлар ўқувчи ҳофиз бўлиб юрган. Ниҳоят шу кишидан мурид тарбия этарга рухсат олмишидур.

Отасининг хонақоҳининг ўрнига янги бино қуруб, қишлоқда эшонлик эта бошлаган. Ниҳоят, ҳаётда бир шоир ҳам шайх бўлиб, 1904 йилларда ривожли бир шайх ва шоир бўлиб шуҳратланди.

1926 йилда <sup>73</sup> ўз қишлоғида вафот этди. Ўшанда 66 ёшда экани сўзланади. Новча бўйли, оқ юзли, соқоли, кўркам қоматли, тоза, озода киши эди. Вафотидан сўнг икки хотуни ва ўғиллари қолди». <sup>74</sup>

Зиёвуддин Ҳазинийнинг ҳаёти ва ижоди, мана салкам бир асрдирки, халқимизни ўзига мафтун этиб келмоқда. Айниқса, Ҳазиний тўғрисидаги ҳикоялар йиллар давомида кўпчилик ҳамюрт-

---

<sup>72</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкират уш-шуаро. I – китоб. – Т.: ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи, 2006, 123-б.

<sup>73</sup> Ҳазиний аслида 1923 йилда вафот этган.

<sup>74</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қаюмий». III. –Т.: ЎЗРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. 562-б.

ларимизнинг диққатини ўзига жалб қилган. Бинобарин, мазкур ҳикояларда Ҳазиний ҳаётига доир муҳим маълумотлар акс этган. Шу сабабдан, биз Ҳазиний билан боғлиқ эл-юрт орасида ҳали-ҳануз яшаб, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ҳикояларни имкон қадар қоғозга туширишга ҳаракат қилдик. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳикояларнинг баъзилари айрим ўринларда бири иккинчисини инкор қилиши ёхуд ишонарли бўлмаслиги мумкин. Бироқ нима бўлганда ҳам шоир ҳаётига доир ҳикоялар уни ўз даврида нақадар машҳур зотлардан бири бўлганидан далолат беради. Чунки Ҳазинийга замондош шоирлар орасида бу қадар кўп ҳикоялар қаҳрамонига айланган ижодкорлар камдан-кам учраса керак.

*«Ҳазинийни севмаган ким бор?! Кўплар қатори мен ҳам уни чин юрикдан севман, Унинг муборак номи болалигимдаёқ хотирамга ўрнашиб қолган, Раҳматли онам Тўхтабиби отини қиш кечаларида биз, отасиз жусусқларини сандал атрофига ўтқи-зиб олиб, ёз найтларида ўрик тағидаги супачага жамлаб, китоб ўқиб берардилар... Волидам Ҳазиний байтларини ўқиб, кўз ёш тўкканлари ҳали-ҳали ёдимда».*

*Иброҳим Раҳим,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## 1 - ҳикоя

Бу ҳикояни Қўқон шаҳрида яшовчи 1951 йилда туғилган Иброҳимжон Сайдуллаев сўзлаб берган.

– Айтишларича, Ҳазиний тўра дастлаб бағдодлик<sup>75</sup> бир эшонга қўл бериб, унга байъат қилади. Ҳазиний ўша эшоннинг ҳузурига бориб келиб турса-да, аммо унда пиру муршидларга хос етуклик ва баркамолликни кўрмас экан. Шу сабабдан бағдодлик эшондан кўнгли тўлмай, унинг одига боришга ҳам иштиёқи аста-секин сўна бошлабди. Кунларнинг бирида Кенагасдан Бағдодга – пири ҳузурига йўл олган чоғи селга дуч келибди. Шунда Ҳазиний тўра «Ҳозир ўзимни шу селга ташлайман. Агар ўта олсам, Бағдоддаги пиримнинг олдига бораман. Агар ўта олмасам, ортимга қайтиб, Қўқондаги Ҳаким халфа ҳузурига бориб қўл бераман», деб ўзини селга отибди. Аммо сел Ҳазинийни қайтариб чиқариб ташлабди. Бунда бир ҳикмат борлигини англаган Ҳазиний Қўқонга қараб юрибди. Қўқон шаҳридаги Дегрезлик маҳалласига келиб, Ҳаким халфанинг хонақоҳига қадам ташлаши билан остонада ўтирган Ҳаким халфага кўзи тушибди. Ул зот Ҳазинийни узоқдан кўриши билан «Сув қайтариб чиқариб ташламаса келмас экансан-да?!» дебди. Ҳаким халфанинг бундай сўзларидан валоят соҳиби эканлигини англаган Ҳазиний ўша заҳоти унга қўл берган экан.

---

<sup>75</sup> Бағдод Фарғона вилоятидаги туманлардан бирининг номи.



Айтишларига қараганда, Зиёвуддин Ҳазинийни Фарғона генерал губернатори чақиртириб, узоқ суҳбатдан кейин махсус тайёргарлик кўрилган балга таклиф этади. Уни ярим яланғоч рус маржалари билан рўбарў ўтқизиб, христиан ва мусулмон эркаклар қаторига қўшиб қўйишди. Орқага қайтишга йўл бермадилар. Ўтириш тонггача давом этиб, Ҳазинийни ҳам ушлаб турадилар. У тонг отгунига қадар кўзларини ердан узмай, дўзах азобини тортиб, бал тугашини ҳумо қушини кутгандай бардош билан чидайди. Шу ерда унга бир неча кишининг нигоҳи тушган бўлса-да, аммо у ҳеч кимни кўрмади ва танимади ҳам. Нега энди айнан Ҳазинийни бундай шармандали йиғинга олиб киришди, уларнинг бундан мақсадлари нима эди?! Ҳазинийнинг бундай ҳолидан бир неча ифвогарлар фойдаланиб қолишга ҳаракат ҳам қилдилар. Аммо у ўз душманларига имкон бермай, улардан аввал ўзи, бу машъум воқеа таъсирида ниҳоятда азобланганлигидан машҳур «Фарғона тонг отқунча» номли ғазалини битиб, халқ орасида қўшиқ қилиб куйлади.<sup>76</sup>

Мазкур ҳикоянинг яна бир бошқа талқини Насруллоҳ Алиев ҳамда Икромиддин Остонақуловларнинг «Расулulloҳ вориси» номли киноқиссаларида ҳам акс эттирилган. Ҳикояни келтиришдан аввал ҳурматли муштарийларга айтиб ўтишимиз жоизки, бизнингча ушбу киноқиссада тасвирлаб берилган воқеликни том маънода Ҳазиний билан юз берган воқеалар деб эмас, балки бадий асар сифатида қабул қилишимиз керак. Маълумки, бадий асар воқеликни нафис санъат воситалари, образлар орқали ифода этади. Шундай экан, бизнинг кўзлаган мақсадимиз киноқиссани келтириш билан бирга, ўқувчиларда Ҳазиний яшган даврни бир оз бўлса-да тасвирлаб беришдан иборат.

«Фарғона. Шаҳар генерал-губернатори билан кўк дўппи кийиб, кўзойнак таққан амалдор – Нозимбек ям-яшил боғдаги тўғарак стол атрофида суҳбатлашиб ўтиришибди. Улар ёнида генералнинг тозиси ётибди. Нозимбек фурсат кутиб, мақсадга ўтади:

– Тўрам! Шул кунларда эл-юртнинг Ҳазинийга ихлоси тезлик билан ошиб борур. Анинг китоблари Тошкандда бир неча

<sup>76</sup> Йўлдош Сулаймон. Ҳазиний ноласи // «Олтин водий» вилоят газетаси. 18.04. 1992 йил.

бор чоп этилмиш, ашъорлари қўлдин-қўлга, оғиздин-оғизга ўтиб юрур. Айниқса, анинг уйига назр-ниёз, ҳадя-эҳсон қилгувчилар турнақатор бўлиб оқиб келурлар... Ишқилиб охири бахайр бўлсин-у, андин иккинчи «Дукчи Эшон» чиқмаса деб қўрқамен. Тўрам, мана бу байтга эътибор беринг-а:

*Қачон Фарғонада хонлар элидин Маллахон ўлди,  
Алардин сўнг қачон баъзи, шарият, дин ёмон бўлди.  
Кўрингким, бир-бирини қатл этарга паҳлавон бўлди,  
Алимқулдек баҳодир шоҳи лашкар кетти, ким қолди,  
Шаҳодат орзусин этган аскар кетти, ким қолди?*

– Кўрурсизми, тўрам, шоир Оқ пошшомиз душмани – Алимқулнинг шаҳид бўлғонига ўкиниб, надомат чекур! Бул оддий ашъор эрмас, балки одамларни оёқлантирмоқ учун битилган даъват эрур!

– Азият чекмангиз бек. Онинг ортидан хуфя қўйғонмиз, ҳар бир қадамидин бохабардурмиз. Илло, Ҳазинийни йўқотиб бўлмас, халқ кўтарилур, халқ! Ўзи буёғи зўр-базўр турибди... Дарвоқе, шанба кунги зиёфатга ани-да таклиф этғонмен. Хўп, кўришгунча бек.

Нозимбек генералга таъзим қилиб, боғдан чиқиб кетади. Унинг ортидан генерал ўз-ўзича бош чайқаб, истехзо билан кулиб қўяди ва:

– Мана бундоғлари ҳам бўлур... – дейди.

Шанба кунни. Ям-яшил боғ. Чиройли безатилган ҳашаматли давра. Меҳмонлар кўп. Тўрда генерал билан рафиқаси ўтиришибди. Бу аёл оврупоча, беҳаё либосда. Кўкраги ва елкаси очик қўйлақда, ноз-карашмалар билан тантиқнамо қилиқлар қиларди. Давранинг ўнг томонида иккинчи бўлиб, одоб ва ибод, андиша билан Ҳазиний ўтирибди. Йиғилган меҳмонларнинг баъзилари ўрис хонимга суқланиб қараб қўйишади. Ҳазиний эса атайин нигоҳини бошқа томонга олиб қочган. Буни сезган аёл эрига:

– Жонгинам айтинг-чи, ҳув анави, соқоллари ўзига ярашғон, қиррабурун киши ким?

– У Зиёвуддин – шоир Ҳазиний, нима эди?

– Ўзим шунчаки... – деди аёлларча ҳавас билан.

Боғда базм авжида. Дастурхончилар таом тарқатишмоқда. Оврупоча мусиқа янграйди... Базм тугайди. Меҳмонлар бирин-

кегин тарқала бошлашади. Ҳазиний ҳам кўпчилик қатори хайрлашиб ташқари чиққач, генарал шоирга мурожаат этмоқда:

– Зиёвуддин, марҳамат қилиб извошга чиқсинлар, элтиб қўйишади.

Ҳазиний эътироз билдиришига қарамай, генарал уни извошга ўтқазиб, хайрлашиб қолади. Меҳмонларни бирга кузатаётган аёли:

– Азизим, айтинг-чи менга, бу кишига шундоқ илтифот кўрса-тишингизда қандай маъно бор?

– Жонгинам, у шунга арзийди. Бутун зиёфат давомида кузатиб турдим, сенга, умуман бирор аёлга бирон мартаба кўзларини қадамади. Бу аларда «кўз тақвоси» деб юритилади. Тананинг аврат жойларини очиб юрмоқ ва анга кўз тикмоқ исломда ҳаром саналади. Анинг мустаҳкам иймон эгаси эканини тан олмай бўлмайди».<sup>77</sup>

Китобхонларга яна шуни маълум қиламизки, «Фарғона тонг отқунча» ғазалининг ёзилиши тарихи хусусидаги ҳикояларнинг бирида нақл қилинишича, Ҳазиний тўра сафардан қайтаётиб вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун Фарғонадаги чойхоналардан бирида тунамоқчи бўлади. Аммо эгнидаги уст-бошига разм солган чойхоначи уни ичкарига қўймади. Оқибатда, Ҳазиний тонгга қадар чойхона остонасида мижжа қоқмай ўтириб «Фарғона тонг отқунча» ғазалини битган эмиш. Бу хусусида Ҳазиний тўранинг чевараси Нозимахон Мансурхон қизи қуйидагиларни баён этади.

«Бундан ўн йилларча муқаддам қишлоғимиздаги бир гуруҳ аёллар билан қўшни Қирғизистоннинг Олабуқа ҳудудидаги Сафед Булон мазорига зиёратга бордик. Зиёрат чоғида Ҳазиний юртидан эканлигимизни билган шу ерлик ўрта ёшлардаги аёл бизни ўз хонадонига таклиф қилди ва ёши юздан ошган отаси ўтирган хонага бошлаб кирди. Нуроний отахон гарчанд кўзлари кўрмай қолган бўлса-да, фикрлари теран, хотираси кучли эди. У ўтирганлар орасида мени Ҳазинийнинг чевараси эканлигимни билгач, «Болам, мен сизнинг бобонгиз Ҳазиний эшон бува билан кўп сафарларда ҳамроҳ бўлганман. Унинг яқин суҳбат-

---

<sup>77</sup> Алиев Н., Остонақул И. «Расулulloҳ вориси» // Сирли олам. 1997. № 10-б.

дошларидан бири эдим» деди. Шундан сўнг бобомиз Ҳазиний билан боғлиқ хотираларидан сўзлар экан «Фарғона тонг отқунча» ғазалининг ёзилиши тарихи тўғрисида қуйидагиларни айтиб берди:

«Ҳазиний эшон бува узоқ сафардан икки нафар ҳамроҳлари билан келаётган чоғида ёнидагилар йўл азобидан жуда толиқиб кетганликлари учун иложи бўлса чойхоналардан бирида қолиб, тонг оттирмақчи эканликларини айтадилар. Ҳамроҳларини раъйини қайтармаслик учун Ҳазиний ўша вақтдаги Фарғонанинг чойхоналаридан бирида тўхтайтиди. Ҳар доим кишиларни эғнидаги уст-бошига қараб муомала қилишга ўрганиб қолган калондимоғ чойхоначи одми кийинган Ҳазиний ва ҳамроҳларини танимай, уларни чойхонада қолишларига кўнмайди. Чойхоначининг бу қадар қўполлигидан ранжиган Ҳазиний тўра ўша куни чойхона ёнида ўтириб, тонгга қадар ўзининг машҳур «Фарғона тонг отқунча» ғазалини битган экан».

Таъкидлаб ўтиш жоизки, И.Умарова «Ҳазиний тўрамнинг ғазали» номли мақоласида «Фарғона тонг отқунча» ғазалининг яратилиши хусусидаги воқеа аввалгиларидан бутунлай фарқли тарзда талқин этилган:

«Бу воқеани Фарғонанинг Бағдод туманида яшаган Исаҳожи ўғли Холдорҳождан эшитганман. Асримизнинг бошларида бағдодлик ер-мулк эгаси бўлган бир бой тўй қилиб, катта базм беради, базм ёз фаслининг сўлим кечаларидан бирида осмон тўла юлдуз ва тўлин ой чиққан вақтига тўгри келади. Кенг ялангликка палослар ёзилиб, чор-атроф қишлоқлардан келган казо-казолардан ташқари, оддий меҳнаткашу бола-чақалар билан ниҳоятда гавжум. Ноғора ва чирманданинг гижбаданги авжида. Фарғонада донғи чиққан раққос Муҳаммадҷон Макайли даврада чир айланиб, амиркон маҳси кийган оёқларининг бош бармоқлари учида қоматини тик турганча дириллатиб чунонам рақс тушганки, ҳамма томошабинлар ҳанг-манг бўлиб қолганлар. Бир шоир бу раққосни таърифлаб шу ғазални тўқиган:

*Бор ўйнаса қаноти жаннатда,  
Ёки зоти гилмон экан Макайли.*

Қисқаси, зўр тантана билан базм тугагач, ярим тунда уч гўзал ёш санъаткор йигитларни етаклаб тўй эгаси бўлмиш бой

машҳур шоир Ҳазиний тўрамнинг эшикларини қоқди. Ичкаридан: «Лаббай, ҳозир», деган овоз эшитилиб, эшик очилади. Салом-аликдан сўнг бой домлага: «Тақсир, ижозат этсалар, шу йигитларга бир кеча жой берсалар, эртага ошгача бир оз мизғиб дам олсалар» дейди. Домла Ҳазиний «Бемалол-бемалол, бош устига», деб йигитларни қабул қилиб оладилар. Бой эса «Тақсир, буларни эрталаб яна ўзим олиб кетаман» деб хайрлашиб кетади.

Ҳазиний тўра йигитларга сўрига жой солиб ётқизиб, буларни чивин чақиб безовта қилмасин деб, пашшахона тутади. Чарчаган йигитлар тез ухлаб қоладилар. Шоир ичкаридан шаъм ёқиб чиқиб, пашшахонанинг очилиб қолган жойларини қистириб тузатар экан, йигитларга ҳайрат билан тикилиб шундай таҳсин айтар эканлар: «Ё Парвардигор, Қудратингга, афсунга тасаннолар бўлсин. Бунча бу бандаларингни бежаб яратмасанг, яна бирига хуш овозу, бирига қуш парвоз, яна бирига созандалик истейдодини бериб томоша қилсанг, ё Аллоҳ», деб бошларини сарак-сарак қилиб қўяр эканлар. Бир оз ўтгач, ичкаридан қоғоз ва қалам олиб чиқиб ёза бошлабдилар. Ўша кечаси ёзган ғазаллари ҳамон хушовоз хонандалар оғзидан тушмай келадиган «Тонг отқунча» ғазали. Қўлларидаги шаъм ёруғини дам-бадам йигитлар юзига энгашиб, қаламни қимирлатиб битардилар.

*Оқшомда жсамолингни шаъмини мунаввар қил,  
Айтай сенга ҳолимни, парвона тонг отқунча.*

Домла ўша оқшом ғазални битказдилар. Бой эрталаб келиб уйғотиб олиб кетаркан:

– Тақсир, мени авф этинг, сизни безовта қилдим, – деб қуюқ миннатдорчилик билдирганида, домла:

– Йўқ-йўқ, мен сизга миннатдорчилик ва раҳматлар айтишим керак. Сабаби сиз туфайли ва шул меҳмон йигитчалар сабаблари билан бир ғазал ёздик.

*Найлайки иложим йўқ ҳар гўшада йигларман,  
Тор ўлди Ҳазинийга, Фаргона тонг отқунча.*

Кейинчалик Ҳазинийнинг «Фарғона тонг отқунча» ғазалига мен ҳам баҳоли қудрат муҳаммас боғлаганман». <sup>78</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Зиёвуддин Ҳазиний қаламига мансуб «Фарғона тонг отқунча» ғазалининг яратилиши ва у билан боғлиқ ҳикоялар тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Масалан, Ҳазиний адабий мероси бўйича чуқур тадқиқотлар олиб бораётган адабиётшунос олим Отабек Жўрабоев ўзининг «Ҳазиний тўра» номли китобида бу ҳақда қуйидаги фикрларини билдиради:

«Ушбу ғазалнинг яратилиши ҳақида айрим қарашлар мавжуд. Шоир ижодини ўрганишимиз давомида ана шундай нақллардан учтасини учратдик.

Аввалгиси. Эмишки, Ҳазиний тўранинг обрўси кундан-кун халқ орасида ошиб кетаётганидан хавотир олган айримлар турли сиёсий айблар қўйиб, чор ҳукуматига етказди. Область генерал-губернатори шоирни чақиртириб, шахсан Фарғонани бир кечада тарк этишни амр этади. Изтиробда қолган шоир «Тонг отқунча»ни ёзиб, «Фарғона тор бўлди» – дейди-ю, чиқиб кетади. Бу воқеанинг анчайин юмшатиш, айтиш мумкинки, «ижобий» вариантини «Расулulloҳ вориси» киноқиссасида (Сирли олам, 1997, октябрь) учратамиз. Асар муаллифларининг келтиришича, Ҳазинийни губернатор жуда яхши қабул қилади. Ҳатто, унинг аёли эътиборига тушади. Тариқат шартларидан ҳам хабардор бўлган губернатор шоирни эҳтиром билан кузатади.

Иккинчисида айтилишича (қ. И.Умарова. Ҳазиний тўрамнинг ғазали // Миллий тикланиш. 1996, 5 ноябрь), гўё бир киши бегоналардан хавфсираб, ўзи билан олиб келган санъаткор йигитларни Ҳазинийга бир кечага омонатга қўйиб кетади. Шоир уларни парданинг ортига ўтқазиб қўйиб, туни билан гўзал юздан мутаассир бўлади. Ва субҳда «Тонг отқунча»ни ёзар эмиш.

Учинчи талқинни фарғоналик кексалардан эшитганмиз. Унга кўра, Ҳазиний тўра Фарғона томонларга борганида, бир чойхонанинг остонасида ўтириб ушбу ғазални ёзган эмиш.

---

<sup>78</sup> Умарова И. «Ҳазиний тўрамнинг ғазали» // Миллий тикланиш. 1996 йил, 5 ноябр: 44 (73)-сон.

Аммо уларни Ҳазиний ҳаётини фаолиятини ёритувчи бирорта манба тасдиқламайди.<sup>79</sup> Шоир асарларида ҳам уларга ҳеч бир ишора йўқ. Фикримизча, «Тонг отқунча» ғазалининг ўта машҳурлиги кейинчалик, унинг яратилиши билан боғлиқ бу каби турли тахминлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Бизнингча эса, мазкур версиялар ҳақиқатдан узоқ. Негаки, ҳаёти давомида эзгулик сари чорловчи, пок эътиқод кишиси сифатида «Ҳазиний тўрам» ва «Эшонбува» дея азизланган; замондошлари томонидан «оташзабон шоир» дея эътироф этилган. 30 ёшида иршодга эришиб, тариқат шайхи сифатида маънавий камолот билан шуғулланган шахс фаолиятини бу каби (ҳатто баъзилари ғайриинсоний амалларга ишора қилувчи) уйдирма тахминлар билан боғлаб бўлмайди.

Асарнинг яратилиши ҳам шоирнинг пок шахсияти ва ҳаёт тарзи билан қайсидир жиҳатлари ила боғлиқ, деб ўйлаймиз».<sup>80</sup>

Биз О.Жўрабоевнинг фикрларига диққат-эътиборимизни қаратиш давомида айрим фикрларни билдириб ўтмоқчимиз. Балки Зиёвуддин Ҳазиний Фарғона генерал-губернатори билан учрашмагандир ва «Фарғона тонг отқунча» ғазали ҳақида келтирилган биринчи ҳикоя ҳам уйдирмадир. Бироқ Ҳазиний яшаган даврдаги қанчадан-қанча тариқат аҳллари ва дин пешволари чор Россиясининг амалдордари томонидан қаттиқ назорат остига олиниб, таъқиблар гирдобидида қолиб кетганликлари тарихдан маълум. Қолаверса, керак бўлган вақтда уларни маҳаллий пристав (полиция бошлиқлари) доим ўз суҳбатига чақириб, зуғум ўтказиб келганликларини унутмаслигимиз лозим. Масалан, 1898 йилдаги Андижон кўзғолонининг йўлбошчиси бўлган Муҳаммадали халфа Собир ўғли, яъни Дукчи Эшон ёхуд Қорақалпоғистоннинг Оролбўйи минтақасидаги Қорақум чўлида турмуш кечирган Қорақум Эшон ҳаётини олайлик. Бу ҳақда Фозил Зоҳид «Қорақум Эшон» рисоласида жумладан, шундай ёзади: *«Бу воқеадан кўп ўтмай, 1916 йилнинг баҳорида жуда хунук ҳодиса рўй берди. Амударё бўлими пристави (полиция бошлиғи) бўйру-*

---

<sup>79</sup> Бизнингча, О.Жўрабоевнинг «Ҳазиний ҳаётини фаолиятини ёритувчи бирорта манба» деган жумласи изоҳ талаб этади. Чунки Ҳазиний ҳаётига доир ёзма манбанинг ўзи мавжуд эмас.

<sup>80</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра. –Т.: «Фан», 2007, 73-74-б.

гига мувофиқ, Қорақум эшонни терговга олиб кетдилар. Унинг қамоққа олинганлиги тўғрисида дув-дув гап тарқалди... Тез орада тергов ниҳоясига етиб, шикоят хати тасдиқланмаганлиги маълум бўлди, лекин Қорақум эшон қўйиб юборилмади, бошиқа бир масала устида Хивага олиб кетилди».<sup>81</sup>

Зиёвуддин Ҳазинийнинг аҳоли орасида обрў-эътибори баландлигидан чўчиган ҳукумат вакиллари, унга нисбатан адоват кўзи билан қараб келганлар. Шундай экан, «Фарғона тонг отқунча» газали билан боғлиқ биринчи ҳикоянинг пайдо бўлишига маълум бир асос бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки 1908 йилларда Туркистон вилояти газетасида Ҳазинийни обрўсизлантириш мақсадида, муаллифи кўрсатилмаган мақолалар чоп этилган. Шу мақолаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, айрим тадқиқотчиларимиз Ҳазинийнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб юриш учун унинг ортидан чор ҳукумати ўз одамларини қўйган бўлиши мумкин, деган фикрни ҳам билдирадилар.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Зиёвуддин Ҳазиний таваллудининг 130 йиллиги нишонланаётган вақтда «Кўп мамлакатларда бўлдим... Қаерга бормай, ватандошларимиз хонадонига ташриф буюрар эканман, у ерда албатта Ҳазинийнинг «Фарғона тонг отқунча» қўшиғи баралла янграйди» деган эди. Дарҳақиқат, «Фарғона тонг отқунча» халқимизнинг сеvimли қўшиқларидан бири сифатида мана бир асрдан зиёд вақт давомида севиб куйланиб келинмоқда. Шу вақт давомида «Фарғона тонг отқунча» қўшиғининг яралиши тўғрисида билдирилган фикрлар ранг-баранглигининг ўзи қўшиқнинг нақадар машҳур бўлганидан далолат беради.

### 3 - ҳикоя ✓

«Айтишларича, Ҳазиний ҳозирги Бағдод тумани ҳудудига қарашли Қоровултепа чўлини дўст-ёр, қўни-қўшнилар билан ўзлаштириб, ер очишиб, боғ барпо этишган. Кейинчалик шу ернинг ўзида масжид ҳам бино қилиниб, унинг олдида катта ҳовуз ҳам қурилган. Ҳазиний ҳар йили баҳор, ёз фаслларини, баъзан эса куз ва қиш ойларида ҳам аксарият вақтини шу ерда ўтказар

---

<sup>81</sup> Фозил Зоҳид. Қорақум Эшон. –Т.: «Истиқлол». 2005. 27-б.



экан. Ҳовуз яқинида катта қумлик бўлиб, Ҳазиний уни «Регистон» деб атаган дейишади. Чунончи шоирнинг

*Мисли ул Вайс ул-қаран чўлларида тутмишсан ватан,  
Истаса ҳар ким Ҳазинийни регистондин топар.*

байтидаги «Регистон» сўзи ўша қум барханига ишорадир».<sup>82</sup>

Зиёвуддин Ҳазинийни Қоровултепага келиб қолишларининг сабаблари хусусида Ҳазинийнинг набираси бўлмиш Учкўприк тумани Тоғлиғ қишлоғида яшовчи 1963 йилда туғилган Моҳирахон Сотиболдихон қизи шундай ҳикоя қилади:

«Ҳазиний эшон бувамизнинг ёши ўттизга етар-етмас Багдод тумани Қоровултепа қишлоғига чиқиб кетадилар. Қўлларидаги асони ўзларига ҳамроҳ билиб, гиёҳ унмаган қумлоқ чўлга кириб келадилар. Қўлларидаги асо йўл бошидан ер чизиб боради. Чизиқ устидан эса йўл бошидаги ариқдан оқаётган сув йўналишини ўзгартириб оқиб бораверади. Эшон бувамиз тўхтаб асони ерга суққан чоғида келаётган сув айнан шу жойда тўхтаб қолади. Ул зот бундай ҳолатни кўриб бу қумликка келишида бир ҳикмат борлигини англаб, ўзларига шу ерда макон қуришга аҳд қилади. Алалоқибат ўра қазиган ўрнида сув тўлиб ҳовуз пайдо бўлади. Ҳовузнинг тўрт томонидан ирмоқ очиб, экин экади. Қумликнинг маълум бир қисмини турли касалликлар учун шифо бўладиган жойга айлантиради. Кейинчалик бу жой аҳоли орасида «Эшон-бобо қуми» номи билан машҳур бўлган».

Тарихдан маълумки, азалдан юртимизда яшаб ўтган азиз-авлиёлар умри давомида ниҳол экиб, боғлар яратиб деҳқончилик билан умргузаронлик қилганлар. Бинобарин, улар яхшидан боғ қолар, деган нақлга амал қилиб яшаганлар. Масалан, буюк имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси «Имом ал-Ҳудо», «Ҳидоят йўли имоми» номлари билан улуғланган Абу Мансур ал-Мотурудий (870 – 944) ҳазратлари боғдорчилик билан машғул бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу ҳақида Абу Тоҳирхўжа «Самария» номли асаарида қуйидаги маълумотларни келтиради:

---

<sup>82</sup> Авлиёлар султони. Туронлик валийлар (Нашрга тайёрловчи фил.ф.н. доцент И. Остонақулов). –Т.: «Янги аср авлоди», 2004, 245-б.

«Шайхнинг Мотуруд қишлоғида бир боғи бор эканким, кўпинча ёғочларини ва ниҳолларини ўз қўли билан ўтқизар эмиш. «Ҳайрат ул - фуқаҳо» китобида бордирким (бир кун) шайх Абу Мансурнинг хизматчиси кетмон чопар ва шайхнинг ўзи ток ўтқазар эди. Шу чоқда муаззин азон айта қолди. Шайх ишни тўхтатиб масжидга бормоқчи бўлди, лекин ток ўтқазгани ошиқиб боролмади. Бир йилдан кейин подшоҳ бир боққа бир неча (кўза) ичкилик бидъат солиқ солди. Ҳазрат шайх «Ушбу бидъат менинг ток ўтқазишга машғул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдириш ишимнинг шумлигидан юзага чиқди», деб муборак салласини ерга уриб йиғлар эди. Айтадиларким, шайх бир кун боғда эди, Бағдод халифаси томонидан, шайхдан бир масалани сўрагани Самарқандга юборилган элчи келиб боғ эшигини қоқди. Шайх йиртиқ кийим кийган ҳолда чиқди. Элчи: «Мавлоно қайдадир?» – деб сўради. Шайх: «Мавлоно тангридир», деб жавоб берди. Тагин элчи: «Хожа қайдадир?», деб сўради. Шайх: «Хожа Мустафодир», деб жавоб қайтарди. Яна элчи: «Абу Мансур қайдадир» деб сўради. Абу Мансур: «Ушбу тиланчи кекса», деб ўзини кўрсатди. Айтишларича, унинг ёронлари дарс таълим олиш учун (шайхнинг) боғига келар эдилар».

Шу ўринда ҳазрат мир Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаарида деҳқончилик тўғрисидаги қуйидаги ҳикматли сўзларини келтириб ўтсак: «Дон сочувчи деҳқон – ерни ҳайдаш билан ризқ йўлини очади. Агар у ҳалол ва ишчан бўлса, унинг ҳўкизи Солиҳ туясидек номдор бўлади. Унинг зўр, паҳлавон қўш ҳўкизи ҳар қандай оғир меҳнатга бўйсуниб, олдида юради. Бу ҳўкизлар иш пайтида деҳқонга ҳамдам ва у билан доим ҳамқадам; деҳқон билан ер ҳайдашда гўёки одам.

Оламнинг ободлиги деҳқонлардан; меҳнат аҳли шодонлиги улардан. Деҳқон ҳар қандай экин экишга қилса ҳаракат – элга ҳам озиқ-овқат етказур, ҳам баракат. Деҳқонки, ҳалол меҳнат билан дон сочади, бир донини етти, юзга етказди. Сочган дони кўкаргунча, уни ўриб, хирмон қилиб ҳосил кўтаргунча қурт-қушлар ундан баҳраманд: дашт ваҳшийлари унинг билан хурсанд. Чумолилар уйи ундан обод; гур деган ҳайвонларнинг кўнгли ундан шод. Кабутарлар мастлигию, тўрғайларнинг шўх навоси шу донлардан. Ўроқчининг тирикчилиги шунинг орқасидан; бошоқчининг кўзи тўқлиги шунинг орқа-

сидан. Қўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадойлар у билан тўқ; хонадон эса маъмур. Мусофирга таом шундан; мужовирга ком ундан. Новвойнинг тандири у билан иссиқ; аллоф-унфурушнинг бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризқ-рўзи, ғарибларнинг куч-қуввати дон биландир. Уни еган зоҳид зуҳур билан тоат қилади; у билан тўйиб олган обид қаноатлилиги ҳақида лоф уради. Дон туфайли гадой халтаси бурда нонга тўла. Шоҳ хазинаси эса дон орқасидан инжу ва олтинга бой.

Деҳқоннинг бир дон сепганида шунча ҳикмат бор, ўзга ишларини таърифлаш маҳолдир.

Унинг боғи жаннатни эслатади; полизида руҳ озиғи кўринади. Дарахтининг ҳар бири кўк осмондек улкан; у дарахтлардаги гул мевалар фалакдаги юлдуз ва юлдузчалардек. Фақирларнинг сирка ва шинниси у мевалардан; боёнларнинг газаги ва аъло шароби шу мевалардан.

Турли-туман мевалар етилгач, боғда гўзаллик ва тартиб сезилади.

Бундай одам – яъни деҳқон, бахилликдан йироқ бўлса яна яхши; зиқналигу ёлғон сўздан ҳазар қилса яна яхши. Шоҳ солиғини тўлашдан бош тортмаса, ўз шеригига жафо қилмаса, шунда унинг сочган донаси саодат инжусидан ҳосил беради; сепган уруғи эвазига мева эмас – юлдуз теради. Бундай деҳқон Одам Ато фарзанди, балки ундан ризқ еганлар – шу деҳқоннинг фарзанди-ю, унинг ўзи Одам Атодир».

Алишер Навоийнинг ушбу пурмаъно ҳикматли сўзларини ўқир эканмиз, Зиёвуддин Ҳазиний яратган боғлар кўз олдимизга келади. Ахир, бу боғлар бир неча йиллар давомида сўв кўрмай қақраб ётган қуруқ қумли ерда пайдо бўлди. Бу ҳақда адабиётшунос олим Шариф Юсупов қуйидагиларни келтиради:

«Энг эътиборга лойиқ жиҳатлардан бири шундаки, тадқиқотчиларнинг ишончли далилларига кўра, донғи узоқ-узоқларга кетган бу эшон ҳеч қачон қора меҳнатдан ўзларини олиб қочмай, уни сабаби тирикчиликнинг бош асоси, эл-юртга манфаат келтиришнинг асл воситаси деб билганлар. Бағдод туманининг Чопдор қишлоғида қирқ таноб чамаси қумлоқчўл ерда боғ-роғлар барпо этиш, ҳовуз қаздириш, тегирмон қурдириш; ҳатто беморларга текин хизмат кўрсатадиган шифо маскани вужудга келтириш, Қоровултепа қишлоғида эса жомеъ масжиди қад кўтариши-

га эришганлиги Ҳазиний тўра ҳам ҳазрат Навоий сингари умр бўйи халқ ғамн билан яшаб ўтганликларини кўрсатади». <sup>83</sup>

Ҳазинийнинг Қоровултепа чўлида яратган боғи 1943 йилга қадар сақланиб турган. Ўша йиллари собиқ Совет ҳукуматининг «жонкуяр» раҳбарларидан бири «диний-мистик адабиётлар вакили ҳамда қулоқлар авлодидан бўлган Ҳазинийнинг боғини» кесиб ташлашни буюради. Буйруқ бажарилишининг шоҳиди бўлган кишиларнинг ҳикоя қилишларича, боғни бузишда иштирок этган трактор ҳайдовчиси кўп ўтмасдан ногирон бўлиб қолган экан. Мазкур воқеадан сўнг ҳовуз ва унинг атрофидаги дарахтларни кесишга журъат қила олмаганлар.

#### 4 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг замондоши Муҳаммад Али Низомиддин ўғлининг ҳикоясига кўра, Ҳазиний ўз даврининг машҳур созанда ва ҳофизи бўлганлиги учун кунларнинг бирида уни Қувадаги бообрў хонадонга тўйга таклиф қилишади. Йўл сафари чўзилиб кетганлиги боис, Ҳазиний тўйга белгиланган вақтдан кечикиброқ кириб боради. Ундан ранжиган айрим калондимоғлар шоир устидан кулмоқчи бўладилар. Ҳазиний бундайларга қарата шу ернинг ўзида улар ҳақида ҳажв ёзиб барчасини изза қилади. Ҳалиги кимсалар улуғ шоир олдида қилган беодобликларидан қаттиқ пушаймон бўладилар. Ўша кунги Қувада бўлиб ўтган тўйда Ҳазиний ижро этган қўшиқлари учун катта миқдорда тўёна ҳам олади. Бироқ бу тўёна пуллари девор тирқишларидан Ҳазинийнинг оҳанграбо қўшиқларини тинглагани келган мухлис-камбағалларга, етим-есирларга улашиб беради. Ўзи бўлса тушган тўёнадан бир чақа ҳам олмай, Катта Кенагасга қайтиб кетади.

#### 5 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг аёли Қумрихон аядан Ўктамхон ая Мамажонованинг эшитган ҳикояси.

– Ҳазинийнинг қўшниларидан бири, қашшоқликда умр кечирган Эргашхон исмли тул кампир вафот этади. Унинг қариндош-

---

<sup>83</sup> Юсупов Ш.Тарих ва адаб бўстони. –Т.: «Маънавият», 2003, 150-б.

уруғлари бўлмаганлиги боис, дафн маросимининг барча сарф-харажатини Ҳазиний тўра ўз зиммасига олиб, ҳатто бошидаги салласини кафанликка беради.

Ҳазинийнинг нақадар қўли очиқ, саховатпеша инсон бўлганлиги ҳақида янгиқўрғонлик уста Жалолиддин шундай ҳикоя қилади:

«Ҳазиний Янгиқўрғон қишлоғининг Бозорбоши маҳалласидаги уста Жалолиддиннинг (Бу ерда Жалолиддиннинг отаси назарда тутилмоқда) хонадонига тез-тез келиб турар экан. Кишилар «Ҳазиний уста Жалолиддинникига келибди» деганини эшитиб қолгудай бўлса, дарҳол қўшиқ тинглагани етиб келар эканлар. Бу файзли хонадонда келганларни муштоқ қилмасдан, дарҳол шеърхонлик қилиниб, қўшқлар айтилган. Келганларнинг кўплари Ҳазиний ҳазратларига мол ва қўй, турли хил қимматбаҳо буюмларни азбаройи ихлос юзасидан назр қилганлари чоғида шоир ўйлаб ҳам ўтирмасдан, буларнинг ҳаммасини Пошшо пирим мазорига юборар экан. Пошшо пирим мазорида жониворлар сўйилиб, етимларга, бева-бечораларга улашиб берилган. Ҳазиний ҳар сафар Пошшо пирим мазорига зиёратга келган чоғи барча мискин ва гариблар шодланиб кетар эканлар. Зиёвуддин Ҳазинийнинг бу қадар олийҳиммат, сахий инсон бўлганликлари учун у ҳақда турли ҳикоя ва хотиралар бизнинг кунимизга қадар сақланиб қолган.

Дарҳақиқат, сахий инсонлар дунёдан ўтиб кетсалар-да, улар тўғрисидаги хотиралар кишилар қалбида абадий муҳрланиб қолади. Зеро, Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида сахийлик тўғрисида шундай таърифни баён этган эди: «Сахийлик инсоният боғининг ҳосилдор дарахтидир, балки у дарахтнинг ширин мевасидир. Одамийлик ўлкасининг тўлқинли дарёси, балки у тўлқин дарёси асл гавҳаридир. Саховатсиз киши – ёғинсиз баҳор булути ва иси йўқ тотор мушкидир. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир, ёғинсиз булут ҳам биру тутун ҳам бир. Саховатсиз киши билан гавҳарсиз садафни бирдай ҳисобласа бўлади... Сахий – булутдир. Иши хирмон, балки хазина бермоқ, бахил эса чумолидир, одати дон ва машоқ термоқ.

Ҳимматлиларнинг ихтисоси сахийликдир. Бу икки шарафли сифат (саховатлилик ва ҳимматлилик) покиза кишиларга хосдир. Сахийлик инсоннинг баданидир, ҳиммат – унинг жони. Ҳимматсиз киши эр сонидан эмас, чунки жонсиз баданни киши тирик демас.

... Исрофгарчилик сахийлик эмас... Ҳақ молини куйдирганни девона дерлар, ёруғ кунда мум шам ёққанни ақлдан озган дерлар.

Фахрланиш учун бермоқ ўзни кўрсатишлик ва бу билан ўзини сахий демак беҳаёликдир, кишилар кўрмагунча бермаган пасткашдир, сахий эмас. Тилаганга берганни ҳам – сахийликдан йироқ бил, қистов билан бермаганни яхшироқ бил. Битта нонни икки бўлиб, ярмини бир очга берганни сахий дегил, ўзи емай барини муҳтожга берганни сахий дўст дегил».

## 6 - ҲИКОЯ ✓

Ҳикоя қилишларича, айна пишиқчилик пайтларида Ҳазиний тўра қадрдонлари билан Қўқон аравада бир қишлоқ томонга сафарга чиқишади. Улар манзилга етиб боришгач, бирма-бир аравадан сакраб тушибоқ, нари кетибдилар. Аммо бир оёғи ногирон жўралари аравадан туша олмай, туриб қолибди. Аравадан тушиб олганлар бир-бирларига қараб, ким бориб тушириб қўйишини билмай, бир неча муддат улар орасига жимлик орабди. Шунда Ҳазиний тўра югуриб бориб, ҳалиги ногирон кишини аравадан кўтариб туширибди. Уни бир четда кузатиб турган дўстлари ўзларини ноқулай сезиб: «Кап-катта обрўли киши бўлсангиз, ўзингиздан кичик одамни кўтариб нима қилар эдингиз. Бу ишга бошқалар ҳам бор эди-ку?», деб дашном беришибди. Шунда Ҳазиний: «Маломат қилсангиз, қилаверинг, маломатда саломат», деб қўя қолган экан, холос.

## 7 - ҲИКОЯ ✓

Нақл қилишларича, Мавлоно Ҳазиний бир куни 13 ёшли сартарош Рўзихожани<sup>84</sup> чақиртириб келади. Рўзихожа «Ҳазрат Эшон бувам не юмуш билан чақирган эканлар деб тўғри Ҳази-

---

<sup>84</sup> Айрим ҳикояларда сартарош номи Мاستонхўжа деб чалкашликларга йўл қўйилган. Олинган оғзаки маълумотларга кўра, Катта Кенагас қишлоғида Бузрукхон тўранинг фарзанди Саййид Султон Маҳмудхон (Хон бува) ва Ҳазинийнинг ўзига хос салобатлари туфайли Рўзихўжадан бошқа сартарош уларга хизмат кўрсатишга журъат қила олмаган.

ний уйига келади. Шунда Ҳазиний эшон уста болага «Менинг соқолимни тагидан қирқиб ташла» деб айтади. Бироқ бунга сартарош бола дастлаб рози бўлмайди. Аммо «Эшонбувани ранжи-тиб қўймай», дея Ҳазиний соқолини қирқишга киришади. Ҳазиний Рўзихожанинг кетар чоғида яна уч кундан кейин келишини тайинлайди. Орадан уч кун ўтгач, Рўзихожа яна Ҳазиний эшон-нинг уйига кириб келади. Шунда Ҳазиний Рўзихожадан «Кўча-да нима гап?» деб сўрайди. Рўзихожа унинг берган саволига «Кўча тинч. Ҳеч бир гап бўлгани йўқ» деб жавоб беради. Рўзи-хожанинг ёлғон сўзлаётганлигини сезиб турган Ҳазиний «Ёлғон гапиряпсан, ростини сўзла» дейди. Уста бола ноилож қолгани-дан сўнг «Кўчада одамлар Эшон бува ақлдан озиб қолибди», деган гапларни айтишмоқда» дея рост-рўйини сўзлаб беради. Ҳазиний бу жавобни эшитиб, қониқиш ҳосил қилади ва: «Худо-га шукр! Ўзим ҳам шундай бўлишини сезган эдим», дейди. Ҳазиний уста боланинг ҳайрон бўлиб турганлигини кўриб, нима учун соқолини олдириб ташлаганлигини тушунтириб беради:

«Биласанки, бизнинг уйимиз олдида катта ҳовуз ва масжид бўлиб, бу ерда кўплаб ҳужралар ҳам бор. Ҳар куни ҳовуз атро-фида ёши улуг мўйсафид чоллар чордона қуриб ўтиришади. Ҳар сафар мен ҳовузга сув олишга чиқсам, ўтирганларнинг ҳаммаси мен келиб кетгунча ҳурмат юзасидан тик турадилар. Бундан доим мен ўзимни гуноҳкордек сезар эдим. Энди бўлса улар мени кўришганда ўринларидан турмай қўйдилар. Шундан менинг кўнглим жойига тушди».

## 8 - ҳикоя ✓

Зиёвуддин Ҳазиний ҳозирги Бағдод туманидаги Қоровултепа қишлоғида бир йил давомида ҳашар йўли билан катта масжид қурдирган. Масжид қурилишида ҳозирги Бағдод туманидаги Қўштегирмон қишлоғидаги машҳур ёғоч ўймакор устаси Уста Султон бошчилигида усталар иштирок этганлар. Ўша усталар-нинг авлодларидан бири Жўра Мирфайз ўғлининг ҳикоясига кўра, масжид қурилишида иштирок этган усталарнинг кўплари уста ҳақининг ярмидан ортиқроғини, баъзилари умуман ишлаган ҳақининг ҳаммасини Ҳазиний ҳазратларига бўлган ҳурматлари юзасидан бутунлай олмасликка аҳд қилганлар. Масжид қуриб битганидан кейин Ҳазиний халққа қарата «Бу масжид яхши

қурилди-ю. ammo вақти келиб куйиб кетадиган бўлибди-да», деб каромат қилган экан. Ҳазинийнинг ўша кунги қилган каромати кейинчалик чиндан ҳам юз беради. 1914 йилда қурилган мазкур масжид 1943 йилда Ҳазиний вафотидан 20 йил ўтгач, тасодифан ўт кетиб куйиб кетган.

## 9 - ҳикоя ✓

Тасаввуфда кўрмасдан туриб содир бўладиган ишни олдиндан айтиб бериш, руҳан ғойибона сезиш фиросат дейилади. Зеро, фиросат – валийликдан нишонадир. Соҳибкаромат Ҳазиний ҳам ўз даврининг валийлик даражасига эришган зотларидан бири бўлган. Бу ҳақда уста Жалолиддин қуйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган:

«Отам Ҳазиний ҳазратлари билан жуда яқин дўст эди. Бир куни Ҳазиний тўра катта ўғли Амакихонга ўн уч червон<sup>85</sup> пул бериб, бизнинг уйга юборибди. Бу вақтларда Ҳазиний Эшон буванинг ўзлари касал бўлиб ётган экан. Амакихон отамга «Дадам ўн уч червон пул бериб юбордилар. Шу пулга беш яшар ҳали туғмаган қора рангли ғунажин сотиб олиб берар экансиз», дебди. Шу куни отам билан Амакихон Янгиқўрғоннинг молбозорига чиқишибди. Бозорга боришса, чиндан ҳам беш яшар ҳали туғмаган, қора рангли бир ғунажин бор эмиш. Отам мана шу молга харидор бўлибди. Эгаси бўлса, ўн уч червонга эмас, ўн беш червонга сотаман, деб туриб олибди. Отам ноиложликдан ёнларидан икки червон олиб молни сотиб олишга рози бўлибдилар. Мол олингач, арқон алмаштириш пайтида ғунажиннинг эгаси молни кимга олаётганликларини қизиқиб сўрабди. Шунда отам, молни Ҳазиний Эшон бувага олаётганликларини айтади. Буни эшитиб мол эгаси: «Шу нарсани аввалроқ айтмайсизларми! Манг олинг икки червонингизни», деб отамга икки червонни қайтариб берган экан.

Амакихон молни етаклаб қишлоғига етиб келибди. Хаста ётган Ҳазиний эшон бува ўғлига «Молни сўйиб маҳаллага тарқатинглар», дебди. У кишининг сўзларига биноан мол сўйилиб

---

<sup>85</sup> Червон – собиқ иттифоқда 1922–1947 йилларда муомалада бўлган ўн сўмлик пул.



маҳаллага тарқатилибди. Орадан бир оз вақт ўтгач, қассоб Ҳазиний тўранинг олдига кириб: «Гўштни тарқатиб тугатдик» дебди. Ҳазиний тўра қассобга юзларини ҳам ўгирмай «Хонақоҳда осиб қўйилган гўштни ҳам тарқатиб беринглар» дебди. Қассоб бу ишидан хижолат бўлиб, киши билмас тарзда яшириб қўйган гўштни ҳам тарқатиб берибди.

Ҳазиний ҳаёти билан боғлиқ юз берган воқеалар силсиласида айнан мазкур ҳикоянинг биз билмаган томонлари бор экан. Чунки Ҳазиний тўра бетоб ётган маҳалида айнан қора ғунажинни сотиб олишлари шарт эканлиги борасидаги сўзлари ҳам изоҳга муҳтождир. Чунки агар олинган бузоқни фақат эҳсон қилмоқчи бўлганида эди, унинг ранги ҳам муҳим бўлмас эди. Аммо бу ҳикояда айнан қора ғунажин тўғрисида сўз боради. Биз бу масалада Ўктамхон аяга мурожаат қилдик. Ахир Ўктамхон ая бир неча йиллар давомида Ҳазинийнинг аёли Қумрихон аяга келин эмас, худди қизи сингари хизматида бўлган ва Ҳазиний тўғрисида кўплаб ҳикояларни ўз қулоғи билан эшитганлардан бири эди.

Биз юқорида келтирган ҳикоянинг асл вариантыни Ўктамхон аяга Қумрихон ая қуйидагича ҳикоя қилиб берган экан.

Ҳазиний бетоб бўлиб ётган чоғида Мулла Сотволди (Сотволди буқоқ ҳам дейишган) ҳузурига чорлаб унга 7 танга беради ва «Қолган икки тангани Янгиқўрғондаги Жалолиддиннинг отаси қўшади. Сизлар мол бозорига борсангизлар, бир тул хотин бузоқнинг бўйнини дурра билан боғлаб олиб келади. Ўша аёлдан 9 тангага бузоқ олиб келинглар. Шундан сўнг «Жонга жон, қонга қон» деб одамларга қора ғунажин сўйиб гўштини тарқатиб юборинглар», дейди. Кечга яқин бемор Ҳазиний тўра яқинларидан бирини чақириб «Гўштни тарқатиб бўлдингларми?» деб сўрайди. Ҳалиги одам «Эшон бува ишларимиздан беҳабар» деган ўй-фикр билан «Айтганингиздек қилиб, қора ғунажин гўштини ҳаммасини одамларга тарқатиб бўлдик» деб жавоб беради. Бироқ унинг ёлғон сўзлаётганини билиб турган Ҳазиний тўра афсус билан бошини чайқаб «Мендан кўра сизларга гўшт азиз бўлди-ми?!» деб танбеҳ беради. Аслида воқеа шундай бўлган экан. Ҳазиний тўранинг айтганларига биноан, қора ғунажин сўйилган чоғда кимдир унинг яқинларига ақл бўлиб, «Ҳазиний эшон буванинг ҳоли оғир. Шунинг учун гўштан бир қисмини 5-7 кишига тарқатиб, қолганини хонақоҳга олиб қўйинглар. Маросимларга асқотади» дейди. Бу маслаҳатга кирганликлари учун гўшт тар-

қатилмай қолади. Натижада, эртаси куні Ҳазиний тўра оламдан ўтган экан. Мазкур маълумотлардан кўринадики, Ҳазиний тўра-нинг васиятлари бажарилмай қолган, яъни қурбонлик билан боғ-лиқ маросим ниҳоясига етказилмаган.

Мазкур ҳикояга ойдинлик киритиш учун Алихон Тўра Соғу-нийнинг қуйидаги ҳикоясини келтириб ўтсак:

«Қиссадин – ҳисса, сўздин – сўз чиқар дегандек, бу китоб ёзгувчи Алихон Шокирхонтўра ўғлидурман, тахминан ҳижрат тарихининг 1342 (милодий 1923 йил) эрди, ўз туғилган жойим, она Ватаним Туркистоннинг эски маркази, тарихларда Бола Со-ғун номлик, бу кунларда Тўқмоқ деб аталган шаҳарда диний хизмат қилиб турдим. Шу чоқда ёшим ўттиздан кўб ошмаган эди. Шу йили еримизда қизамиқ касаллиги тарқалиб, унга қарши тиббий ёрдамлар етишмасликдин, кўп болалар ўлимга учради-лар. Шу қаторда менинг ҳам уч ўғлим, беш ёшлик Асрорхон, Муҳаммадхон, Мухторхон, булар бир ярим ёшлик, уч кунда кет-ма-кет вафот топдилар. Асрорхоннинг омон қолишини тилаб, укалари ўлганида кўп ортиқча койинмадим. Аввал икки укаси вафот бўлиб, сўнгра Асрорхоннинг касали оғирлашди. Мен қил-маган илож қолмади. Ўзимнинг ҳам эски тиб илмидан анча маълумотим бор эди. Турлик иложларни қилиб кўрдим, ҳеч бир фой-да бермади. Охири жисмоний иложлардин зерикиб, руҳоний илож-лардин шифо изладим. Яхши одамларга дам солдириш, худо йўли-да хайр-эҳсон қилиб, садақа бериш каби ишларни кўп қилдим. Булардин ҳеч фойда кўролмадим. Кишиларни ўқиб, дам ургани-га қаноат қилмай, бу ишга ўзим киришиб, бир ўлтиришда тўрт-беш соат тинмасдин ҳар турлик дуолар ўқиб, дам урдим. Буни ҳам фойдасини билмадим. «Ҳаётул ҳайвон» китобида айтилган экан: «Агар киши бошига бир мушкул иш тушса, катта бир семиз қора қўчқор олсин. Уни бошига мушкул иш тушган киши ўз қўли билан бўғизласин. Агар бу қийинчилик бола устида бўлса, ота-си «Эй, бор худое, шу қўчқорнинг жони боламнинг жонига бадал бўлсин», деб Аллоҳдин тилаб туриб, пичоқ сурсин, сўнгра унинг гўштини олтмиш бўлак қилиб, олтмиш мискинга берсин, хоҳи жон, хоҳи молга, ҳар қандоқ мушкул бало келган бўлса, шу би-лан даф бўлгай, бу иш мужарраб дейилмишдур». Бу ҳам қолма-син, деб ихлос билан кўп ерлардан излатиб юриб, шул сифатлик қўчқорни топтириб келдим. Ўзим умр ичида мол эмас, чумчуқ ҳам сўйиб кўрмаган бўлсам ҳам, бу жониворни боламга фидо

қилсам. Исмоил алайҳиссалом ўлимдан қутулгандек, боламни жони саломат қолгайму, деб бош яланг қиблага қараб туриб, ул жониворни бўғизладим, китобнинг деганидек, олтмиш тақсим қилиб бўлгунимча улгуролмай, кечага қолдим. Тун ярмидан ўтиб, эл қаттиқ уйқуга ботди. Бундоқ вақтда олтмиш мискинни қаёқдан топгаймиз, ният қилиб, ишимизни битирдик, тонг отгандин сўнгра бу ишни бажаргаймиз, деб қайтиб келиб бола олдига кирсам, ўғлимнинг холи оғирлашиб қолибдур. Марҳум онаси, қараб туришга тоқатим қолмади, деб болани қучоғимга қўйиб, ўзи йиғлаб ташқарига чиқди. Иккинчи киришга чидай олмай, кўра айланиб йиғлаб юрди. Мен бўлсам юзига термулиб ўтиришдан бошқа чора топа олмадим. Бутун сабаблардин қўл тортиб, қазони кутиб ўтирдим. Шу паслашганича паслаша бориб, охири саҳар вақти жон таслим қилди. Қазога ҳеч чора йўқлиги кўз олдимизга келди. Ўзимнинг нақадар ожиз эканлигимни яхши тушундим. Бу боланинг дардида икки-уч кун илгари ўтган икки гўдакни кўп эсламаган бўлсак ҳам, бундин ажраган сўнггида уч фарзанд доғи бир келиб, юракларимизни ёндирди. Бу оғир юкни кўтара олмай, онаси ўзидан кетиб йиқилди. Бу ҳам ўлган қаторида бўлиб, уй ўртасида чўзилиб ётди».<sup>86</sup>

Кўриниб турибдики ўтмишда беморларни даволашда «кўчириқ» маросимига ҳам эътибор берганлар. Элшунос олимларнинг фикрига кўра, ушбу маросимни ўтказишдан асосий мақсад беморнинг касалини бирон-бир жонивор ёки буюмга ўтказиб юбориш йўли билан амалга оширилган.<sup>87</sup>

## 10 - ҳикоя ✓

Нақл қилишларича, Ҳазиний тўранинг кекса онаси қишнинг айна чилла пайти хасталаниб тўшақда ётиб қолади. Шу тарзда бир неча кун давомида қаттиқ иситмаланиб таом ҳам емай кўяди. Зиёвуддин Ҳазиний онаизорининг кундан-кунга дармонсизланиб бораётганлигини кўриб, ич-ичидан эзилиб кетади. Шундай

---

<sup>86</sup> Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. –Т.: «Шарқ», 2004, 240–241-б.

<sup>87</sup> Қаранг: Троицкая А.Л. Лечение больных знанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень С.А.Г.У. 1925. №10. С. 145-155.

кунларнинг бирида хаста ётган онаси ўз-ўзига шивирлаб «Агар ёзгача етиб борсам, Оққўрғон анжирларидан тўйиб еган бўлардим» деб айтади. Онасининг ёнидан неча кундан бери бир қадам ҳам нари кетмай ўтирган Ҳазиний онаизорининг шивирлаб айтган сўзларини эшитиб, тонгга қадар Аллоҳга муножотда бўлади ва тонг саҳарда Оққўрғон сари йўл олади. У Оққўрғондаги хонадонларнинг бирига келиб уй эгасини чақира бошлайди. Хонадон соҳиби дарвоза олдида Ҳазиний Эшон бувани кўриб таажжубга тушади. Чунки шундай улуғ зотнинг ташрифига муштоқ бўлган хонадонлар озмунча эмас эди. Улар ҳол-аҳвол сўраб бўлишгач, Ҳазиний тўра: «Омборда яширган анжирингиздан бир-икки дона хаста онамга берсангиз. Онаизоримнинг армонини адо этсам» дейди. Бу гапни эшитган хонадон эгаси йиғлаб юборади. Чунки у киши ҳар йили қиш чилласига қадар дорилик учун анжир сақлар, буни эса теварак-атрофда ҳеч киши билмас экан. Фақатгина фиросат йўли билан Ҳазиний тўра бундан ўша кеч хабар топган экан.

## 11 - ҳикоя

Аҳоли орасида Зиёвуддин Ҳазинийни ўз даврининг валий зотларидан бўлганлигини исботловчи бир қанча нақллар сақланиб қолган. Адабиётшунос олим Шариф Юсупов бу тўғрисида қуйидагиларни баён этади:

«Тошкентнинг Кўкалдош мадрасаси муллаваччаси бўлмиш Чуқуркўприк маҳаллалик Мулла Фулом домла номли зиёли билан етмишинчи йиллар ўрталарида бир неча бор суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман. Мулла Фулом домланинг ҳикояларидан Ҳазиний тўра чинакам валий одам сифатида тасаввуримда гавдаланган.

«Мадрасада таҳсил кўриб юрган кезларимизда бизга бошқа фанлар қатори «Қофия»дан ҳам дарс берувчи мударрисимиз ҳузурларига ўша даврнинг кўпчилик одамлари сингари уст-бошига эътибор бермайдиган бир одам онда-сонда келиб турарди. У кишининг ташқи кўриниши ва сўзлашув лаҳжаси Фарғона томонларнинг фуқароси эканини сездириб турарди. Нимдош кийим-боши туфайли толиби илмларда жилла ҳам қизиқиш уйғотмайдиган ўша ўрта ёшлардаги киши мадраса эшигидан кириб келиши биланоқ, мударрисимиз ҳатто дарс ўтаётган бўлсалар

ҳам дарҳол меҳмон истиқболига чиқар, толиби илмлар билан машғулоти келган жойида тўхтатиб, шоғирдлардан бирига рўмол ва пул бериб, шундоққина мадраса орқасида жойлашган гурунч каппонидан паловга лойиқ масаллиқ харид қилиб келишни буюрар эдилар.

Бир сафар шеъриятни яхши ўргатадиган домламиз маъруза-сининг энг қизиган чоғида ўша фарғоналик меҳмон дарсхона эшигини қия очдилар. Маърузани шартта тугатиб, мударрис у киши истиқболига чиқдилар ва бу сафар ош масаллиғи сарфини менга топширдилар. «Қофия» дарси энг қизиган жойида синганидан аттанг қилдим, лекин асло сир бермай, бозор томон йўл олдим. Йўл-йўлакай: «Шу ирkit чопон киши келиши билан мударрисимиз мунча ўқишни тўхтатавермаса, бир оз кутиб, дарслар тугагандан кейин шу ишни қилса бўлмасмикин?» дея ўйлаб кетдим. Домлани маҳтал қилмаслик учун шоша-пиша масаллиқни тайёрлаб келсам, меҳмон мударрисимизнинг хос ҳужрасида у киши билан суҳбат қилиб ўлтиришган экан. Тавозеъ билан қайта салом бериб, масаллиқни домланинг олдиларига қўйиб, ҳужра эшиги томон тисарилиб чиқаётганимда меҳмон ним жилмайиш аралаш менга:

— Энди... ирkit чопон дейсизу, бир нимаси бўлмаса, домлангиз шундай қилмайди-да! – деб қолса бўладими? Балиқдек тилдан қолиб, ғинг деёлмаганимни биламан, холос. Ёлғизликда хаёлимдан кечган, мен бирор одамга айтиш имконига умуман эга бўлмаган «ирkit чопон» ибораси ул зоти шарифнинг оғизларидан чиққанида ранги рўйим не аҳволга тушганини билмайману, лекин бошим гир айланиб, кўз олдим қоронғилашиб кетгани ёдимда. Қай алфозда ҳужрадан чиққаним, ҳовлимизга қандай етиб борганимни билмайман. Эшикдан кирибоқ бу синоатни отамга шоша-пиша айтган эдим, қиблагоҳим ўша «исқирт чопон киши» кароматли эшон, машҳур шоир Ҳазиний тўра эканини айтдилар.

— Шундай, бўтам, Ҳазиний тўра валоятларининг шу тариқа гувоҳи бўлганман, – дея Мулла Фулом домла мени лол қолдириб ўз ҳикоясини тугатган эди». <sup>88</sup>

---

<sup>88</sup> Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. –Т.: «Маънавият», 2003, 148-149-б.

## 12 - ҳикоя ✓

Бир куни Ҳазиний тўрани маҳаллий қозилардан бири чақиртириб: – Эшон бува, бу бир шеърларида «Қозилар ҳукми безътибор ўлди» дебсиз. Қачон бизнинг ҳукмимиз безътибор қолиб, бекор бўлган экан? – дея, сўров-қистовга олибди. У киши оҳиста: – Ҳа тақсир, ҳукмларингизни губернатор тасдиқламаса, бекорда. Безътибор бўлгани шу-да! – деб жавоб берсалар, қози эътироз билдира олмай қолган экан.<sup>89</sup>

## 13 - ҳикоя ✓

Шоирнинг кенжа ўгли Сотиболдихон шундай ҳикоя қилади: – Мен отам ҳақидаги бу гапларни ўз онамдан эшитганман.

Дадам Мавлоно Муқимий билан яқин дўст бўлишган экан. Шоир баъзи йиллари ёз бўйи Қўқонга бормасдан бизнинг уйда яшаган экан. Дадам ҳам Қўқонга – Муқимий ҳужрасига тез-тез бориб ижодий мулоқот қилар экан. Муқимий дадамнинг кўмаги билан Тошкентга (поездда боришган) саёҳат қилган экан. Тошкентда замондош шоир ва ҳофизлар йиғилишиб, ғазалхонлик мушоираларини ўтказар эканлар. Турли баёзларга янги-янги шеърлар жамлашар экан. Йиғилишларда Мулла Тўйчи ҳофиз, Шожалил ҳофиз, сайрамлик Сўфихон ҳофиз ва бошқалар Муқимий, Мискин, Ҳазиний каби шоирларнинг янги ғазалларига куй басталаб ижро этар эканлар».<sup>90</sup>

Таъкид жоизки, Муқимий билан Ҳазиний ўртасидаги мазкур ҳикоя атайин тўқиб чиқарилган эмас. Чунончи, «Баёзи Ҳазиний»да Муқимий ижодига кенг ўрин берилиши ҳам бежиз эмас.<sup>91</sup> Аммо собиқ советларнинг мустабид тузуми даврида ушбу ҳақиқат билан ҳисоблашмадилар. Аксинча уни сохталаштиришга ҳаракат қилинди. Бу ҳақда адабиётшунос олим Ш.Юсупов қуйидаги фикрларни билдиради:

---

<sup>89</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра... 23-б.

<sup>90</sup> Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. –Т.: «Янги аср авлоди». 2004, 165-166-б.

<sup>91</sup> Бу ҳақда қаранг. Мўминов И.М. Танланган асарлар. Биринчи том. –Т.: «Фан», 1969, 326-б.

«Масалан, мутахассислар томонидан «Қўқон адабий муҳити» номи остида илмий истифодага киритилган ва алоҳида қудрат касб этган ижодий мактабда Писандий, Тамкин, Қорий, Нисбатий, Муҳаййир, Ёрий, Завқий, Муҳсиний, Мавлавий Йўлдош, Нусрат, Найирий, Шайдоий, Умидий – Ҳавоий, Роиқ, Синандий сингари ўнларча улкан истеъдод соҳиблари ижод қилганлари ҳолда, бу кенг кўламли гуруҳдан асосан Муқимий, Фурқат, Завқийгина ғаразли мақсадларни кўзлаб ажратилиб олинди. Улар яратган асарларнинг кичик қисмини дастак қилиб, «Ўзбек демократик-маърифатпарварлик адабиётининг намояндалари» сифатида халққа танитилганлар, ўша бир қисми асарлардангина иборат китоблари қайта-қайта чоп этилиб, мактаб ва олий ўқув юртлиари адабиёт дастурлари, қўлланма ва дарсликларига киритилган эди. Улар асарларининг қолган қисми эса атайлаб ўқувчилар назаридан хуфия сақлаб келинган. Аллоҳ ато этган истеъдоди ва адабиёт олдидаги хизматлари билан номлари юқорида қайд этилган ижодкорлардан асло кам бўлмаган Муҳйи, Ҳазиний каби улкан ижодкорларнинг биринчиси, ҳақиқатга бутунлай зид равишда, «ҳукмдорлар, пулдорларнинг хушомадгўйи» сифатида, иккинчиси эса марксизм-ленинизм мафкураси томонидан «халқ учун афюн» деб ёмонотлиқ қилинган диний адабиётнинг таргиботчиси сифатида мунтазам равишда ёмонотлиқ қилиб келинган».<sup>92</sup>

Шариф Юсуповнинг ушбу фикрларига мисол тарзида А. Абдуғафуровнинг «Ўзбек демократик адабиётида сатира»<sup>93</sup>, Ф.Каримовнинг «Муқимий»<sup>94</sup> номли асарларидаги айрим маълумотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида бундай фикр ва қарашлар нафақат илмий, балки бадиий асарларда, жумладан, таниқли ёзувчи Собир Абдулланинг «Мавлоно Муқимий» романида ҳам ўз аксини топган.<sup>95</sup>

Ушбу маълумотлардан кўринадики, Ҳазиний ўз даврининг илғор фикрли зиёлилари билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлиб кел-

---

<sup>92</sup> Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони... 141-б.

<sup>93</sup> Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. –Т.: 1961, 44-45-б.

<sup>94</sup> Каримов Ф. Муқимий. –Т.: 1970, 12-б.

<sup>95</sup> Собир Абдулла. Мавлоно Муқимий. – Т.: 1966. 216-217-б.

ган. Ҳазиний ижодини диний-ижтимоий, тасаввуфий-орифона мазмундаги шеърлар ташкил этганлиги боис, собиқ совет даврида унинг адабий меросига панжа орасидан қараб келиниши табиий ҳол эди.

## 14 - ҳикоя ✓

Ўтган асрнинг 70-йилларида Бағдод тумани Қўштегирмон қишлоғининг Қуйқа маҳалласида тахминан 80-90 ёшларда яшаб ўтган Моҳинисо эна, Хадича эна, Жуманисо эна ҳамда Хайринисо эна сингари онахонлардан Ҳазиний тўра тўғрисида қуйидаги ҳикоялар ёзиб олинган:

Ҳазиний эшон Бағдодда ўзи яратган Регистон ёнидаги манзили томон йўл олган чоғи Қўштегирмондан ўтиб борар экан, айрим бой хонандонларнинг эшигини ҳассаси билан тақиллатиб уй эгасини чақиради. Хонадон соҳиби билан кўришгандан сўнг Ҳазиний тўра «Бугун сизнинг уйингизда палов емоқ истагимиз бор», дейди. Уй эгаси ҳатто очликдан мадори қуриёзган қўшнисининг касалманд болаларига беришга кўзи қиймаган гуручидан қизганиб, «Эшонбува, гуручим бўлганда, бажонидил палов қилиб берардим, афсус» дея ёлғоннамо тарзда бошини чайқайди. Ҳазиний тўра «Ундоқ бўлса, ҳа майли» деб бошқа уйнинг эшигини тақиллатади. Бундай жавобни бошқа хонадон эгасидан ҳам эшитгач, Ҳазиний эшон Регистонга йўл олади.

Буни қарангки, ўша куни Ҳазиний тўрага палов қилиб беришга гуручидан қизганган хонадонларда ғалати воқеалар содир бўлган. Масалан, кўзада сақлаётган гуручига сичқон тушганини кўрган уй эгаси сичқонни тутиш учун мушукни қўйиб юборган чоғи, ит мушукка ташланади. Итдан қочмоқчи бўлган мушук жон талвасасида гуруч турган идишни оғдариб юборади. Натижада, гуруч сочилиб ер билан битта бўлади. Уй эгаси «Эшон бувани рози қилмаганим учун шундай бўлди» деб ўша заҳоти палов қилишга киришади. Қанча кутмасин Ҳазиний тўрадан дарак бўлавермагач, Эшон бувага насибасини олиб қўйиб қолган паловни камбағал қўшниларига улашиб беради. Очлик азобидан касалланиб ётган болалар шу тарзда иштаҳа билан паловни туширадилар.

Айтишларича, Ҳазиний тўра атайин касал болаларнинг палов ейишларини истаганлиги учун шундай воқеалар содир бўлган



экан. Мазкур ҳикояни тинглар эканмиз, севимли ёзувчимиз Йўлдош Сулаймоннинг Зиёвуддин Ҳазиний тўғрисида айтган қуйидаги сўзларини яна бир ёдга олгимиз келди:

«Катта-кичик қишлоқлардан тўнини елкасига ташлаб, муҳаббат ва соғинч билан йўлга чиққан одамлар унинг уйи атрофига йиғилиб, катта тўлқинга айланиб кетарди. Ҳазинийнинг баланд ва ширали овози узоқда турган одамларга ҳам том оша етиб борар, тингловчилар ўша ҳузурбахш дақиқаларда унинг қўлидаги сайраётган танбурга, айтаётган қўшиғига ҳамоҳанг тебранишар, гоҳ ичлари нимадандир тўлиб-тошиб, йиғлаб-йиғлаб энгил тортишар, кўнгиллари дарддан фориф бўларди».<sup>96</sup>

## 15 - ҳикоя ✓

Ҳазиний эшоннинг Ҳайдар бува деган отбоқарлари бўлган. Ўша отбоқарнинг ўғли Абдуҳалим ота 2000 йилда ёши етмишдан ошиб оламдан ўтди. Мазкур ҳикояни Абдуҳалим ота сўзлаб берган экан.

«Ҳазиний тўра йилнинг маълум бир муддатида чилла ўтирар экан. Ана шундай кунларнинг бирида Ҳайдар бува Аштнинг Оқсуқонидан туз олиб келиш учун аравада жўнаб кетади. Чунки Ҳазиний тўра халққа бепул туз тарқатиб берар экан. Ҳайдар бува туз ортилган аравада келаётиб музлаб қолган дарё устига қараб юради. Шунда муз ёрилиб араванинг бир ғилдираги ботиб кетади. Ҳайдар бува кимсасиз жойда ўзи ёлғиз арава ғилдирагини чиқариб олишга ёпишади. У «Ё пирим Ҳазиний тўрам, ўзингиз мадад қилинг» дея бир уринишда ғилдиракни чиқариб олади. Ҳайдарбува шу тарзда Кенагасга эсон-омон, зиён-заҳматсиз кириб келади ва тўғри Ҳазиний тўранинг чиллахонасига келиб: «Эшонбува, айтган тузингизни олиб келдим», дейди. Шунда Ҳазиний ҳазратлари чиллахонадан чиқиб келиб «Э, сизни ўша тузингиздан ўргилай. Елкамни ишдан чиқаришга сал қолдингиз-ку, сизга ёрдам бераман деб, нималар қилмадим. Мана кўринг», деб елкасини кўрсатади. Буни қарангки, Ҳазиний тўранинг елкасида арава ғилдирагининг излари қолган эмиш».

---

<sup>96</sup> Икромиддин Остонақул ўғли. Зиёвуддин Ҳазиний... 162-б.

Айтиш жонзки, Фарғона вилоятидаги зиёратгоҳларни тадқиқ этиш чоғида Пирнинг муридига олис масофада туриб шу тарзда ёрдам бериши хусусида қатор маълумотларга дуч келдик. Қуйида шу сингари ҳикояларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз. Чунки улар Ҳазиний ва унинг отбоқари Ҳайдар бува тўғрисидаги ҳикояни тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Нақл қилишларича, XIX асрнинг ўрталарида бешариқлик Эшмуҳаммад халифа тариқат йўлига кириб, ўзига пир излаш ниятида Афғонистоннинг Каррух қишлоғи томон йўл олади.<sup>97</sup>

Эшмуҳаммад халифа ўша манзилдан ўзи излаган пирини топгач, узоқ вақт шу ерда унинг хизматида қолиб кетади. Кунларнинг бирида сўфийлар даврасида пирлари «Қани энди бир азамат нор бўлсайди, бизга Оқсуқон (Қорасуқон) тузидан олиб келиб, таомларимизни хуштаъм қилиб кўнглимизни шод айласа», деб саволомуз шогирдларига разм солади. Бироқ маълум бир вақтга қадар ҳеч кимдан садо чиқмайди. Чунки туз кони Фарғона водийсининг шимолий қисмида (ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Ашт туманида) жойлашган бўлиб, Каррухдан бир неча юз чақирим олисда эди. Шундай экан, бундай азобуқубатга ва хавф-хатарга тўла сермашаққат узоқ сафарга бориб келишга ўша даврда ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермас эди. Пирларнинг бу истакларидан мақсад, шогирдларининг матонатини синаб кўриш эди. Фаҳм-фаросатли Эшмуҳаммад халифа муршидининг асл ниятини пайқагач, тавозе билан ўрнидан туриб, «Устоз ижозат берсангиз, тузни мен олиб келсам», дея қуллуқ қилади. Шогирдининг ғайратидан хурсанд бўлган пирлари унга оқ фотиҳа бериб, йўлга кузатади.

Шу ўринда Оқсуқон туз кони хусусида икки оғиз сўз. Мазкур туз кони машҳурлиги туфайли унинг тўғрисида бундан минг йил аввалги муаррихларнинг асарларида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, басралик олим Абулфараж Қудама (922–948 йиллар ўртасида вафот этган) ўзининг «Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба» («Хирож ундириш ва мактублар ёзиш санъати ҳақида китоб») номли асарида келтирган маълумотларга кўра, Сомғар

---

<sup>97</sup> Валиев Ш. Чилмаҳрам ғорининг сири. –Т.: «Истиқбол», 2006. 3-б.

(Хожандан 20-25 чақиримча шарқдаги қишлоқ) ва Поп ўртасида Хожистон деб аталувчи мустақкам қалъа мавжуд бўлган. Ушбу Хожистон яқинида катта сув ҳавзаси (Оқсуқон кўли) бўлиб, унда чўкиб қолувчи тузлардан Шош, Хожанд ва бошқа ҳудудларнинг аҳолиси кенг фойдаланиб келганлар. Абулфараж Қудаманинг сўзларига қараганда, ўша вақтда, яъни 928 йили кўчманчи туркларнинг тез-тез бўлиб турувчи ҳужумлари туфайли бу жойлардан карвонларнинг юришлари хавфли саналган.<sup>98</sup>

Абулфараж Қудаманинг ушбу маълумотларидан маълум бўладики, ўша пайтларда кўчманчи туркларнинг манзилгоҳлари айнан ҳозирги Бешариқ ҳудудларида бўлиши мумкин. Чунки қадимги Хожистон қалъаси ва Оқсуқон туз кони Бешариқ мавзейидан атиги бир неча чақирим узоқликда жойлашган, холос. Шундай экан, кўчманчи туркларнинг Сирдарё бўйлаб келаётган карвонларга ҳужум қилиш учун энг қулай маконлар айнан Бешариқ ҳудудлари бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Оқсуқон туз конида туз қазиб олиш бирон бир даврда тўхтаб қолмаган. Чунки 1829 йили Россиядан Қўқон элчиларини кузатиб келган Хоружнин Потанин томонидан келтирган маълумотларга кўра, мазкур туз конидан туз олиш учун Қўқон хонлигининг турли жойларидан одамлар келганлар.<sup>99</sup> Бундан кўринадики, Оқсуқон тузи нафақат Фарғона водийси аҳолисини, балки бошқа ҳудудларда истиқомат қилувчи халқларнинг тузга бўлган эҳтиёжини қондирган. Шундай экан, Эшмуҳаммад халфанинг бир неча юз чақиримдан туз учун келиши бежиз бўлмаган. Чунки Оқсуқон тузидан ўша пайтларда афғон диёрида турмуш кечирётган аҳоли ҳам фойдаланиб келган.

Биз юқорида Эшмуҳаммад халифанинг туз конига қилган сифари хусусида сўз очган эдик. Маълумотларга кўра, Эшмуҳаммад халифа туз конидан бир неча пуд (бир пуд – 16 кг) тузни қолга жойлаб, Каррух сари йўлга тушади. У қаерда нафас ростлаш учун тўхтаसा, ўша ерда икки ракат нафл намозини ўқиб, яна йўлида давом этади. Шу зайлда уч ой деганда Каррухга яқинлашади. Каррухга уч кунлик йўл қолган вақт пири даврада ўтириб

---

<sup>98</sup> Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана. Л., 1934. С.77.

<sup>99</sup> Ўша асар. 78-б.

«Бу томонга биз орзиқиб кутган нор келмоқда», дея шогирдини кутиб олиш учун бошқа халфалари билан йўлга чиқади. Қоп кўтарган Эшмуҳаммадни кўрган дўстлари унинг елкасидан оғир юкни олишга ошиқадилар. Бироқ Эшмуҳаммад халифа «Олти ойлик йўлни босган нор, худо хоҳласа бу ёғига ҳам кучим етади», деб уларни ортга қайтаради. Пирларини ҳузурига ошиққан Эшмуҳаммад халифа келиб кўрсаки, дошқозонларда овқат пишаётган бўлса ҳам ҳали туз солинмаган экан. Шунда у пирларининг ижозати билан таомга туз солади. Оғир юк унинг елкасини арчиб юборган бир ҳолатда бўлса ҳам, пирининг синовидан муваффақиятли ўтганидан беҳад шод бўлган Эшмуҳаммад халифа оғриқ азобини ҳам унутган эди. Пири садоқатли халифасига меҳр билан боқиб, унинг елкасини уч бора силайди. Шу тарзда Эшмуҳаммад халифанинг елкасидаги жароҳат изларидан асар ҳам қолмайди. Эшмуҳаммад халифа устозидан иршод олгач, Фарғона водийсига қайтади.

Эшмуҳаммад халифа тўғрисидаги мазкур маълумотлар яна бир валий зотлардан бири Дўсти Худо лақабли Атоуллоҳ ҳазратлари билан бўлиб ўтган воқеаларни эслатади. Нақл қилишларича, ҳазрат Атоуллоҳ бир неча пудлик бир қоп буғдойни елкасига олиб, каррухлик пирининг ҳузурига жўнабди. Елкасида буғдой ортиб келаётганлигини ғойибдан билган пири «Ё бори Худо, Атоуллоҳ биз томонга елкасида буғдой ортиб келмоқда. Қопнинг оғирлиги унинг елкасига эмас, бизнинг елкамизга тушсин», деб Парвардигорга илтижо қилибди. Атоуллоҳ қанча узоқ йўл юрмасин, елкасидаги қопнинг оғирлигини сира сезмабди. Манзилга етиб келганда, кўрсаки пирининг елкаси оғир юк кўтарганлигидан кўкариб кетган эмиш. У шундагина пири йўл азобидан шу тарзда уни халос қилганини билибди.

## 16 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг набираси бўлмиш Моҳирахон Сотиболдихон қизи ҳикоя қилади:

– Ушбу ҳикояни падари бузрукворимиз бўлмиш Сотиболдихон Зиёвуддин Ҳазиний тўра ўғлидан эшитган эдим.

Кунларнинг бирида Ҳазиний бобомиз Норматбобо исмли аравакаш билан Марғилонга йўл оладилар. Улар анча йўл юриб Олтиариқдан ҳам ўтганларида дабдурустан Ҳазиний тўра:

– Тезда аравани ортга бургин, – дейди.

Нормат бобо бунинг сабаби нима эканлигини сўрашга ҳам ботина олмай, шитоб билан аравани ортга Кенагас томон буради. Улар Катта Кенагасга келганларида эса, Эшон бувамиз аравани тўхтатмай «энди аравани тўғри Яйпанга, Оқмачитга ҳайда» деб буюради.

Оқмачитга етиб келишганида қадрдонларининг меҳмонхонасида уй тўла одам ўтиришган экан. Ҳазиний эшон бувамиз меҳмонхонага кирар-кирмай «Ҳаммангиз ташқарига чиқинг!» деб бақирибдилар. Меҳмонлар шоша-пиша уйдан ўқдек отилиб чиқибдилар. Буни қарангки, охирги одам меҳмонхонадан чиқиши билан меҳмонхона томи қулаб тушибди. Эшон бувамиз шу тарзда бир неча инсонларни ўлимдан асраб қолган экан.

## 17 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг набираси бўлмиш Моҳирахон Сотиболдихон қизи ҳикоя қилади:

– Ушбу ҳикояни падари бузрукворимиз бўлмиш Сотиболдихон Зиёвуддин Ҳазиний тўра ўғлидан эшитган эдим.

Ҳазиний бобомиз Халқаро бобо исмли қорақалпоқ шогирди билан Андижонга тўйга борибдилар. Тўй эгалари юртнинг катта-кичиклари азбаройи Ҳазиний тўра қўшиқларининг ихлосмандлигидан уч кун ўтса ҳам уларга ортга қайтишга рухсат бермабдилар. Меҳмондорчиликнинг учинчи куни эрталаб бобомиз таҳорат олгач:

– Халқаро, тур дарров кетмасак бўлмайди, – дебдилар ва мезбонларнинг норози бўлишларига қарамай, улар билан куюқ хайрлашиб йўлга тушибдилар. Шаҳардан чиқишгач Эшон бувамиз: «Халқаро, орқангга қарагин» дебди. Шогирди не кўз билан кўрсинки, ер қимирлаб уйлар қулай бошлаган эмиш. Ўша вақтда Ҳазиний бобомиз Андижондан чиқишлари билан шаҳарда кучли zilзила содир бўлган экан.

Мазкур ҳикоядан хабардор бўлган Катта Кенагасликларнинг таъкидлашларича, Ҳазиний тўра Андижонда эканлигида бир оз муддатдан сўнг zilзила юз беришини уйқусида хабар топган. У шу заҳоти бир қанча оилани юз беражак мудҳиш воқеадан огоҳ этиб, уларни омон сақлаб қолган экан.

Ҳазинийнинг набираси бўлмиш Моҳирахон Сотиболдихон қизи ҳикоя қилади:

– Айтишларича, Ҳазиний эшон бувамиз Катта Кенагасда ҳар ойнинг ўн бирида, сешанба куни халқ сайлини уюштирар эди. Бу сайлга қўшни қишлоқлардан ҳам меҳмонлар келар, катта дошқозон осилиб, ҳар ким топганини олиб келиб шу қозонга ташлаб «чулон оши» пиширишар. Ҳатми Қуръон ўқилиб, зикр қилинар ва шундан сўнггина қабристонга борилар экан. Шу сайлларнинг бирида халқ тўпланиб, ўйин-кулги авжига чиққанда Кенагаслик Жамол исмли киши «Большавой» келди деб осмонга ўқ узади. Ваҳимага тушган одамлар жон ҳолатда ҳар томонга қоча бошлайди. Ҳазиний эшон бувамиз кўрқиб кетган одамларни тинчлаштиришга қанча уринмасин, юрак олдириб қўйган аҳоли беркинган жойларидан чиқмай тураверадилар.

Одамларнинг бу тахлитда ҳаёт кечираётганларини кўриб, Ҳазиний эшон бувамиз яқинларига «Кенагас энди қоронғу зулмат ичида қолди. Мен Қашқардан Мадинага кетаман» деб сафар тараддудига тушади. Бу воқеалар 1918–1920 йилларда содир бўлади.

Ҳазиний бобомизнинг ҳолидан хабар топган ўша вақтдаги маданият арбоби, шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Обид Аълам орқали Кенагасга хат юборадилар. Хатда: «Сизга оқлов қоғозини юборяпман. Шу қоғоз сизга ҳужжат бўлади. Шу ҳужжат орқали бемалол ўз жойингизда яшайверинг. Сизга ҳеч ким ҳеч нарса демайди» дейилган экан.

## 19 - ҳикоя

✓

Ўктамхон ая Мамажонованинг Ҳазинийнинг аёли Қумрихон аядан эшитган ҳикояси.

– Ҳазиний тўра Кенагасда бирон бир киши дунёдан ўтса, уч кун давомида қабристонга бориб турар экан. Баъзи пайтларда «Фалончининг қабрига борган эдим, роҳатда ётибди. Кўп савобли ишлар қилиб, Худога етишган инсон экан» деса, айрим ҳолларда «Фалончининг қабрига борган эдим. Роса азоб чекапти. Тириклигида қилган гуноҳлари кўп экан» дер экан. Шунга ўхшаш ҳикояни Ҳазиний тўранинг чевараси Ўзбекистон тумани

Қудаш қишлоғида яшовчи Садриддин Ҳайдаровдан ҳам ёзиб олдиқ:

– Ушбу ҳикояни Отам Эргашхон тўра (1927–1997) ўз онаси, яъни Ҳазинийнинг қизи Марҳаматхон бувимиздан эшитган экан.

Кунлардан бир кун Ҳазиний эшон қизи Марҳаматхон ва куёви Ҳайдархон билан аравада кетаётиб, йўл бўйидаги қаровсиз қолиб кетган бир қабрга кўзлари тушибди. Шунда Марҳаматхон «Бу қаровсиз қабр кимнинг қабри бўлиши мумкин?», деб отасидан сўрайди. Ҳазиний тўра бир оз муддат сукутга чўмиб «Бу қабр аёл кишига тегишли. У ўттиз ёшида вафот этган. Ортдан ҳеч ким қолмаган экан бояқишни. Шу сабабдан унинг қабри қаровсиз қолиб кетибди», деб жавоб берибди.

Эргашхон отамнинг айтишларича, Ҳазиний тўрани бундай хислат соҳиби бўлганлиги учун ўз даврининг кашфи қубурлар жумласидан дейишган экан.

Шу ўринда ўқувчиларга «кашфи қубур» ибораси ҳақида маълумот бериб ўтсак.

Маълумки, валийлик даражасига эришган зотлар «Кашфи қубур» деб аталувчи хислат соҳибига айланадилар. Бу ҳақда Фахрудиддин Али Сафий (1463 – 1532) ўзининг «Рашаҳоту айнил - ҳаёт» асарида шундай ёзади:

«Ойтур эрдиларким: «Кашфи қубур» ул турурким, соҳиби қабрнинг руҳи сувари мисолийдин муносиб бир суратга мутаммасил (шаклга эга) бўлур ва соҳиби кашф (руҳни кўрувчи) они ул суратда дийдан басират (идрок кўзи) билан мушоҳада қилур. Аммо вақтеким, шаётин (шайтонлар) ва муташаккил (шакл)ға сувару ашколи мухталифа (ҳар хил кўриниш) била мутаммассил бўлмоққа қуввати бор эрди, ул жиҳатдин хожагон қаддасаллоҳу таоло арвоҳаҳум бу кашфни эътибор этмай турурлар. Ва оларнинг тариқатлари асҳоби қубурни зиёрат эмакда ул турурким, бир азизнинг бошига борсалар ўзларини ҳамма нисбатлардин ва кайфиятларидин холий қилурлар ва мунтазир ўлтурурлар, то ҳар на нисбат зоҳир бўлса, ул нисбатдин соҳиби қабрнинг ҳолини маълум этурлар. Ва оларнинг тариқлари бегона одамларнинг ҳам суҳбатида шул важҳ била турурким, ҳар киши оларнинг ёнларига келиб ўлтурса, ўз ботинлари (кўнгил)ға назар этурлар. Ҳар нимарса ул киши келгандин сўнг зоҳир бўлса билурларким, ул нисбат ондин турур ва оларнинг онда даҳли йўқ турур. Ул нисбат андозасида онинг

билан лутф юзидин ё қаҳр юзидин зиндагонлик (муомала) қилурлар.

Ва ҳазрати Шайх Муҳйиддин ибн ул-Арабий қулдиса сирриҳу муни «тажаллийи муқобала» деб турур.

Бу маънонинг зуҳури камоли жило ва сафонинг воситаси била турурким, оларнинг ботини мунавварлариға ҳосилдур ва ҳақиқатларининг ойнаси нуқуши кавнийиадин пок ва соф бўлуб турур. Ва ул зоти бекму кайфға камоли муҳозоти сабабидан тажалийи зотидин бошқа онда ҳеч нимарса қилғон йўқ турур. Ва ҳар қачонким, они ўз таъбиға қўйсалар ул амри бекайфдин бошқа ҳеч нимарса онда зоҳир бўлмас. Бас ҳар нимарса ул ойнада зоҳир ва пайдо бўлса, ондин эрмастур, балким шахсдин бўлурким, тақобулнинг воситаси била онда мунакс бўлуб эрди. Ва бу сўзнинг муаййиди (таъкиди)га ойдиларким: «Бир кун хизмати (жаноб) Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳма бу фақирға ойдиларким: «Бугун Шош вилоятининг мозоротлари тавофиға борурмиз». Оларнинг мулозаматларида бордим. Хизмати Мавлоно бир қабрнинг бошида кўб ўлтурдилар. Ондин сўнг кайфияти тамом (ҳолати тамом бўлгач) била ўринларидин турдилар. Ойдиларким: «Бу қабрнинг соҳибиға нисбати жазба голиб эркан». Ва ул Хожа Иброҳим Кимёгарнинг қабри эрдиким, замоннинг мазжубларидан эркан. Ва ондин сўнг яна бир қабрнинг бошиға бордилар ва лаҳзае таваққуф этдилар (тек турдилар) ва ондин сўнг чиқдилар. Ва ойдиларким: «Бу қабрнинг соҳибиға нисбати илмийя (олимлик нисбати) голиб эркан. Ва ул Шайх Зайнуддин Куйи Орифоннинг қабрлари эрдиким, уламои раббонийдин эрканлар...

Баъзи асҳобларким кашфи қубур ва бошқа кашфлар билан ҳам мутаҳаққиқ эрди, оиди: «Бир кун ул вақтларда Мавлоно Нуриддин вафот топиб эрдилар, Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида Тошканд гўристонининг кунчиқаридин отлиғ ўтуб борур эдик, Мавлоно Нурудинни кўрдумким, лаҳадда ойланиб Ҳазрати Эшон тарафлариға юз келтурди. Ул ҳазрат ойдилар: «Ҳей Нуриддун, рост ётғил». Ул яна ойланиб, қибла тарафға юзини келтурди».<sup>100</sup>

---

<sup>100</sup> Фахрудиддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. –Т.: «Абу Али Ибн Сино», 2004, 341-б.



Тадқиқот давомида Муҳаммад Юсуф Марғинович, яъни Хонимойи Ҳазрат домла (1836 – 1914) ҳамда Ҳолмуҳаммад қори Мулла Соҳиб ўғли (1856 – 1939) сингари Марғилонда яшаб ўтган гасаввуф тариқати намояндалари ҳаётида ҳам Зиёвуддин Ҳазинийдек мазорларда муроқабда ўтириш ҳоллари содир бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларга дуч келдик.<sup>101</sup>

Маълумотларга кўра, Ҳонимойи Ҳазрат домла Пури Сиддиқ мазорида тез-тез муроқабда бўлиб турган.<sup>102</sup> Дили билан Аллоҳни таниган, зоҳиран кўзлари аъмо (кўрмас) бўлган Ҳолмуҳаммад қори хусусида унинг шогирдлари шундай ҳикоя қиладилар: «Чорбоғ маҳалласида Довутов қабристонининг бурчагида йўлнинг бўйида битта якка қабр бор эди. Бир куни қоридада бир тўп шогирдлари билан ўша қабр ёнидан ўтиб кетаётган эдилар. Шогирдларидан бири «Устоз, бу қабрда бирор азиз зот ётибдиларми?» деб сўраб қолади. Қоридада қабр ёнида туриб муроқабда қилиб (яъни чуқур ўйга толиб) бир муддат ўтгач, «Йўқ, бу жой шу маҳаллада яшаган бир бадавлат кишининг қабри экан», деб жавоб берадилар. Муроқабда билан қабрнинг ичида ким ётганини билган эканлар».<sup>103</sup>

## 20 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг чевараси Садриддин Ҳайдаров ҳикояси.

Айтишларича, Қоровултепа қишлоғида масжид қурилиши вақтида бир хари (тўсинлар остидан кўндалангига қўйиладиган, узун ва йўғон асосий ёғоч) калталиқ қилади. Шунда боши қотган катта уста Ҳазиний ҳузурига келиб: «Эшон бува, маслаҳат беринг. Энг узун хари ҳам калталиқ қилиб қолди. Бошқасини қаердан топишни билмаймиз» дейди. Ҳазиний тўра шунда ўша калталиқ қилаётган харига қўлини текизиб «Энди қўйинглар, ҳеч калта бўлмайди» дейди. Ҳазиний тўранинг сўзидан ҳайрон

---

<sup>101</sup> Эшонбобоев Ў., Усмонов Т. Марғилон уламолар шаҳри // Марғилон шаҳри ўтмиши, бугун ва эртаси мавзусидаги Республика илмий семинар материаллари. «Фарғона». 2007. 25-б.

<sup>102</sup> Дала тадқиқотлари. 2008 йил. Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил қишлоғида яшовчи Мухториддин махсим Охунжон қори Ўғлидан (1916 йилда туғилган) ёзиб олинди.

<sup>103</sup> Тожимуҳаммад ҳожи Фозилжон ўғли. Маориф гулшани. «Фарғона». 2008, 27-б.

бўлган уста ўша харини жойига қўйсалар, бу сафар ҳатто керак-лисидан бир қарич узунлик ҳам қилган экан.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўрта Осиёда, жумладан Фарғона водийсида яшаб ўтган азиз-авлиёлар ҳаётига доир ривоятларда масжид устунининг чўзилиши билан боғлиқ воқеалар мавзуси кенг ўрин олган. Масалан, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг Овчи қишлоғидаги масжид, Қувасой шаҳрининг Арсиф қишлоғидаги Искандар халфа масжиди, Марғилон шаҳрининг Валихон тўра хонадонини барпо этишда ёғочнинг авлиё назари билан чўзилганлиги нақл қилинади.

Бундай ривоятлардан бири тасаввуф дунёсининг етук вакили улуғ шоир Сўфи Оллоёрга (тахм. 1650–1723/24) нисбатан ҳам берилади. Бу ҳақда Равшан Мирзаев «Сўфи Оллоёрга замон боқажак» номли рисоласида ҳикоя қилади:

«Бир ривоятда айтилишича, Сўфи Оллоёр қурилишнинг ҳамма ишларига қарашиб юрар экан. Гоҳ девор ураркан, гоҳ ёғоч ишлари билан машғул бўларкан. Бир куни масжид қурилишида ёғоч устаси битта устун бошқаларидан бироз калта эканлигини кўриб, Сўфи Оллоёрга бу ҳақда айтади. Шунда Сўфи Оллоёр айтади:

«Йўқ уста, калта эмас, яна бир ҳаракат қилиб кўринг, барабар келиб қолар».

Уста устунни яна тикка қилиб кўрасаки, бошқа устунлари билан барабар чиқибди»<sup>104</sup>.

## 21 - ҳикоя ✓

Сотиболдихон отанинг катта келини 1951 йилда туғилган Сабохон Зияеванинг ҳикояси.

– Айтишларича, Ҳазиний эшон барча ёру биродарларига «Бугун фарзандим Сотиболдихонга тўй бермоқдаман» дея уларни тўйга таклиф этибди. Бундан беҳабар бўлган аёли Қумрихон ая эса уй ишлари билан банд бўлиб, кашта тикиб ўтирган экан. Бир вақт «Муборак бўлсин, тўйга келдик», дея қаторлашиб меҳмонлар тўёналар кўтарганича кириб кела бошлабдилар. Карнайчилар бўлса, тинмай карнай чалиб қишлоқдагиларни тўйга чорлар

---

<sup>104</sup> Мирзаев Р. Сўфи Оллоёрга замон боқажак. –Т.: «Фан», 2007, 45-б.

эмишлар. Қумрихон ая келаётганларга «Адашибсизлар, ҳали биз тўй қилмоқчи эмасмиз», десалар ҳам. одамлар «Эшонбува алдамайди. Ўзлари бизни тўйга таклиф қилган», деб унга қулоқ солмабдилар. Бир вақт «Ҳорманглар, хуш келибсизлар меҳмонлар!» деганича Ҳазиний тўранинг ўзлари кириб келибдилар. Тез орада қўйлар сўйилиб, дошқозонлар осилибди. Тўй охирида Ҳазиний тўра «Фалон куни яна барчангизни хонадонимга таклиф қиламан» деб келганларни кузата бошлабди. Тўйдан қайтаётганлар бугунгидек яна бир мазза қилар эканмиз-да, деган ўй билан тарқалибдилар. Одамлар айтилган кунга йиғилишиб келсалар, Ҳазиний хонадониди барча мотамда эмиш. Чунки шу куни Ҳазиний эшон оламдан ўтган экан. Ўша куни зиёфатга деб келганлар «Ҳазиний тўра ўлимини қачон содир бўлишини билган валий зот бўлгани учун бизни ўзининг таъзиясига айтган эканлар» деганларича, дод-фарёдлар билан йиғлаган эканлар.

## 22 - ҳикоя ✓

Ҳазинийнинг чевараси Садриддин Ҳайдаров ҳикояси.

– Нақл қилишларича, Ҳазиний тўра Қудаш қишлоғига борган чоғи муридларидан бири ҳузурига келиб: «Эшон бува, яккаю ягона ўғлим кун бўйи чилдирма чалгани чалган. Насиҳатларим кор қилмай қўйди. Бирон бир йўл кўрсатинг» дея қулоқсиз фарзандидан арз қилади. Ҳазиний унга ўғлининг чилдирмасини олиб келишини айтади. Эшон бува чилдирмани бир-икки аста чертиб кўргач, «Энди ўғлингиз чилдирмани чала берсин» дейди. Ҳазиний тўранинг сўзларидан ҳайрон бўлган ота бечора яна чилдирмани ўғлининг қўлига тутқазар экан «Эшон бува айтди. Чилдирмангни чалиб юравергин экан», дейди. Бироқ фарзанди ҳар гал чилдирма чертса, қулоғига «Ху» деган овоз эшитилаверган. Шу тарзда кўп ўтмай ноқобил фарзанд солиҳ бир йигитга айланиб, отасининг кўнғлини шод қилган экан.

## 23 - ҳикоя

Зиёвуддин Ҳазиний ҳамқишлоғи Валихон эшон Мастонов (1908–1995) ҳикояси.

– Ҳикоя қилишларича, бир йили Мартғузур (ҳозирги Поп тумани) қишлоғида ниҳоятда катта анжуман бўлади. Унда бутун

водий ва атрофлардан етук шоиру ҳофизлар иштирок этишади. Йиғин якунида Ҳазиний тўрадан ашула айтиб бериш сўралган. У кишининг (шериги Урайим ҳофиз билан) айтган кўшиғини эшитгач барча ҳофизлар тан олиб, олқишлашган. Шундан сўнг ўртага чиқиб ашула айтишга ҳеч ким ботина олмаганлиги узоқларга кенг овоза бўлган экан.<sup>105</sup>

Шу ўринда айтиш жоизки, Зиёвуддин Ҳазиний хушовоз хонандаю маҳоратли созанда эканлигидан ташқари, замонасининг забардаст шоири ҳам эди, унинг ғазаллари ўз даврининг машҳур ҳофизлари томонидан куйга солинган. Жумладан, Фарғона водийсида катта обрўга эга бўлган марғилонлик ҳофиз Мадалибек Раҳматулло ўғли (1876–1931) Ҳазиний билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган.<sup>106</sup>

Ўзининг юксак ижрочилик маҳорати билан барчанинг ҳурматига сазовор бўлган кўплаб таниқли ҳофизлар ижросида Ҳазиний ғазаллари завқ билан куйланганлиги ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, марғилонлик ҳофизлар Абдураззоқ ота, Болтабой Ражабов, Ҳасан қори, олтиариқлик Мулла Усмон Охун, Марзааҳмад, Мулла Бурҳон, шаҳрихонлик Абдуллажон махсум, Макайли ҳофиз, Мулла Абдувоҳид, Солихожа ҳофиз, тошкентлик Мулла Тўйчихон ҳофиз, Шожалил ҳофиз, сайрамлик Сўфихон ҳофиз, хўжандлик Содирхон ҳофиз ва Фармон ҳофизлар ана шулар жумласидандир.

Катта ашулачиларнинг устози ҳисобланган, етук халқ ҳофизларидан бири Мамадбобо Сатторов (1885–1969) номини алоҳида тилга олиб ўтиш лозим бўлади. Чунки Мамадбобо ҳофиз Зиёвуддин Ҳазинийдан таълим олган. У Чоргоҳ, Ушшоқ, Муножот ашулаларининг патнисаки йўлларини ҳам Ҳазинийдан ўрганган эди.<sup>107</sup>

Аҳоли орасидан ёзиб олинган маълумотларга кўра, Ҳазиний ғазалларини дастлаб куйга солиб кўшиқ қилиб айтувчи Қумбо-

---

<sup>105</sup> Жўрабоев М. Ҳазиний тўра... 18-б.

<sup>106</sup> Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий кўшиқчилик маданияти тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1996, 109-б.

<sup>107</sup> Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов // Ўзбекистон халқ созандалари. –Т.: «Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974, 45-б.

сти қишлоқлик Йўлдош(Қўлдош – ?) дакан исмили ҳофиз бўлган экан. Йўлдош ҳофиз Ҳазиний қўшиқларини шу қадар маҳорат билан айтар эканки, бу борада унинг олдига тушадигани бўлмаганлиги учун эл орасида дакан лақаби билан машҳур бўлган экан. Зиёвуддин Ҳазиний янги шеърини битиши билан дарҳол Йўлдош дакан олдига келар, у бўлса шоир шеърини ўша заҳотиёқ қўшиқ қилиб айтар экан.

Айтишларича, Йўлдош дакан Ҳазиний вафотидан сўнг ғоят тушкунликка тушиб, қадрдон қишлоғини тарк этган. Йўлдош дакан шу тарзда саргардонликда турмуш кечирган ва 20-йилларнинг охирида ғарибликда дунёдан ўтган.

## 24 - ҳикоя ✓

Катта Кенагас қишлоғида яшовчи Эркинжон Ширмонов (1949 йилда туғилган) ҳикояси.

– Отамиз Шабронбой (1924–1993) Ҳазиний тўраининг фарзанди Сотиболдихон отанинг кўп йиллик қадрдони бўлган эдилар. Бир куни отамиздан «Сотиболдихон амакимизнинг дадаси Ҳазиний эшон бувани валий зотлардан бири бўлган дейишади. Шу ҳақда сиз нималар биласиз» деб сўрадим. Шунда отам қуйидаги ҳикояни сўзлаб берган.

Айтишларича, Ҳазиний эшон бува Тоғлиқ маҳалласида ташкил этилган гап-гаштакка келиб, энди қўлига сув олган чоғи, ташқарида икки ғаламис «Эшоннинг бир адабини бериб қўяйлик», деган мақсадда кавушини ахлат билан булғаётганликларини фиросат билан сезиб қолади. У ҳатто ошга ҳам ўтирмай, гарчанд қаҳратон қиш ва тизза бўйли қор бўлса ҳам кўнгли оғриганча ялангоёқ уйига жўнаб кетади. Ҳалигилар қилган номаъқул ишларидан уялмай қаҳ-қаҳ отиб куладилар. Аммо уларнинг хурсандчиликлари узоққа чўзилмайди. Эртаси куни иккаласи ҳам ақлдан озиб, беҳуш бўлиб қоладилар. Фарзандларининг бу ҳолатга тушиб қолганликларидан қаттиқ ташвишга тушган отоналари бунинг сабабини англаб етганларидан сўнг, Ҳазиний хонадонига биттадан қўй олиб бориб, ақлдан озган фарзандлари билан келиб «Эшон бува, фарзандларимиз қилган беадабчиликларига тавба қилдилар. Уларни айбидан ўтсангиз» дея ялиниб-ёлбориб кечирим сўрайдилар. Шунда Ҳазиний тўра «Қўйларингиз ўзларингизга сийлов. Мен фарзандларингизни кечирган-

ман. Аммо ўқ отиб бўлинган. Уни энди қайтариб бўлмайди», дея жавоб берган экан.

Айтиш жоизки, авлиёларни мазах қилиш, менсимаслик ва улар устидан кулишнинг оқибати нақадар аянчли бўлиши ҳақида ҳам халқимизда кўплаб ривоятларни эшитиш мумкин. Масалан, Муҳаммад Олим Шайх Азизон (1564–1631) ўзининг «Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс» (Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар) аса-рида бу ҳақда қуйидаги ҳикояни келтиради:

«Қосим шайхнинг Мавлоно Муҳаммад исмли дарвешлари бор эди. Айтар эди Қосим шайх ҳазратларининг Мавлоно Валига хизматлари чоғида. Мавлоно Қосим Азизоннинг бир хизматкорлари бор эди. Гоҳида беадаблик қилар эди. Бир куни Мавлоно Вали ҳазратлари хилватда ўтирганларида айтдилар, ҳеч ким бу хилватда тарвуз емасин. Бир киши Қосим шайх ҳузурларига тарвуз олиб келди. У киши тарвузни едилар. Юқорида айтилган хизматкор тарвуз пўчоқларини Мавлоно Валининг йўлларига сочиб тўкиб ташлади ва воқеани у кишига айтиб берди. Ҳазрат Азизон Қосим шайх ғазабланиб айтдилар. Хизматчи бола ўлсин. Ўша бола ўлибди. Кейин ҳазрат Азизон айтибдилар. Шайх болани ўлдирдилар. Самарқандда ҳазрат Қосим шайх Азизон овқат пишириш ва Мавлоно Валига таҳорат суви иситиш учун ўтин ташир эдилар. Бир куни бир қабристонда қуриб қолган ўтинларни таҳорат суви иситиш учун олиб келаётганларида бир толиби илм у кишини тўхтатиб кўп беадаблик қилибди, охирида у киши айтибдилар. Биз ўтинни сўфиларга таҳорат суви иситиш учун олиб бораяпмиз, сиз қайтараяпсиз. Сизни таҳоратингиз турмай қолсин деб дуойибад қилибдилар. Ўша замондан ҳалиги толиби илм салсабилул бавл касаллигига йўлиқиб таҳорати турмайдиган бўлиб, умрининг охиригача тузалмабди».<sup>108</sup>

Шу ўринда таъкид жоизки, бизга Ҳазиний тўғрисидаги мазкур ҳикояни сўзлаб берган Эркинжон ва унинг укаси Неъматжон Ширмоновлар оталари Шаброн ҳофиз изидан бориб, эл суйган санъаткорлар бўлиб етишдилар. Улар Ҳазинийнинг «Ёввойи чоргоҳ», «Фарғона тонг отқунча» қўшиқларини маҳорат билан куйлаб вилоят ва Республикада ўтказилган қўшиқ танловларида

---

<sup>108</sup> Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи К.Қаттаев. –Т.: «Фан», 2007, 160-б.

иштирок этишиб, 12 марта кўрик ғолиби бўлдилар. Эл-юрт орасида уларни Довудий овоз<sup>109</sup> соҳиблари деб ҳам аташади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Маълумки ҳар бир ашуланинг ўзига хос авжи бўлади. Йирик ашулаларда эса бир неча авж келиши мумкин. Айтишларича, кўрик танловларнинг бирида Эркинжон ва Нёьматжон Ширмонов шунақанги баланд авж билан қўшиқ бошлаганларида, бу ҳолатни кузатиб турган тингловчилар «ҳозир тўхтаб қолишади» деган фикрга келадилар. Аммо улар қўшиқни шу қадар маҳорат билан айтадиларки, алал оқибат залда ўтирганларнинг барчаси уларни бир неча вақтгача олқишлаган эканлар. Шу сабабдан Ҳазиний тўранинг фарзанди Сотиболдихон ота: «Эркинжон ва Нёьматжон дадамизнинг қўшиқларини айтсалар, ҳар доим ҳузур қилиб тинглайман» деб уларнинг ижрочилик маҳоратига тан берган экан.

## 25 - ҳикоя ✓

Нақл қилишларича, Ҳазиний тўра шеърлари жамланган илк қўлёзма девонини қўлига олиб: «Бу девонни ниҳоясига етказдикку, аммо у бир кун келиб йўқолиб кетади. Шунда уни авлодининг авлоди топади» дейди. Девонни оққа кўчирган хаттот «Эшон бува, бундай демасинлар. Иншоаллоҳ Амакихон ушбу девонингизни кўз қорачиғидек асрайдилар», деб Ҳазиний тўрага далда бермоқчи бўлади. Бироқ Ҳазиний ҳазратлари: «Йўқ, девонни топадиган ўғлим ҳали дунёга келгани йўқ» деган экан. Шундан сўнг кўп ўтмай унинг кенжа фарзанди Сотиболдихон туғилади. Қизиғи шундаки, Ҳазиний тўра айтганларидек, ҳақиқатдан ҳам авлодининг авлоди даврида, яъни юртимиз мустақилликка эришгач, кенжа фарзанд Сотиболдихон ҳаётлигида Ҳазиний шеърини асарлари кетма-кет чоп этила бошланди.

Ҳазиний тўранинг шеърларини кўпинча унинг ёнида юрган Сотиболди Охунд оққа кўчирганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд.<sup>110</sup> Бироқ изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, Ҳазиний

---

<sup>109</sup> Довудий, Довудий овоз – кучли ва ёқимли овоз маъносида. Ривоятларга кўра, Довуд пайғамбар яхши машшоқ бўлган. Шу туфайли хушовоз хонандалар (баъзан), созандалар маҳоратига баҳо берганда, унга тенглаштирадилар.

<sup>110</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра... 20-б.

тўранинг умрини охирича ёнида юриб шеърларини оққа кўчирган Назирхон эшон ва «Ҳофизхон эшон» лақабли Анбиёхожа исмли яна икки хаттотлари ҳам бўлган.

Айтишларича, Анбиёхожа Ҳазинийнинг қариндоши бўлиб, у ҳам Низомиддинхожанинг авлодларидан эди. Анбиёхожа моҳир хаттот бўлиши билан бирга, истеъдодли шоир сифатида Ҳазиний эътиборига тушган. У ҳатто ўзи ёзган шеърларни йиғиб девон ҳам тузган. Ҳазиний вафотидан сўнг Анбиёхожа қайси даврага бориб ҳофизлик қилса, ушбу девонни ўзи билан олиб юришга одатланган. Шундай давралардан биридан қайтаётган вақтида қишлоқдаги Шўро ҳукумати фаолларидан бирининг кўзи Анбиёхожанинг девонига тушади ва унинг ҳай-ҳайлашига қарамай, Қўқон шаҳрига олиб кетади. Шу тарзда Анбиёхожа девоннинг ягона қўлёзма нусхасидан ҳам жудо бўлади.

Маълумотларга кўра, йигирманчи йилларнинг охирида Низомиддинхожанинг икки набираси Анбиёхожа ва унинг биродари Украинага «қулоқ» сифатида сургун қилинган. Аслида қўлларидан бирон бир ер ёхуд мол-мулки ҳам бўлмаган Анбиёхожа барча асосиз айбловларни бўйнига олиб, ўзи «қулоқ» бўлиб кетсада, оға-иниларини шу тарзда сақлаб қолади.<sup>111</sup>

---

<sup>111</sup> Таъкид жоизки, собиқ советларнинг мустабид тузуми даврида «муштумзўр», «кулак» ҳамда «қулоқ» ҳақоратомуз атамалари расман қишлоқ аҳолисининг тадбиркор, ишбилармон ва ўзига тўқ қисмига нисбатан татбиқ қилинган бўлса-да, амалиётда эса большевикларнинг мажбурий коллективлаштириш сиёсатидаги зўравонликлардан, маъмуриятчиликдан норози бўлган камбағал ва ўртаҳол деҳқонларга нисбатан ҳам қўлланилган. XX асрнинг 20–30 йилларида, «муштумзўр», «қулоқ» номлари остида Ўрта Осиё, хусусан ўзбек қишлоқлари аҳолисининг катта бир қатлами турли чеклашлар, сиқув ва сиёсий қатағонларга дучор этилган эди.



*«У(Ҳазиний) субҳидамда қиблага қараб, Аллоҳ ҳамдини бошларди. Унга ҳар доим янги бир шти-жосини баён этарди. У меҳрибон ва раҳмдил Парвардигор даргоҳининг кенглигидан сўз очиб, ўзи ва бандалар номидан ёлвориб, гуноҳларидан кечинини, амалдору бойларнинг кўнглиларига инсоф ва дин-нат нурини сочишни сўрарди...»*

*Оқнодишонинг темир панжасида инграётган Фарғона халқи учун ул зоти киром сўнгги умидларининг биридек эди. У худди тунда милтиллаб турган чироқдек, саҳро ўртасида гайбдан бино бўлган булоқдек кўринарди».*

*Йўлдош Сулаймон.*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

Зиёвуддин Ҳазиний аждодларининг насаби ота томонидан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг амакилари Аббос ибн Абдулмутоллиб розияллоҳу анҳуга бориб уланганликлари шу кунга қадар сақланиб қолган шажараларда ўз ифодасини топган. Қолаверса, шоирнинг баъзи шеърларида ҳам ўз насабига ишора бор. Масалан:

*Оли Аббосий Ҳазиний саййиди содатдур,  
Ким дегай ҳошим кўруб, насли бани Ҳошим мени.*

Ҳазиний хонадони вакиллари Фарғона водийсида Аббосий авлодлари сифатида эл-юрт ўртасида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлганлар. Ҳазиний аждодлари тўғрисида сўз юритар эканмиз, энг аввало, ҳазрати Аббос ибн Абдулмутоллиб (р.а.) ва унинг авлодлари томонидан барпо этилган Аббосийлар халифалиги тўғрисида айрим маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Маълумотларга кўра, Ўрта Осиё халқлари орасида ҳазрати Аббос (р.а.) мешкобчиларнинг пири ҳисобланган. Бу ҳақда атоқли адиб Садриддин Айний (1878–1954) ўзининг «Эсдаликлар» асарида келтириб ўтади.<sup>112</sup>

<sup>112</sup> Айний С. Асарлар. Олтинчи том. –Т.: «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965. 172-б.

Ҳазрати Аббос ибн Абдулмутоллиб (р.а.) тўғрисида қўқонлик Мунаввар қори Саййид Аҳмадхон ўғли (1900–1999) ўзининг «Бисирожил мунир» китобида шундай таъриф берган эди:

*Пайгамбарга амак эрди ўшал эр,  
Туну кун хизматида бўлди ул шер.  
Пайгамбардин икки ёши катта эрди,  
Ки аввал барча элга катта эрди.  
Ани улри шарифи саксон эрди,  
Яна саккиз анга қўшулмча эрди.  
Ки охир вақтида саксонга қўлни,  
Ани озод қилиб тинчиди кўнгли.<sup>113</sup>*

Маълумотларга кўра, Аббос ибн Абдулмутоллиб розияллоху анху қоматлари ўрта бўйли, келишган, кўркам одам бўлган. Аббос ибн Абдулмутоллибнинг ўғилларидан бирининг номи Фазл бўлганликлари боис Абулфазл куняси<sup>114</sup> билан аталган эди. Ёзма манбаларда Аббос ибн Абдулмутоллиб Қурайшлар ичида энг сахий қариндошларга кўп хайр-эҳсон қиладиган, ўткир фикрли ва дуоси мақбул зотлардан бири сифатида нақл этилади.

Аббос ибн Абдулмутоллиб (р.а.) ўттиз иккинчи ҳижрий(милодий 652) йилда, ражаб ойининг ўн иккинчисида, жума куни Мадинаи Мунавваранинг Аволий даҳасида саксон саккиз ёшларида вафот этган. Унинг жанозаларида мисли кўрилмаган даражада кўп киши қатнашиб, жанозаларини халифа Усмон ибн

---

<sup>113</sup> Шайх Мунаввар Қори ибн Саййид Аҳмадхон Қўқандий. «Бисорижул мунир» / котиб Муҳаммад Амин ибн Мунавварқори ибн Саййид Аҳмадхон. Қўқон. 1991. 17-б.

<sup>114</sup> Маълумки, куня бу отанинг фарзанд номи билан аталган лақабидир. Яъни «Абу Толиб», – «Толибнинг отаси», «Абул-Қосим» – «Қосимнинг отаси» кабилар бунга мисол бўлади. Шуни айтиб ўтиш керакки, баъзан ўғли йўқ кишиларга қандайдир бошқа исм билан куня қўйиб келинган. Масалан, араб файласуфи Абу Аълони кўрсатиш мумкин. У фарзандсиз бўлса-да, «Абу Аъло» кунясини ўзига олган эди. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний қуйидаги фикрни келтиради: «Араблар кунялар билан кичикларнинг қадрини улуғлайдилар ва катталарнинг номини айтмай, куняларини айтиш билан кифояланидилар».

Аффон ўқиган экан. Аббос ибн Абдулмутоллиб (р.а.) Мадинадаги машҳур «Бақийъ» қабристонига дафн қилинган.

Аббос ибн Абдулмутоллиб (р.а.)нинг фарзандлари сони ва уларнинг номлари масаласида турли манбаларда чалкашликлар учрайди. Бу ҳақда самарқандлик тарихчи Комилхон Каттаев жумладан шундай ёзади: Қусам ибн Аббос биродарларининг сони ва уларнинг номлари масаласида турли манбаларда чалкашликлар учрайди. Масалан, «Китаб латоифул-маъориф» асарида беш ака-уканинг номлари келган: «Қомусул-аълوم» китобида Аббос (р.а.)нинг ўнта ўғли номма-ном саналган: «Маъорижун-набуват фи мадорижул-фатуват» асарида беш ўғил; «Таҳзибул-асмо» ва «Асаба дар тамизи саҳоба» каби асарларда эса Аббоснинг тўрт ўғли борлиги ёзилади. Бизнингча, баъзи манбалар Аббос (р.а.)нинг бир хотинидан қанча ўғли борлигини ёзишса, бошқа манбалар эса барча хотинларидан қанча ўғли бўлганлигини ёзишган ҳамда номлари масаласида биров чалкашликларга йўл қўйилган.

Қусам ибн Аббоснинг оналари Лубоба ал-Кубро (Уммулфазл) мўъминлар онаси Маймуна бинти ал-Хориснинг сингиллари бўлиб, Аббос ибн ал-Муталлиб (р.а.)нинг жуфти ҳалоллари эдилар. Ул муҳтарама Аббос ибн ал-Муталлибга олти ўғил туғиб берганлар. Улар қуйидагилар: Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Қусам, Маъруф ва Абдурахмон.

Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Китаб латоифул-маъориф» асарида шундай ажойиб маълумотлар келтирилган: «Беш оға-инининг қабрлари бир-биридан ниҳоятда узоқда бўлган ва одамлар бунга ўхшадини ҳеч кўрмаганлар, булар ал-Аббос ибн Абдулмуталлибнинг фарзандларидир: Абдуллоҳнинг қабри Тоифда, Убайдуллоҳнинг қабри Мадинада, ал-Фазлнинг қабри Шомда, Қусамнинг қабри Самарқандда, Маъбаднинг қабри Африкада».

Ал-Ҳилолий бундай деган: «Ҳеч бир аёл Уммулфазл туққан олти ўғлончалик саховатли ўғлон туғмаган. Лубоба ал-Кубро (Уммулфазл)нинг кунялари бўлиб, ул муҳтараманинг тўлиқ номлари Лубоба ал-Кубро бинти ал-Хорис ибн Ҳузн ибн Бужайр ибн ал-Ҳазм ибн Рувайба ибн Абдуллоҳ ибн Ҳилол ибн Омир-дир».<sup>115</sup>

---

<sup>115</sup> Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда ... 41-б.

Мазкур рисоламизда Аббос ибн Абдулмутолиб (р.а.)нинг фарзандларидан Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) ҳамда Қусам ибн Аббос (р.а.) (бу ҳақда алоҳида бўлимда маълумот берилади) тўғрисида тўхтаб ўтишни лозим кўрдик.

Бу борада Абдурахмон Раъфат ал-Бошонинг «Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар» рисоласидаги Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) (619–686) тўғрисида айтган сўзлари эътиборга моликдир:

«Бу буюк саҳобий ҳар соҳада шарафга эришган. шуҳрат уни ҳеч қайси жиҳатдан бенасиб қўймаганди:

1. Саҳобалик шарафи. Агар таваллуди озроқ кечикканида бу бахтдан бебаҳра қоларди.

2. Қариндошлик шарафи. У Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг амакиваччаси.

3. Илм шарафи. У Муҳаммад умматининг денгиз мисол илмга эга олиму алломаси.

4. Тақво шарифи. У кундузлари рўзадор-соим, кечалари намозда қоим, саҳар чоғлари истиффор айтгувчи ва Аллоҳдан кўрққанидан кўп йиғлагувчи эди. Ҳаттоки ёноқларида кўз ёшлари очган иккита ариқча бор эди.

У Абдуллоҳ ибн Аббос – охирзамон умматининг рабоний олими. Аллоҳнинг китобини мукаммал билгувчи, оятлар таъвили бўйича энг фақиҳ, чуқур маъно ва дақиқ, мазмунларни англашга энг қодир инсон.

Ибн Аббос ҳижратдан уч йил олдин туғилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафот этганларида бор-йўғи ўн уч ёшда эди, аммо бунга қарамай, мусулмонлар учун пайғамбарларидан бир минг олти юз олтмишта ҳадисни ёдлаб қолди. Ундан Бухорий ва Муслим ўзларининг «Саҳиҳ» тўпламларида ривоят этишди.

Онаси Абдуллоҳни туғиши билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига олиб борди. Пайғамбар алайҳиссалом бармоқларини оғизларига ҳўллаб, янги туғилган чақалоқнинг танглайини кўтариб қўйдилар. Унинг ичига кирган энг биринчи нарса муборақ пайғамбарлик сўлаги бўлди. Шу билан бирга, тақво ва ҳикмат ҳам кириб келди...

Ибн Аббос етмиш йил умр кечирди. Бу муддат ичида бутун дунёни илм, фаҳм, ҳикмат ва тақвога тўлдирди. Унинг жанозасини Муҳаммад ибн Ҳанафия имомлигида тирик қолган саҳобалар ва кибор тобеъинлар ўқишди. Марҳумнинг қабрига тупроқ тортилаётганда қаердандир «Эй хотиржам-сокин жон, сен рози

бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринга қайт! Бас (солиҳ) бандаларим қаторига киргин ва Менинг жаннатимга киргин!» («Фажр» сураси, 27-30-оятлар) деган хитобни эшитишди».<sup>116</sup>

«Ислоом» энциклопедиясида Аббосийлар сулоласи хусусида қуйидаги маълумотлар баён этилган:

«Аббосийлар – араб халифалари сулоласи (750–1258), Муҳаммад (с.а.в.) нинг амакилари Аббос авлодлари. Абу Муслим қўзғолони натижасида ҳокимият тепасига келган. Дастлабки пойтахти – Куфа шаҳри. «Саффоҳ» («Хунрез») лақаби билан машҳур бўлган Абул Аббос Абдуллоҳ сулоланинг биринчи халифаси эди. Иккинчи халифа Саффоҳнинг укаси Абу Жаъфар Мансур (754–775) Бағдод шаҳрига асос солиб, пойтахтни шу ерга кўчирди. Аббосийлар ҳукмронлигининг дастлабки даврида мулкчилик муносабатлари ўсиб, савдо-сотиқ ривожланди. Бағдод Шарқнинг йирик савдо марказига айланди, илм-фан равнақ топиб, фалсафа, математика, табиёт ва бошқа фанларга оид кўплаб асарлар яратилди. Андалусия (Испания) дан ташқари бутун мусулмон мамлакатлари – Мағриб, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр Аббосийлар қўли остига ўтди. Булар халифаликнинг иқтисодий негизини, сиёсий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлади. Айниқса, Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун замони Аббосийлар сулоласининг гуллаган даври эди. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Аббосийлар халифалиги заифлаша бошлади, Африкада аглабийлар, Мисрда тулунийлар, Хуросон ва Мовароуннаҳрда сомонийлар Аббосийлар халифалигидан ажралиб чиқдилар. X асрнинг бошига келиб фақат Бағдод ва унинг атрофларидагина сиёсий ҳокимият Аббосийлар қўлида қолди. Ҳарбий кучлар турк саркардалари қўлига ўтиб кетди. Улар хоҳлаган вақтларида халифаларни алмаштира олар эдилар».<sup>117</sup>

Аббосийлар сулоласи тўғрисида сўз юритган муаррихлар Ҳорун ар-Рашид (786–809) ҳукмронлик даврини халифаликнинг «Олтин даври» деб эътироф этадилар. Ўша давр тарихчилари-

---

<sup>116</sup> Абдурахмон Раъфат ал-Бошо. Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар / Таржимон: Д.Анорбоев. –Т.: «Қатортол-Камолот», «Мовароуннаҳр», 1998, 14-22-б.

<sup>117</sup> Ислоом. Энциклопедия. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004, 5-б.

нинг ёзишларича, Ҳорун ар-Рашид кўлида шу қадар кўп бойликлар тўпланган эдики, «Дунё пайдо бўлгандан буён ҳеч ким унингдек бу қадар мол-мулк қолдирмаган». Ана шундай беҳисоб бойликлар соҳибни, улкан салтанат ҳукмдори бўлмиш Ҳорун ар-Рашиднинг ёнида Мовароуннаҳрдан жумладан, Ўрта Осиёдан, жумладан, Фарғонадан етишиб чиққан инсонлар турганлигини ҳисобга олсак, Аббосийлар халифалигида Турон халқларининг ўзига хос алоҳида мавқен бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Х асрда яшаб ўтган араб олими Абул Фараж ал-Исфажоний ўзининг машҳур «Кўшиқлар китоби» асарида Ҳорун ар-Рашиднинг хос кўриқчиси Масрур ал-Фарғоний тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтиради. Унга кўра, Ҳорун ар-Рашид хазинадаги катта миқдордаги бойликларни Масрур ал-Фарғонийга бемалол ишониб топширишга одатланган эди. Қолаверса, салтанатда юз бераётган муҳим воқеаларни ҳам айнан Масрур ал-Фарғоний томонидан халифага етказилган ва бу борадаги керакли топшириқларни ҳам бажаришни зиммасига юклатилган. Масалан, Абул Фараж ал-Исфажонийнинг таъкидлашича, Ҳорун ар-Рашид ўз даврининг буюк мусиқачи ва хушовоз кўшиқчиси Иброҳим ал-Мосулий (742–844) хонадонига юз минг дирҳамни олиб боришни ҳам Масрур ал-Фарғонийга топширади.<sup>118</sup> Абул Фараж ал-Исфажонийнинг ушбу маълумотларини яна бир муҳим жиҳати шундаки, Аббосий халифаларнинг ишончли ва садоқатли аёнлари кўп ҳолларда Мовароуннаҳр заминида туғилиб ўсган шахслар эди. Бағдод шаҳрида бутун бир маҳалла туркий аҳолидангина иборат бўлиб, шаҳар кўчаларида туркий тилда сўзлашувчи кишилар ҳеч кимни ҳайратда қолдирмаган. Шу сабабдан Масрур ал-Фарғонийдек халифаликнинг энг чекка ўлкасидан келган туркийзабон амалдорлар ва олимлар давлатнинг барча ишларига аралашганлар ва Аббосийлар ҳукмдорларига ўз сўзларини ўтказиш даражасига эришган эдилар. Машҳур тарихчи Ёқут Ҳамавийнинг (1179–1229) ёзишича Аббосий халифа Иброҳим ибн Маҳдий туркий тилда бемалол сўзлаша билган.

Атоқли олим Ҳ.Ҳасановнинг келтирган маълумотларига кўра, Халифа Муътасимнинг (833–842) онаси Марида ҳам Сўғдда ту-

---

<sup>118</sup> Абуль-Фарадж аль-Исфажани. Книга песен / Перевод с арабского А.Б.Халидова, Б.Я. Шилфар. –М.: 1980. С.424-425.

филган. Шу сабабдан Муътасим даврида Сўғд, Фарғона, Усрушоно ва Шош йигитларидан туркий гвардияга аскарлар олинган, улар халифа тахтининг таянчи бўлганлар. Муътасимнинг Ўтамиш исми бир вазири ҳам туркий бўлган.<sup>119</sup> Шундай экан, дунё халқлари маданиятига, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан кўплаб олимларнинг айнан Бағдод шаҳрида яшаб ижод қилишида Масрур ал-Фарғонийдек ватандошларининг ҳам ўзига хос хизматлари бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, Турон заминидан етишиб чиққан маҳаллий ҳукмдор сулолалар Аббосийлар даврида яна ўз мавқеларини тиклай олишга муяссар бўлганликлари тарихдан маълум. Масалан, Ихшидийлар сулоласини олайлик. Фарғоналик Ихшидийлар сулоласи (935–969) тарихда Аббосийлар халифалиги даврида Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилган. Бу ҳақда «Мусулмон сулолалари» китобининг муаллифи Стэнли Лэн-Пуль шундай ёзади: «Ихшид сўзи Фарғона ҳукмдорлари унвонини англлатган. Жумладан. XI асрда яшаб ўтган араб тарихчиси Ҳилол ас-Сабий ўзининг «Русум дор ал-Хилафа» китобида «Ихшид – бу Фарғона подшоҳидир», дея таъкидлаб ўтган эди.<sup>120</sup> Бағдод саройида хизмат қилган Туғж фарғоналик лашкарбошининг ўғли бўлган эди. Туғж хизмати туфайли Дамашқ ноиби даражасига кўтарилди. Бироқ халифа ғазабига учраб зиндонда вафот этди. Унинг ўғли Муҳаммад отасининг муваффақиятсизлигини ўнглаб 930–935 йилларда Миср ва Дамашқнинг ноиби бўлди. 938 йили у Ихшид унвонини қабул қилди ва 941 йили Сурияни ўз мулкига қўшиб олди. Келгуси йилда эса Макка ва Мадина ҳам унинг тасарруфига ўтди».<sup>121</sup>

Хасрнинг ўрталарига келиб Аббосийлар сиёсий ҳокимиятни тамоман қўлдан бой бериб, мусулмонларнинг диний халифаси (пайғамбар ўринбосари)гина бўлиб қолдилар. Эрондаги бувайҳийлар (945 й.) Бағдодни ўз қўлига олди, лекин улар Аббосийларнинг мавқеи билан ҳисоблашар эди. Бағдод салжуқий-суннийлар томонидан босиб олингандан кейин Аббосийлар сиёсий

<sup>119</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Т.: Ўзбекистон, 1981, 118-б.

<sup>120</sup> Хиллал ас-Сабн. Установления и обычаи двора халифов. –М.: 1983. С.90.

<sup>121</sup> Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. Москва-Ташкент-Бишкек. 1996. С 356.

ҳукмронлиги қисман тикланди ва диннинг мавқеи мустаҳкамланди. 1258 й. мўғуллар Бағдодни вайрон қилиб, Аббосийларни тамоман тор-мор келтирди. Мўғул хони Ҳулоку буйруғи билан Аббосий халифаларнинг сўнггиси – Мустансим қатл этилди. Аббосийлар сулоласининг қолган вакиллари эса Мисрга қочди. Мамлук султонлари даврида (турклар 1517 й. Мисрни олгунга қадар) Аббосийлар Қоҳирада муқаддас кишилар сифатида яшаб келдилар. 1261 й. мамлук султони Бейбарс Аббосийлардан бири ал-Мустансирни халифа деб эълон қилди. 1517 й. Аббосийларнинг авлоди Мутаваккил III Истанбулга келтирилиб, у диний раҳнамолик ҳуқуқини турк султонларига топширган. Аббосийлардан 37 киши ҳукмдор бўлган.<sup>122</sup>

Англиядаги Манчестер университетининг профессори К.Э. Босвортнинг «Мусулмон сулолалари» китобида Аббосийлар сулоласи тўғрисида қуйидаги маълумотларни кўриш мумкин:

«Аббосийлар ўзларининг келиб чиқишини пайғамбарнинг амакиси, Маккадаги Ҳошим қабиласига мансуб ал-Аббосга боғлашади. Тақводор мусулмонларнинг назарида бу нарса Умавийларга қарши ўлароқ, Аббосийларнинг ҳокимиятга нисбатан даъволарига қонуний тус берган. Шунга қарамасдан, дастлабки Аббосийлар Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг куёви Али авлодлари, халифаликка ўзларини ҳақлироқ деб ҳисоблаган шиалар томонидан кўтаришган исёнларни бостириб туришга мажбур бўлганлар. Уларнинг фикрича, Алининг халифа бўлишига пайғамбарнинг ўзи фатво берган эмиш. Аббосийлар кўп ўтмай ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида халифаликка ворис бўлишга баҳона бўладиган, ҳокимиятларига илоҳийлик тую берадиган фахрли унвонлар тизимини (алқоб, бирлиги – лақаб) жорий қилдилар. Бундай унвону лақаблар Умавийлар даврида маълум эмас эди. Аббосийлар ҳокимиятининг илоҳийлиги изчил диндорларнинг ҳаммаси томонидан қўллаб-қувватланишига йўл очадиган шажаравий воситалар ёрдамида ҳам таъкидланарди. Бу тамойил қисман қадимийроқ бўлган форсий диний-сиёсий ғоялар таъсирида пайдо бўлган бўлиши ҳам эҳтимол, негаки Аббосийларни ҳокимият тепасига олиб келган Абу Муслим кўзғолони моҳият эътибори билан форс ҳаракати эди. Халифалик пой-

---

<sup>122</sup> Ислом. Энциклопедия... 5-6-б.



тахтини Дамашқдан Бағдодга кўчириш ҳам янгича, шарққа талпинишнинг рамзи эди.

Умавийлар даврида мусулмон салтанатининг ҳудуди амалда энг сўнгги имконият даражасига етиб борди, дастлабки Аббосий халифалар даврида унинг чегаралари умуман ўзгармай қолди. Фақат айрим халифаларгина жанг майдонларида ном чиқаришга муваффақ бўлдилар. Масалан, ал Маъмун ва ал-Муътасим византияликларга қарши Онадўлига муваффақиятли ҳарбий юришлар қилишган, X асрда ва XI аср бошларида эса, жангари македониялик ҳукмдорлардан ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўлишган.

IX асрга келибоқ, халифаликнинг аввалги сиёсий яхлитлиги чок-чокидан сўкилди. Испанияда Умавий уруғларидан бири Бағдоддан мутлақо мустақил ҳолда ҳукмронлик қила бошлади, Шимолий Африка эса жуда олисда бўлиб, уни доимий равишда назорат қилиб туришнинг иложи йўқ эди. Мисрда Тулунийлар мухторлик ҳуқуқига эга эдилар: Эрондаги Тоҳирий ноиблар ўрнига Сомонийлар ва Саффорийларга ўхшаш маҳаллий эроний сулоалари юзага келди. Улар Бағдодга хирож тўлашарди-ю, қолган масалаларда ўзларига ўзлари бек эдилар. Шундай қилиб, Аббосийлар, айниқса, X асрда шиачилик мусулмон дунёсининг анчагина қисмида ғалаба қозонгач, амалда фақат Ироқ устидангина ҳукмронлик қилдилар. Фотимийлар аввал Шимолий Африкани, кейинроқ эса Миср билан Сурия (Шом)ни босиб олишди ва Қоҳирада ўзларини халифа деб эълон қилиб, Аббосийларга мухолифатда бўла бошладилар. Ироқ ва Эронда ҳокимият тепасига дайламлик Бувайҳийлар келди: 334/945 йилда улар Бағдодни эгаллашди ва Аббосий халифаларнинг қўлидан маънавий ва диний таъсирдан бошқа ҳамма нарсани тортиб олгач, Аббосийлар оддий қўғирчоқ ҳукмронга айландилар. 447/ 1055 йилда туркий Салжуқийлар ҳокимият тепасига келгач, халифаларни мазҳабчиларнинг диний зулмидан халос этди, аммо Салжуқийлар сунний тариқатга мансубликларига қарамай, халифаларнинг сиёсий ҳокимиятини тиклаш ниятидан батамом узоқ эдилар. Фақат XII асрга келибгина улуғ Салжуқийлар ўзларининг жипслигини йўқотиб, ҳокимиятлари заифлаша бошлаганда ал-Муқгафий ва ан-Носир ҳукмронлиги даврида Аббосий халифаларга бир замонлардаги қудрат қайта бошлади. Аммо уларнинг омадсизлиги шунда бўлдики, мўғул истилоси бу жараённи тўхтатиб

қўйди. 656/1258 йилда Ҳулоғу сўнгги Бағдод халифасини қатл этди.

Ўрта аср мусулмон маданияти Аббосийлар ҳукмронлигининг дастлабки уч асри мобайнида ҳар жиҳатдан ривож топди. Эрон ва Эллинлар дунёсининг самарали таъсири остида адабиёт, фалсафа, диний илмлар ва табиий фанлар гуллаб-яшнади. Иқтисодиёт ва савдонинг кенг ривожини биринчи навбатда Эрон, Ироқ ва Мисрга ўхшаш қадимий, кўпдан бери одамлар истиқомат қиладиган мамлакатларда содир бўлди. Бу даврда халифалик ҳудудидан ташқаридаги вилоятлар – Шарқий Европанинг саҳроий ўлкалари, Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Ҳабашистон билан савдо алоқалари ўрнатилди. X асрда бу мамлакатлардаги сиёсий тушкунликка ва ички аҳволнинг унча барқарор эмаслигига қарамай, моддий ва маданий ривожланиш давом этди. Бу жиҳатдан олганда швейцариялик шарқшунос олим Адам Мец бу даврни «мусулмон уйғониши» деб атаганида мутлақо ҳақ эди. XI аср ва ундан кейинги даврдаги туркий сулолалар мусулмон маданиятининг фаол таъсирини кечирдилар. Мусулмон маданиятига чинакам жиддий зарбани мўғулларгина бердилар, улар бир неча ўн йилликлар мобайнида ислом билан ашаддий ёвлашдилар ва у билан боғлиқ ҳамма нарсага қарши турдилар».<sup>123</sup>

Замонасининг машҳур адиби, тарихчи ва тилшунос олим Абу Мансур ас-Саолибий (961–1039) ўзининг «Латоиф ал-маориф» («Ажойиб маълумотлар») асарида Аббосийлар халифаларининг мол-мулклари хусусида, жумладан, шундай деган эди:

«Айтишларича, Аббосийларнинг бошлаб берувчиси, ўртадагиси ва хотималовчиси бўлган. Бошлаб берувчиси – ал-Мансур, ўртадагиси – ал-Маъмун ва хотималовчиси ал-Муътазиддир. Айтишларича, ас-Саффоҳ, ал-Мансур, ал-Маҳдий ва ар-Рашидлар тўплаган нарсаларни ал-Амин сочиб юборган; ал-Маъмун, ал-Муътасим ва ал-Восиҳ тўплаган нарсаларни ал-Мутаваккил сочиб юборган; ал-Муътазз, ал-Маҳдий, ал-Муҳтадий, ал-Муътазид ва ал-Муктафий тўплаган нарсаларни Муқтадир сочиб юборган. Ҳикоя қилишларича, Мансур ўлганда тўққиз юз эллик миллион дирҳам (қолган). Ас-Сулий ўзининг «Варақлар китоби» (номли) китобида ҳикоя қилишича, ар-Рашид ўзидан кейин юз миллион динар қолдирган. Бошқа (киши)нинг ҳикоя қилишича,

---

<sup>123</sup> Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. –Т.: «Фан», 2007, 27-30-б.

ар-Рашид шунчалик мол-мулк қолдирганки, дунё (пайдо) бўлгандан буён ҳеч ким бу каби (мол-мулк) қолдирмаган. У қолдирган нарсалар кийим-кечак, ҳайвон ва қуллар, олтин ва кумуш пуллар, жавоҳирлар, уловлар, чорбоғлардан ташқари баҳоси бир юзу йигирма беш миллион динорга (баробар) уй жиҳозларидир. Иброҳим ибн Нуҳ ҳикоя қилишича, ал-Муътазид тўплаган нарсалардан ундан кейин ал-Муктафийга қолдирганлари юз миллион динорлик бўлиб, булардан олтин ва кумуш пуллар, олтин ва кумушдан ишланган идишлар йигирма миллион динорлик; жавоҳир, атторлик буюмлари ва шуларга ўхшаш нарсалар йигирма миллион динорлик, кийим-кечак ва гиламлар йигирма миллион динорлик; от, қурол-аслаҳа ва ғуломлар йигирма миллион динорлик, чорбоқ, уй жиҳозлари ва ер-мулклар йигирма миллион динорлик экан. Ал-Мустақфин ўзидан кейин қолдирган матолар шундай ҳисоб қилинади: Хуросон, Марв либослари ва халқ кийимларидан олти миш уч мингта, узун уст кийимлардан саккиз мингта, Марв саллаларидан ўн уч мингта, мақсурада кийиладиган либослардан тўрт миллион кийим, тикилмаганлари бунга кирмайди: зар билан тикилган безакли Яман ва бошқа (жой)лар ҳуллаларидан бир минг саккиз юзта; Кирмондан Эрон бамбуқларидан (тайёрланган), найларда келтириладиган, унга ўхшашини тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган батоинлардан (жуда ингичка нозик ипдан тўқилган ҳарир) ўн саккиз минг найдагиси. Улар Ибн Муқла даврига келиб юборилмайдиган бўлиб қолгани учун (улардан) ҳеч нарса қолмади, бу найдагилар хазиналардан бирига ташлаб қўйиладиган ҳолда ётарди. Уларни сотиб юборишга зарурат пайдо бўлди. (Хазинадан) олиб чиқиб сотиб юборишди. Ҳар бир найдагининг баҳоси икки динордан бўлиб, умумий ҳисоб ўттиз олти минг динорга етди. Гилам-палослар (сақланидиган) хазинадаги нарсалар баҳосининг ҳисоби йўқ эди: катта ва ўртача арман гиламларидан ўн саккиз мингта гилам (бўлган). Айтишларича, буларнинг ҳаммасини сотиб, ўғирлатиб ва ишлатиб юборишган, ал-Муқтадир ҳукмронлигининг охириги вақтларига келиб йиғилишда ўтириш учун улардан қолганини сўрашганда, ҳеч нарса топилмаган экан».<sup>124</sup>

---

<sup>124</sup> Абу Мансур ас-Саолибий. Ажойиб маълумотлар/Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларини тузувчи И.Абдуллаев. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 60-63-б.

Айтиш жоизки, Қўсам ибн Аббос билан боғлиқ адабиётларни ҳисобга олмаганда, Аббосийлар хонадони вакиллари Урта Осиёга кириб келишлари тўғрисида маълумотлар ёзма манбаларда аниқ кўрсатиб ўтилмаган. Фақатгина уларни даслабки вақтларда Самарқанд, Шаҳрисабз ва Термизда яшаганликлари нақл қилинади.

Зиёвуддин Ҳазиний аждодлари билан боғлиқ маълумотларни тўплашда биз шу кунларда Фарғона водийсида турмуш кечириётган Ҳазиний авлодлари ва уларнинг қариндош-уруғларидан олинган маълумотлардан фойдаландик.

Бу ҳақда катта Кенагасликлар орасида қуйидаги ривоят сақланиб қолган:

«Фарғона заминида гўдаклар ўлими кўпайиб кетгач, халқ ташвишланиб хонга арз қиладилар. Хон бу масалада уламоларга мурожаат қилади. Уламолар «аҳли байт» авлодлари келсалар, бу бало даф бўлажagini айтадилар. Шунда хон Шаҳрисабзга мактуб юбориб бу ердаги «аҳли байт» вакиллари Кўқонга таклиф қилади. Бу масаланинг ечими Муҳаммад Алихожа (лақаби Охун Эшон), Боғдор эшонга ва уларнинг кенжа укалари (учинчисининг исми номаълум) зиммасига тушади. Улар Фаллаоролга келганларида бирида бенамозлик ҳолати содир бўлади ва у бу ҳолатни Шаҳрисабзда қолишига ишора деб тушунадилар. Қолган икки ака-ука Муҳаммад Алихожа (лақаби Охун Эшон) ҳамда Боғдор эшон Кўқонга келадилар. Муҳаммад Алихожа Кенагасга кетади. Боғдор эшон Кўқонда қолади».

Шу мазмунга ўхшаш ҳикоя Н.Алиев ва И.Остонақуловларнинг «Расулulloҳ вориси» номли киноқиссасида<sup>125</sup> ҳам баён этилган:

«Кўқон. 1710–15 йиллар. Ҳашаматли қадимий бинолар ва улар марказида хон саройи. Жамоа бўлиб намоз ўқиб тугатилади. Кўқон хони Абдул Каримбий барча қатори тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Сўнгра имом омин, деб юзига фотиҳа тортади. Унинг ишораси билан биринчи қаторда ўтирган қори Қуръон тиловат қилади, барча дуога қўл очади, хон дуо қилади...

---

<sup>125</sup> Мазкур киноқиссада Ҳазиний аждодларининг Фарғона водийсига келиши билан боғлиқ ҳикояга бадий тус бериб юборилганлиги учун уни бадий ҳикоя тарзида қабул қилиш керак, деб ўйлаймиз. Шу сабабдан китобхонларни Ҳазиний хонадони билан боғлиқ тасаввурларини бойитиш учун ушбу ҳикояни келтирмоқдамиз.

Олдинги қатордаги бир мўйсафид хонга таъзим бажо айлаб дейди:

– Юртимизга тарқалгон хасталик, чорва ила экинларга тушгон офат бизларга Аллоҳ томонидин юборилгон бир синовдур... Кўплаб гўдаклар нобуд бўлур. Сабр қилмай илож қанча. Раҳматлик отамлар башорати – бирор офат юз бергудек бўлса, анинг балогардониға қурбонлиқ қилмоқ лозим, магарким у даф ўлма-са пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам авлодларидан юртимизга вакил олиб келмоқ хосиятлик бўлур, дер эдилар. Фикрлаб кўрсак, дарҳақиқат, бизда саййидзодалар қолмабдур.

Бу фикрни бошқа бир кекса киши ҳам қўллайди:

«Саййидзодалар Амир Темур замонидин буён Термиз ила Шаҳрисабзда кўп эрурлар. Шул сабаб Термизга хон ҳазратлари номидин мактуб битиб, одам йўлласак, иншаоллоҳ муродимиз ҳосил бўлғай».

Бу таклифлар Абдул Каримбийга маъқул тушади ва у эртаси куниёқ Термизга чопар жўнатишини эълон қилади. Аҳли жамоа юзларига фотиҳа тортиб тарқалади...

...Катта йўл. Икки отлиқ бир неча кунлик сафар поёнида, шом ғира-ширасида Термизга кириб келмоқдалар. Шу атрофдаги масжиддан муаззиннинг азон овози янграмоқда. Улар отларини дарахтга боғлаб, масжидга кириб намоз ўқишади. Жамоа сийракланган, икковлон имом ҳузурида хуржундаги совға-саломларни бериб, таъзим бажо келтирганча сўз бошлашади:

– Тақсир, биз фақирларни Қўқондин Абдул Каримбий хон ҳазратлари Сиз томон йўллаб, ушбу илтимосномани юбормишлар. Юртимизда ёш болалар орасинда бедаво хасталик тарқалмиш, чорваимиз, экинларимизга қирғин келиб, ниҳоллар қуриб битур... Қурбонликлар бажо келтурдик, аммо ҳануз ҳолат ўзгарганича йўқ. Қулчилигимиз – саййидзодалар бизнинг ўлкаларга ҳам қадам ранжида айласалар...

Имом номани олиб, ёнида ҳурмат бажо келтириб, қўл қовуштириб турган уч ўғилга қарайди. Улар шу заҳотиёқ ота амрига тайёр эканликларини бош эгиш билан изҳор этадилар.

Уч ўғил қўшилган бу карвон яна чўлу биёбонлар босиб, энди шимол томон йўл тутмоқда. Қўқондан борган икки киши чопон кийишган, бошларида ачамай дўппи. Термизлик ака-укалар кўркам жуссали, либосу соқоллари қоп-қора, ўзларига ярашган.

Улар от ва хачир миниб йўлда давом этишмоқда. Икки кун йўл юрилгач, карвон дам олиш учун тўхтайтиди. Биродарларнинг ўртанчаси хомуш, ўйланиб турибди. Буни сезган ака савол беради:

– Ҳа иним, нечун маҳзун кўринурсиз?

– Қўқонлик биродарларимизнинг эзгу тилақларидан шодмен, зеро, алар Расулulloҳ авлодлари шарофатидан умид айлаб, бизни бу юртларга таклиф этибдурлар. Аммо уч ўғлоннинг биринида ёнида олиб қолмай, жўмардлик кўрсатғон падари бузрукворимиз аҳволини биз ўйламабдурмиз. Совуқ кунларда ул зотга таҳорат учун мис қумғондаги сувни кўксимга қўюб, илтиб берур эрдим, бизларсиз энди ул кишининг аҳволи не кечур? Магар ризолик берсангиз, камина отамиз ёнларига қайтсам, ул зотнинг хизматларинда бўлсам...

– Маъқул мушоҳада қилурсиз, иним, майли. Сиз Термизга қайтиб отамиз хизматларинда бўлингиз, бизлардин салом айтингиз. – деб қучоқлашиб хайрлашишади.

Ўртанча ўғил хачирда Термиз томон, карвон эса Қўқон томон йўлда давом этмоқда...

Қўқон аҳли табаррук меҳмонларни кутиб олишга ошиқмоқда. Карвон шаҳар дарвозаси ёнига яқинлашади. Карнай-сурнай садолари янграмоқда. Одамлар навбатма-навбат меҳмонлар билан қучоқлашиб кўришишмоқда. Баъзи кишилар меҳмонларнинг этакларини кўзларига тавоф айламоқда. Ёқимли най садоси янграйтиди. Атроф ям-яшил, экин ва кишилар соғ-саломат, ободончилик ривож топаяпти...».<sup>126</sup>

Нақл қилишларича, икки ака-укалардан бири Қўқон шаҳрига, иккинчиси Кенагасга келиб ўрнашади. Қўқонда қолган акага оталари дуо қилишган чоғда: «Зурриёдингдан то қиёматгача олимлар аримасин», деб Кенагасдаги ўғилларига: «То қиёматга қадар зурриёдингдан авлиёлар аримасин», деб дуо қилган экан. Шу сабабдан Катта Кенагасдаги аббосийлар авлодидан авлиёлар етишиб чиқса, уларнинг Қўқондаги қариндошларидан ўз даврининг машҳур дин олимлари камол топган экан.

Бизнингча, Зиёуддин Ҳазиний аждодлари Термиз ёхуд Шаҳрисабздан эмас, балки Самарқанддан келган бўлсалар керак.

---

<sup>126</sup> Алиев Н., Остонақул И. Расулulloҳ вориси. «Сирли олам» журналі. 1999.12 июль. 8-б.

Чунки айрим ривоятларда Ҳазинийнинг катта боболари Самарқанднинг Даҳбед мавзесидан келганлиги нақл қилинади. Қолаверса, Ҳазиний хонадонига мансуб шажарада уларнинг аجدодларидан бири Хожа Фаришта ота лақаби билан машҳур бўлган хожа Зайниддин Самарқанднинг Офаринкентидан эканлиги кўрсатилган. Агар Даҳбед мавзесини Офаринкент ҳудуди яқинида жойлашганлигини назарда тутсак, ушбу ривоятни ҳақиқатга яқин эканлигига амин бўламиз.<sup>127</sup>

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунга келиб, Катта Кенагасдаги Аббосийлар авлодларига қариндош бўлган оилалар Тошкентда, Жиззахда, Сирдарёда, Андижонда, Наманганнинг Чуст туманида, Фарғона вилоятидаги Бағдод туманининг Чувринди, Серово, Каримбува, Жар қишлоқ, Ултарма, Бордон, Шўр қишлоқ, Мирзаобод, Қоровултепа қишлоқларида; Учкўприк туманининг Тоғлиқ, Кенагас, Машад қишлоқларида; Ўзбекистон туманининг Яйпан, Қудаш, Каримдемона қишлоқларида; Бувайда туманининг Янгиқўрғон, Бачқир қишлоқларида; Қува туманининг Гуручфуруш маҳалласида; Бешариқ тумани ҳамда Қўқон шаҳрида истиқомат қиладилар.

Зиёвуддин Ҳазиний хонадони тарихида унинг боболари Набирахожа ҳамда Низомиддинхожа эшон билан боғлиқ маълумотлар муҳим ўрин тутади. Шуларни инobatга олган ҳолда, Набирахожа ва унинг фарзанди Низомиддинхожа билан боғлиқ баъзи бир маълумотларга тўхтаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Шу вақтга қадар Катта Кенагасда яшаб ўтган Низомиддинхожа эшонни қўқонлик Низомий Боғдор эшон номи билан боғлаш тўғрисида қарашлар мавжуд бўлганлиги сабабли Боғдор эшон ва унинг баъзи бир авлодлари тўғрисида ҳам қисқа маълумот бериб ўтсак. Бу ҳақда, жумладан, Пўлотжон Қайюмов қуйидагиларни келтиради:

«Низомий – Бу киши Хўқанд шаҳрининг Сармозор номли жойида (шаҳарнинг шимоли-ғарбида) туғилмишдур. Ва Хўқандда

---

<sup>127</sup> Айрим оғзаки маълумотларга кўра, Самарқандда яшаб ўтган Аббосий авлодларини «Маккий тўралар», яъни маккалик тўралар, Имом Ҳусай (р.а.)нинг Даҳбеддаги авлодларини «Маданий тўралар», яъни мадиниалик тўралар деб аташган экан.

нашъу намо этмиш шоир бўлуб, ўз замонининг олим, шуҳратли кишисидур. Номни Низомиддин хожа бўлуб, Муҳаммад Аминхожанинг ўғлидур. Эшон Ҳабибулла Балхий, Сумма Бухорийнинг набирасининг ўғлидур. Халқ орасинда Эшон бобо, Боғдор бобо деб машҳурдир. Қачон туғилгани маълумимиз бўлмади эса ҳам Олимхон даврида нашъу намо этгани халқ орасинда турли темаларда сўзлар юрадур. Халифа Сиддиқ Даҳбидийдан зиёратига келгани марвийдур. 1800 йилда ижоди ривожда экани XVIII асри милодийнинг охиридаги шоирлардандур... Сармозор тарафдаги каттароқ боғлардаги ўрикзорлар ҳаммаси Низомийнинг тарбияси орқасинда вужудга келганидан боғдор деб ҳурмат ила «Боғдор бобом» эл аро машҳурдир. Бу кишининг ахлоқга доир «Мажмуат ул-мақсад» номли бир китоби ила тўла бир девони қолмишдур. Набираси Жалолий, қизидан бир набираси «Азим» тахаллуси икки шоирлар бўлуб, булардан ҳам девонлар бордур. Қабри шул Сармозор Муҳаммад Боқир қабристонидадур. Ўзидан Довудхожа, Тўрахожа, Камолиддин хожа номли ўғиллари қолмишдур».<sup>128</sup>

Пўлотжон Қайюмовнинг мазкур маълумотларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, Катта Кенагасда турмуш кечирган Низомиддинхожа номи билан боғлиқ ер-сув васиқа ҳужжатларида унинг Довудхожа, Тўрахожа, Камолиддинхожа исми ўғиллари бўлмаган (балки улар бир вақтнинг ўзида икки ном билан аталгандир).

Бағдод тумани, Пахтачи қишлоғида сақланаётган қўлёзмага кўра, Набирхожанинг фарзанди Зиёвуддинхожанинг Насриддинхожа, Камолиддинхожа, Жамолиддинхожа исми ўғиллари бўлган. Бундан чиқадики, Зиёвуддинхожа Низомиддинхожага туғишган ака ёки ука бўлиши мумкин.

Тадқиқотларимиз давомида Боғдор эшоннинг авлодлари Азимхожа эшон ва Жалолийлар тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотларга дуч келдик. Маълум бўлишича, 1993 йилда чоп этилган Азимхожа эшон ҳикматларининг муқаддимасида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар аниқ эмаслиги таъкидланади.<sup>129</sup>

---

<sup>128</sup>Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий»... 106-б.

<sup>129</sup> Азимхожа эшон. Ҳикмат / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: С. Рафиддинов. –Т.: «Ўзбекистон», 1993. 3-б.



Бироқ «Тазкираи Қаюмий»да у ҳақда қуйидаги маълумотлар келтирилади:

«Азимий – Бу киши Хўқандли бўлуб номи Азимхожадир. Мавлавий Намангоний – Малла хожа эшоннинг ўгли бўлуб Низомий Хўқандийнинг қизидан набирадур. Шоир Жалолий билан Бухорода таҳсили илм олиб бирга қайтиб Хўқанд шаҳрининг ғарбида бўлмиш Кал Дўшон номли қишлоқдаги катта масжидда 40 йил имом бўлиб қолмишдур. Жалолий вафот этганда бир марсия сўзламишдур. Ниҳоят ҳижрий 1263 (1846–47) йилда шаҳарда (Қўқонда. А.Қ.) вафот этмишдур. Қабри Сармозор номли шаҳардаги қабристонда, бобоси Низомий Хўқандийнинг мозори ёнидадур.

Ниҳоя оташзабон кучли шоир бўлса ҳам, ашъори навҳали бўлуб тасаввуф руҳидадур. Айрим девони бордур. Хожа Аҳмад Яссавийга эргашиб ёзган «Ҳикмати Азимхожа» китоби бордур».<sup>130</sup>

Кейинги йилларда Боғдор эшоннинг авлодлари Азимий ва Жалолий Хўқандийлар ҳаёти ва ижодига доир қатор мақола ва китоблар чоп этилди.<sup>131</sup> Бироқ ушбу тадқиқотларда ҳам Боғдор эшоннинг Ҳазиний билан боғлиқ қариндошлик жиҳатлари ёритиб берилмаган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Азимхожа эшон фарзандлари орасида Саъдийи Соний номи билан машҳур бўлган тасаввуф тариқатининг намояндаси ҳам етишиб чиққан. Бу ҳақда шоир Убайдуллоҳ Завқий (1853–1921) ўз шеърларининг бирида, жумладан, шундай ёзади:

*Сулуки орифи Раббоний, нисбат эрди Нақибандий,  
Эдилар Ҳазрати эшон Азимхожамни фарзанди,  
Ики, уч насл бирлан Боғдор эшонни пайванди,  
Аларнинг ким ризосин топса, Мавлосини хурсанди,  
Замона хослариға муқтадо пиримдан айрилдим.*<sup>132</sup>

---

<sup>130</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қаюмий»... 106-б.

<sup>131</sup> Бу ҳақда қаранг: Азимхожа эшон. Мурод ул-ошиқин. Девон / Нашрға тайёрловчи Бобурбек Ҳасанов. –Т.: 2009; Жўрабоев О. Икки аллома шоир // Ҳамроқулов. С. Яйпан кеча ва бугун. «Фарғона», 2010. 72-75-б.

<sup>132</sup> Завқий. Ажаб замона / Тўплаб нашрға тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифлари: А.Мадаминов, А. Турдиалиев. –Т.: «Шарқ», 2003. 73-б.

Мазкур маълумотларда номи келтирилган қўқонлик Низомий Боғдор эшон юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Кенагасдаги Низомиддинхожа бўлмаса керак. Чунки улар яшаган даврлар орасида сезиларли фарқ бор. Қолаверса, Низомий Боғдор эшон Қўқон шаҳридаги Сармозор қабристонига дафн этилган бўлса, Низомиддинхожа эшон Кенагасдаги Қўрғонча маҳалласига, ўзи яшаб ўтган ерга дафн этилган. Бу ерда унинг фарзандлари ҳам дафн этилган. Шундай экан, Низомий Боғдор эшон билан Низомиддинхожа эшон борасидаги изланишлар ҳали тугалланмаган. Аммо Низомиддинхожа эшонга доир насабномада уни Боғдор эшон деб кўрсатилганлиги ҳам изоҳга муҳтождир.

Шу ўринда яна бир изоҳ. 1909 йилдаги маълумотга кўра, Эшон Қўрғонда жами 18 нафар киши истиқомат қилган ва кўрғоннинг номи Низомиддин кўрғон деб аталган.<sup>133</sup> Бундан Низомиддинхожа шу ерда яшаб ўтганлиги боис, кейинчалик кўрғон ҳам унинг номи билан юритилган кўринади.

Айрим ривоятларда хон таклифига кўра, Қўқонга келган икки саййидзодалардан бири Сармозорга дафн этилган Низомий Боғдор эшон бўлиб, иккинчиси Катта Кенагас қабристонига дафн этилган Муҳаммад Алихожа (Охун эшон), яъни Ҳазинийнинг катта бобоси эканлиги нақл қилинади. Мантиқан олиб кўрилганда, айнан шу ривоят бизнингча Ҳазинийни Боғдор эшонга қариндошлиги тўғрисидаги қарашларга мос келади. Номларнинг ўхшашлиги ва уларнинг бир оила вакиллари эканлиги туфайли вақт ўтиши билан Низомий Боғдор эшон билан Низомиддинхожа эшон бир киши сифатида кўрилиб, «Боғдор эшон» лақабини уларнинг иккаласига нисбатан ҳам баб-баравар қўлланилишига олиб келганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Шу ўринда яна бир қизиқ маълумотни келтириб ўтсак. Ҳазинийнинг чевараси Садриддин Ҳайдаровнинг айтишларича, Низомиддинхожанинг чевараси Бобохон эшон ҳам (XX аср бошларида вафот этган) аҳоли орасида «Боғдорхон эшон» номи билан машҳур бўлган. Уни «Боғдорхон эшон» лақабини олишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан.

✓

---

<sup>133</sup> Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 68.

Бобохон эшон Қудаш қишлоғида истиқомат қилаётган кезлари уни синаш мақсадида Худоёрхон<sup>134</sup> айна чилла чоғида ўз мулозимларидан бирини сават ва челак билан Бобохон эшон ҳузурига юборади. Бобохон эшон мулозимнинг нима мақсадда келганлигини англаб, саватни узум билан, челакни бўлса анжир билан тўлдириб қайтариб юборган эмиш. Худоёрхон мулозим олиб келган меваларни кўриб, Бобохон эшонни чиндан кароматли Боғдор эшон бўлганлигини тушуниб етган экан.

Ҳазинийнинг чевараси Наргизахон Мансурхон қизининг таъкидлашича, ўтмишда Катта Кенагасликлар орасида Ҳазиний тўранинг ҳам қиш пайтида шафтоли емоқчи бўлган муридларидан бирига пишган шафтоли берганлиги ҳақидаги машҳур ҳикоя мавжуд бўлган. Бундан келиб чиқадики, Боғдор эшон тўғрисидаги қарашлар айнан бир киши билан боғлиқ эмас.

Шу ўринда авлиёлар билан боғлиқ шафтоли мавзусига доир яна бир мисол. Одамларга қишда янги пишган шафтолини тақдим қилганлиги учун «Шафтоли бува» номини олган Шоҳи Толиб зиёратгоҳи ҳақида олтиариқликлар орасида қуйидаги ривоят шу кунгача сақланиб қолган.

«Кунларнинг бирида Олтиариқдан юртнинг подшоҳи ўтиб кета туриб чанқаб муздек сув ичгиси келибди. Аммо мулозимлари унга ўзи истаганидек сув топиб бера олмабдилар. Подшоҳ бундан ғазабланиб «Наҳотки шундай жойда бир коса сув топилмаса», деб шу ерлик одамларни қаттиқ ҳақоратлабди. Буларнинг бари авлиё Шоҳ Толибнинг қулоғига етиб борибди. Кўп ўтмай, қаҳратон қишнинг айна чилласида Подшоҳ яна Олтиариқдан ўтиб кета туриб, одамларни синаш учун бир коса сув сўрабди. Шунда Шоҳ Толиб подшоҳга сув ўрнига чанқоғингизни босади, деб бир товоқда шафтоли олиб чиқибди. Подшоҳ шафтолини кўриб ҳайратга тушибди ва Шоҳ Толибдан «Бу шафтолини ҳозир уздингизми?» – деб сўрабди. Шоҳ Толиб «Олампа ноҳ, шафтолини ёзнинг айна саратон вақти узиб қўйилган эди. Сизнинг ризқингиз бор экан, Худонинг марҳамати билан шу кун-

---

<sup>134</sup>Аҳоли орасида сақланган ривоятларда Қўқон хонлари билан содир бўлган воқеаларнинг аксариятини Худоёрхон номига нисбат бериш ҳолати кузатилади. Гарчанд тарихий воқеалар ва шахслар яшган замон тарихий жиҳатдан бир-бирига мос тушмаса-да, уларни Худоёрхон замонида бўлган дея талқин қилинади.

гача турди» дебди. Авлиёнинг бу гапларини эшитиб, подшоҳ бу ерни «Хизр назар қилган жой» эканлигига ишонибди ва аввалги ноҳўя сўзлари учун узр сўрабди. Ўшандан бери Шоҳ Толибни одамлар Шафтоли Азиз бува деб атаётган бошлабдилар». Тошмат ота Тожибоевнинг сўзларига қараганда, Шоҳ Толиб ҳазратлари бирон бир кишига кўринса, албатта унга қишда бўлса ҳам янги узилган шафтолни тухфа қилар экан».<sup>135</sup>

Ўтган асрнинг 70-йилларида юз ёшли қўштегирмонлик Мирзаолим бува Низомиддинхожа тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берган:

«Ёшлик пайтимда дадам бир нарсани менга айтган эдилар. Низомиддинхожа эшон доим извошда юрар эканлар. Кунларнинг бирида ўзлари отда ёлғиз ёши улуғ, бемор кишининг зиёратига боришни қасд қилиб йўлга чиқибдилар. Сафар давомида бир деҳқоннинг экини четидан юриб ўтишга тўғри келибди. Шунда деҳқон: «Эшон дада, оилам касалманд, болаларим кўп, шароитим оғир, экинни босманг», дебди. Низомиддинхожа деҳқон сўзларини тинглагач, тахминан 200–250 узунликдаги эни 4-5м келадиган ўша экинзор ердан от чоптириб уч маротаба бориб келиб: «Ҳосилинг баракали бўлсин, қариндош-уруғингга нафи тегсин» деб дуо қилибдилар. Кузда ўша камбағалнинг пиёз деҳқончилиги шундай мўл бўлибдики, йирик пиёзларнинг ҳар бири от изи катталлигига тенг келармиш. У кишининг ака ёки укалари Зиёвуддинхожа эшоннинг ҳам кароматлари зоҳир экан. Халқ ичида кўп ривоятлар юради. Агар у киши пиёда юрсалар, отдаги одам етолмас экан».

Набирахожа ҳазрати эшон бобонинг уйлари Катта Кенагас қишлоғининг марказида бўлган. Дала ҳовлилари қишлоқдан бир чақирим четда, ҳозирги Эшон қўрғонча маҳалласида бўлган. Вафотларидан сўнг дала ҳовли ҳудудида ўғиллари Низомиддинхожа ва Зиёвуддинхожалар ҳам дафн қилинган. Ёнларига кейинги авлодлар дафн қилиниб, ҳозирда кўпчилик зиёрат қиладиган жой.

Низомиддинхожа эшон шу ерда тегирмон, обжувоз, масжид қурдирганлар. Катта Кенагас ичида ва Қўрғонча маҳалласида

---

<sup>135</sup> Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. –Т.: «Шарқ», 2005, 52-б.

жойлашган обжувоз ва тегирмондан олинадиган даромадлари етим-есир ва бева-бечораларга ёрдам тариқасида тарқатилган. Бу ерда Набирахожа ва Низомиддинхожалар ақлдан озиб беҳуш бўлиб қолган беморларни дуо ўқиш билан даволашган. Эшон қўрғонда алоҳида чиллахона ва ҳаммомлари бўлган. Йил давомида зиёратчилар учун чулон оши пиширилган.<sup>136</sup> Ҳозирда ушбу ерда 200 ёшдан ошган бир катта сада қайрағоч бор.

Шўролар даврида масжид бузилиб, ўрнига силосхона қурилган. Низомиддинхожа авлодлари эса қатағон қилинган.

Айрим тадқиқотчилар «Ҳазиний аждодлари ҳам ота, ҳам она томонидан (26 ва 24 насаб билан), пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ва тўртинчи халифа ҳазрати Али (р.а.)га бориб уланар эканлар» деб баъзи бир чалкашликларга йўл қўймоқдалар. Аслида Ҳазиний аждодлари ота томонидан пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амакилари Аббос ибн Абдумуталлиб (р.а.)га уланади ва улар тарихда «Аббосийлар» деб ном олган.

Ҳазиний аждодлари она томонидан ҳазрат Али ибн Абу Толиб ва унинг завжаси бўлмиш Фотимаи Заҳро, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизи авлоди ҳисобланиб, тарихда «Алавийлар», Ҳусайний авлодлари« номи билан аталган. Қуйида биз мазкур икки шажарани кўрсатиб ўтмоқчимиз.

### **Ота томонидан Ҳазиний авлод ва аждодларини Аббос ибн Абдумуталлиб(р.а.) насабидан, яъни «Аббосийлар» эканлигини тасдиқловчи шажара**

Сотиболдихон<sup>137</sup>

ибн Зиёвуддин эшон (Ҳазиний)

ибн Каттахожа эшон

ибн Шамсиддин Хожа Охун эшон

ибн Муҳаммад Амин Хожа

---

<sup>136</sup> Ўтмишда «Чилон», яъни 11 масаллиқдан тайёрланувчи таом тайёрлаш маросими Фарғона водийсидаги бошқа зиёратгоҳларда ҳам тайёрланиб, уни «Шулон» ёхуд «Чулон» деб ҳам аташган.

<sup>137</sup> Ҳазинийнинг иккинчи ўғли Сотиболдихондан бошлаб Набирахожагача бўлган шажара 1992 йилда тузилган бўлиб, Қўқон шаҳридаги «Мадрасаи Мир» имом хатиби Саййид Аъзамхон ҳожи томонидан тўғри деб тасдиқланган (муҳр, имзо, милодий 1992 й).

ибн Низомиддинхожа (Боғдор эшон)  
ибн Набира хожа эшон<sup>138</sup>  
ибн ҳазрат Хожа Муҳаммад Сиддиқ  
ибн Хожа Муҳаммад Али хожа  
ибн Қутб ал-ақтоб ғавс ул ғиёс ҳазрат эшон Вали ад-дин хожа  
ибн Хожа Увайс шайх  
ибн Хожа Вали ад-дин шайх  
ибн Хожа Зайниддин Фаришта ота лақаби билан машҳурки  
Самарқанднинг Офарикентидандир.  
ибн Хожа Аҳмад  
ибн Шайх Шамсиддин  
ибн Шайх Тожиддин  
ибн Шайх Камолиддин  
ибн Шайх Довуд  
ибн Шайх Тожи  
ибн Шайх Аҳмад  
ибн Халифа Муқтасад  
ибн Халифа Муқтасим  
ибн Халифа Мусақим  
ибн Халифа Мутаваккил  
ибн Халифа Маъмун  
ибн Халифа Ҳорун ар-Рашид  
ибн Халифа Маҳди  
ибн Халифа Мунтасир ал-Давонқи  
ибн Муҳаммад  
ибн Али  
ибн Абдуллоҳ  
ибн Аббос  
ибн Абдулмуталлиб

---

<sup>138</sup> Набирахожадан тўртиб Аббос ибн Абдумуталлибга қадар кўрсатилган шажара ҳижрий 1287 ( милодий 1869) йилда тузилган ва 75 муҳр билан тасдиқланган.

**Она томонидан Ҳазиний аждодларини ҳазрат Али ибн  
Абу Толиб (к.в.) насабидан, яъни «Алавийлар»  
эканлигини тасдиқловчи шажара**

Эшон Муҳаммад Амин Хожаки валади шарифи бузруквор  
эшон Боғдорки волидаи эшон дўхтари ибн Абдураҳим хожа  
ибн Эшон Ходи хожа  
ибн Абдулваҳоб хожа  
ибн Мавлоно Муҳаммад Бобо хожа  
ибн Мавлоно Юсуф Али хожа  
Мавлоно Юнус Али хожа  
ибн Мавлоно Жосус Али хожа  
ибн Мавлоно Саййид Карим хожа  
ибн Мавлоно Дарвиш Али хожа  
ибн Мавлоно Са'д ад-дин Хожа  
ибн Амир Ҳусайн Саййиди Саодот  
ибн Мавлоно Олим  
ибн Мавлоно Қутб ад-дин  
ибн Мавлоно Нур ад-дин  
ибн Мавлоно Шамс ал-дин  
ибн Мавлоно Саййид Ориф  
ибн Мавлоно Хатиб ад-дин  
ибн Мавлоно Муҳаммад Шайх Кабир  
ибн Хожа Муҳаммад Али Ҳаким ат-Термизий  
ибн Имом Саййид Ходи  
ибн Имом Саййид Нақи  
ибн Имом Саййид Тақи  
ибн Имом Али Мусо Ризо  
ибн Имом Саййид Али Мусо Козим  
ибн Имом Жа'фар Содиқ  
ибн Имом Муҳаммад Боқир  
ибн Имом Зайин ал-Обиддин  
ибн Имом Ҳусайн  
ибн ҳазрат Али (к.в.)  
ибн Абу Толиб.

Ҳазиний тўранинг ота томонидан аждодларига «Эшон»  
нисбаси қўшиб айтилганлиги боис, «Эшон» атамасига изоҳ  
бериб ўтсак. Бу ҳақда шарқшунос О.Фафуров ўзининг «Та-

баррук исмлар» рисоласида, жумладан, қуйидагиларни баён этади:

«Эшон – мусулмонларнинг дин пешвосини англатиб, «эшон» сўзининг келиб чиқиши замирида унинг исмларга бўлган алоҳида муносабати ётади. Таркибида эшон сўзи бўлган исм-шарифларни, эҳтимол кўпчилик эшитган бўлса керак, масалан, Эшонқулов, Эшонжонов, Эшонхожаев, Эшонтўраев, Эшонхонов ёки жўнгина Эшонов. Бу ерда ҳам бизга таниш бўлган ривожланиш чизиғини кўрамиз: сўз - лақаб - ном. Эшон сўзининг келиб чиқиши шу қадар ғайритабиийки, ҳали-ҳанузгача кўплар унинг олмош эканига сира иқрор бўлганлари йўқ.

Ўрта Осиё ва унга чегарадош кўпгина мамлакатларда шундай одат бор эди: жамият поғонасининг юқори пиллапоясида турган, айниқса руҳонийларга мансуб бўлган бўлса, ундай одамни ўз исми билан айтиб чақириш қаттиқ беадаблик ҳисобланган. Кўпинча, бундай кишиларни ҳам орқаворатдан, ҳам қисқагина, ammo ғоят ҳурмат билан эшон, яъни «улар» дейишган.

Қайсидир тоғ қишлоғида йиғин бўлаётган эди. Аҳолининг иш билан таъминланишини аниқлаш зарур эди. Бу 1929 йилда бўлганди. Ўқитувчи ҳар бир кишини исм-шарифи билан айтиб чақирар ва у одам ўрнидан туриб, керакли маълумотларни баён этарди. Бирдан навбатдаги одамнинг исм-шарифи айтилиши билан ўртага ғалати сукунат чўкди. Сукунатни дағдағали овоз бузди: «Одамлар олдида исмимни айтишга қандай журъат этдинг?! Ҳозир муридларимга айтаман, дабдалангни чиқаришадди!» Маълум бўлишича, бу маҳаллий эшон бўлиб, ўз исмини эшитиб ғазабга минган экан. Ўтмиш замонлардаги урф-одатни бузган бундай ҳурматсизлик унинг қаттиқ иззат-нафсига теккан эди».<sup>139</sup>

О.Фафуровнинг «эшон» атамаси борасидаги фикрларига қўшилган ҳолда чиндан ҳам Ҳазиний тўра ва унинг аждодларини аҳоли орасида кўп ҳолларда «Эшон бува», «Эшон дада» номи билан атаб келинганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунончи, Низомиддинхожанинг эшон нисбасини олиш хусусида унга берилган иршод хати ҳам мисол бўлади.

---

<sup>139</sup> Фафуров О. Асма ул-ҳусна ёхуд табаррук исмлар. I қисм. –Т.: 1998, 15-б.



Ҳозирги кунда ушбу зотларнинг авлодларида сақланаётган иршод хати (йўлланма)да Набирахожа ва унинг фарзанди Низомиддинхожа эшонни пиру устозларининг тариқат силсиласи бирма-бир кўрсатиб берилган. Шу ўринда силсила тўғрисида қисқача изоҳ бериб ўтсак.

Силсила сўзи асли арабча сўз бўлиб, занжир, ҳалқа, кишан маъносини англатади. Тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишлари худди шу тарзда айтилади. Биринчиси, ҳар бир шайх ўз пиру устози, устозининг устози номларини шу тартибда то Муҳаммад алайҳиссаломгача номма-ном баён қилиш. Масалан, Баҳоддин Нақшбанднинг пири Саййид Амир Кулол, унинг пири Муҳаммад Самосий, унинг пири Маҳмуд Анжир Фағнавий ва ҳоказо. Иккинчиси, ҳар бир шайх ўзининг ота-боболари кимлар бўлгани ва қайси машҳур зотга бориб етишини исботлаб берадиган шажарадан иборатдир. Масалан, Баҳоддин Нақшбанд ибн Жалолиддин ибн Бурҳониддин ибн Абдуллоҳ... то Али ибн Абу Толиб(р.а)гача.<sup>140</sup>

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тасаввуф тариқатида пайғамбарликдан кейинги энг юқори валийлик мартабаси «сиддиқ» деб аталган. Бу мартаба биринчи бўлиб халифа Абу Бакр(р.а.)га насиб бўлган. У зотдан бизнинг давримизгача сиддиқлик мартабасига эришган валийлардан 19 тасини силсила шаклида алоҳида бир рисола қилиб ёзиб кетган зот – бу Аҳмад ибн Жалолиддин Хожагии Косоний (Махдуми Аъзам)дир.<sup>141</sup> Мусахон эшоннинг силсиласи ҳам айнан шу тартибда келтирилган бўлиб, улардан бирида силсила 1248 ҳижрий (милодий 1832/33), йилда ёзилганлиги кўрсатилган.

Низомиддинхожа эшонга отаси Набирахожа эшон томонидан берилган иршод. Иршод хати асли форсча бўлганлиги боис, Отабек Жўрабоевнинг «Ҳазиний тўра» асарида берилган таржима матнини келтирмақдамиз:

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!*

Аллоҳга ҳамд бўлсинки, орифларнинг қалбини порлоқ нурлар билан ёритди ва уларнинг руҳларини сирларнинг хушбўйлари билан тоза этди. Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас этсин.

---

<sup>140</sup> Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. –Т.: Мовароуннаҳр, 1993, 117-б.

<sup>141</sup> Ўша асар. 16-б.

Гувоҳлик берамизки, Карим ва Саттор Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ва гувоҳлик берамизки, Муҳаммад унинг қули ва элчиси, ҳамда дўсти ва гуноҳкорларни шафоат этгувчидир. Уларни остидан дарёлар оқиб турувчи жаннатларга дохил қилсин.

Муҳаммад алайҳиссалом ва у кишининг оилаларига ҳамда пок саҳобалари (ҳақларига) Аллоҳга дуо бўлсин. Сўнгра Аллоҳ субҳонаҳу таоло ҳазрат Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам номлари ила бошлаб фойдаланмоққа мурувват қилди.

Ҳазрат Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ҳазрати Сиддиқи акбар розиаллоҳу ва эшони Салмон Форс ва эшони Қосим бин Сиддиқ ва эшони ҳазрати имом Жаъфар ас-Содиқ ва эшони Боязид Бастомий ва эшони шайх Абдул Ҳасан Харақоний ва эшони шайх Абу Али Фармадий ва эшони Хожа Юсуф Ҳамадоний ва эшони Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва эшони Хожа Ориф Ревгарий ва эшони Хожа Маҳмуд Фатавий ва эшони Хожа Али Ромитаний ва эшони Хожа Бобои Саммосий ва эшони хожа Саид Амир Кулол ва эшони Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва эшони Мавлоно Яъқуб Чархий ва эшони Хожа Аҳрор ва эшони Мавлоно Зоҳид ва эшони Мавлоно Дарвеш ва эшони Мавлоно Хожа Имканагий ва эшони Мавлоно Хожа Боқибиллоҳ ва эшони ҳазрати Имом Раббоний ва эшони Хожа Муҳаммад Саййид ва эшони Миён Абдулаҳад ва эшони Миён Обид ва эшони Хожа Мусахон ва эшони халифаи Сиддиқ ва эшони ҳазрати Муҳаммад Ҳусайн қуддусаллоҳ.

Бу сирлар ва маърифат дарёсининг бир қатраси қалбини обод этди. Фақир ҳам Аллоҳ субҳонаҳу таоло инояти ва муруввати ила кўзимизнинг нури, фарзанди аржуманди Низомиддинхожа Набирахожа эшон ўғилларига таълим ва тариқат илмига ижозат бериб, орифлар толиби бўлиб, шариат ва тариқат йўлини тутишларини фарз этамиз ва бу муқаддас – Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам йўлларида муҳаббат ва сабот тилаймиз.

Валлоҳу аълам.  
муҳр.

*(Изоҳ: Муҳр ичида шундай ёзув бор:*

Бэ Довудхожа аз қутби низоми  
Худовандо, бэдэх файзи камоҳи.

Яъни: Худавондо, Довудхожга хизмат йўлида адолат файзини бағишла. «Довудхожа» – Набирахожа эшоннинг асл исми-дир).<sup>142</sup>

Изланишларимиз давомида Ҳазиний авлод-аждодлари тўғрисида айрим маълумотларни аниқлашга муяссар бўлдик. Маълум бўлишича, Каттахожанинг Тошхожа, Зиёвуддинхожа, Порсохожа (?) исми фарзандлари бўлган.

«Тазкираи Қаюмий»да келтирилган маълумотларга кўра, Зиёвуддин Ҳазинийнинг отасининг исми Дониёлхон эканлиги айтилади.<sup>143</sup> Бу масалага ойдинлик киритиш учун О.Жўрабоев қуйидаги фикрни келтиради: «Фикримизча, Дониёлхон исми хос давралардагина аталиб, Каттахожа исми эса кенг тарқалган».<sup>144</sup> Қолаверса, ўлкашунос Яҳёхон Дадабоев ҳам Зиёвуддин тўранинг отаси Дониёлхон тўра эканлигини таъкидлаб ўтади.<sup>145</sup>

Катта Кенагас қишлоғида яшаб ўтган айрим кишилар томонидан ёздириб қолдирилган хотираларида Каттахожа кўп ҳолларда Авлиёхожа номи билан ҳам машҳур бўлганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Катта Кенагаслик Нўмонжон Йўлдошевни (1928–2005) 2001 йилда қоғозга тушириб қолдирган хотиралари бўлиб, унда жумладан шундай баён этилган:

«Мирзажон мингбошининг онаси, яъни катта онамиз фарзанд кўрмай юрган вақтларида шоир Зиёхон эшон тахаллуси Ҳазиний бувамининг дадалари Авлиёхожа эшон, яъни Каттахожа эшонга фотиҳа олиш учун эридан яширинча келган эканлар. Эшонда катта онамизни кўриши билан, «Эрингдан бемаслаҳат келибсан. Кейинги сафар албатта эринг билан келгин» дея қайтариб юборган экан. Эшондаданинг бундай валоят соҳиби эканлигидан катта онамиз ҳайрон қолган эканлар. Шундан сўнг эртаси куни эри билан Авлиёхожа эшондаданинг ҳузурига келсалар кўп дуолар қилиб катта онамиз ва катта бобомизга қараб: «Этакларингни очинглар. Мана сизларга Худодан уч ўғил сўрадим. Бирини исмини Усмон, иккинчисининг исмини Мирза, учинчисининг

---

<sup>142</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра... 121-122-б.

<sup>143</sup> Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қаюмий»... 562-б.

<sup>144</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра... 10-б.

<sup>145</sup> Дадабоев М. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. –Ф.: «Фарғона», 2007, 117-б.

исмни Араббой деб атайсизлар. Фарзандларингизнинг етти пушти кам бўлмайди. Элу юртда обрў топиб, амалдор кишилар бўлиб етишадилар» деган экан.

Авлиёхожа эшондаданинг ҳузурида кўнгиллари шод бўлиб чиққан эру хотин бир отни назр тариқасида берсалар. Эшондада шу заҳоти отни сўйдириб халққа тарқатиб юборган экан».

Олинган оғзаки маълумотларга кўра, Каттахожанинг Ойсинхон исмли аелидан Ҳазиний дунёга келган экан. Нақл қилишларича. Ойсинхоннинг отаси валий зотлардан бири бўлган. Ҳазинийнинг ота-онасининг қабрлари ҳам Катта Кенагас қабристониди. Ҳазиний мақбарасининг олдида жойлашган.

Зиёвуддин Ҳазиний умри мобайнида уч марта уйланган.

Биринчи аёли Риштондан бўлиб, уни «Зодиёнлик ойим» деб аташган.

Ҳазиний Зодиёнлик ойимдан Амакихон исмли бир ўғил ва Марҳаматхон, Шамиёхон, Муҳаббатхон, Холпошшахон исмли тўрт қиз кўрган.

Фарзандлари бўй чўзиб, камолга ета бошлаганларида Зодиёнлик ойим бетоб бўлиб дунёдан ўтади. Бу пайтда кенжа қизлари Холпошшахон ҳали чақалоқ экан. Шундан сўнг бир неча вақтга қадар онадан айрилган фарзандларни Ҳазинийнинг оналари Ойсинхон буви ўз тарбиясига олади.

Биринчи қизи Шамиёхон Ҳазинийнинг катта фарзанди бўлиб, Кенагасдаги Абдурахмон тўрага турмушга чиққан. Шамиёхонни кўрган-билганларнинг айтишларича, у ҳам шоиртабиат бўлиб фазаллар битган.

Иккинчи қизи Марҳаматхон. Ўзбекистон тумани Қудаш қишлоғидаги Ҳайдархон эшонга турмушга чиққан. Ҳайдархон эшон ҳам асли Ҳазиний тўранинг қариндоши бўлиб, у Низомиддинхоннинг чевараларидан эди. Ҳайдархон эшоннинг укаси Соттихон Бобохонов 1931 йили 67 ёшида қулоқ сифатида Украинанинг Херсон вилоятига қарашли Голопристан тумани Михайловка посёлкасига сургун қилинган. Соттихон эшон бу ерда «Коминтерн» номли пахтачилик совхозида яшашга мажбур бўлган.<sup>146</sup>

---

<sup>146</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва униинг фожиали оқибатлари. –Т.: «Шарқ», 2001, 182-182-б.

Учинчи қизи Муҳаббатхон Учкўприкнинг Тоғлиқ қишлоғидаги Нўмонхон тўрага турмушга чиққан. Муҳаббатхон фарзанд кўрмай дунёдан эрта ўтган. Айтишларича, Ҳазиний тўра фарзандлари орасида бу қизига кўп меҳр қўйган экан. Муҳаббатхон бевақт оламдан ўтган вақтида Ҳазиний тўра кун бўйи қон йиғлаган экан.

Тўртинчи қизи Холпошшахон бўлиб, асли қўқонлик Наби-хон Рустамхон ўғлига турмушга чиққан, бироқ фарзанд кўрмаган.

Ҳазинийнинг катта ўғли Амакихон (асли исми Аслиддинхон бўлса керак) Бухорода таҳсил олган, диний илмларни пухта эгаллаган ҳофизи қуръонлардан бўлган экан. Шу сабабдан аҳоли орасида «сувни тескари оқиза оладиган эшон» деган ном ҳам олган экан. Айтишларича, Амакихонни 1937 йили Даштмозор қишлоғида ҳайит намозига имомликка ўтмоқчи бўлган чоғида НКВД ходимлари қамоққа оладилар. Ўша чоғда Амакихоннинг ёнида Ҳазиний тўранинг ягона девони ҳам бўлган экан. Уни қўлга олганларидан сўнг шу девонни қўлига тутқазиб, тик ҳолатда аравада қамоққа олиб кетадилар. Кейинчалик қўлидаги девонни тортиб олиб қўйганлар. Айтишларича, Амакихонни шаҳарга<sup>147</sup> олиб бориб қаттиқ сўроқ қиладилар. Сўроқ чоғида унга азоб бериб калтаклайдилар. Бундай машъум воқеанинг шоҳиди бўлганлардан бири кейинчалик ўз хотираларида жумладан шундай деган экан:

«Ўша пайтда мен ҳам орган ходимларидан бири эдим. Юр-нинг улуғларини қатағон қилинишини кўриб ич-ичимдан эзилиб, виждон азобида юрган кезларим, Ҳазиний тўранинг ўғли Амакихонни ҳам қамоққа олганликларини эшитдим. Амакихон эшонни бир неча кун сўроқ қилаётган вақтида калтаклайдилар. Ажабо. Амакихон эшонга ким қўл кўтарган бўлса, барчаси кўп ўтмай турли касалликка йўлиқиб, оғир ўлим топганларини эшитдим. Воқеаларни бу тарзда содир бўлишига чидай олмасдан, ўша йилнинг ўзида ишдан бўшадим. Шу сабабдан Амакихоннинг тақдирини менга номаълум бўлиб қолди».

Маълум бўлишича, Амакихон икки марта уйланган.

---

<sup>147</sup> Амакихонни Фарғона, Марғилон ёхуд Қўқон шаҳрига олиб кетганликлари борасида аниқ маълумот бўлмаганлиги учун шаҳар номини кўрсатиб ўтмадик.

У Миришкор қишлоғидаги биринчи аёлидан уч нафар қиз фарзанд кўрган. Амакихоннинг биринчи қизининг исми Кимёхон бўлиб, Бағдод тумани Чўли гулистон қишлоғидаги Мўйдинхон эшонга турмушга чиққан. Иккинчи қизининг исми Зикриёхон бўлиб, Бағдод тумани Қўштегирмон қишлоғига турмушга чиққан. Учинчи қизининг исми Пирзодахон бўлиб, Кенагас қишлоғидаги Аҳмадхон Бўроновга турмушга чиққан.

Амакихоннинг иккинчи аёли Кенагаслик бўлиб, ундан Тўхтахон исмли бир қиз кўрган. Тўхтахон кейинчалик Учкўприк тумани Имом Боқи қишлоғидаги Рустамхон тўрага турмушга чиққан.

Ҳазинийнинг учинчи аёли Бағдоднинг Чек қишлоғидан бўлиб, исмлари Қумрихон эди (1896–1989). Уни «Чеклик оғим» деб аташган. Ҳазинийга турмушга чиққан вақтида 15 ёшда бўлган экан.

Айтишларича, Қумрихоннинг дастлабки кўрган фарзандлари турмаган экан. Унинг Бувахон исмли ўғли болалигида ўлиб кетган. Шундан сўнг Сотиболдихон (Сотволдихон) ва Мақсудахон исмли фарзандлар кўрган.

Зиёвуддин Ҳазинийнинг қизи Мақсудахон улғайгач, Катта Кенагас қишлоғининг ҳозирги Обжувоз маҳалласидаги Хожaxon исмли йигитга турмушга чиққан. Аммо унинг турмуши узоққа чўзилмаган. Мақсудахон фарзанд кўрмай бевақт дунёдан ўтган. Уни Ҳазиний тўра сағанасининг ичига қўйганлар. Кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, Мақсудахон майитини сағанага қўяётганларида Ҳазинийнинг кафани кўтарилиб кетган экан. Қарашса, Ҳазиний тўранинг жасади чиримаган, худди кеча қўйилган ҳолатда эмиш.

Валий зотлар билан боғлиқ бундай ҳайротомуз воқеалар тўғрисида халқимиз орасида қадимдан турли ривоятлар сақланиб қолган. Биз бундай ҳолатлар ҳақида эшитган бўлсак-да, лекин кимлардир ўз кўзи билан кўриб, унинг шоҳиди бўлганлар. Келинг, яхшиси, ҳазрати шайх Фаридиддин Атторнинг шу тўғрисидаги қуйидаги ҳикоятига эътиборимизни қаратайлик: «Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоҳу руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) саёҳи, замон дарёсининг маллоҳи (қайиқчиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, «Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди». Дарҳол Ҳақ таоло ўша

муридга салоҳ (яхшилик) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиффор этар эди.

Ҳазрати шайхнинг ушбу сўзи нақл этилган: «Бир кун Ҳижоз даштгида ёлғиз борар эдим. Бир қора юзли одамни кўрдимки, бўйи минорадан ҳам узун эди. Кўнглим ундан ҳайиқди.

– Девмисан, паримисан? – деб сўрадим. У эса менга:

– Сен мусулмонмисан, кофирмисан? – деди. – Агар мусулмон бўлсанг, Аллоҳдан бошқасидан кўрқма! – деди-да ғойиб бўлди».

Шайхнинг ўлими Басра тупроғида содир бўлди. Вафот этган пайтида ёнида ҳеч ким йўқ эди. Бир қанча йилдан кейин кўрдиларки, Абу Туроб шундоқ юзини қиблага қаратган, асосига сунган ҳолда жон берган эди. Бир қўлида косаси ҳам турган экан. Жониворлар унга сира тегмаган эди. Топган жойларида уни дафн қилдилар. Ҳадиси шарифда марҳамат этиб айтилганки, «Валиларнинг жасади чиримас, жониворлар ундан қочгайлар, улар ўлмагайлар, бир уйдан бошқа уйга кўчгайлар».<sup>148</sup>

Айтишларича, Қумрихон фарзандлари нобуд бўлавергач, Сотиболдихон туғилган вақтида, кўшнилари Тошбуви амма чақалоқнинг қулоғини тешиб, чиқиб кетган, бир ҳафтадан кейин етти хил донни бир тарозига қўйиб, иккинчи тарозига чақалоқни қўйиб, шу тарзда чақалоқни сотиб олган. Шу сабабдан чақалоқ исми Сотиболдихон бўлган экан. Шу ўринда ўқувчиларимизга айрим изоҳларни бериб ўтсак. Бинобарин, тадқиқотларимиз давомида чақалоқча Соттихон ёки Сотиболди исмини қўйишнинг асл мазмун-моҳиятини кайвони онахонларимиздан билиб олишга ҳаракат қилдик.

Ахборотчи Инобатхон Болтабоевнинг айтишича, фарзандлари туравермагач, бешинчи фарзанди туғилиши билан онаси уни чақалоқ билан аравада тегирмончига олиб борган. Тегирмончи тарозининг бир палласига чақалоқни, бир палласига чақалоқнинг вазнига тенг буғдой солиб тортган. Шундан сўнг тортилган буғдойнинг бир донасини олиб тегирмон атрофида етти марта айланган. Шундан сўнг ўша буғдой донаси тешилиб, чақалоқнинг қулоғига ипда ўтказилган. Инобатхон Болтабоева-

---

<sup>148</sup>Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 1997, 76-б.

нинг айтишича, шу зайлда бешинчи фарзандини сақлаб қолган. Қизиғи шундаки, чақалоқни тарозида буғдой билан тортиш одати дарвозлик тожикларнинг «бола ўғирлаш» маросимида ҳам учрайди. Ушбу маросимда янги туғилган чақалоқни аёллардан бири «ўғирлайди» ва чақалоқни онасига қайтариб сотади. Шу боис бола қайтиб сотиб олинганлиги учун ўғил бўлса «Сотволди» ёки чақалоқни тўлаб олдик деган маънода «Тўлан», қиз бўлса, «Соттихон» деб исм беришган. Чақалоқни тарози палласига қўйиб уни оғирлик вазнига тенг баробар буғдойни «ўғри аёл»га тортиб берганлар.<sup>149</sup>

Болага Таваккал исмини қўйиш ҳам кўпроқ шу тушунчалар асосида шаклланган. Элшунос олима Л.А. Чвырга кўра, буғдой – қут-барака ва мўл-кўлчилик рамзи ҳисобланган. Буғдой сомонидан бешикка таглик қилиш шу қараш асосида келиб чиқанлиги эҳтимолдан холи эмас. Шу боис. Юқори Зарафшон бўйларида яшовчи тожикларда «кўп фарзанд кўрсин» деган мақсадда келиннинг оёқ кийимига буғдой сепганлар.<sup>150</sup>

Сотиболдихон ҳали 22 ойлик вақтидаёқ ажойиб хислат соҳиби бўлганлиги ҳақида ўз хотираларида айтиб ўтган эди. «Гарчанд у пайтларда ёшим кичик бўлса ҳам ҳали-ҳануз хотирамдан ўша ҳолат ҳеч нари кетмайди.

Дарвозадан кирсам ҳовлимиз ўртасидаги кекса нок дарахти тагида тобут намоеън бўлди. Бир оз вақтдан сўнг тобут ғойиб бўлди. Мен қўрқиб кетганимдан бақариб юборибман. Шу воқеанинг эртаси куни отамиз вафот қилган экан.<sup>151</sup> Сотиболдихон ота Ҳазиний тўрадек ширали овоз соҳиби бўлиб, дутор ва танбур чалишда моҳир бўлган. Унинг ажойиб хислатлари тўғрисида замондошларининг қатор хотиралари мавжуд. Сотиболдихон ота падари бузруквори томонидан бажарилган вазифаларни давом эттириб, йиллар давомида «Хатми хожагон», «Хатми

---

<sup>149</sup> Таджики Каратегина и Дарваза. Вып 3. Д., 1978. С 77.

<sup>150</sup> Чвыр Л.А. Опыт анализа одного современного обряда в свете древневосточных представлений // Средняя Азия и Кавказ и зарубежный Восток в древности. –М.: «Наука». 1983.С. 130.

<sup>151</sup> Сотиболдихонни Ҳазиний тўра вафот этган вақтда бир ёшга тўлмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳикояни нақадар тўғри эканлиги изоҳ талаб этади.



Ғавс» маросимларини ўтказиб келган.<sup>152</sup> Сотиболдихон ота умрининг охирида бу маросимни ўтказиш масъулиятини набираси Маъруфхонга топширади. Қизиғи шундаки, Сотиболдихон ота ўғли Носирхонга эмас, балки унинг ўғли Маъруфхонга ушбу вазифани топширганлиги ўша пайтда кўпчиликни таажжубга солган. Бироқ буни қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Носирхон ака тўсатдан дунёдан кўз юмади. Одамлар Сотиболдихон отанинг маросимни ўтказиш вазифасини айнан Маъруфхон зиммасига юклаганлигининг боисини фақат шундагина тушуниб етганлар.

Сотиболдихон (1921–2005) Бағдод тумани Чўринди қишлоғидаги Тожихон (1926–1982) исмли қизга уйланган. Тожихон ҳам асли ота томонидан аббосий авлоди бўлган. Унинг отаси Мусахон. Мусахоннинг отаси Зокирхожа. Зокирхожанинг отаси Низомиддинхожа. Низомиддинхожанинг отаси Набирахожа. Шу ўринда Сотиболдихон ота ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтсак:

Сотиболдихон ота 1937–1939 йилларда ҳарбийга чақирилган. Бироқ шу кетганича қадрдон қишлоғига 1947 йили қайтишга муяссар бўлган. У иккинчи жаҳон урушида бошидан то охиригача қатнашиб, Берлингача бўлган жангларда иштирок этган. Сотиболдихон ота урушдан сўнг йўл қурилиши ва савдо соҳасида самарали меҳнат қилган. Сотиболдихон ота ҳар ишда моҳир инсонлардан бўлиб, танбур, тор сингари чолғу асбобларини ўзи ясар. Ҳазиний, Чустий ғазалларини маромига етказиб куйлар

---

<sup>152</sup> Мутахассисларнинг келтирган маълумотларига кўра, Абдулқодир Гилоний номи билан боғлиқ маросим Ўрта Осиё халқлари орасида «Хатми хожайи жаноби ҳазрат саййид Ғавсул Аъзам», «Хатми йоздахўм», «Хатми пири дастгир» ва юқорида тилга олинган «Хатми Ғавс» номлари билан атаб келинган. Ахборотчиларнинг келтирган маълумотларига кўра, «Хатми йоздахўм» маросими, ҳар ойнинг ўн биринчи куни куннинг биринчи ярмида ўтказилган. Маросим 2 соат давом этган. Унда Қуръони карим суралари ўқилиб, Муҳаммад пайғамбар(с.а.в)га саловотлар айтилган. Ғавсул Аъзам тўғрисидаги ҳикоятлар тингланган. «Хатми йоздахўм» яъни «Хатми Ғавс» маросимини ўтказиш Ўрта Осиё халқларида савобли деб қаралган. Айниқса, бу маросимни доимий ўтказиб турган киши, албатта, муродига етиши ҳақида кўплаб мисоллар мавжуд.

эди. Унинг дардли қўшиқлари элу юрт орасида машҳур бўлган-лигидан «Сотволди ҳофиз» номини олган эди. Сотиболдихон ота етим болаларни қандай бўлмасин кўнглини олишга интилувчи жўмард, саховатпеша инсонлардан бўлган.

Сотиболдихон ота фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларни илмли инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилган. Ҳунарга лаёқати бор фарзандларига бўлса, ўз ҳунарларини ўргатиб қолдирди.

Сотиболдихон Зиёвуддин Ҳазиний ўғлининг фарзандлари ҳақида қисқача маълумот.

1. Қизи Муқаддасхон (1948–1949).

2. Ўғли Мансурхон (1949–1992) Катта Кенагас қабристонига дафн этилган. Мансурхон ҳаётлик даврида ўзининг ёқимли ва ширали овози билан эл назарига тушган эди. Ҳозирда унинг оиласи Учкўприк тумани Қўқонбой қишлоғида истиқомат қилмоқдалар.

3. Ўғли Носирхон (1952–2006). Носирхон Тошкентда қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, кўп йиллар давомида Фарғона вилоят ўсимликларини ҳимоя қилиш давлат назорат комиссиясига қарашли Қўқон шаҳар бўлимида бошлиқ вазифасида фаолият кўрсатган. Носирхон Сотиболдихон отанинг ўғитларини сидқидилдан бажарган солиҳ фарзанд бўлиб етишган инсон эди. У Катта Кенагас қабристонига дафн этилган. Оиласи Катта Кенагас қишлоғида яшайди.

4. Ўғли Содирхон (1956 – 1992). Содирхон кўп йиллар давомида Учкўприк туманининг матлубот савдо жамиятининг Катта Кенагас қишлоғидаги савдо шоҳобчасида ҳалол меҳнат қилган. Содирхон бевақт дунёдан ўтгач, Катта Кенагас қабристонига дафн этилган. Оиласи Катта Кенагас қишлоғида яшайди.

5. Ўғли Собирхон 1957 йилда туғилган. Оиласи билан Катта Кенагас қишлоғида яшайди.

6. Ўғли Маъмирхон 1960 йилда туғилган. Оиласи билан Катта Кенагас қишлоғида яшайди.

7. Қизи Моҳирахон Учкўприк тумани Тоғлиқ қишлоғида яшайди. Моҳирахон 1983–1989 йиллар мобайнида Тошкент давлат университетининг тарих факультетида сиртдан таълим олиб, 1982 йилдан буён Катта Кенагас қишлоғидаги 21-ўрта мактабда ишлаб келмоқда.

8. Қизи Насибaxon Бағдод тумани Тувадоқ қишлоғида яшайди.

Ҳазиний тўранинг набира келинларидан Азизахон Тошматова ҳамда Ўктамхон ая Мамажонованинг маълумотларига кўра, Ҳазинийнинг васиятига биноан Қумрихон ая кўп йиллар давомида Ҳазиний хонадонидан сидқидилдан хизмат қилиб келган Мамажон отага турмушга чиққан.<sup>153</sup> Кейинги турмушидан Қумрихон Минавваржон исмли ўғил кўрган. Бироқ Минавваржон 1975 йилда 38 ёшида бевақт оламдан ўтган. Бизга Ҳазиний ҳаёти тўғрисида Қумрихон аядан эшитганларини сўзлаб берган инсон Ўктамхон ая Мамажонова Қумрихон аянинг келини, яъни Минавваржоннинг турмуш ўртоғи бўлиб, у 1942 йилда Бувайда тумани Чиркей қишлоғида дунёга келган.

---

<sup>153</sup> Яна бир оғзаки маълумотга кўра, Ҳазиний вафотидан сўнг 25 ёшида бева қолган Қумрихонни қўлини сўраб теварак-атрофдан совчилар кела бошлайди. Бироқ Қумрихон Ҳазиний тўрани «Мендан сўнг асло бу хонадонни гарк этманг» деган васиятига амал қилиб, совчиларга рад жавобини бериб келади. Кунларнинг бирида Ҳазинийнинг куёви Абдураҳмон тўра Ҳазинийни ўз хизматкори Мамажон отага пўстинларини елкасига ташлаб қўйганлиги тўғрисида туш кўради. Шундан сўнг ўша туш таъбири бўйича Қумрихонни Мамажон отага берган эканлар.

## ҲАЗИНИЙ УСТОЗЛАРИ

✓ «Ҳазиний шеърятининг лирик қаҳрамони ҳам тасаввуф йўлига кирган, аммо бу соҳада кўп вақтини беҳуда ўтказган, имони султ замондошларининг ярамас иллатларидан афсус-надомат чекувчи, давр номаъқулчиликларидан кўнгли зада орифдил инсондир. Бунинг бош омилли шоир яшаган даврнинг гоят алғов-далғов, нотинчликларга тўла бўлгани, Туркистон халқининг гуноҳу маъсиятга ботгани туфайли чоризм асоратига тушиб қолгани, миллатдош зиёли қатламнинг маънавий таназзули экани шубҳасиздир».

*Икромиддин Остонақулов,  
филология фаълари номзоди, доцент.*

Мусулмон оламида Абдулқодир Гилоний(Гилоний, Жилоний), яъни Ғавсул Аъзам номини эшитмаган кишининг ўзи бўлмаса керак. Бинобарин, бу муҳтарам зот асос солган «Қодирия» тариқати 9 асрдан буён Мағрибу Машриқда машҳурдир. Чунончи Қодирия сулукининг Марказий Осиёдаги Яссавия, Кубравия, Нақшбандия синғари тариқат сулуклари билан бир қаторда, маҳаллий халқларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида ўз таъсир доирасини ўтказиб келганлиги, уни қанчалик бу ерда кенг тарқалганлигидан далолат беради.<sup>154</sup> Чунончи шу кунга қадар Фарғона водийси халқлари орасида ҳар ойнинг ўн биринчи куни Ғавсул Аъзам ҳазратларига бағишлаб ўтказиб келинаётган «Йоздаҳум» маросимининг сақланиб қолганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Алалхусус, мазкур сулукни Фарғона халқлари турмушида ҳам ўзига хос мавқега эга бўлиши ва Фарғона адабий муҳитига ҳам сезиларли даражада таъсир қилганлиги

---

<sup>154</sup>Қаранг: Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. М.,1989; Акимушкин О.Ф. Ал Кадирийа. Ислам. Энциклопедический словарь. –М.: 1991; Идрис Шах. Суфизм. –М.: 1994; Юсуф Мухаммад. Суфийская энциклопедия. Казан, 2004; Сатгорзода А.Суфийский орден Кадирия в Таджикистане // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс, 2007; Мохаммад Джавад Омидварниа. Путь вероисповедания Кобравие в Китай // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс, 2007.

Фарғона водийсида фаолият кўрсатиб келган Қодирия сулукини ўрганиш ва тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, ушбу мавзунинг долзарблиги ва шу билан бирга бу борада тадқиқотлар кам олиб борилганлигини назарда тутиб, XIX аср Фарғона адабий муҳитида Қодирия тариқатининг аҳамияти мавзусида баъзи бир фикр-мулоҳазаларни келтиришни ўринли деб билдик.

Шу ўринда Абдулқодир Гилоний ва Қодирия тариқати хусусида мухтасар маълумот бериб ўтсак.

Ғавсул Аъзамнинг тўлиқ исмлари Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Гилоний бўлиб, тасаввуф тариқатида «Ғавсул Аъзам», «Ғавсу-сақлайин», «Пири дастгир», «Қутб йоздаҳум» ва «Ҳасайни-Ҳусайни» лақаблари билан машҳурдир. Ғавсул Аъзам ақл фаросатда ва одобда, башоратда ва кароматда мислсиз юксакликка кўтарилганлиги боис, унинг замондошлари ҳазратни тенги йўқ аллома ва «Султонул авлиё» (Авлиёлар султони) деб беҳад эъзозлашган.<sup>155</sup>

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг таъкидлашича, ҳазрати Юсуф Сиддиқаллоҳнинг ҳусни ва малоҳатлари ҳазрати Сиддиқ Акбар (Абу Бакр)нинг сидқи хаёллари, ҳазрати Умар Форукнинг ҳайрат ва адолатлари, ҳазрат Усмон зуннурайннинг ҳукму ифғатлари, ҳазрати Али Муртазонинг илми шижоатлари ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг фитратларида мавжуд эди.<sup>156</sup>

Абдулқодир Гилоний Эроннинг Гилон вилоятида туғилиб, умрининг асосий қисмини Бағдод шаҳрида ўтказган. Шу сабабдан ҳам ҳозирда қабри Бағдод шаҳрида жойлашган. Ул зот тасаввуф тариқатида биринчилардан бўлиб «Қодирия» сулукига асос солган.<sup>157</sup> Қодирия сулуки зоҳидликни қоралаб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом сингари умр кечиришни, унинг суннатларига амал қилишни ёқлаб чиқиб, дунёдан форигланиб, охират ишига машғул бўлиш эмас, балки машғуллик билан форигланиш шиорини кенг тарғиб қилиб келди.

Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам «Дил ба ёру даст ба кор» шиорини тарғиб қилишда Ҳазрати Ғавсул Аъзам

---

<sup>155</sup> Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул Аъзам. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1992, 11-б.

<sup>156</sup>Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони... 22-б.

<sup>157</sup>Тиллабоев Р. А. К вопросу об ордене Накшбандийа // Из истории суфизма: источники и социальная практика. –Т.: «Фан». 1991. С. 17.

сулукининг таълимотларига яқиндан ёндошди. Қодирия тариқатининг бундай прогрессив таълимотлар билан йўғрилганлиги уни мусулмон мамлакатларида тез равнақ топишига замин яратди. Мазкур тариқат XII асрдаёқ Мағриб ва Испанияда машхур бўлди. XVI асрдан бошлаб эса Қодирия тариқати Кичик Осиё ва Ҳиндистон ҳудудларига кириб борди. Академик В.В. Бартольдга кўра, Қодирия сулуки Марказий Осиё ерларида XII асрнинг ўрталаридаёқ тарқала бошлаган эди. Мазкур тариқатнинг Ўрта Осиёга кириб келишида ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг хизматлари катта бўлган.

«Қандия» асарининг муаллифи Абул Ҳаким Самарқандийнинг ёзишича, Абдулқодир Гилоний ва Юсуф Ҳамадоний ўртасида жуда яқин дўстона муносабатлар мавжуд бўлган.<sup>158</sup> Демак, улар ўртасидаги самимий дўстлик Қодирия тариқатини Мовароуннаҳр диёрига ўтиш йўлида кўприк сифатида хизмат қилган кўринади.

Маълумотларга кўра, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда Ғавсул Аъзам авлодлари ҳамда Қодирия сулукининг мавқеи ҳам катта бўлган. Бу болада «Қандия» асарида номи зикр этилган Абул Ҳасайни-Ҳусайни тўғрисидаги маълумотлар фикримизнинг яққол далилидир.<sup>159</sup> Чунончи Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи вакилларига маънавий устозлик қилган зотлар Қодирия тариқатининг пири муршидлари бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бунга мисол тариқасида Ҳумоюн Мирзонинг устози Муҳаммад Ғавс номини тилга олиш мумкин.<sup>160</sup>

Фаргона водийсида Қодирия тариқатининг ёйилишига, аввало, Қўқон хонларининг хизматлари катта бўлган десак янглишмаймиз. Чунончи, «Самария» китобининг муаллифи Абу Тоҳир-хожанинг келтиришича, Қўқон хонлари замонида самарқандлик Қодирия тариқатининг атоқли вакили, замонасининг машхур шайхларидан бири ҳазрат Ҳожи Бобо Сафонинг (вафоти 1740

---

<sup>158</sup>Абул Ҳаким Самарқандий. Қандия... 20-б.

<sup>159</sup>Ўша асар. 71-б.

<sup>160</sup>Кариева Н.С. Участие суфийского ордена Чиштие в движение махдистов в Индии // Из истории суфизма. –Т.: 1991. С. 102.

йил) Мирзо қаландар исмли ўғли Фарғонага келиб, шу ерда яшаб охир-оқибатда Фарғонада дафн этилган.<sup>161</sup>

Фарғона водийсида Қодирия тариқатининг кириб келишини Қўқон хонлари даври билан боғлиқ деб қаралган. Бунга биз юқорида номини тилга олган Абдулазиз ал - Бағдодийнинг фаолияти мисол бўла олади. Маълумотларга кўра, Саййид Абдулазиз ал-Бағдодий XVIII асрнинг 30- йилларида Абдулкаримбий даврида Қўқонга келган. Нақл қилишларича, Абдулазиз ал - Бағдодий Фарғона заминига кириб келганда дастлаб ҳозирги Қўқон шаҳридаги Азизлик тепасини ўзларига макон сифатида танлайдилар. Шу ерда ул зотга бир башорат бўлиб, икки тепа бўйидаги чангалзорга бориши лозимлиги айтилади. Айтишларича, ўша чангалзор илонлар макони бўлган ва ҳеч кимнинг бу ерларга келишига юраги дов бермаган. Абдулазиз ал-Бағдодий ҳазратлари чангалзорга келиб бир кафт тупроқ олиб, дам солади ва чангалзорга қараб сочиб юборади. Шу тарзда илонлар бу маконни тарк этади. Шу ўринда қуйидаги маълумотга эътиборимизни қаратсак. «Қандия» асарида келтирилишича, Фавсул Аъзамнинг авлоди Шайх Абул Ҳасайни-Ҳусайни 103 ёшида вафот этгач, уни Самарқанд дарёсининг бўйидаги қабристонга дафн этганларида, ўша ердаги илон ва чаёнлар қочган экан. Бундан кўришиб турибдики, Фавсул Аъзам авлодларида бундай ажойиб хислат авлоддан-авлодга ўтиб келган кўринади.

Тадқиқотларимиз давомида биз Фавсул Аъзам авлодлари насабномасини аниқлашга муяссар бўлдик. Ушбу шажарада Абдулазиз ал Бағдодий номи ҳам қайд этилган:

Ибн ас-Саййид Муҳаммад Амин ал Бағдодий ал Қодирий. Ибн ас-Саййид Абдулазиз. Ибн ас-Саййид Мустафо. Ибн ас-Саййид Зайниддин. Ибн ас-Саййид Муҳаммад Дарвиш. Ибн ас-Саййид Ҳисомиддин. Ибн ас-Саййид Валийддин. Ибн ас-Саййид Зайниддин. Ибн ас-Саййид Шарифиддин. Ибн Саййид Шамсиддин. Ибн ас-Саййид Муҳаммад ал-Ҳатон. Ибн Саййид Абдулазиз. Ибн ас-Саййид.. Қутбул ақтоб Фавсул аъзам Муҳйиддин Абдулқодир Жилоний қодасаллоҳу сираҳул азиз. Ибн ас-Саййид Абу Солиҳ Мусо Жанги дўст. Ибн ас-Саййид Абдуллоҳ Жайлий. Ибн ас-Саййид Яҳё Зоҳид. Ибн ас-Саййид Довуд. Ибн ас-Саййид

---

<sup>161</sup>Абу Тоҳирхожа. Самария. –Т.: 1991, 51-б.

ид Мусо ал Жавон. Ибн ас-Саййид Абдуллоҳ Муҳас. Ибн ас-Саййид Ҳасан. Ибн ал Имом Амир ал мўъминин Али ибн Абу Толғиб розиаллоҳу анҳу. Ибн Абд ал-Муталлиб. Ибн Ҳошим. Ибн Абд Маноф».<sup>162</sup>

Маълумотларга кўра, Фарғона водийсида Ғавсул Аъзам номининг машҳур бўлишида миёнлар авлодининг ўрни катта бўлган. Зеро, XX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири шоир Мискин миёнлар авлодига мансуб Миён Ғазл Қадрга бағишланган марсияларидан бирида мазкур сулоланинг баъзи улуғ вакиллари эслаб:

*Жойигири Ғавсул Аъзам жойиниши Нақшбанд,  
Муриди авлоди Раббоний муҳибби хонадон, –*

деб ёзган эди.

Бу сатрларларда мазкур сулола бир томони Ғавсул Аъзамга, бир томони Баҳоуддин Нақшбандга, яна бир томони тўғри йўлга солувчи Раббоний авлоди сингари пирларга бориб тақалиши зикр этилади.<sup>163</sup>

Қозоқ олими Чўқон Валихоновнинг таъкидлашича, миёнлар авлодининг Қўқон хонлари ва Бухоро амирлари олдидаги мавқеи баланд бўлганидан юқори диний мансабларни эгаллашган ва эл-юрт уларга ғоят ҳурмат кўзи билан қарар эдилар.<sup>164</sup> Ғавсул Аъзам авлодларига нисбатан бундай юксак эҳтиром, ўз навбатида, Фарғона водийсида Қодирия тариқатини янада кенгроқ кириб бориши учун етарли замин ярата олган эди. Шу сабабдан, Қодирия тариқати қанчалик илдиз отган сари бу ердаги мавжуд адабий муҳитга ҳам маълум даражада таъсир кўрсата олди.

Қодирия тариқати билан боғлиқ маросимлар тўғрисидаги маълумотлар илмий адабиётларда ёритиб берилган.<sup>165</sup> Мазкур

---

<sup>162</sup>Мазкур шажара Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани, Найнов қишлоғида яшовчи А.Суярхонов хонадониди сақланади.

<sup>163</sup>Иноғомов Р. Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари... 4-б.

<sup>164</sup>Валиханов Ч. Избранные произведения. Алма-ата, 1958. С. 522.

<sup>165</sup>Қаранг: Пантусов Н.Н. Молитвенный сеанс ордена джагриек-Кадрие в Ташкенте // Записки западно-сибирского отдела русского географического общества. Кн. X. М., 1989; Троицкая А.Л Женский зикр в старом Ташкенте // МАЭ. VII. –Л.: 1928.



асарларни кўздан кечирганимиздан сўнг «Хатми йоздаҳўм» маросими хусусида маълумотлар келтирилган «Маноқиб ҳазрат Ғавсул Аъзам» номли асарга этиборимизни қаратдик. Асар 1898 йили Тошкент шаҳрида И.Коетелов литографиясида чоп этилган бўлиб, унинг наشري хусусида китобнинг сарварағида қуйидаги маълумотлар келтирилган:

«Маълуми хотири отири дарё мақотир ёрон ва мужибон хонадони ғавсия бўлсунки ушбу китоби мустатоби ла жавоб аъни маноқиб ғавсия вал ҳомотки жаноб Шоҳ Аҳмад Қоридин Хўжа Абдулшаҳид Бадахшонийға қолғон. Ул жанобдин шайхул – ислом ва шайхул-машойих Муҳаммад Содиқ Қодирийға қолғон. Ул жанобдин ин фақири тобиъ ва ноширға қолғон китобидурки, толиб ва муҳиб хонадони ғавсияға бир дури ноёб ва гавҳари гирон баҳодур. Тобиъ ва ношири тошкандлик ва Қошғар маҳаллалик Муҳиддинхўжа Эшон Эшони машҳур ба қодирия эшондурман. Ушбу китобни азбаройи ёрон ва муҳиббони хонадонлар учун таъб қилдим. Токи ушбу китобни ўқуб ва эшитиб баҳра олиб фақирни дуода ёд қилғайлар. Омин ва раббил олабийн».

Қўқон хонлари тасаввуф тариқатининг ўз давридаги кўзга кўринган вакиллари билан қариндош тутинганликлари тарихдан маълум. Чунки бу нарса хонларга халқ орасида обрў-этибор қозонишлари учун муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Тарихчи олим Т.К. Бейсимбиевнинг ёзишича, Фарғонада ҳукмронлик қилган Қўқон хонлари билан Нақшбандия тариқатининг улуғ намояндалари Хожа Аҳрор, Махдуми Аъзам, Мавлоно Лутфуллоҳ Чусгийнинг авлодлари ўртасида қариндошлик ришталарини боғлаш одат тусига кирган эди.<sup>166</sup> Бундан ташқари, XVIII асрнинг охирларида Қўқон шаҳрига Пешовардан кўчиб келган Миён Аҳад ҳазратлари ҳам она томонидан Абдулқодир Гилоний авлодларидан бўлиб, хонликда катта обрў-этиборга эга эди. Авваламбор ул зотни Пайғамбар авлодидан бўлганлиги учун иззат-икром кўрсатиб келган бўлсалар, иккинчидан Миён ҳазратни Қодирия тариқатининг машҳур вакили си-

---

<sup>166</sup>Бейсембиев Т. К. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII-XIX веках (по некоторым сочинениям Кокандской историографии) // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. –М.: 1982, С. 37.

фатида ҳам эъзозлаб келганлар. Кейинчалик Миён ҳазрат ўзининг ақл-заковати, диний фанларни яхши билиши билан машҳур бўлиб, хонга маслаҳатчи бўлиб олади.<sup>167</sup> Шу боис ҳам Қодирия тариқатининг мавқеи Нақшбандия тариқати каби кучли эди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, муқаддас зиёратгоҳлардаги ҳар бир урф-одатларда рақамлар билан боғлиқ қарашлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Масалан, чалпакни 3, 7, 11 дона тоқ сонларга асосан пиширишларида ўзига хос қарашлар мавжуд. 3 рақами Хизр пайғамбарни, 7 рақами Баҳоуддин Нақшбандни, 11 рақами эса Ғавсул Аъзам ва ўн бир Аҳмад култи билан боғлиқ деб қаралган.<sup>168</sup>

А. Троицкаянинг келтирган маълумотларига кўра, XX аср бошларида Туркистон шаҳарларидаги маддоҳлар авлиёлар ҳақида сўзлаб берган қиссалари учун қуйидаги тарзда ўзига хос тақса, яъни хизмат ҳаққи олганлар. Абдулқодир Филоний ҳақидаги қиссаси учун 11 танга, Баҳоуддин Нақшбанд қиссаси учун 7 танга, Хизр ҳақидаги қисса учун 3 танга олинган.<sup>169</sup> Маълумотларга кўра, тариқат пири Баҳоуддин 7 рақамини табаррук деб яхши кўрар экан. Ўзи ҳам еттинчи ойда таваллуд топган, етти ёшида Қуръонни ёд олган, етмиш ёшида бу оламдан ўтган.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда маънавий етук шахсларни тарбияловчи инсонлар бўлади. Бу инсонлар доимо кишилар камолати учун курашадилар. Тасаввуф тариқатида эса биз ундайларни пир ёки муршидлар деб атаймиз. Таъкидлаб ўтиш жоизки, пир сўзи форс тилида кекса, қари маъносини англатса, аҳоли орасида пир тушунчаси авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчиси маъносида ҳам ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «пир» сўзига қуйидаги изоҳлар берилган:

1. Узоқ умр кўрган одам;
2. Диний мазҳаб бошлиғи, диний раҳбар;
3. Бирор касбнинг асосчиси, ҳомийси деб тушуниладиган, кўпинча афсонавий ёки афсоналаштирилган шахс;

<sup>167</sup> Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. –Т.: 1996. 222-б.

<sup>168</sup> Дар байан-и Йаздах Аҳмад // рукописи фонда ИВРУ-1, № 3313/ XIII, лл. 113а-114<sup>б</sup>; фонд ИВРУ-2, № 946/II, лл. 9а-10а; № 3000/I, л. 1

<sup>169</sup> Троицкая А.Л. Из прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. –М.: Наука, 1975. С. 200.

4. Бирор иш, касб ёки соҳани жуда яхши эгаллаган киши.<sup>170</sup>

Ҳозирги кунимизда ҳам «пир, ё пирим» сингари сўзларни ёши улуғлардан эшитиб қоламиз. Айрим кексаларнинг ҳар бир ҳаракатида шу сўзларни кундалик турмушида қўлланилишига ўрганиб ҳам қолганмиз. Бундан кўринадики, ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг ҳаётида пирлар муҳим аҳамият касб этган. Зеро. Сўфи Оллоёр айтганидек:

*«Олиҳиммат йигитларга керак пир,  
Камонсиз учмаган кўп бўлса ҳам тир».*

Пир хусусида тариқат аҳллари шундай таъриф берадилар:

*Аз нас сид сол чи ояд бар  
Пир ме бинанд муъаййан мў-бамў.  
Гар билмирад диди ў боқий бувад,  
З-онки дидаши диди Халлоқий бувад.  
(Юз йилдан сўнг ҳам унинг бошига нимаики келадиган бўлса,  
Пир ипидан игнасигача барчасини аниқ кўради.  
Ўзи ўлсада-да, унинг кўриши боқий бўлади,  
Чунки унинг кўриши Аллоҳ орқали бўлади.<sup>171</sup>*

Маълумотларга кўра, азиз-авлиёлар тўғрисидаги маноқибларда пир мавзусига катта эътибор берилади. Масалан, «Хожа Муҳаммад Шариф пир» маноқибини олайлик: «Ҳазрат Абдулрашидхон тамоми улуғ кичик беклари била маслаҳат қилдиларким: «Эй беклар, ман ушбу бузрукворга қўл бериб пир тутадурман. Бу дунёда кимарса, хоҳ подшоҳ бўлсун, хоҳ гадо бўлсун, то ул бир пирга қўл бермаса, анинг дунё ва охирати ҳеч бўлмағай».<sup>172</sup>

---

<sup>170</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. –М.: Рус тили нашриёти, 1981, 587-б.

<sup>171</sup>Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2004, 173-б.

<sup>172</sup>Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аблиз Орхун, Сугавара Жун. Токио чет тиллари университети, Осие-Африка тил-маданияти тадқиқот институти, 2007, №2. 129-б.

Ўтмишда замоннинг носозлигидан ва жамиятнинг адолатсизлигидан норози бўлган илғор фикрли кишиларга мана шундай пири комил ҳаво билан сувдек зарур эди. Шу боис ҳам ақли етуқ шахсларнинг кўплари тасаввуф тариқатига кириб солиқларга айланган эдилар. Ўша вақтларда Қодирия тариқатининг халқчиллиги ва унинг демократик принципларга эга бўлиши, ҳамда мазкур сулук асосчиси Ғавсул Аъзам шахсининг халқ орасида машхурлиги, кўплаб ижод аҳлининг шу тариқатга мурожаат этиб, ундан ўзларини қийнаган саволларга жавоб топишлари Қодирия сулуки таъсир доирасининг кенгайиб боришига сабаб бўлди. Албутта, ўша даврларда бу сулукнинг таъсир доирасида ижод қилган шоирлар ҳам анчагина бўлиб, улар жумласига Мазжуб Намангоний ҳам кирган эди.

Маълумки, Мазжуб Намангоний тасаввуф тариқатида халифа Абдулазиз Намангоний билан машхур бўлган.<sup>173</sup> Мазжуб Намангоний Қодирия сулуки пирларидан бўлиб, шеърларида шу тариқатнинг ғояларини тарғиб қилган. Гарчи унинг қаламига мансуб девонида Мазжуб Намангоний Нақшбандия тариқатига кирган зот сифатида талқин этилса-да, уни бир вақтнинг ўзида Қодирия тариқати вакили ҳам эканлигини англаш мумкин. Бинобарин, ўтмишда тариқатга кирган солиқларнинг айримларига бир вақтнинг ўзида бир неча тариқатларнинг пирлари раҳнамолик қилганлар. Жумладан, Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг келтирган маълумотларига қараганда XVII асрда яшаб ўтган, Ҳиндистонда Мужаддия оқимининг асосчиси шайх Аҳмад Сарҳиндий Нақшбандия тариқатида шайх Абдулбоқий Деҳлавийга, Қодирия тариқатида шайх Искандар Кахонталийга, Собирия ва Чистия тариқатида Махдум Абдулаҳадларга мурид бўлган.<sup>174</sup> Демак, Мазжуб Намангоний ҳам тариқатда Қодирия ва Нақшбандия сулукининг пирларидан таълим олиб, камолотга эришган кўринади. Чунончи, Мазжуб Намангонийнинг муриди Муҳаммад Ҳаким халфа Туркистон халқлари орасида машхур бўлган. Қодирия тариқати вакили Зиёвуддин Ҳазинийнинг пири даражасига эришган эди. Агар биз бунга силсила тариқасида ёндаша-

---

<sup>173</sup>С В Р Ан.Уз. Том III. –Т.: 1955. С. 374.

<sup>174</sup> Ғулом Сарвар Лоҳурий. Ҳазинатул асфийё. Лоҳур. I том. 1863, 609-6.

диган бўлсак, унда Ҳазинийнинг устози Муҳаммад Ҳаким халфа, унинг устози Мазжуб Намангоний бўлиб чиқади. Демак, XIX аср Фарғона адабий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган Мазжуб Намангоний ижодининг равнақ топишида Қодирия тариқатининг роли катта бўлган. Бу эса ўз навбатида, бошқа ижодкорларни ҳам мазкур тариқатга кириб ижод қилишларига кенг йўл очган.

И. Остонақуловнинг ёзишича. Абдулҳаким ўз пирининг мирзаси, суянчиғи бўлиб узоқ хизмат қилади. Ҳатто тўрт марта ижозат берсалар ҳам кетмай хизматни давом эттиради. Охири тўрт сулукка мураҳхас рухсат берувчи даражасига етиб, Қўқонга келади. Қўқон хони Худоёрхоннинг илтифотига ҳам сазовор бўлади. Хоннинг синглиси, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан Абдулҳаким халифага мурид эдилар. Хон синглиси ўз пирига Қўқоннинг Дегрезлик маҳалласига қарашли катта сой бўйидан кенг ер ажратиб беради. Бу ерда ҳовли, уй, хонақо, масжид, боғ барпо этилади. Халифанинг бутун умри шу жойда ўтади (Айни кунларда бу жойда унинг авлодлари яшайди. Мақбараси ва бошқа улуг зотлар қабри ҳам шу жойда). У 4 ўғил, 4 қиз фарзанд кўрган. Ўғиллари Ошиқ маҳзум, Абу Бақр маҳзум, Муҳаммаджон маҳзум, Зикриё маҳзумдир. XIX асрда яшаб ўтган Абдулҳаким халифанинг Туркистоннинг барча гўшаларида муридлари бўлган. Уларнинг камолотга етганларига иршод хати бериб, кенг ҳудудда «Қодирия» ва «Нақшбандия» сулукининг жорий бўлмоғига сабабчи бўлганлар. Буни «Тошкент эшонлари» рисоласи ҳам тасдиқлайди...

Ривоят қилинишича, бир тун Ҳаким халифанинг тушига Ғавсул Аъзам Ҳазратлари кириб, бизнинг сулукни ҳам юргазгин, деб сўрайдилар. Халифа бу ишга киришмайди. Яна тушларига кириб «Агар сулукни юргизмасанг, мана шу қилич билан чопиб ташлайман», деб ғазаб қиладилар. Шундан сўнг жаҳрий зикр ҳам жорий этилади.<sup>175</sup>

Маълумки, тасаввуфни соф назариётчи олимдан ва шайхлардан кўра шоирлар чуқурроқ идрок этганлар, улар маърифат асрори «илмул ғайб»нинг мушоҳада ва мукошифасида мўъжиза-

---

<sup>175</sup> Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. –Т.: «Мовароуннаҳр». 2001, 128-б.

лар кўрсатганлар.<sup>176</sup> Зиёвуддин Ҳазинийни ҳам айнан шундай шоирлар жумласига киритиш мумкин. Зеро, шоир ижодида мансуб ғазал ва муҳаммасларида бош мавзу сифатида тасаввуф фалсафаси ўрин олган. Унинг бу мавзуда ижод қилишида устози Ҳаким халфанинг таъсири муҳим аҳамият касб этган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Муҳаммад Ҳаким халфа Нақшбандия ва Қодирия тариқатларининг пири ҳисобланган. Шу сабабдан ҳам унинг муридлари икки тариқатнинг солиқларига айланганлар. Зиёвуддин Ҳазиний умри давомида Ғавсул Аъзам ҳазратларига мутобаъат қилиб яшади. Шу боис, ғазалларининг бирида

*Сулуким «Қодирия», раҳбаримдур пири пироним,  
Саҳарлар зикру Оллоҳуни одат қилмасам бўлмас.<sup>177</sup>*

деган сатрларни баён этади ва ҳатто бошқаларни ҳам шундай яшашга ундайди. Бу унинг ҳаёт мазмунига айланган эди, десак янлишмаймиз. Чунки Зиёвуддин Ҳазиний ўзининг сўфиёна шеърларида Аллоҳга бўлган муҳаббатини куйлаш билан бирга, кишиларни ўткинчи дунёда меҳр-оқибатли, диёнатли ва эътиқодли бўлишларига чорлади. Шу ўринда, биз Зиёвуддин Ҳазинийни XIII асрда яшаб ўтган туркиялик машҳур сўфий шоир Юнус Эмрога қиёслагимиз келади. Айтишларича, Юнус Эмро халқ ичида юриб, ўз ғазалларини ўқиб берган, ҳатто куйга солиб куйлаган.<sup>178</sup> Алалхусус Зиёвуддин Ҳазиний ҳам тариқат йўлига кириб шеърлар ёза бошлагач, халқ ичида юриб, уларни ўзи қўшиқ қилиб айтган. Ёз ойларида касб кор, деҳқончилик билан шуғулланган бўлса, қиш кунларида эл-юртнинг гап-гаштак, тўйларида эзгу қўшиқлар куйлаб, дилларга шодлик ва таскин бахш этган.<sup>179</sup>

Айтиб ўтиш жоизки, Ҳазиний ҳам орий сингари Ғавсул Аъзам асос солган тариқатга кирган инсон икки дунёда хорлик кўрмаслигини таъкидлар экан, Абдулқодир Гилонийга нисбат топган

<sup>176</sup>Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: 1996. 158-б.

<sup>177</sup> Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулуллоҳ. –Т.: 1992. 8-б.

<sup>178</sup>Алимбеков А. Ишқ асири бўлган жон. –Т.: 1996. 13-б.

<sup>179</sup>Остонақулов И. Зиёвуддин Ҳазиний. Тўплам. Туронлик валийлар. –Т.: 1995. 160-б.

кишилар икки олам муродига етишини қуйидаги мисралар орқали ифодалайди.

*Икки олам муродига етай деб орзу қилсанг,  
Ҳазиний, роҳи Бағдод кўзлагил шому саҳарларда.<sup>180</sup>*

Зиёвуддин Ҳазинийнинг «роҳи Бағдод»ни кўзлашидан мақсадди, бу Абдулқодир Гилонийнинг Бағдод шаҳридаги файзли мазорини зиёрат қилиш лозимлигига ишорадир. Чунки ривоятларда бу муқаддас мазорни зиёрат этган киши икки олам муродига етиши тўғрисида ҳикоя қилинади. Ҳазинийни шоир бўлиб элгатирилишига, тариқатга кириб Ҳақни англашида Қодирия тариқати таълимотининг аҳамияти муҳим ўрин тутган. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, Ҳазиний тариқат соҳиби Абдулқодир Гилонийдан миннатдор бўлиб, ул зотнинг номини шеърларида тез-тез тилга олиб турганлиги бежиз бўлмаса керак.

*Фавсул Аъзам – авлиёлар сарвари,  
Ул Муҳаммад умматининг гамхори.  
Масиҳога жон бағишлар гуфтори,  
Муттақого дунё вафо қилмади.<sup>181</sup>*

Мазжуб Намангоний изидан бориб, ўз шеърларида тасаввуф руҳини сингдирган шоирлардан бири Мирмуҳуммад Миршамсиддин ўғли Қорийдир (1832–1902). Қорий Мазжуб Намангоний ижодининг мухлиси бўлиб, унинг шеърларини ғоят қадрлаган. Шу сабабдан у Мазжуб Намангонийни ўзига маънавий устоз деб билиб, унинг девонини оққа кўчирган эди. Маълумотларга кўра, Қорийнинг Қодирия тариқатига киришида ва сўфиёна шеърлар ёзишида Фарғона водийсидаги Қодирия тариқатининг пири муршиди саналган Муҳаммад Ҳаким халфанинг хизмати катта бўлган.

Адабиётшунос олим Аҳмаджон Мадаминовнинг таъкидлашича, Қорий яшаган Панжарасоз маҳалласи Ҳаким халфанинг Дегрезлик маҳалласига яқин бўлиб, бу ерда ўтказиладиган Қодирия

---

<sup>180</sup>Ҳазиний. Тасаддуқ, ё расулulloҳ... 20-б.

<sup>181</sup> Ўша асар. 23-б.

сулукига доир маросимларда Қорий ҳам бевосита иштирок этиб келган ва бу кейинчалик унинг ижодий фаолиятида муҳим аҳамият касб этган.

Қорий ижодининг анчагина қисмини Абдулқодир Гилоний шахснини мадҳ этувчи, шу билан бирга Қодирия тариқатининг ўзига хос усул ва одобини талқин этувчи шеърлар ташкил этади. Хусусан, унинг Ғавсул Аъзамга бағишлаб ёзган мухаммасида Қорийнинг Абдулқодир Гилоний ва у асос солган сулукка қанчалик ихлоси юқори эканлиги эҳтирос билан баён этилган:

*Зиҳи маҳбуби Субҳоний сифатий эсонга малҳамдур,  
Валоят тахтига зебонда, султони мукаррамдур.  
Бўлуб фарзанди хоси Мустафо дури муаззамдур,  
Ҳақиқат баҳрига гаввос – у асрорига маҳрамдур,  
Тилим васфига ожиз исми поки Ғавсул Аъзамдур.<sup>182</sup>*

Мухаммаснинг биринчи бандидаёқ Қорий Абдулқодир Гилонийнинг сифатларини сўзлаб, ул зотнинг васфини баён қилишдан ожиз экандигини тан олишга мажбур бўлади. Шундай бўлса-да, Аллоҳнинг ошиғи ва маҳбуби деб танилган Ғавсул Аъзамга бўлган эҳтироми уни мухаммасни давом эттиришга ундаган. Гарчи Абдулқодир Гилоний тўғрисида кўплаб тазкиралар ёзилган бўлса-да, уларнинг аксарияти насрий йўл билан битилган бўлиб, назм бобида Қорийнинг мазкур мухаммаси олдига тушадиган шеърлар жуда оздир. Қорий Ғавсул Аъзамни ўлук дилларга жон берувчи Исо пайғамбарга қиёслаб, жумладан, шундай дейди:

*Ўлук дилларга эсонга бергай эрди монандойи Исо,  
Дили тўрида эди рози махфийларни чун Мусо.  
Қадамгоҳи бўлуб, ул жаннатул фирдавсдин аъло,  
Бу дунё лаззатига қилмадилар заррае парво,  
Юрарга, ўлтурарга жойгоҳи арши Аъзамдур.<sup>183</sup>*

Ушбу банда Ғавсул Аъзамнинг бу дунё лаззатига парво қилмаганлигини айтиб ўтиш билан бирга, Қорий Абдулқодир Гило-

---

<sup>182</sup> Девони Қорий. Фулом Ҳасаний матбаси, тошбосма. –Т.: 1911, 61-б.

<sup>183</sup> Ўша асар, ўша бет.



нийни «Сўфий идеали – дунёга хирсу ҳавасни мағлуб этиб, тақдирнинг кўрқувларидан тозалашдир» деган ўғитига ишора қилади. Ҳақиқатдан ҳам сўфий нафс ва кўрқув балосидан қутилмас экан, у ҳеч қачон ўз муродига етолмайди.

Қорийнинг таъкидлашича, кимки Ғавсул Аъзам тариқатига кирса, ул киши икки дунёда ҳам хорлик кўрмайди. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий бу ҳақда қуйидагиларни баён этади: «Нақл қилишларича, Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг силсиласи ва иршоди (нафли йўли) қиёмат кунигача боқийдур. Ҳар кишики, унга нисбат топса бахтли ва нажот топгувчилардан бўлади». <sup>184</sup> Шу сабабдан ҳам ўтмишда Туркистонда Қодирия тариқатига кирувчи солиқлар Нақшбандия тариқатидагидек кўпчиликни ташкил этган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Нақшбандия тариқатида Абдулқодир Гилоний ҳазратлари ҳам Баҳоуддин Нақшбанд сингари ғоят улуғлаб келинган. Зеро, Нақшбандия тариқатига муридликка қабул қилинган киши мазкур тариқат улуғларининг руҳи поклари учун ўқиладиган беш фотиҳанинг бирини Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг руҳи покларига бағиш<sup>185</sup>ламоғи керак бўлган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Қодирия таълимотининг прогрессивлиги уни ҳар томонлама кенг омма орасида обрў қозонилишига олиб келган бўлса, яна бир томондан бу сулук вакилларининг тасаввуф тариқатида белгиланган шартлардан четга чиқмай, унга доим содиқ қолганликлари ҳам унинг мавқеи баланд туришига сабаб бўлди. Бинобарин, Қодирия тариқатининг ушбу жиҳатлари ўз даврининг нуктадони, созанда ва ҳофизи Зиёвуддин Ҳазиний эътиборидан ҳам четда қолмади. Зиёвуддин Ҳазиний ижодида тасаввуфнинг бош ўринда турганлиги уни ўзбек тасаввуфий адабиётининг атоқли вакилларидан бири бўлишида асосий рол ўйнаган бўлса, албатта, бунда Қодирия тариқатининг таъсири катта эди.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Абдулқодир Гилоний асос солган Қодирия тариқати XIX аср охири

<sup>184</sup>Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. –Т.: 1995. 17-б.

<sup>185</sup>Шайх Фатхуллоҳ Варқасий Битлисий. Нақшбандия тариқатининг одоби. Туркчадан Улуғбек Абдулваҳоб таржимаси // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Т.: 1994, 319-б.

XX аср бошларидаги Фарғона адабий муҳитига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсата олди, бунинг натижасида ўз даврининг машҳур ижодкорлари етишиб чиқди. Бу эса XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек тасаввуфий адабиётининг бойишида муҳим рол ўйнади. Чунончи, Қодирия тариқати «реакцион диний оқим» сифатида эмас, балки шоирларнинг илғор фикрлар билан қуролланишлари йўлида прогрессив ва демократик таълимот бўлиб хизмат қилди.

Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирига келиб Ҳаким халифа оламдан ўтади. Бундай оғир мусибатдан ларзага келган Қўқон адабий муҳитининг бир қанча намояндалари Ҳаким халфанинг ўлимига бағишлаб марсия ва тарих битганлар. Жумладан, Ҳазиний ҳам марсия ёзиб қалбини ўртаётган жудолик аламини шу тарзда изҳор этган.<sup>186</sup>

Ҳазинийнинг ўз устозига бағишлаб битган ушбу марсиясида нафақат Ҳаким халфа, балки Ҳазиний ҳаётига доир муҳим маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Шу сабабдан Шариф Юсупов Ҳазиний марсиянинг тарихий аҳамиятига алоҳида эътибор беради:

«А. Мадаминов: «Мавлоно Ҳазиний 1897 йил, яъни 30 ёшларида Муҳаммад Ҳаким халифага байъат қилиб, мурид бўлганликлари англашилади. Зиёвуддин тез орада илму ирфон ҳосил қилиб, тариқат аҳкомларини бажо этиб, иршодга эришадилар. Бир муддатдан сўнгра Фарғона водийсида Қодирия сулукининг етук намояндаси бўлиб етишадиларки, энди бутун Туркистонга илми ладун, яъни илоҳий илм соҳиби, валий зот сифатида танилиш шарафига муяссар бўладилар», деб ёзади ва ўз фикрларининг далили сифатида шоирнинг ўз пири вафотига бағишланган «ҳажрида» радифли мухаммас-марсиясини келтиради. Мухаммас-марсия А. Мадаминов тайёрлаган янги девондан жой олган бўлиб, унда мурид ўз марҳум муршидининг ўта ибратли фаолиятига ғоят юқори баҳо беради, ҳатто:

*Фавсул Аъзамдин бери бундай валий келган эмас,  
Ҳеч киши пир хизматин пирим каби қилган эмас,  
Муришидимдек ҳеч ким олиймақом бўлган эмас. –*

---

<sup>186</sup> Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2001, 71-б.

сингари мисраларни битадикки, бир муриднинг пиру муршидига ихлоси бундан зиёда бўлмаса керак, деб ўйлаб қоласан киши. Айни вақтда Ҳазиний мурид тушган вақт билан унинг пири вафот топган вақт оралиғини аниқлаб олиш зарурати туғилади. Сўзбоши муаллифи «ҳажрида» радифли марсия-мухаммаснинг яратилган йилини аниқ 1897 йил сифатида кўрсатади. Марсия-мухаммасда айтилган 1314 ҳижрий йили синхрон жадвалга кўра 1896 йил 12 июндан то 1897 йил 1 июнгача давом этган. Қолаверса, «Ҳазиний 1897 йили, яъни 30 ёшларида Муҳаммад Ҳаким халифага баъйат қилиб, мурид бўлган» деган маълумот бир оз шубҳа туғдиради. Чунки мухаммаснинг олдинги бандларидан бирида:

*Бесавод, олий эдим, анфосидин топтим ладун,  
Хонақаҳда ул куни суҳбат эди, жазби жунун.  
Соли ҳамдуна, даҳа моҳи шариф, якшанба кун,  
Раҳбарим иршоду салла бердилар, бир малла тўн, –*

деб ҳам ёзилган. Синхрон жадвалга кўра ҳамдуна (яъни маймун) йили 1896 йил 21 мартдан бошланади. Ҳамдуна йили рамазон ойининг ўнинчи куни эса, шу ҳисобга қараганда, 1897 йил 12 февралига тўғри келади.<sup>187</sup> Айни вақтда:

*Эрди таърих бир мингу уч юзу ўн тўртда муқим,  
Уйбу давлатни манго қилди ато Ҳаййу қадим,  
Мен ризои пир топғонимда ўттузда эдим,  
Мен Ҳазинийга ижозат бердилар шайхи Ҳаким.*

деб ёзилишига қараганда, асарда кўрсатилган 1314 ҳижрий йил мурид – шоирнинг ўз муршидидан малла тўн билан салла ҳадя олиб, мустақил фаолиятга рухсат этилган вақти бўлиб чиқади. Ҳазиний тўра муршидларининг вафоти санаси хусусидаги текширувларни давом эттириш зарурати ҳам йўқ эмас. Чунки сана кўрсатилган ҳар икки ўринда ҳам муршиднинг иршоди хусусида сўз бормоқда, холос. Ул зотнинг вафотлари 1314 ҳижрийдан кейинроқ рўй берган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

---

<sup>187</sup> Юсупов Ш. Тарих ва алаб бўстони. –Т.: «Маънавият», 2003. 150-б.

## ҲАЗИНИЙ АҶДОДЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ ҲУЖЖАТЛАР ТАВСИФИ

### Учкўприк тумани Катта Кенагас қишлоғида сақланиб қолган Ҳазиний аждодлари ҳужжатлари

#### 1 - ҳужжат

Низомиддинхожа эшонга тегишли тегирмон масаласига доир ривоят - ҳужжат. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 28x32 см. 21 та муҳр билан тасдиқланган. XIX аср.

#### 2 - ҳужжат

Эшонча эшонга тегишли Новқат қишлоғи Жуйи Беш тол мавзесидаги ер масаласига доир васиқа - ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 24x31 см. 10 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1288 (милодий 1871) йил.

#### 3 - ҳужжат

Низомиддинхожа эшон ҳазрат Набирахожа эшон ўғлининг ер-мулкига доир ривоят - ҳужжат. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 35,5 x 44,5 см. 15 та муҳр билан тасдиқланган. XIX аср.

#### 4 - ҳужжат

Низомиддинхожа эшон ҳазрат Набирахожа эшон ўғлига тегишли Хўқанд дорулсалтанатининг машҳур қишлоқларидан Кенагаси калон (Катта Кенагас) мавзесидаги қўштегирмон ва ой-жувозларга доир васиқа-ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган. Васиқанинг ўнг томонида «Жаноб Саййид Муҳаммад Худоёрхон» деган ёзув ҳам туширилган.

Ўлчами 44x34 см. 28 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1282 (милодий 1865) йил.

#### 5 - ҳужжат

Низомиддинхожа эшоннинг ер масаласига доир васиқа-ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 31x43 см. 5 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1301 (милодий 1884) йил.

#### 6 - ҳужжат

Низомиддинхожа эшон ибн ҳазрат Набирахожа эшон ибн Муҳаммад Сиддиқхожа эшон томонидан Катта Кенагас қишло-

гидаги масжид, хонақоҳ ва дахмага вақф қилиб берилган ер-мулкларга доир вақфнома-ҳужжатининг нусхаси.

Ўлчами 59x51 см. 2 та муҳр билан тасдиқланган. Қолган 11 та муҳр нусхаси қўл билан ёзилган. Ҳижрий 1301 (милодий 1884) йил.

#### **7 - ҳужжат**

Низомиддинхожа эшондан Катта Кенагас қишлоғида қолган ер ва мулк меросини тақсимлаш тўғрисидаги ҳужжат. Ушбу ҳужжатда Акбаралихожа эшон, Саййид Алихожа эшон, Лутфинисо ойим сингари Низомиддин хожа эшон авлодлари ҳамда Низомиддинхожанинг Ситора биби Сулаймонхожа қизи, Унсунбиби Саййид Алибой қизи исмли завжалари ҳамда унинг Қорахожа, Зокирхожа ўғиллари номи қайд этилган.

Ўлчами 64,5x51,5 см. 4 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1302 (милодий 1885) йил.

#### **8 - ҳужжат**

Низомиддинхожа эшоннинг Марғилон вилоятига тобе Эшон қишлоғидаги ер масаласига доир васиқа - ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 22x35 см. 2 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1285 (милодий 1865) йил.

#### **9 - ҳужжат**

Низомиддинхожа эшон томонидан вақф қилиб берилган тегиримон масаласида ёзилган даъво хати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 33x22 см. 1 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1308 (милодий 1890) йил.

#### **10 - ҳужжат**

Низомиддинхожа Набирахожа эшон томонидан сотиб олинган ер масаласига доир васиқа - ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 34x26 см. 2 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1280 (милодий 1863) йил.

#### **11 - ҳужжат**

Низомиддинхожа Набирахожа эшон томонидан сотиб олинган ер масаласига доир васиқа - ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 20 x 22 см. 4 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1281 (милодий 1864) йил.<sup>188</sup>

## **Бағдод тумани Қоровултепа қишлоғида сақланиб қолган Ҳазиний аждодлари ҳужжатлари**

### **1 - ҳужжат**

Мазкур шажара Катта Кенагасдаги Ҳазиний хонадонига мансуб шажарага ўхшаб кетади. Бироқ бу ерда шажара Низомиддинхонинг ўғли Саййид Алихожагача давом эттирилган. Шажарада, жумладан, қуйидагилар баён этилган:

«Ҳазрат шайх Низомиддинхожаки, «Боғдор эшон» номи билан машҳур бўлган. Мазкур зикр қилинган Низомиддинхожа Набирахожа ўғлидурки. «Ўзбекхожа» номи билан машҳурдир. Низомиддинхонинг Акбар Али ва Саййид Алихожа исмли ўғиллари бўлган. Зикр қилинган Низомиддинхожа эшоннинг волидаси Эшон Абдураҳимхожа қизидир...»

Маълум бўлмоқдаки, ушбу насабномада она томонидан ҳам Низомиддинхонинг шажараси келтирилган бўлиб, ундаги маълумотлар Катта Кенагасдаги шажарада кўрсатилган маълумотларга мос тушади. Форс-тожик тилида қора ва қизил сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 55x123 см. 11 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1290 (милодий 1873) йил.

### **2 - ҳужжат**

Қоровултепа қишлоғидаги ариқ билан боғлиқ васиқа ҳужжати. Форс-тожик тилида қора сиёҳда ёзилган.

Ўлчами 31x44,5 см. 7 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1284 (милодий 1867) йил.

### **3 - ҳужжат**

Кўштегирмон қишлоғидаги бир қитъа ер масаласига доир васиқа - ҳужжати. 2 та муҳр билан тасдиқланган. Ҳижрий 1338 (милодий 1919) йил.<sup>189</sup>

---

<sup>188</sup> Мазкур ҳужжатлар Фарғона вилояти Учкўприк туманининг Катта Кенагас қишлоғи Эшон қўрғонча маҳалласида яшовчи С.Масгонов хонадонидида сақланади.

<sup>189</sup> Мазкур ҳужжатлар Фарғона вилояти Бағдод тумани, Қоровултепа қишлоғида яшовчи Хайруллахон Ғаниев (1963 йилда туғилган) хонадонидида сақланади.

Юқорида келтирилган ҳужжатлар Ҳазиний аждодлари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки шу кунга қадар мазкур ҳужжатлар махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

### **Бағдод тумани, Пахтачи қишлоғида сақланган Ҳазиний хонадонининг вакили Камолхожанинг қўлёзмаси**

Адабиётшунос олим, марҳум устоз Аҳмаджон Мадаминов «Тасаддуқ, Ё Расулуллоҳ» тўмламига ёзган кириш сўзида «Ҳазиний аждодларидан ўнлаб кишилар ўз даврининг машҳур олим ва шоирлари бўлишган», дея таъкидлаб ўтган эди.<sup>190</sup> Шу сабабдан ўз тадқиқотларимизда Фарғона водийсида Ҳазиний аждодларининг ҳаёти ва фаолиятига аҳамият берар эканмиз, уларнинг ижодкорлик истеъдодларига ҳам эътибор қилишга ҳаракат қилдик. Қолаверса, «Ҳазиний юрти» китоби учун маълумотлар излаб топиш мақсадида тайёрланган саволномада ҳам бу масала ўз ифодасини топган эди. Натижада, Фарғона вилояти Бағдод тумани Пахтачи қишлоғида яшовчи Махпиратхон Жалоловадан хонадонидида сақланаётган қўлёзма тўғрисида хабар топдик.

Маълум бўлишича, ушбу қўлёзма XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Камолхон Эшонга тегишли экан. Ул зот Зиёвуддин Ҳазинийнинг катта боболари Набирахожага насаб жиҳатидан қуйидаги тартибда уланган: Камолхожа ибн Зиёвуддинхожа ибн Набирахожа. Бундан чиқди Камолхожа Набирахожанинг невараси бўлган.<sup>191</sup>

Қўлёзмада Ғавсул Аъзам маноқиби, Шоҳ Машраб ғазаллари ҳамда Камолхожанинг ўзи ёзган шеърлари ўрин олган. Қуйида айнан шу қўлёзмага киритилган Камолхожа қаламига тегишли айрим шеърлардан намуналар келтирилади.<sup>192</sup>

---

<sup>190</sup> Мадаминов А. Оташзабон шоир. Ҳазиний. Тасаддуқ, Ё Расулуллоҳ, –Т.: «Ёзувчи», 1992, 3-б.

<sup>191</sup> Юқорида айтиб ўтилганидек, Камолхожа Катта Кенагас қишлоғининг Эшон қўрғон маҳалласидаги оилавий қабристонга, отаси Зиёвуддинхожа ёнига дафн этилган.

<sup>192</sup> Мазкур шеърларнинг баъзилари бошқа шоирлар ижодига мансуб ҳам бўлиши мумкин ва бу шеърлар хаттот томонидан қўлёзмага киритилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Бир сўз айтай ман маноқиб баҳридин.  
Ул Ҳасан бирла Ҳусайн фарзандидин.  
Ушбу сўзни эшитинг эй мўъминон,  
Эътиқодликларга ман айлайин баён.  
Ғавсул Аъзам бир муриди бор эди,  
Эътиқоди доим анга ёр эди.  
Эътиқодингни дуруст қил доимо,  
Эътиқодинг сенга бўлғай раҳнамо.  
Жон берур вақти етушти бил они,  
Кўргил эмди ул муридни ҳолини.  
Жонин олиб Азроил ҳам кеттилар,  
Йиғлашиб элтиб гўрига қўйдилар (1 а).  
Келди Мункар Накир ул гўрга ниҳон,  
Кўзларидин ўт туташиб ҳамчунон.  
Келди ерни ёриб тирноғи бирлан,  
Анингдек сурати сиёси бирлан.  
Деди эй банда, Раббинг ким турур,  
Ҳам яна ислом диннинг не турур?  
Ҳайбатидин қўрқти ул банда чунон.  
Айтолмай Раббин ул дамда ҳамон.  
Деди ул банда пиримни айтайин.  
Бул саволинг билмасам ман нетайин.  
Ғавсул Аъзам подшони биламан,  
Ғавсдин қилсанг савол кел сўзлайин.  
Қолди бу сўзга алар ҳайрон бўлуб,  
Борди Ҳақ даргоҳига нолон бўлуб.  
Арз қилди Тангрини боргоҳига, (1б)  
Рўза кунда эмган эмас эди ул бокарам,  
Ул халойиқлар ҳамма ҳайрон айдилар дам-бадам.  
Тонгла маҳшарда мани қуллар қилди рақам,  
Ғавсул Аъзам икки олам тожи фарқ авлиё,  
Жаддиларини жаддиларидур ул Муҳаммад Мустафо.  
Зарбуллоҳ уруб бошин кўтаргай хокдин,  
Наъра тортиб ул сабоҳ маҳшар дили ғамнокдин.  
Илтифот истаб ўшал кун хожа авлодидин,  
Эй Худоё қилмағил навмид Ғавси покдин.  
Ғавсул Аъзам икки олам тожи фараҳ авлиё,



Ул шафоат тахтига чиққан маҳалда Мустафо,  
Қичқирурлар умматим деб хожайи ҳар ду саро. (2.а.)  
Ёри бергай Ғавсул Аъзам Ҳаққа айлаб илтижо.  
Дод, фарёд айлабон уммат учун ул босафо.  
Толиб содиқ анга ким айласа жонин фидо.  
Узма умидингни бўлғай икки олам раҳнамо.  
Раҳбарим тожи пиримдур Ғавсул Аъзам подшоҳ,  
Ким мурид бўлса, анга раҳм айлағай қодир Худо.  
Оти ўн бир, назр ўн бир ҳазрат Ғавси жаҳон,  
Раҳбари рўзи жазодур пешвойи соликон.  
Зарби Оллоҳ уруб бағрини тешган бил аён,  
Кимки мункирдир қилур маҳшар куни оҳи фиғон.  
Аҳли валилар пиридур Ғавсул Аъзам подшоҳ,  
Ким мурид бўлса, анга раҳм айлағай қодир Худо.  
Ҳар киши вирд айласа ўн бир отини моҳи сол.  
Дўст тутар ул бандани бешак Худойи зулжалол. (2.б.)

\* \* \*

Аҳли аёл хонумондин пок ўтганлар,  
Қиёмат кун Ҳақ дийдорин кўрар эрмиш.  
Ҳақдин қўрқмай қилғон ишим шикоятлик,  
Кеча-кундуз тилимдадур маломатлик.  
Камолхожа ноинсоф бадкирдорсан,  
Тун кечалар ғафлат бирлан ухлайдурсан.  
Эй ноинсоф, Ҳақ қаҳридин қўрқмайдурсан,  
Қўрқмаганлар дўзах ичра куяр эрмиш.  
Уйғоқларга Ҳақ раҳматин сочар эрмиш,  
Ғофилларга Ҳақ лаънатин сочар эрмиш.(2)  
Раҳматидин умид тутсанг саҳар тургил,  
Ҳақдин қўрқуб риёзатда белинг буккил.  
Қўрқунчидин алиф қаддин ду то қилгин.  
Қўрқгонлардин Оллоҳ рози бўлар эрмиш.  
Қўрқиб юргин бу дунёда омонатсан.  
Яхши-ёмон аъмолинг бор оборасан.  
Ҳақга манзур бўлган бўлса, роҳатдасан,  
Қуллуқ қилғон ҳаргиз навмид қолмас эрмиш.  
Қуллуқ қилмай умрим борин ўтказдим ман,  
Яхшиларни хизматига бормадим ман.  
Бор умримни залолатда ўтказдим ман(2.1).

Амрин тутган иймон бирлан борар эрмиш.  
Амрин тутмай ғофилликда умр ўтказдим,  
Шиддатли кун қиёматни ёд этмадим,  
Мору чаён укубатни фикр этмадим,  
Фикр этганлар роҳат ичра ётар эрмиш.

## НАЗМ

Жон узган сўнг ғассол келиб турган вақтда,  
Бандалик деб биродарим сўрган вақтда,  
Мардона бўл биродарим деган вақтда,  
Осий қулинг ҳайрон бўлиб турар эрмиш.  
Андин сўнгра тахта узра олғонинда, (2.2.)  
Тахта айтур яхши келдинг аё банда,  
Тахта айтур туҳфанг қани аё банда?  
Туҳфасизлар Ҳақ жамолин кўрмас эрмиш.  
Мурдор таним ғассол келиб ювганинда,  
Андин сўнгра кафан тўнин кийгонинда,  
Кафан айтур аё банда мани кийдин,  
Мурдор таним тобут ичра солар эрмиш.  
Бу дунёга меҳмон эдинг билмай ўтдинг,  
Ҳақ қаҳридин кўрқмай доим кулиб ўтдинг  
Кулиб ўтган Ҳақ дийдорин кўрмас эрмиш. (2.3.)  
Тобутимни халойиқлар кўтаргайлар,  
Сано айтиб жанозамни ўқугайлар.  
Андин сўнгра гўристонга юругайлар,  
Малоиклар етмиш ерда сўрар эрмиш.  
Андин сўнгра гўристонга мани элтар,  
Мунлуғ бошим ўшал куни ҳайрон бўлур.  
Амалсизман даргоҳидин мани қувлар,  
Бад амалнинг жазоларин берар эрмиш.  
Мурдор таним гўр ичида қўйилғонда,  
Андин сўнгра халойиқлар қайтгонинда,  
Ғариб бошим гўрда ялғуз қолғонинда. (2.4.)  
Андин сўнгра сўроғичлар кирар эрмиш.  
Малоиклар сўрар ул дам Раббинг ким деб,  
Нечук жавоб бероримни билолмасман.  
Андин сўнгра лаҳад келиб кўрушконда,

Аъзоларим зарра-зарра бўлгонинда,  
Ғариб бошим турфа ҳолга тушур эрмиш.  
Андин сўнгра аросат кун бўлгонинда,  
Қаҳҳор эғам қози бўлуб тургонинда,  
Кирдоримни бир-бир яна сўрғонинда,  
Амалим йўқ юзум қаро турар эрмиш.  
Аъмолимни тарозуға солгонинда, (2.5.)  
Савобим йўқ гуноҳим кўп тарозуда.  
Қандоғ қилай гуноҳкорман осий банда,  
Гуноҳкорлар Ҳақ дийдорин кўрмас эрмиш.  
Андин сўнгра гузаргоҳга борганимда,  
Иймонликлар барқ суратлик ўтгонинда,  
Иймонсизлар дўзах ичра куяр эрмиш.  
Пайғамбарим умматим деб йиғлагайлар,  
Осий жофи пур гуноҳ деб йўқлагайлар.  
Ўшал замон коҳ суйи мезон бориб,  
Умматим деб йиғлаб зори қилар эрмиш.  
Осий жофи гуноҳкор умматларин, (2.6.)  
Ҳақдин тилаб жаннат олиб кирар эрмиш.  
Камолхожа дийдорин умид қилғил...  
Тирик борсан Ҳақ йўлида йиғлаб тургил,  
Йиғлаб юрган ҳаргиз навмид қолмас эрмиш.

## НАЗМ ✓

Қудрат бирлан Оллоҳим олам бино қилдиё,  
Ўн саккиз минг олам ичра сунъин аён қилдиё,  
Арш курси то қалам саккиз беҳишт барчасин,  
Муҳаммадни туфайлидин яратилган эрдиё.  
Неча пайғамбар ўтти Муҳаммадин илгари, (2.7.)  
Муҳаммадни нурларин аввал бино қилдиё.  
Келишлари охирдур баланд мақом Муҳаммад,  
Меърож кеча Жаброил Ҳақ саломин еткурди,  
Дўстим учун дунёни бино қилдим дедиё.  
Шукриллоҳ бизларнинг уммат қилди Расулга,  
Кимки манга умматдур сар баланддур дедиё.  
Баъзи-баъзи умматим мани амрим тутмаслар,  
У дунёю бу дунё розимасман дедиё.

Гуноҳдин қўрқубон Яратганга йиғлайдур,  
Андоғ уммат сўрасангиз пайғамбарим хабарлайдур.(2.8.)  
Саккиз учмоҳ ичинда фароғатда юрадур.  
Камолхожа ноинсоф гуноҳиндин қўрқуб юр.  
Қўрқуб юрган бандага дийдор ато қилдиё.

## ✓ НАЗМ

Бир куни Ҳақнинг ҳабиби айди дўстлар йиғлади,  
Ҳам ғариблик, ҳам етимликдин ҳикоят айлади.  
Ул замон қилди фиғон асҳоблар,  
Дилларидур гавҳари ноёблар.  
Нолишига тоғу тошлар титради,  
Ҳам замин-осмону инсу жон,  
Барчаси йиғлаб яна қилди фиғон. (2.9.)  
Бул фиғонда эрдилар барчалари,  
Масжид ичра кирдилар бир гўдаки,  
Эшитингиз бу гўдакнинг сўзларин,  
Кўб кишилар урдилар ҳам ўзларин.  
Йиқилдилар Расул оёқларига,  
Расул айди не арзин бор келибсан,  
Ичингда не сўзинг бор айтадурсан.  
Гўдак айтди, ё Муҳаммад, етимман,  
Отам йўқтур юзингизга телмурарман.  
Бугун уч кун бўлубтур оч турурман,  
Отам ва ҳам онам йўқтур нетарман,(2.10.)  
Эшикларда ғариб юриб сарғайибман.  
Бу сўзни эшитиб Сарвари олам.  
Расулнинг кўнглига тушти неча ғам.  
Қиёматни куни бўлди баногоҳ,  
Муҳаммад айдилар ман ҳам етимман,  
Отамни юзларини кўрмадим ман.  
Отаю ҳам онамдин айрилибман,  
Етимлик дарди бирла сарғайибман.  
Пайғамбар айдилар кимки етимдур.  
Билингим ул мани хос умматимдур.  
Етимни кўнглига ким берса озор. (2.11.)  
Худойим қаҳрига олгай баякбор.

Кишиким ҳар етим кўнглини олгай,  
Худойим раҳматига фарқ бўлгай.  
Куни битиб агар ўлса баякбор,  
Анингдек бандага кўп раҳмати бор.  
Яна жон берганини билмагайлар,  
Қоронғу гўр ҳайбатидин қўрқмагайлар.  
Худойим ато қилгай бир фаришта,  
Гўр ичинда бирга турар ёзу қишда.  
То қиёмат бўлганинча бул равишда,  
Худойимга сано айтиб турар дўстлар. (2.12.)  
Камолхожа етим, ғариб кўнглин овла.  
Етим, ғариб кўргон ерда юрак доғла,  
Доғда кетган дийдорини кўрар дўстлар.

### ✓ НАЗМ

Аё дўстлар, ғурбат бошим ғамга тўлди,  
Дард айтгудек маҳрамим йўқ ҳайрон бўлдум.  
Еган-ичган луқмаларим заққум бўлди,  
Бу ҳасратда, надоматда бошим қотти.  
Қайси тараф бораримни билолмасман,  
Ўтган жумла азизларни излайдирман.  
Агар тобсам азиз жоним берай дерман, (2.13.)  
Хоки пойинг кўзларимга сурай дерман.  
Тополмайин итдек ўлуб қолдим мано.  
Ақраболар ўтуб кетти ёлғуз қолдим,  
Мундоғ бўлуб қоларимни билмай қолдим.  
Эмди боқсам аро йўлда ёлғуз қолдим,  
Рафиқим йўқ ҳайрон бўлуб қолдим мано.  
Камолхожа рафиқсиздин ҳайрон бўлдим,  
Ақлим кетиб, ҳушим кетиб паришон бўлдим.  
Ялғузликдин йиғлаб сенга келдим мано. ✦

## НАЗМ

Уч юз олтмиш дарё кечиб мунда келдим, (2.14.)  
Тўрт юз қирқ тўрт тоғлар ошиб йиғлаб турдум.  
Шукриллоҳ Худойимни ҳозир билдим,  
Йиғлаганлар дийдорини кўрар эрмиш.  
Йиғламайин мани умрим бежо ўтти,  
Тирик умрум ғийбат бирлан адо ўлди.  
Марги ажал келиб мани яқом тутти,  
Ҳар не қилғон ишим мани зиён эрмиш.  
Саҳарлари зори қилиб йиғламадим,  
Булбул янглиғ минг бир отинг ёд этмадим.  
Ҳақ йўлига кофир нафсим қийнамадим,  
Ғофилларга турлук азоб берар эрмиш.(2.15.)  
Бу дунёга келган одам мусофирдур,  
Умри ани бебақодур ватан қилур.  
Одам ўғли неча йиллар гўрда ётур,  
Ғофиллари Ҳақ жамолин кўрмас эрмиш.  
Огоҳ қуллар тун кечалар ётгани йўқ,  
Қўркунчидин Ҳақ зикрини қўйғони йўқ.  
Умри ичра ҳарғиз ғофил бўлғони йўқ,  
Қиёмат кун Ҳақ жамолин кўрар эрмиш.  
Камолхожа ғофилликда умр ўтказдинг,  
Зикр айтмай тонг отқунча кулуб ётдинг.  
Жон аччиғи, гўр азобин фикр этмадинг.(2.16.)

\* \* \*

Эмикдош укамдин айрилдим ман алардин,  
Ҳамшира жигардин жумла авлодларимдин.  
Ҳасрат бирлан юрак бағрим кабоб бўлди,  
Қайси бир дардимни айтай эй, Жамолхожа укам.  
Бул мусофир юртда сарғайиб ўлган укам.  
Икки акам келмади деб йўлга термулган укам.  
Ҳасрат бирлан юрак-бағрим кабоб бўлди,  
Ичганим заҳар оби бўлди, кийганим кафан тўни,  
Умид қилдим қиёмат кун йўқлагай деб.  
Камолхожа йиғлай-йиғлай адо бўлдинг,  
Авлодларин руҳларидин умид тутдинг,(2.18.)  
Ҳасрат бирлан юрак-бағрим кабоб бўлди.

Шод бўлмай ушбу дунёда фано бўлган бошим,  
 Зор йиғлаб дарди ғам бирла адо бўлган бошим.  
 Тиф ғами бирла шаҳиди Карбало бўлган бошим.  
 Айрилиб дунё нашотидин фано бўлган бошим.  
 Ёри дўстим йўқ бу ҳолимки тамоша айласа,  
 Арзи ҳолимни бориб элга нишона айласа.  
 На мани мунглуғ онам бордурки, парво айласа,  
 Йўқа қариндошим мани бул ерда йўлдош айласа.  
 Айрилиб мотамсаролардин суво бўлган бошим.(2.19.)

НАЗМ

✓

Фалак жавру жафо кўрдум ман ўз ҳолимга йиғларман,  
 Намоз, рўзани фавт этганман ўз жонимга йиғларман.  
 Неча йиллар жафо чектим вафосин кўрмадим охир,  
 Ажойиб боғу бўстондин жудо бўлганга йиғларман.  
 Куйиб ёнди вале жоним қўли тутти гирибоним.  
 Забун бўлди мани ҳолим гўристонинга йиғларман.  
 Азалда қисмати бўлди тирик ўлмай жудо бўлмоқ,  
 Қиёматлик биродардин жудо бўлганга йиғларман.  
 Ғарибликда адо бўлдум эшикларда гадо бўлдум.  
 Камолхожа бўлуб бечора жазо етганга йиғларман.(2.21.)

НАЗМ

✓

Асли-насли гувҳари қимматбаҳо фарзандиман,  
 Косадори анбиё авлоди дилбандиман.  
 Икки дунё обрўи Мустафо авлодиман.  
 Йиғламайму ман алардек Ҳақ йўлини тутмасам.  
 Юз бало меҳнат ичра мубтало қилди фалак.  
 Найлайн дўстлар мани кўб бенаво қилди фалак.  
 Мустафо авлодиға юз минг жафо қилди фалак,  
 Йиғламайму ман алардек биргина шод ўтмасам.  
 Найлайн, эй дўстлар ул боболарим қани?  
 Хаста бемор бўлдум дардга дармонларим қани?(2.22.)

Ғам била ошуфта бўлгон шоҳи давронларим қани?  
Бул мани кўксимга сиғмас, эй ёронлар айтмасам.  
Отларин айтай десам дўстларим тилим бўлмас равон,  
Ҳазрат Набирахожа кетти ёронлар қаён?  
Бул жаҳони бевафода қўймади Тангрим омон.  
Эй бобожон, тоқатим йўқ мотамингиз айтмасам.  
Маккадин чиқди Расул, бўлди Мадинада ғариб,  
Бул ғариблик дардидин бўлди Худойиға қариб.  
Ул Муҳаммад дўстини қилди камолиға насиб,  
Ман не юз бирлан борурман суннатини тутмасам.  
Хожа Фақириддин бобо айланг мадад, бўлдум фақир, (2.23.)  
Руҳи покингдин мадад бўлса, ишим тобқай тавфир.  
Ҳақ расулдек бул ғариблик шаҳрида бағрим яғир,  
Бул қаро юзум оқармас Каъбатуллоҳ бормасам,  
Аввал вақтимни қилди гуноҳ куйида ул Худо,  
Аҳли авлодим мани ўтган бори ул жойда,  
Тақдири Аллоҳ мани қилди ғариблик шаҳрида.  
Уммат эрмасман Расул йўлида ўзум сотмасам,  
Эй ёронлар, бир дуо айлангки ман Бағдод борай,  
Ул пиримни равзасига термулиб йиғлаб ётай,  
Эй Камол, кел қулуним десалар арзим айтай,  
Эй муридлар, тоқатим йўқ шаҳри Бағдод бормасам.(2.24)  
Хожа, муллони кўрунг бўлди оёқ остида хор,  
Юртимизни каттаси бўлди яна аҳли куффор.  
Бу жафокордин жафо тортар ҳамма бечоралар,  
Сабр-тоқат қолмади равзаларига кетмасам,  
Бул ғариб бошимни солгон ғавсни домонига.  
Руҳи поки бирла борган Мустафо меърожига,  
Хоҳламас арвоҳлари васфларини айтмасам.  
Ул кумуш туғларини кўрмай бул дилим тобмас ором.  
Бир ғариб бечораман йиғлағайман субҳи шом.  
Мадад айланг манга Хожа Зиёвуддин отам,  
Мушкулим бўлмас осон истеъонат олмасам.(2.25.)  
Ғавсул Аъзам подшоҳ сиз ман фақири бенаво,  
Келди «Хув» деб эшиғингга зор йиғлаб бир гадо.  
Ҳеч сойил дарғаҳидин ноумид кетмасино,  
Ё пирим кетмам бу даргоҳдин мурувват кўрмасам.  
Бир отадин уч ўғил эрдир биродарлар билинг,  
Хожа Насриддин, Камолиддин, Жамолиддин кўрунг.



Айрилиб қолдим Жамолхондин нетай ман бағри хун.  
Ҳар замон ўртар мани кўксумни юзин уйласам.  
Бир дуо айланг биродарлар укам арвоҳига,  
Кеттилар бизларни ташлаб ушбу дунёи фонийга,  
Ҳақ расул меҳмон бўлуб кирсун Жамолхон қабрига.(2.26.)  
Ҳеч адо бўлмас ани ўтини бу зайил сўзласам,  
Ушбу дардни ҳасратидин охири бўлдум адо.  
Кимга айтиб, кимга йиғлай бу жудолиғни Худо.  
Охири умрумни қилдинг элу халқимдин жудо.  
Ҳеч киши этмас манга дардимга дармон истасам.  
Эй Худоё, бул Камолхожа қулинг додиға ет,  
Охиратни ваҳмидин титрар дилим монанди сайид,  
Бу қулинг навмид эмас, қилдим Худо сендин умид,  
Сен агар қилсанг иноят бир неча сўз бошласам.

### НАЗМ ✓

Адашган кўнглума бир мунис дилдор бўлғайму, (2.27.)  
Ғами андуҳ тўфон ғарқидин жоним қутулғайму.  
Маҳол ўлди узатиб қўл биза домон мақсудга  
Ҳидоят Хизр ногоҳ қўл узатиб қўлумни олғайму.  
Шароби антаҳур ичган кишилар маст нечукдур.  
Азал соқийсидин бир қатра май оғзимға томғайму.  
Худовандо жудо этгин муҳаббатсиз халойиқдин,  
Аларни суҳбати бирлан Худо бўйини тобғайму.  
Ғаниматдур бу йўлда суҳбат марди Худо тобмоқ.  
Бўлуб парвона янглиғ ўзини бир йўли урғайму.  
Адо бўлди ҳамма май нўш этиб яхши биродарлар,  
Яқо юз чок этиб қон йиғласам ҳаргиз топилғайму.(2.28.)  
Камолхожа даво сўрма бу дардингга табиблардин,  
Магар вақти саҳар файз эшиги ғайбдин очилғайму. (2.29.)

### *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм ✓*

Сел олди гулшаним боғи жаҳондин айрилиб қолдим.  
Дарахти мевадор ул соябонимдин айрилиб қолдим.  
Юрагим қуввати руҳи равондин айрилиб қолдим.  
Гулистон булбули эрдим чамандин айрилиб қолдим.

Устози муршиди комил отамдин айрилиб қолдим.  
 Кўзумни равшани каъбам онамдин айрилиб қолдим.  
 Йўқотдим икки давроним кўруб рангин тўярим йўқ,  
 Югурдим ҳар тараф излаб изин эмди топарим йўқ.  
 Кўзум гирён, кўнгул вайрон кеча-кундуз қарорим йўқ,  
 Кетибдур раҳбарим эмди қаю ерга борарим йўқ. (2.30.)  
 Сахний Хизрим мусулмоним отамдин айрилиб қолдим.  
 Азизим волидам каъбам онамдин айрилиб қолдим.  
 Қолибман эмди зулмат, манга ёнғон чироғ ўчти.  
 Бугун бахтим қаро бўлди мани давлат қушим учти.  
 Кетиб ақли ҳушум эмди, бошимга неча ғам тушти.  
 Отам бирла онам мундин кетиб гўр уйига тушти.  
 Ўшандоғ чиройли отамдин айрилиб қолдим.  
 Аламда бағри қон бўлғон онамдин айрилиб қолдим.  
 Отам бўлса, бошимга чодирин бир соябон эрди.  
 Онам бўлса, манга кўб ғамгузор эрди.  
 Отам бўлса, манга малҳам давлати тахти равон эрди, (2.31.)  
 Онам бўлса, бу кўнглум очғучи ширинзабон эрди.  
 Ўшандоғ мўъмини комил отамдин айрилиб қолдим.  
 Ҳамиша роҳати жоним онамдин айрилиб қолдим.  
 Туролмаيمان бу манзилда кетарман ҳаж бошим етса,  
 Улуғ кунлар отам бирла онамни руҳлари келса.  
 Мани йўқлар кишим бор деб уйимда сарғайиб турса,  
 Нечук фарзандлигим бўлғай дуодин бенасиб кетса.  
 Етимпарвар, ғарибпарвар отамдин айрилиб қолдим,  
 Рўйи марҳами жоним отамдин айрилиб қолдим.  
 Онамдин ўргулай дўстлар ҳам ғариб касал ўтган,  
 Ки сабр айлаб, бу дардларга ҳамиша заҳар, қон ютган. (2.32.)  
 Чекиб меҳнат кеча-кундуз ётиб ёниға ер ўтган,  
 Ажал етмай ётиб мунда неча йиллар тирик ўлган,  
 Риёзатлик, диёнатлик отамдин айрилиб қолдим.  
 Кўруб ҳар дам қувонғоним онамдин айрилиб қолдим.  
 Ётиб ахшом ҳуши ҳушвақ азон вақти жудо бўлдум.  
 Нетай, найлай ота эмди алам бирла адо бўлдум.  
 Куйуб ман доғи дардингда ғаминг бирла ду то бўлдум.  
 Тасаддуқ айлайн жоним йўлунгда ман бедор бўлдум.  
 Кўзум ёшлик худотарсим онамдин айрилиб қолдим.  
 Қаю ерга борар бўлса, мани орқам отам эрдинг.  
 Йиқилғонда суругонда суянганим онам эрдинг. (2.33.)

Кўнгултўқим, саранжомим, ишонганим онам эрдинг,  
Юрар бўлсам, турар бўлсам таянгоним онам эрдинг.  
Ибодатлик, беҳ жоним онамдин айрилиб қолдим,  
Мевалик боғу бўстони онамдан айрилиб қолдим.  
Кетарман бош олиб эмди куйингда бир қаландарман.  
Қабул қилсаки ҳар ерда дуодин ман хабардорман.  
Соғинган бағрим, кўзум ёшлаб юрак бағрим доғларман.  
Етим қолгон бўталардек она деб неча бўзларман.  
Тили ҳар дам шаҳодатлик отамдин айрилиб қолдим,  
Мадорим, танда дармоним онамдин айрилиб қолдим.  
Дариғо бул ўлимни дастидан гирён бўлиб қолдим. (2.34.)  
Отам бирла онамдин айрилиб сарсон бўлуб қолдим,  
Синиб икки қанотим термулуб ҳайрон бўлиб қолдим.  
Бузулиб ғамда бу кўнглум бугун вайрон бўлиб қолдим.  
То қиёмат гавҳари ноёб отамдин айрилиб қолдим,  
Манга бир жаннатал маъво онамдин айрилиб қолдим.  
Ажал боди ҳазон қилди сани умри баҳорингни,  
Соғиндим жон отам эмди нечук айлай ҳуморини.  
Кўзумга тўтиё айлай қадам босгон ғуборини.  
Зиёрат айлай каъбам сени ётқан мозорини.  
Дуогўйим отам қутби замондин айрилиб қолдим.  
Азизим нури иймоним онамдин айрилиб қолдим.  
Камолхожа кел эмди шом саҳарлар қон ютуб йиғла. (3)  
Ота бирла онагни ҳақиға ҳар кун дуо айла.  
Йўлида ҳар не боринг хонимонини фидо айла.  
Ота бирла онагни ҳақларин бир-бир адо айла.  
Мақомим қурбатим холим отамдин айрилиб қолдим.  
Мақомим тарбият жоним онамдин айрилиб қолдим.

\* \* \*

Нозик бадан сунъи Худованди жаҳонсан, эй офтоби даврон,  
Айёри мисли қоши чун ғамзаи балосо жон тахтига султон.  
Ҳам икки қошинг камону кўзлари жоду пури фитнаи даврон,  
Билмам не бало кўз учидин гоҳ боқарсан бандангга бафармон,  
Гоҳиси кўчада у ишва қилурсан, эй кўзлари жаллод  
Ки, кулгу била қайрилибон қошинг қоқарсан, эй сарви  
хиромон. (3.1.)

На кофиру тарсо на мусулмону балосан ё сан тўла армон,  
Монанд тажалли юзунгга ила жунунки ҳар он бўлдум доғи  
қурбон.

Нуқра бадан ситта даҳан турфа балосан эй хисрави хуббон,  
Камолхожа сени деб кечтилар икки жаҳондин раҳм этгил иллоҳи  
Бир лаҳзада юз кишини кўнглин олурсан эй раҳиму раҳмон.  
Бу хаста вужудимни яна ўртади бир йўл ул раъфи паришон.  
Ул гул юз сени ишқиндин волаи булбул ул ғунчаи хандон.  
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни нечук сен ул ораз кулгун,  
Юз ваъда қилиб турмадин бир ваъдада бир йўл ул ваъдаси ёлғон.  
Дурдона қилай деб ишқ ўтиға куйиб бу жоним, кўб мунча  
аламдин,

Овоза жунунгў солиб олам аро ғулғул ул кини фаровон.  
Сенсиз на қилай ушбу жаҳонда бу жонимни ман санга гирён. (3.3.)

Бул ғариби ўзин этти фидо ёр учун жон дил гўё.  
Дунёда қаср сарой бино қилмакка арзимас,  
Охири вайрон турур обод қилмакка арзимас.  
Оғритиб жону бева-бечорани шом саҳар,  
Ҳеч кўшиш айлабон имдод қилмакка арзимас.  
Салтанат бирла бўлуб нафси ҳавони излабон,  
Ким ғариб хастага бедод қилмакка арзимас.  
Дўстлар бу бевафо дунёда мол-мулк учун,  
Бир-бирини оғритиб ношод қилмакка арзимас.  
Неча ким қилдинг насиҳат дунё сани рўзи шаб,  
Қалъа бунёд этиб обод қилмакка арзимас. (3.5.)  
Мансаби дунё учун аҳли ҳукумат олдида,  
Қўл қовуштириб юрибон дод қилмакка арзимас.  
Бу хитой қифчоқ сени сўзингга кирмастур бугун,  
Охири душман тутуб шаддод қилмакка арзимас.

\* \* \*

Сенинг куйингда чун Халлож ёшли бўлай дерман,  
Муаттар хоки пойингдин ғарибинг ўргилай дерман.  
Муродим тири ишқиндин ўзум қонға бўяй дерман,  
Ман ҳам машҳадзодалардек тир ишқида ўлай дерман.  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.  
Жунун даштида бўзлаб журъа оҳ урганим беҳроқ, (3.6.)

Юрагим қон қилиб ҳар дам сени ёд қилганим беҳроқ.  
Топай деб жустижў айлаб кўйингда ўлганим беҳроқ,  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.  
Чиройим сарғайиб кўздин тўкуб қон термулиб турсам,  
Шафоат домингга дод уруб ул вақт даст урсам,  
Тараҳҳум айлабон лутф навозиш этсалар кўрсам,  
Шафиқим, меҳрибоним хоки пойин кўзларимга сурсам.  
Гуноҳим кўб амал йўқ умрум ўтти вақти марг еттин,  
Сақол соч фаҳм қилмасдин қаддим буктин. (3.7.)  
Бу расволиқ била тоатга билки қувватим кетти,  
Билолмассан ман азалда сарнавиштимни нечук битти.  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.  
Худовандо, гуноҳим ҳаддин ошқонинда ман келдим,  
Агарчи ман ёмонман баҳри фазлингни улуғ билдим.  
Қўлум тут ё Расулуллоҳ, залолат даштида қолдим,  
Шайтон амрини туттум карам айла хато қилдим.  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.  
Ҳамҳожатман мавқуф ё Раб, бир қулум дерга,  
Мани арзим айтса раҳбарим Халоқи Акбар Ғаффорга, (3.8.)  
Нечук иззат, нечук давлат, манингдек бир қаро эрга,  
На қилдим тоат тақво на хизмат бир вали эрга,  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.  
Сени излаб топай деб жустижўйингда гадои маҳзун,  
Файри сен бекас доим тилакка бир Худои маҳзун,  
Эй, сафо бергил Худовандо бу куни бе зиё маҳзун.  
Манга ҳиммат ато қил айлайин тарки ҳаво маҳзун,  
Муҳаммад айдилар жаннатга бе уммат қадам қўймам.

## ҚУСАМ ИБН АББОС (ШОҲИЗИНДА) ЗИЁРАТГОҲИ

*Самарқанд валининг чорбоғи дерлар,  
Шоҳизинда, Эрдошёр, пайгамбар,  
Хожайи Зумрати, Хожайи Аҳрор,  
Бобо Якка пиреиз, Эрхожа мазор.  
«Алломиш»достоидан*

Юртимизда неча асрлардан буён халқимиз томонидан ихлос билан эъзозланиб, зиёрат қилиб келинаётган Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро), Имом ал Бухорий (Самарқанд), Нажмиддин Кубро. Паҳлавон Маҳмуд (Хоразм), Ҳазрати Имом Қафтол Шоший, Шайх Хованд Таҳур (Тошкент), Ҳазрати Султон (Шаҳрисабз) Султонбобо (Қорақалпоғистон) сингари муқаддас мазорлар ҳақида сўз юритганимизда, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) ҳақида ҳам беихтиёр сўз очамиз. Албатта, бу муқаддас жойнинг фазилатлари ҳақида эшитмаган ва уни бориб зиёрат қилмаган инсонлар камдан-кам учрайди. Ўтмишда кишилар масофадан қатъи назар, хоҳ отда бўлсин, хоҳ пиёда уларни зиёрат қилишдан тўхтамаганлар.

Зиёвуддин Ҳазинийнинг кенжа ўғли Сотиболдихон отанинг ҳикоя қилишича, Мавлоно Ҳазиний ҳар йили бир маротаба Самарқандга бориб, Шоҳизиндани зиёрат қилган.<sup>193</sup> Изланишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, Шоҳизинда мазорини зиёрат қилиш анъанаси Ҳазинийга қадар ҳам мавжуд бўлган. Демак, Зиёвуддин Ҳазиний ҳам кўп асрлик анъанага амал қилиб келган. Шу сабабдан Зиёвуддин Ҳазиний аجدоллари томонидан эъзозлаб келинган Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳи тўғрисида маълумот бериш билан бирга, Шоҳ Ҳақим Холиснинг «Шоҳизинда» қиссасини китобхонлар эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Ўзининг умумбашарий ғоялари билан нафақат ўзбек, балки бутун Шарқ халқлари моҳиятини белгилаган Куръон ва Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари, шунингдек пайгамбар издошлари фаолияти ва уларга бўлган муҳаббат бошқа жанрлар қатори қиссаларнинг ҳам асосий мавзуйига айланган. Шу асосда ўзбек адаби-

---

<sup>193</sup>Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2001, 67-б.

ёти тарихида таълим-тарбия, диний эътиқод, одоб-ахлоққа доир, ислом учун фидокор инсонлар ҳақида, тарихий шахслар фаолиятини ёритувчи бир қатор одобнома, панднома ва жангнома қиссалар яратилди. Бу жиҳатдан XIX аср қиссачиликда, айниқса, самарали давр бўлган эди.

Шоҳ Ҳаким Холис ҳам ана шундай мавзуларда ижод қилган қиссанавис шоирлардан биридир. У XIX аср бошларида яшаб, йигирмадан ортиқ қиссалар яратди, қатор мухаммаслар ижод қилди.

Ҳозирги пайтда Самду кутубхонаси ва ЎзРФА Шарқшунослик институтида Шоҳ Ҳаким Холисининг қуйидаги асарлари мавжуд:

«Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳ Жарир(ёки «Сафед Булон») қиссаси», «Насиҳатнома», «Ибратнома», «Имомлар (ёки «Ҳасан ва Ҳусайн») қиссаси», «Вафотнома», «Арвоҳнома» (ёки «Арвоҳлар рисоласи»), «Иброҳим ибн Муҳаммад қиссаси», «Қиёматнома», «Қиссаи Муҳаммад Ҳанафия», «Қиссаи Бурхи сармаст вали», «Қиссаи Айюб», «Фотимаи Заҳро ва Расулulloҳ қиссаси», «Вафотномаи Абу Бакр ва Али Акбар», «Қиссаи Зеваршоҳ ва шаҳзода Қусам», «Мавлуднома», «Қиссаи Жобир саҳоба», «Қиссаи Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом», «Фазилати Рамазон»(ғазаллар), «Қусам ибн Аббос (ёки «Шоҳизинда») қиссаси», «Муножотнома», «Абу Жаҳл ва Хадича ҳақида қисса».<sup>194a</sup>

Холис – шоирнинг таҳаллуси. Унинг асл исми Шоҳ Ҳаким бўлган. Халқ ўртасида ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб, турли удумларда фойдаланилаётган баъзи асарлари Ҳакимхожа Холис асари номи билан тилга олинади. Лекин бундай аташга асосимиз бўлмагани туфайли (чунки бу маълумот оғзаки) бу тўғрида бир нима дейиш мушкул. Холис ўз исмидан «Юсуф ва Зулайҳо» номи қиссасида хабар беради:

*Ва лекин асл отим Шоҳ Ҳаким Холисдур,*

*Отам, онам аввал қўйгон қадимдур.*

Лекин Мирзо Содиқ Муншийнинг «Дахмаи шоҳон» асари устида кузатишлар олиб бораётган тожик адабиётшунослари У.

---

<sup>194a</sup> Равшанов Р.Ф. Холис ва унинг адабий мероси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси автореферати. –Т.: 1997, 1-б.

Каримов ушбу асарни Усмонхожа Холис номли ижодкор форс-тожик тилидан туркий тилга таржима қилган, деган фикр билдиради. Адабиётшунос Г.Аҳророва эса бу фикр нотўғри эканлигини ўзининг «Сомийнинг «Дахмайи шоҳон» асари» мақоласида исботлашга ҳаракат қилган. Аммо ушбу мақолада кўрсатилган уч асар – «Дахмайи шоҳон» («Ибратнома»), «Рисолаи арвоҳ», «Қиёматномалар» ҳақиқатдан ҳам биз ўрганаётган қиссанавис ижодига мансуб бўлса-да, уларнинг бирортасида Холиснинг асл номи тилга олинмайди, балки фақат асарларда келтирилган мухаммасларда «Холис» тахаллусини кўриш мумкин.

Холиснинг ота-боболари асли Сайрам (ҳозирги кунда Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли қишлоқ)да яшаганлар. «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасининг бир нусхасида шундай байтлар мавжуд:

*Улуғ боболарим Сарём элидур,  
Ўшал Сарём аларнинг манзилидур.*

Холис ўз аجدодлари тўғрисида қисқа бўлса-да муҳим маълумотлар беради. Шу асосда биз ижодкорнинг улуғ мутафаккир, сўфий шоир Аҳмад Яссавий авлодларидан дейишимиз мумкин.

*Насабда эрдим Исмоил Атоий,  
Сўзумда бўлмагай ё раб хатойи.*

Исмоил Атоий Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида Мавлоно Атоий таърифида сўз юритиб, тўхтаб ўтган. Кейинчалик Шоҳ Ҳақимлар оиласи номаълум сабабларга кўра Тошкентга кўчиб келган.

Шу ўринда шоирнинг айнан Шоҳ Ҳақим исмига эътибор берсак. Зеро, ҳазрат Алининг учинчи фарзанди Муҳаммад ал-Ҳанафийнинг авлоди деб билган хожалар оиласида исмлар олдига Шоҳ нисбасини қўйиш одати қадимдан мавжуд бўлган. Шундай экан, Шоҳ Ҳақим Холис исмининг ўзиёқ унинг насабини Ҳазрат Али билан боғлиқ эканлигидан далолат берган.

Қадимдан мусулмон дунёсида ҳазрат Алининг фарзанди Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ва унинг авлодларига эҳтиром юқори бўлган. Туркистон хожалари билан боғлиқ насабномаларда кел-



тирилган маълумотларга кўра, Муҳаммад ал-Ханафийа халифа Усмон(р.а)нинг қизи Биби Шамсияга уйланган.<sup>194</sup>

Адабиётшунос олим Ф. Равшановнинг Холис Аҳмад Яссавий авлодидан эканлиги тўғрисидаги фикрлари айнан шу жиҳатдан ҳам тўғри бўлиб чиқади. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳам ҳазрат Али авлодларидан бўлган. Муҳаммад Олим Шайх Азизон (1564–1631) ўзининг «Ламаҳот» асарида Аҳмад Яссавийни ҳазрат Али (к.в.) насабидан бўлганлигини қуйидагича тавсифлайди: «*Хожа Аҳмади Яссавий, қабрлари нурга тўлсин, бу киши тариқат султони, ҳақиқат бурҳони (ҳужжат), комиллар пешвоси, орифлар сарвари, киборлар қутби, урафолар гавси, раббоний улузлар олими, субҳоний рамзлар кашфчиси, саййидлар тоифасининг асили, орифлар дили, аср ягонаси, замона пешқадали, авлиёлар қуёши ва сўфийлар мунаввар ойдирлар. (Хожа Аҳмади Яссавий) Ҳазрати амиралмўъминин Али разияллоҳу анҳуға бу тариқада етадилар: оталари Иброҳим шайх ибн Маҳмуд шайх ибн Ифтихор шайх ибн Умар шайх ибн Усмон шайх ибн Ҳасан шайх ибн Исмоил шайх ибн Мусо шайх ибн Юнус шайх ибн Ҳорун шайх ибн Исҳоқ Боб ибн Абдурахмон ибн Абдулфаттоҳ ибн Абдулжаббор ибн Абдуссалом ибн ал-Имом Муҳаммад Ханафийа ибн амиралмўъминин Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваъжҳаҳу».*<sup>195</sup>

Маълумотларга кўра, Аҳмад Яссавий Сайрамдаги хожалар уруғидан бўлиб, хожалар ўзларини Ҳазрат Алининг учинчи ўғли Муҳаммад ибн ал-Ханафийа авлодларидан ҳисоблаганлар.<sup>196</sup> Шу сабабдан сайрамлик Ҳазрат Али авлодлари тўғрисида ривоятлар шу кунга қадар сақланиб қолган.<sup>197</sup>

---

<sup>194</sup>Исламизация и сакралные родословные в Центральной Азии: наследия Исхак Баба нарративной и генеалогической традициях. Том 2. Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложения указатели: А. Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимжанов, Ш.Зиядов. Алматы.: Дайк-пресс, 2008. С.87.

<sup>195</sup>Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи К.Каттаев. –Т.: «Фан», 2007. 24-б.

<sup>196</sup>Тоҳир Қаҳҳор. Аҳмад Яссавий // Гойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Т.: «Ўзбекистон», 1994. 129-б.

<sup>197</sup>Камалиддин С.Б. Туркестанский старец и его мистический путь // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс. 2007. С.37.

Халқимиз томонидан асрлар давомида севиб ўқилган Аҳмад Яссавий (1105–1166/67) ҳикматларида Ҳазрат Али шахси гўзал сифатлар билан улуғланган:

✓ *Тўрттинчиси ёр бўлгон шери худо Алидур,  
Ҳам меърожда ёр бўлгон, шери худо Алидур.  
Айтгон сўзи раҳмоний, кўрсанг юзи нуруний,  
Кофирларни қирони шери худо Алидур.  
Ҳилмат кўри оилида, мавлом ёди тилида,  
Зулфиқори илгида шери худо Алидур.  
Миниб чиқса Дулдулга, ерга тушур зилзила,  
Кофирларга гулгула, шери худо Алидур.  
Душманларга муқобил, бўлди кофирга қотил,  
Қилгон ботилни зойил шери худо Алидур.  
Раҳмат қилгай биру бор, ҳар не қилса эрки бор,  
Хожа Аҳмадга мидадкор шери худо Алидур.<sup>198</sup>*

Ҳазрат Али ҳақида айтилган ушбу гўзал боқий сатрлар бир неча асрлардан буён оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида яшаб келмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг бу қадар Ҳазрат Алига бўлган юксак эҳтироми бир жиҳатдан унинг Ҳазрат Али(к.в.) авлоди эканлигида деб ҳам тушуниш мумкин.<sup>199</sup>

XVI асрда яшаб ўтган Султон Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний ҳам бу ҳақда шундай ёзади:

*«Ҳазрат Али наслидан бўлган қутблар қутби Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари сирлар билувчиси, нурлар кашф этувчиси, шайхлар сардори ва паҳлавонидир. У дунё машойихининг нишонган тоғи ва имомидир. Мовароуннаҳр пирларининг хоси, турк шайхлари даргоҳининг хизматчисидирки, у даргоҳдан кўплаб зотлар чиққан. Дунёнинг азиз донишманди, ўз силсиласида марду майдон бўлган Яссавий ҳазратлари, тўқсон тўққиз маслак соҳибидир. Унинг қутб эканига барча иқрор бўлган. У меърож*

---

<sup>198</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 215-б.

<sup>199</sup> Жандарбек З.З. Ходжа Аҳмет Йасави и возрождение тюркской государственности // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс, 2007. С.168.

хирқасини кийган, қиёматгача унинг тариқати ривож топавиради». <sup>200</sup>

Биз ушбу маълумотларни бежиз келтирмадик. Бинобарин, Шоҳ Ҳаким Холис ўз аجدодларига эҳтиром сифатида «Қиссаи Муҳаммад Ҳанафийа» асарини ёзган эди.

Шоҳ Ҳакимлар оиласида уч қиз ва уч ўғил бўлган. Уларнинг ҳаммаси фикримизча, Тошкентда туғилишган.

*Атодин уч ўғил эрдук ҳам қиз,  
Яна Шош шаҳрини фарзандидурмиз.*

Бундан кейинги ҳаёти тўғрисида ижодкор гоёт қисқа тўхталиб ўтади. Чунончи бир қанча вақтдан сўнг у Фарғонага кетганлигини қуйидаги байтларни ўқиб англаш мумкин:

*Вале, Фарғона бўлди манга манзил,  
Бу манзилда бўлуб эрдим неча йил.*

Мазкур байтларда Холиснинг илгари ҳам Фарғонада бўлганлиги англашилади. Унинг «неча йил» у ерда бўлиши, балки, мадрасалардан бирида таълим олиши билан боғланади. Тахминимизча, Холиснинг оиласи бўлмаган. «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасида шоир ўзидан кейин қолар бир «дуогўйи» (яъни фарзанди) йўқлигидан дарак берувчи сатрларни ёзиб қолдирган:

*Фано бўлсам агар дунё юзидин,  
Қолур пинҳон мани хок эл кўзидин.  
Билинлар йўқ эрур манга дуогўйи,  
Мани руҳимга бўлмас сарф бир мўйи.*

Шоҳ Ҳаким ўзининг «Холис» нисбаси тўғрисида ҳам баъзи маълумотлар келтиради. Бир қанча асарлари номини санаб ўтар экан:

*Ки ондин ўзими Холис қўйиб от,  
Бориси бир кишидин, эй оқил зот.*

---

<sup>200</sup>Нодирхон Ҳасан. Аҳмад Маҳмуд Ҳазиний. –Т.: «Фан», 2001, 10-б.

деб ёзди. Ижоди Тошкентда бошланган бўлса керак, шу сабабли халқ унга «Тошкандий» нисбасини ҳам берган.

Бизнингча, шоир ўз асарларининг асосий қисмини Фарғонада яшаган даврида яратган. Чунки бир қатор асарлари шу ҳудуддаги баъзи шаҳарлар ва улар тўғрисида тарқалган тарихий ривоятлар, шунингдек ўша даврда яратилган тарихий китоблар билан боғланади. Масалан, «Шоҳ Жарир қиссаси» Косон, Кубо (Қуба), Аҳси шаҳарлари (ёки Сафед Булон мазори) ва улар тўғрисидаги тарих китоблари билан ва ҳоказо.

Шоир ҳаётининг Фарғона даври, афтидан анча оғир кечган. Қиссаларда келтирилган кўплаб мухаммасларда ижодкор баъзан ўз ночорлигидан, ҳатто яхшироқ тураржойи ҳам йўқлигидан нолийди.

Холиснинг туғилган, вафот этган йиллари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, шу сабабли неча йил умр кўрганлиги тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Аммо баъзи далиллар унинг ҳаёти ҳақидаги фикрларимизга ойдинлик кирита олади.

ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 8924/1-рақамли манба («Қиссаи Юсуф ва Зулайҳо»)нинг охириги бетида муаллиф томонидан дуо умидида битилган сўзлар ва ҳижрий 1259 сана ёзиб қолдирилган. Ушбу сўзлар муаллифнинг ўз дастхати эканлигини билдиради, шунингдек, асар ҳижрий 1259 (милодий 1843) йилда китобат қилинган. Қиссанинг 2-саҳифасида шундай мисралар бор:

*Хабар олсам мани ёшим етибдур,  
Паямбарни ёшидин ҳам ўтибдур.*

«Паямбар ёшидан ўтганлик» бир-икки йилни ўз ичига олса, демак асар ёзилаётганда шоир 64-65 ёшлар атрофида бўлган. Агар шундай бўлса, туғилган йили 1778-80 йилларга тўғри келиши мумкин.

Шоҳ Ҳаким Холиснинг «Шоҳизинда» қиссаси Мовароуннаҳрга, жумладан, Фарғона водийсига исломни тарғиб қилиш учун келган дастлабки ислом лашкари ва машҳур саҳоба Қусам ибн Аббос, яъни Шоҳизинда тўғрисидадир.

2002 йилда Фарғона вилоятининг Бувайда туманида жойлашган Биби Убайда ва Пошшо пирим зиёратгоҳлари юзасидан олиб борган изланишларимиз мобайнида туманнинг Бувимозор қишлоғида яшовчи Одинахон Шерматова ҳонадонидида сақланаётган

Шоҳ Ҳаким Холис қаламига мансуб XX аср бошида кўчирилган қўлёзма асарни аниқлашга муяссар бўлдик.

### **Китобнинг ташқи тавсифи**

1. Бир бетда 21 қатор.
2. Қўқон қоғози.
3. Матн 374 бетдан иборат. Ҳажми 14x26 см.
4. Нахзац 6 ва Форзац 1 бетдан иборат.
5. 1324 ҳижрий йилда кўчирилган. Ҳаттотнинг исми номаълум.
6. Қора ва қизил сиёҳда кўчирилган.
7. Китоб эгасининг имзоси ёки муҳри туширилмаган.
8. Китоб муқовасининг бош қисми яхши сақланган. Муқоваси қаттиқ қилиб тайёрланган ва қизғиш сариқ рангда қолипланган.

### **Китобнинг ички тавсифи**

1. Туркий тилда ёзилган.
2. Қўлёзма «Ибратнома», «Шоҳ Жарир(ёки «Сафед Булон») қиссаси». «Қиёматнома», «Фотимаи Заҳро ва Расулulloҳ қиссаси», «Биби Убайда қиссаси», «Шоҳимардон қиссаси», «Қусам ибн Аббос (ёки «Шоҳизинда») қиссаси» сингари бир нечта китобни ўз ичига олади.

3. Тарихий жангнома қисса.

Ушбу қўлёзма билан яқиндан танишар эканмиз. «Қусам ибн Аббос» қиссасини ҳозирги ўзбек ёзувига тадбил қилдик. Чунки Ҳазиний ҳазратлари хонадонининг тарихи юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Қусам ибн Аббос зиёратгоҳи билан боғлиқ бўлган.

Айтиб ўтиш жоизки, арабларнинг Ўрта Осиёга қарши қилган илк ҳарбий юришлари давомида улар ўзлари босиб олган ҳудудларда дин йўлида ўлдирилганлар, яъни «шаҳидлар» култи (ардоғланишини) пайдо бўлишига ҳаракат қилдилар. Халифаликнинг дастлабки йилларидаёқ жангчилар билан бир вақтнинг ўзида кириб келган ислом дини тарғиботчиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жойларда ғайридинлар билан бўлган жангларда ўлдирилган мусулмонларнинг қабрлари «Машҳад», яъни шаҳидлар мазорларининг сони ортиб борди.<sup>201</sup>

---

<sup>201</sup> Немцева Н. Б. Многофункциональный мемориально-культурный комплекс Ходжа Машад на юге Таджикистана // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. № 5-6-7-8. С. 128.

Исломнинг илк давридаёқ мусулмонларнинг зиёратгоҳлари ислом йўлида шаҳид бўлган зотларнинг мазорлари билан боғлиқ бўлган. Бу мазорлар аксарият ҳолларда «Машҳад» ёки «Шаҳид» номи билан аҳоли ўртасида машҳур бўлган. Жумладан, Самарқанддаги Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг файзли мазори тўғрисида ҳам худди шундай фикр билдириш мумкин. Бинобарин, изланишларимиз шуни кўрсатдики, чиндан ҳам Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) нафақат қаҳрамон, балки авлиё зот сифатида ҳам ўтмишда халқ орасида машҳур бўлган. Элшунос олим О.Муродов томонидан ёзиб олган Қори Қулмуроднинг авлиёларга қилган муножоти матнида Шоҳизинда валий зот эканлиги таъкидланади:

*Шоҳизинда, Хизр алайҳиссалом валиларни тили билан сиздан мадад тиларман!*

*Холжа Дониёр пайгамбарлар валиларни тили билан сиздан мадад тиларман.<sup>202</sup>*

Маълумки, халқона тасаввурларга кўра, муқаддас мазорларнинг машҳурлиги унга дафн этилган азизларнинг кароматлари билан белгиланади. Агар авлиёлар ҳаёти мобайнида кўплаб кароматлар кўрсатган бўлса, демак, унинг қабри ҳам шу қадар серфайз бўлади деб қаралган. Қусам ибн Аббос тўғрисидаги ана шундай қарашлар унинг қабрини зиёрат қилувчилар томонидан турли урф-одатларни бажаришлари учун муҳим аҳамият касб этган.

Масалан, Шоҳизинда мажмуасига кириш қисмидаги чилзи-нани олайлик. Аҳоли орасида мазкур зина тўғрисида ҳозир ҳам турли қарашлар мавжуд. Масалан, бегуноҳ зиёратчи ушбу зинани санайдиган бўлса, хато қилмас экан. Агар кишининг гуноҳлари бўлса, ушбу зинадан йиқилиб тушар эмиш. Мазкур зина тўғрисида «Шоҳизинда – Қусам ибн Аббос тарихидан нақллар» китобида қуйидагича мисоллар келтирилган:

*«Мажмуанинг қирқ зинаси аҳли муслим ва хорижий сайёҳлар назарида қандайдир мўъжизавий хусусиятга эга ҳисоблана-*

---

<sup>202</sup>Муродов. О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зарафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. –М.: Наука, 1975. С. 103 .

ди. Зинага тугмас хотинлар, ёш келинчаклар, баъзан ҳомилидор аёллар (ҳар зинадан кейингисига) сакраб чиқишар ва юқори қисмдаги тор йўлак ўртасида жойлашган қудуққа бориб назар ташлашар эканлар. Агарда, қудуққа ўз аксларини кўришса, албатта ниятларига етишар ва ўзлари хоҳлаган фарзандга эришишар эканлар. Бу ҳол ҳаётда неча бора синаб кўрилгани ажабланарлидир».<sup>203</sup>

Маълумки, зиёратгоҳлардаги дарахт ва ўсимликлар муқаддаслаштирилганлиги боис уларни кесиш, юлиш кишиларга зиён олиб келади деб қаралган. Муқаддас зиёратгоҳлардаги дарахтлар ва ўсимликлар тўғрисидаги қарашлар маҳаллий аҳоли ўртасида асрлар мобайнида шаклланиб келган. Шу боис, дарахтларни бекордан-бекорга кесишга қўрққанлар. Ўрта Осиё халқларида «Катта дарахтлар фақат азиз-авлиёлар қадами етган муқаддас қадамжойларда ўсади» деган қарашлар мавжуд бўлган.<sup>204</sup> Худди шундай дарахтлар Шоҳизинда зиёратгоҳида ҳам авваллари бўлганлиги ҳақида ҳозиргача кексалардан эшитиш мумкин. «Шоҳизинда – Қусам ибн Аббос тарихидан нақллар» китобида мазкур дарахтлар тўғрисида ҳам ҳикоя қилинади:

*«Қусам ибн Аббос мазори ётида қадимдан бир дарахт ўсар эди ва уни «Лисон ул-асофир» («Чумчуқ тили») деб аташган. Унинг барги ништарсимон шаклда бўлганлиги учун ҳам халқ орасида шу ном билан аталиб, машҳур бўлган. Маҳаллий халқ бу дарахтнинг шифобахш хусусиятидан хабардор бўлган ҳамда унинг баргу пўстлоқларини дори сифатида ишлатган. Қизини шундаки, айнан ушбу навдаги дарахт Шайхул-Имом Абду Мансур ал-Мотуридийнинг муборак мазорларида ҳам ХХ аср бошларигача мавжуд бўлганлиги манбаларда келтирилган...»*

*Ва яна нақл қилишларича, уя зот (Қусам ибн Аббос) горга кириб гоийб бўлишидан олдин, горнинг кираверти жойига ўзларининг қамчилларини ташлаган (ёки ерга суқиб кетган) эканлар. Кейинчалик ўша қамчил дастасидан (ҳеч сугорилмаса-да) ўсим*

<sup>203</sup> Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда – Қусам ибн Аббос тарихидан нақллар. –Т.: «Фан», 2007, 26-б.

<sup>204</sup> Гафферберг Э. Г. Пережитки религиозных представлений о божествах // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: 1975, 245-б.

лик ўсиб чиқиб катта дарахт бўлган экан. Бу дарахт ХХ аср бошигача очиқ йўлакнинг охиридаги шарқий қисмда мавжуд бўлиб, уни «Дарахти қамчин» деб атаб келганлар.

Маҳаллий аҳолининг эътиқодлари бўйича, бу дарахт мўъжизавий хусусиятларга эга бўлган. Агар тугмас хотин унинг бирор мевасини ютса, ниятига етиб, фарзанд кўрган экан. Дарахт акацияни (дуккакли дарахтни) эслатиб, кўрсатилган эсойда икки шунақа дарахт ўсар ва томирлари ер остида бирлашиб кетган эди. Ҳар баҳорда дарахт кўп ҳосил – мевалар берарди. Шу ерлик шайхлар уларни йиғиб, зиёратчиларга ҳадя этишар эдилар».<sup>205</sup>

Маълумотларга кўра, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳининг машҳурлиги туфайли, бу ердаги қабристонга Самарқанднинг энг чекка қишлоқларидан ҳам марҳумлар дафн этилган.<sup>206</sup> Чунки аҳоли тасавурида Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг фойзли мозори яқинида дафн этилиш ҳам шарафли деб қаралган. Шу сабабдан ҳам Соҳибқирон Амир Темур ўз яқинларини айнан Шоҳизинда зиёратгоҳида дафн эттирганлиги бежиз эмас. Бу ҳақда тарихчи Шарафуддин Али Йаздий «Зафарнома» асарида қуйидагиларни баён қилади:

«Тўнқуз йшида, етти юз саксон бешида (1383. ёзи) соҳибқироннинг ҳарам муҳтарамли Дилишод ого вафот бўлди. Ва неча кундин сўнг ул ҳазратнинг эгачиси Қутлуғ Туркон огоким, инвоъи хайр андин воқиф бўлуб эрди ва мадрасалар ва хонақоҳлар йасаб, мискину фақирлар анинг хайротидин кеча-кундуз файз топар эрдилар, ул тақи жаннати аъло сори борди ва анинг қабрини шаҳзода Қусам ибн Аббоснинг мазорига яқин қаздилар ва қўйдилар. Ва ҳазрат соҳибқиронга бу икки ҳодисадин муборак кўнгли бисёр малул бўлди ва таъзият тутуб, анча ош ва садақа бердиким, ҳисобини тангридин ўзга билмас эрди».<sup>207</sup>

---

<sup>205</sup> Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда... 71-б.

<sup>206</sup> Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX – начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и среднем Востоке в период феодализма. – М.: Наука, 1985. С.96.

<sup>207</sup> Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Сўзбоши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткич муаллифлари: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. –Т.: «Шарқ», 1997, 98-б.



Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий юришлардан Самарқандга қайтгач, даставвал Қусам ибн Аббоснинг фойзли мазорини зиёрат қилгани боришга одатланган. Амир Темур ҳаётини пухта билган XIV асрнинг моҳир адиб ва тарихнависи Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида келтирилган маълумотлар буни тўла тасдиқлайди:

*«Ойнинг йигирма иккинчисида сешанба куни (1399 йили, май ойининг бошида) фалак иқтидорли ялов баданга руҳ, танга жон киргандек, Самарқандга кирди... Ундан сўнг (Аъло ҳазрат) шаҳзода Қусам ибн ул-Аббос, – Аллоҳ ундан рози бўлсин, – зиёратига бориб унинг пок руҳидан мадад сўради, у жойдан қайтиб, ўз асрининг Робиаси ва ўз даврининг Зубайдаси бўлмиш опаси Тумон ого ҳонақоҳига келди».*<sup>208</sup>

Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг серфайз зиёратгоҳини ажойиб хислатлари ҳақида китобларда кўплаб мисоллар келтирилган. Масалан, Абу Тоҳирхожа ўзининг «Самария» номли асарида бу ҳақда шундай ёзади: *«Аммо шаҳзода Қусамнинг нур сочувчи мазорининг зиёратидан аҳли динлар ажойиб завқ оладилар. Бу шафоатли жойнинг тупроғини подшолар ўз кўзларига тўтиё қиладилар. Тажрибада кўрилгандики, ҳар бир ҳаёсиз ва нопок киши яқин ёки узоқдан у кишининг мазорига эҳтиромсизлик кўрсатса, Тангри таоло андак фурсатда унинг жазосини беради. Тангрининг элчиси, унга салом ва саловат бўлсин, азиз саҳобалари кароматларини кўрсатади».*<sup>209</sup> Бунга мисол тариқасида Мирзоолим Мушриф Қўқон хони Абдурахимбек билан юз берган қуйидаги воқеани келтириб ўтган: *«...Самарқанд дохил бўлуб, неча кун анда турди. Савдойи касалга мубтало бўлди. Охир жунунга оид бўлди. Бир нечаларни сўзи шулким, Раҳимхон гурур бирлан ҳазрат мазори Шоҳизинданинг зинапояларига от узасига савора чиқти. Бул беадаблиқдин бу касалга мубтало бўлди».*<sup>210</sup>

Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳи ўзининг бундай ажойиб хислатлари туфайли тарихчилар томонидан алоҳида эъти-

---

<sup>208</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 275-276-бетлар.

<sup>209</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария. –Т.: «Камалак», 1991, 31-б.

<sup>210</sup> Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. –Т.: «Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1995, 15-б.

бор билан тилга олинган. Чунончи, Абул Ҳакими Самарқандийнинг «Қандия» асарида бу ҳақда Шоҳизинда ҳақида жумладан қуйидаги таърифни келтириб ўтади: «Маълум бўлсинким, Ҳазрати рисолатпаноҳ Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васалламнинг муаттар ва мунаввар мазорларидан сўнг, ҳеч бир бузург мазор Шаҳзода (Шоҳизинда) Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳу мазорларидек бузург эмасдур. Зероки, ул киши Пайгамбарнинг амакизодалари бўлиб, Хожаси Оламнинг (Пайгамбарнинг) муборақ юзларини кўрган охирги киши ҳам Қусам ибн Аббосдир. Баским, зиёрат қилиши тариқаси шулдирки, аввалги тахорат ва гусли пок қилгач, Темир (Оҳанин) дарвозаси орқали зиёратгоҳга кирилур ва Муҳаммад Восъе ҳужраҳонасига кириб икки рақият намоз ўтказилур. Унда ҳожатларингизни тиласангиз муродингиз ҳосил бўлур».<sup>211</sup>

Маълумотларга кўра, Мовароуннаҳрнинг гуллаб яшнаган шаҳарларини харобага айлантирган ҳатто мўғул босқинчилари ҳам Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳига ўз эҳтиромларини кўрсатган эканлар. Жумладан, XIV асрда яшаб ўтган тарихчи Ибн Батута ҳам Самарқандга қилган сафари чоғида Қусам ибн Аббос зиёратгоҳи ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтади:

«Самарқанддан ташқарида Қусам ибн Аббос ибн Абдумуталлиб – Аллоҳ Аббос ва унинг фарзандини гариқи раҳмат қилсин! – қабри бор. Қусам ибн Аббос мазкур шаҳарни эгаллаш пайтида ҳалок бўлган. Самарқанд аҳолиси душанба ва жума кунлари оқишом чоғи шу қабрни зиёрат қилиши ниятида бу ерга келадилар. Тотор (мўғуллар) ҳам қабрни тавоф этиши учун келиб, кўплаб пул садақа қиладилар, сигир ва қўйларини қурбонлиққа олиб келадилар, дирҳам ва динор эҳсон этадилар. Буларнинг ҳаммаси зиёратчиларни боқиси, ҳамда зовия ва қутлуг хизматини қилувчиларни таъминлаш учун сарфланади. Қабр устида тўрт устунга таяниб турувчи гумбаз қурилган, бу устунларнинг ҳар бири яшил, қора, оқ ва қизил тусдаги иккитадан мармар устунлар билан беркитилган. Мақбара деворлари олтин суви юргизилган ранго-ранг қадама-нақшинкор мармар кошинлар билан беа-

---

<sup>211</sup> Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Таржимон, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифи: Комилхон Каттаев. –С.: Сўғдиён, 1994, 9-б.

тилган, томига эси қўргошин ётқизилган. Даҳмаси қадама нақшли обнус ёғочидан шиланган, бурчакларига кумуш қопланган, мақбаранинг шипига учта кумуш шамчироқ осилган. Мақбарага ип ва наMAT гиламлар тўшалган. Ташиқарисидин каттакон ариқ оқади: у қабр ёнида қурилган зовияни кесиб ўтади, унинг ҳар икки қирғоғида дов-дарахтлар, тоқ новдалари, ясмин гуллари ўтқазилган. Зовияда зиёратчилар учун жойлар бисёр. Тоторлар ҳали ўтпарасти эканликларида ҳам мана шу муқаддас мақбарага тегмаганлар, ҳатто унинг мўъжизаларига гувоҳ бўлиб сизина бошлаганлар».<sup>212</sup>

Самарқанд тарихига доир кўплаб ёзма манбаларда муаллифлар шаҳар тарихига доир муҳим воқеалар хусусида тўхталар эканлар. албатта Қусам ибн Аббоснинг зиёратгоҳи таърифидан сўз очадилар.

Бу ҳақда тарихчи Абдураззоқ Самарқандий (1413–1482) ўзининг машҳур «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» номли аса-рида келтириб ўтади: «У (Шоҳруҳ мирзо) аввало, шаҳардаги барокотли мазорлар, масалан, шаҳзода Қусам ибн ал-Аббоснинг мазори, аҳли суннат ва жамоат шайхи Оллоҳ раҳмат қилгур, Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг мазори ва бутун дунё имоми Хожи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг бузургвор мазорига ташириф буюрди ва уларнинг руҳидан мадад тилаб фақирлар ва муҳтожларга тортигу садақалар етказди ва эҳтиёжманд кишиларни хувиқату хуррам қилди. Сўнг хоқонлик салтанати тахи ва халифалик ҳам жаҳонни идора курсисида камоли улугворлик билан мақом ва ором топди».<sup>213</sup>

Ҳофиз Таниш Бухорий (тахм. 1549–1635) «Абдуллонома» аса-рида Абдуллахон II 1584 йили мазкур мазорни қандай зиёрат қилганлигини батафсил ҳикоя қилинган: «Иккинчи кун чин ниёт ва камоли иродат билан ўша мақомда ётган барокотли мазорларни зиёрат қилди ва махсус кишилар билан ниёз ва ихлос тариқасида ва фаришталар руҳонийларини васила қилиш мақсади-

---

<sup>212</sup>Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. –Т.: «Шарқ машъали» журналига илова «Шарқ баёзи». 1993. 75-б.

<sup>213</sup>Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, иккинчи қисм. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Асомиддин Ўринбоев. –Т.: «Ўзбекистон», 2008. 493-б.

да мўминлар амири Қусам ибн Аббоснинг, *Оллоҳ алардан рози бўлгмай, боргоҳ қуббасига бориб фақиру камбагалларга садақалар бериб хурсанд қилди*». <sup>214</sup>

XVI асрда яшаб ўтган турк олими Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») китобида зиёратгоҳ Шоҳизинда номи билан тилга олинса, <sup>215</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483–1530) табиий ва тарихий географик қомусий асари бўлмиш «Бобурнома»да Шоҳизинда зиёратгоҳи «мозори Шоҳ» номи билан тилга олинади: «Самарқанд ҳазрати амирул мўъминин Усмон замонида мусулмон бўлгондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда боргондур. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташидадур. Ҳоло Мазори Шоҳга машҳурдур». <sup>216</sup>

XVII асрда яшаб ўтган тарихчи Маҳмуд ибн Валининг асарида Самарқанднинг улуғ зиёратгоҳлари жумласидан дастлаб Шоҳизинда номи билан машҳур бўлган Қусам ибн Аббоснинг мозори тилга олинади. <sup>217</sup> Бундай асарлар орасида «Самария»ни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Чунончи, Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг Самарқанд мазорлари таърифи тўғрисидаги «Самария» асарида Қусам ибн Аббоснинг мозори ҳақида батафсилроқ маълумотлар келтирилган:

*«Нурга тўла Ҳазрати Шоҳ мозори. Ҳазрати Шоҳнинг муборок оти Аббос ўгли Қусам бўлиб, мозори Самарқанд қўргонининг шимол томонида, шаҳар таиқарисида, Афросиёб қўргонининг ичидадир. Қусам ҳазрат Муҳаммад пайгамбарнинг Тангрининг унга салот ва саломлари бўлсин – амакиси бўлган ҳазрат Аббоснинг – Тангри ундан рози бўлсин – ўғлидир. Онаси Ҳорис қизи ва Муҳаммад пайгамбарнинг хотинларидан бўлган Маймунанинг*

---

<sup>214</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳақимжонов таржимаси. Изоҳлар муаллифи: Б.Аҳмедов. Иккинчи китоб. –Т.: «Шарқ», 2000. 12-б.

<sup>215</sup> Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. Таржима ва изоҳлар муаллифи: Ш. Зуннунов. Таҳрир ва сўзбоши муаллифи: С.Азимжонова. –Т.: «Фан», 1963, 48-б.

<sup>216</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. П.Шамсиев, С. Мирзаев ва Эйжи Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. –Т.: «Шарқ», 2002. 54-б.

<sup>217</sup> Маҳмуд ибн Вали. Море тайн. Введение, перевод, примечания, указатели Б.А.Ахмедова. –Т.: «Фан», 1977. С.55.

синглисидир. «Таҳзиб ул-асмо» ва «Асаба дар тализи саҳоба» китобларида бордирким, Аббоснинг – Тангри ундан рози бўлсин бир хотинидан тўрт ўғил дунёга келган эди: 1) Ҳазрати Фазл. Мазори Шом вилоятида, Ярмуқ деган ўриндадир. 2) Ҳазрати Абдулло. Қабри Тоиф вилоятида (Макка музофоти). 3) Ҳазрати Убайдулло. Мазори Мадинада. 4) Ҳазрати Қусам. Мазори Самарқанддадир. Ғиёсиддин Жавҳарий ўз асарида «Аббоснинг беш ўғли бор эди» деб кўрсатади. Юқорида ёзилмиш тўрт ўғлини санагандан кейин, бешинчи ўғли Маобит исмлик эди. У Африкада кўмилган дейди. «Мадориж ин-нубуват» китобида зикр қилинган: пайгамбар ўз амакиси Аббосга ундан Аллоҳ рози бўлсин, деди: «Эртага ўғилларинг билан келгин. [Лекин] Аббос, беш ўғли бўлсада, (фақат) Абдурахмон билан келган. Пайгамбар уларга ўз чо-дирина тикиб берди ва деди: «Э Худойим, Аббос ва унинг фар-зандларини равшан ва бопин мағфиратинг билан ярлақагин, кей-ин келадиган авлодларингни ҳам ўз ҳимоятингда асра!». Тирми-зийдан ривоят қилинди. Ва Ғиёсиддин (Жавҳарий)нинг (яна) айтишича, ҳазрат Қусам пайгамбарни вафот этгандан сўнг ювганлардан бирдир. Бир ривоятда айтилишича, Қусам пай-гамбарнинг ўлими чоғида 8 яшар эди. Афту башараси ва қилиги буткул пайгамбарга ўхшаши эди. Чунончи «Ашбах ун-нос» (де-ган) ҳадисда «Менга ўхшаши яратилган», дейилган. Қусам ибн Аббосни имом Ҳасан билан эмишга бердилар ва Қусамнинг онаси пайгамбар замонида бир кеча тушида пайгамбарнинг шарофат-лик аъзоларидан бирини унинг олдига ташлаганлар. (Сўнг) у келиб пайгамбарга арз қилганда, у деди: «Яқинда пайгамбар қизи Фотима (ҳам) ўғил кўради сен уни (ҳам) эмизгин». Ҳазрат амир ул-муъминин Али (к.в.) халифалиги чоғида унинг буйруғи билан Макка шаҳрига ҳоким бўлиб турди. У шаҳид бўлгандан кейин Муовия (бин Абу Суфён) замонида унинг буйруғи билан Убайд Зиёддин сўнгра, Хуросон ҳокимлигига тайинланган уруш бош-лиқларидан Усмон ўғли Саъид кетидан Мовароуннаҳрга келди. Усмон ўғли ҳазрати Саъид яраш йўли билан Самарқандни олиб халқни мусулмон қилди. Динни кучайтирмоқ ва шарият ҳукмла-рини юргизмоқ тилаги билан Қусамни бир неча ислом кўшини билан бирга бунда қолдирди. Ҳижрийда (милодий 677 й.) кофир-лар шаҳарга ҳужум қилдилар. Самарқанд шаҳрининг намозго-ҳида Қусам эсон чиқарига ўқ тегиб шаҳид бўлди ва қутлуг гав-дасини Бану ножиа қабристониди гор ёнида кўмдилар. Тўғри

ривоят шудирким, Усмон ўгли Саъид Самарқанд эли билан урушаётганда Қусам жон чиқарига ўқ тегиб шаҳид бўлди ва Бану ножиya қабристонидида кўмилди. Алломаи Утбий «Саҳиҳи Бухорий шарҳи»да Аббос ўгли Қусамни қабри Самарқандда Оҳанин дарвозасининг яқинида Бану ножиya қабристонидидир, деб аниқлаб ёзибдир. Абу Абдулло «Тарихи Нишопур»да тўғриси Қусам ҳазратлари вафот этиб Самарқандда кўмилгандир, деб ёзадир. Бошқа ривоятга кўра, ҳазрат Қусам Ширишкент (Самарқанд музофоти) деган мавзеъда шаҳид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидин кечириб ўтказиб, Бану ножиya қабристонидида кўмдилар. Султон Санжар Мозий замонасида ўша қабристонда «Қусамия» аталган бир мадраса солинган эди. У мадраса Самарқанд кўрғони ўрнига тепа устида, Оби машҳад аригининг яқинида, кунботар томонида эди. Ҳозирда ундан бир нишона қолмагандир». <sup>218</sup>

Айтиш жоизки, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳи юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз чоғида Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида унинг номи билан боғлиқ айрим зиёратгоҳлар мавжуд эканлиги аниқланди. Хусусан, Тожикистон Республикасининг шимолий ҳудудларида Қусам ибн Аббоснинг оғанилари номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Жумладан, Ўратепанинг Намозгоҳ маҳалласида жойлашган Худоёр Валома мазорини олайлик. <sup>219</sup> 1895 йилга доир архив ҳужжатларида зиёратгоҳ «Ҳазрати Шоҳ» номи билан тилга олинади. Маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган ривоятларга кўра, бу ерда Хуросон ноиби саркарда Қутайба ибн Муслимнинг акаси дафн этилган. <sup>220</sup> Бироқ ўратепалик шоира Дилшоди Барно ушбу зиёратгоҳни «Шоҳи жавонон Шоҳ Қусам ибн Аббос» деб атайди. <sup>221</sup>

---

<sup>218</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария (Самарқанд мазорлари зикри). –Т.: «Янги аср авлоди». 2009, 132-133-бетлар.

<sup>219</sup> Ушбу зиёратгоҳ тўғрисида қараиг: Хмельницкий С.Г. Исследование архитектурных памятников Ура-Тюбе в 1959 г. Труды института истории им. Ахмада Дониша, т. 31. –Д.: 1969.

<sup>220</sup> Хамза Камол. История мазаров северного Таджикистана. Д., 2005. С.104.

<sup>221</sup> Мухтаров А. Дильшод и ее место в истории общественной мысли в XIX-начале XX вв. –Д.: 1969. С. 77.

2004–2006 йилларда Япониянинг «Нара Ипак йўли тадқиқот маркази»нинг ҳомийлигида «Ўрта Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш» номли илмий лойиҳаси бўйича олиб борилган дала тадқиқотларимиз чоғида биз ҳам айнан мазкур ва Қусам ибн Аббоснинг биродари билан боғлиқ ривоятни ёзиб олишга муяссар бўлдик.<sup>222</sup> Ривоятларга кўра, мазкур дафн этилган зотнинг асл номи Қутаб ибн Аббос бўлиб, у Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг акасидир. Айтишларича, Қутаб ибн Аббос биродарлари Қусам ҳамда Шоҳ Фазл билан жанглarning бирида ўлдирилган. Зиёратгоҳ ёнида олдинги вақтларда ҳовуз бўлган. Бироқ номаълум сабаблар билан кейинчалик қуриб қолган. Аввалги вақтларда Ҳазрати Шоҳ мазорида жойлашган намозгоҳда ҳайит намозлари ўқилган. Мазкур мазорга ҳозирга қадар бефарзандлар ва тери касаллиги билан оғриган кишилар зиёратга келишади.

Биз илмий экспедиция чоғида яна бир зиёратгоҳни кўздан кечириб эканмиз, уни ҳам маҳаллий аҳоли Қусам ибн Аббос билан боғлашлари тўғрисидаги ривоятларга дуч келдик. Мазкур зиёратгоҳ Ўратепанинг Ҳавзи сангин маҳалласида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан Шоҳ Фазл ибн Аббоснинг зиёратгоҳи сифатида эъзозлаб келинган.<sup>223</sup>

Ривоятларнинг бирида Шоҳ Фазл (Фузайл) ибн Аббос Қусам ибн Аббоснинг биродарларидан бири сифатида нақл қилинади. Айтишларича, Ҳазрати Фазл Қусам ибн Аббос билан бирга келиб шу ерда шаҳид бўлган.

Қусам ибн Аббоснинг Самарқандга келиши ва унинг шаҳид бўлиши билан боғлиқ ривоятлар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, бу ҳақда «Қандия» китобида ривоятлар нақл этилган.<sup>224</sup>

---

<sup>222</sup>2005 йилда Тожикистоннинг шимолий ҳудудидаги зиёратгоҳларни ўрганиш бўйича уюштирилган халқаро илмий экспедициянинг материаллари япон тилида чоп этилган. Бу ҳақда қаранг: Ипак йўлишунослик тадқиқот тўплами. Нара Ипак йўли кўргазмасини хотиралаш халқаро алмаштириш фонди. Ипак йўлишунослик тадқиқот маркази, Токио. 2007. № 28.

<sup>223</sup>Мухтаров А. Гузары Ура-Тюбе. –Т.: 1995. С. 139.

<sup>224</sup>Абу Ҳафс Насафий. Қандия ёхуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд. Сўзбоши, таржима ва изоҳлар муаллифи: Н.К. Норқулов. –Т.: «Минҳож», 2005, 22-32-б.

Шоҳизинда билан боғлиқ ривоятлар Амир Темур тарихига доир китобларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Мулло Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарини олайлик:

*«Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қалмоқлар ичра бир қари киши бор эрди, кўб сўзга етук эрди. Шаҳр ичра элчи киргузуб, бу шаҳр ичра масалага етук мулло бўлса чиқиб, мени бир неча сўзим бордур, келиб жавоб берсун, деб юборди. Барчалари Хожжа Исмамуллони муқаррар қилиб, қалмоқни олдига чиқордилар. Ул қари киши Хожжага айди: «чўнтакингда оғу борму?». Хожжа айди: «бордур». Қари одам айди: «нега олиб юурсан?». Хожжа айди: «мен шайхи фоний, яъни қариб қолгон кишидурман, мабодо қалмоқлар озор берса, оғу еб ўлайин дерман». Анда қари киши бирла Хожжани ўрталарида кўб раддубадал сўзлар ўтти. Қари киши айди: «Эй Хожжа, билгил ва оғоҳ бўлгил, шул вақт Амир ул муслимин, яъни мусулмонларни хони барча мамлакатларни олиб, ўзига муссахара қилубдур. Анинг ўлимига не хабар берурман? Анга уч аломат бордур. Аввалги аломат шулким, бу вилоятларда оққуш зоҳир бўлуб, архайл деб уч мартаба сайрагай, Иккинчи аломат: бир ўгул онадин туғулуб уч мартаба «олло» дегай, барча ани билуб, эшитгай. Учунчи аломат: қуёи тутулгай, юлдузлар отилгай. Бу сўзларни сенга айдим, албатта, хотирингда сақлагил».*

*Андин кейин Хожжа шаҳрни ичига кирдилар. Аммо Самарқанд одалларини қалмоқ кўб зикликга олди. Ул вақт ҳазрат Шоҳизиндани устилари ва Чўпон отани муборак қабрларини қалмоқлар олиб, Шоҳизиндани қудуқларини ичига кўб нажосатларини ташлаб эрдилар. Бир кеча қалмоқларга тўсиндин гавго тушиб, тоқат қилолмай, ул ердин қочтилар. Самарқандликлар кўрдиким, қалмоқлар ул ердин кўчубдур. Бир нечалари ишиб ўлуб ётурлар, кўрсаларким, юз минг-минг илон ул мавзеъдаги тефада юрурлар. Аммо мусулмонларга дохил қилмас эрди. Бир қалмоқни топиб, бу ишни сирридин сўрдилар. Ул айди: «Бу қудуқ ичра нажосат ташлаб эрдук, бу илонлар мундин чиқиб бизларга қасд қилди». Аммо ҳеч киши ул қудуқни сиррини билмадилар. Яна қалмоқлар Самарқандга қасд қилдилар. Мусулмонлар қўрқувда эрдилар. Ногоҳ, субҳ вақтида бир оққуш келиб, овоз қилиб, «архайл, архайл, архайл» деб фарёд қилиб эрдиким, ул кун қалмоқларга қўрқув пайдо бўлуб, бирорта қолмай қочиб кеттилар. Хожжанинг кўнглига қари киши айтгон сўзи келди. Ул қушини кейнидин бир лак қуш келиб, барчаси сукутда бўлуб, андин кейин ул қушлар илонларни тум-*



ишлари бирла териб олиб, қудуқни ичига ташиладилар. Ўзлари ҳам қудуқни ичига кириб гойиб бўлдилар. Ул тонг вақтидаги қуши яна «архайл, архайл, архайл» деб кўздин гойиб бўлди. Аммо Амир Темури Соҳибқирон Румни ҳам ўзларига тобеъ қилиб, қалмоқлар Самарқандга келиб, қамалга олганини эшитиб, тезлик билан Мовароуннаҳр ва Туркистонга келиб эрдилар. Самарқандликлар эшитиб истиқболга чиқтилар. Амир Соҳибқирон асбасая даб-дабаю шон-шавкат билан Самарқанд ичра кириб, ўз тахтларига жулус айладилар. Ҳазрат Амир Темури Соҳибқиронни олдиларида қудуқ воқеасини билган кўрганларини баён қилдилар. Андин кейин Амир: «Қудуқни сиррини ҳеч ким билгаймۇ?», деб сўрдилар. Мунинг воқеасини хабар берувчи киши топилмади. Атрофга эсарчи қўйдилар. Ул замонда оти Ҳидо деган бир йиғит бор эрдиким, ҳар илмдин хабардор эрди, ўзи ҳам паҳлавон, ҳар ишга баҳодур эрди. Ул Амир Соҳибқиронни хизматларига келиб, салом қилиб қўлини ашиф-лом қилиб, айди: «Эй Амир Соҳибқирон, вэй Искандари Соний, мен фақирингиз, «Тарихи Таборий»да кўруб эрдим, саҳобалардин Қусам ибн Аббос отлиг киши кофирлар билан жанг қила-қила, бул горга кириб гойиб бўлгандур, ҳали ҳам тирик эрмиш дерлар». Амир Соҳибқирон анга айдилар: «Эй йиғит, бу гор ичра ўзунг кириб, бизларга бору йўқини маълум қилгил». Ул йиғит қабул қилмади. Амир анга кўб олтилар ваъда қилиб, илтижо қилдилар. Яна айдилар, бу мавзени зиёратгоҳ қилсак, мундай оёғ ости бўлмас. Сўнгга Ҳидо ноилгож қабул қилди, ани қудуқни бошига келтуруб, белни арқон билан боғлаб тушурдилар. Етмиш газлик ерга боргонда арқон бўшолди. Билдиларки, Ҳидо қудуқни остига етти. Ҳидо кўзини юмуб, соатидин кейин очиб қараса, бир тарафдин гордин андак йўл бордур, андин кейин баҳодурлик билан юрүб бир ерга равшан ва ёруғликқа келди. Анда эшик очуқ турур, кўрсақим, ҳайҳот боғи аъзим жилва берди. Турлу-турлу емишлар пишган, андин кейин тамошио қилиб, гўё Боғи Эрамга ўхшар, бир ерга келса, икки арслон бир йиғочга бойлуқ турур. Андин кейин боғ ичра яшил кийүмлик икки кишини кўрди, табақда таъом келтуруб, иккала арслонни олдига қўйдилар. Арслонлар таъомга машғул бўлдилар. Алардин баҳодурлик билан ўтуб, бир ерда ҳовузи кўрдиким, тўла сут турур. Аммо ҳовузни атрофидаги дарахтларининг узвида минг-миг илонлар ўролиб ётур. Илонлар келиб, сутдин ичиб турурлар. Ул мавзедин ўтуб, бир ерга келса, одамни овози келур. Анинг қошига келиб сўз сўрои.

Ул айди: «Кечаси қоронғуда юруб, билмай қудуқни ичига йиқилиб тушиб қолдим, андин кейин бул ерга келдим, бул йиғоч белимдин ушлаб қолди». Кўрсаки, дарвоқеъ йиғоч белидин қисиб қолибдур. Хоҳласаки, бу сирни анга сўзласа. Ногоҳ ҳаводин яшин келиб, ани кўйдуруб юборди. Ҳидо мунни кўруб, кўнглига қўрқув тушиб, секин-секин ўзга тарафга юрди. Бир ерга келса, гунбаз кўрунди. Анга борса Қуръон тиловат қилиб овози келур. Ул ерда Ҳидо баҳри ҳайратда бўлуб турур эрди. Соатидин кейин юз-юз етмиш киши, барчалари оқ кийимлик, етиб келдилар. Гунбаз ичидин бир йиғит чиқти, қора соқол, ёнида яна бир киши полос келтуруб солди. Фузалолари полосни устига ўлтурдилар. Андин кейин яна етти киши келдилар, барчалари яшил кийимлик, соати ўтуб, пўшпўш овози келаверди. Ҳидо кўрсаки, қирқ бир киши ҳозир бўлдилар. Аларни ичида бир йиғит қора отга сувора ўлуб келур, Олдида нуроний кишилар зикр айтиб келурлар. Барчалари ул йиғитни жиловидадурлар. Отдин тушуриб, барчадини тоқори ўткуздилар. Ҳар тарафдин сўзлашиб ўлтурдилар. Ул йиғит айди: «Дунёдин ҳеч хабарларингиз бўлдимү?». Айдилар: «Бул ерга бир йиғит келубдур». «Бери олиб келинглар». Бориб олиб келдилар. Ҳидо ул зоти боборакотга салом қилиб, таъзим бирла қўлин алиф-лом қилиб турди. Ул зот айдилар: «Қандай одамсан, бул ерга нима учун келдинг?». Ҳидо тавозеъ бирла айди: «Эй тақсир афандим, Амир Темур Соҳибқирон султониимиз амири бирла бул ерга туштим». Ул азиз айдилар: «Дунёдин нима сўз келтурдинг?». Бул айди: «Ер юзида Амир Темур Соҳибқирон барча мамлакатларни ўзига мусаххара қилубдур. Эмди сизни маълумингизни билмоқега ул мени бул ерга тушурубдур». Ул зот айдилар: «Эй йиғит, билгил, мени Шоҳижавон дерлар, отим Қусам ибн Аббосдур, ҳазрат Исо пайгамбарни нозуларигача тирик бўлурман. Буларни кўрдинг: барчалари рижол ул гоийиб, яъни гоийиб эронлардурлар. Ҳар жасмоға охишом бизни зиёрат қилмоқ учун келурлар. Буларни бошлиқлари Қатабдурлар. Эмди сендин бир неча сўзларни дунё вазҳидин сўргайман: «Халойиқ намоз ўқурму?».

Ҳидо айди: «ўқурлар». Яна айди: «Масжид ичра жасмоат бўлурму?». Ҳидо айди: «оре». Яна айди: «Рўза тутарму?». Ҳидо айди: «бир ой рамазон шарифда рўза тутарлар». Ул зоти шариф яна айдилар: «алҳол, нозулу Исо хуружи Дажжол йироқдур». Яна айдилар: «Эй Ҳидо, бул ерга нимага келдинг, бу билган сиррингни сақламасанг, куйуб кул бўлгайсан, эмди мундин чиқ-

санг, бу сирни ҳеч кишига айтмагил». Ҳидо туруб анда фарёд қилиб айди: «Эй тақсир афандим, агар бу сўзни айтмасам, Амир Темури мени пора-пора қилгай, нима иложе қилурман», деб зори қилиб йиғлайверди. Анда Шоҳижевон айдилар: «Эй Ҳидо, Амир Темуридин «кўб ҳусуллиқ» ер талаб қилгил авлод-авлодингга қолгудек, лекин бу сирни айдинг, аъзонгга нуқсон бўлгай, яъни кўр бўлурсан, яна сендин туғулгон авлодларинггача кўр бўлурлар, қиёматгача бу иш боқий қолур, бул ишинг. Амир Темуридин дунё таъма қилдинг, холисонлилло қилмадинг, нуқсонлиқинг андиндур». Яна Ҳидо йиғлайберди, яна айдилар: «Ҳашир кунда барчадин илгари Олло таолони жамоли бокамолини кўргайсан». Ҳидо бу ишоратни эшитиб, йиғламоқдин андак таскин топти. Ҳидони қўлига бир қутти бердилар, «муни Амир Темурига бергил», деб. Бу йиғитни олиб бориб қўй, деб бир сўфига буюрдилар. Ул қудуқни остига бир дамда келтуруб қўйди. Арқонни белига боғлаб эрди, арқон ҳаракатга келгандин кейин қудуқни бошида турган кишилар тортиб олдилар. Андин кейин Ҳидони Амир Соҳибқиронни олдиларига олиб келдилар, барча одамлар талошгога келдилар. Амир Ҳидодин савол қилдилар: «Нима сир кўрдинг?». Ҳидо айди: «Қудуқни ичига кируб, ушбу қуттини топтим, ўзга ҳеч нимарсани билмадим», деди. Амир Соҳибқирон яна ўз ихтиёрига қўймай, яна сўрдилар, ноилож айди: «менга кўб-кўб дунё керак, печукким, мен сўқур бўлгаймен, яна авлод-авлодларим инқирози оламгача сўқур бўлгайлар». Амир Соҳибқирон айдилар: «мендин нима талабинг бор, тилагил». Ҳидо айди: «кўб ер бўлса, барчаси ҳусуллиқ бўлса». Амир буюрдилар, бир яхши югурук от келтуруб бердилар. Амир айдилар: «бу отга мингил, қай ерни хоҳласанг, кўргил, чарчаб ҳоргунча қанча бўлса, анинг барини сенга бердим», деб марҳамат қилдилар. Ҳидо дарҳол отга миниб, хоҳлаганича ерни кўруб келди. Амир Соҳибқирон ашинг авлодига вақф қилиб, хат муҳрлаб бердилар. Андин кейин Ҳидо кўрган-кечурганларини, ҳазрат Шоҳижевонни айтгон сўзларини Амирига бошидин баён қилди. Ушбу залмон кўзидин дурра ёш тўкулуб кўрмас бўлди. Сўнгра Амир қуттини келтуруб очиб кўрсалар, бир қитъа қозоғ ичига бир алиф, бир зол, бир жим ҳарфи ёзиллиши. Андин ўзга нимарса йўқтур. Барчалари тахаййир бармоқин тишлаб, ҳар ким ўз хаёлларига келган сўзни айдилар. аларни сўзи Амир Соҳибқиронга маъқул бўлмади.

Умарою физзалмонага маъқул бўлса, фақир муаллиф ҳам бир сўз айтиб ўтгай. Маълум бўлсунким, алиф ҳарфи бирдур, зол

ҳарфи етти юздур, жим ҳарфи уч турур. Амир Темур оламдин ўтгадин кейин, етти юз уч ё тўрт йилдин кейин бир аломат зоҳир бўлса керак. Яна алиф маънисин ҳар ким бу дунёга келди, зол маънисини иштоб ила кетмак, жим маънисини ҳар мўмин-мусулмон киши мустаъидул мавт бўлмоқ керак. Алқисса, андин кейин ул қудуқни беркитиб иморати олий қилиб, гулбаз кўтариб, айвони кайвон қилдуруб, қирқ зина бирла кўтариб, зиёратгоҳ қилиб, анга мунаққаш ғиламларни тўшаб қўйдилар». <sup>225</sup>

Албатта, Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда зиёратгоҳи ҳақидаги бундай афсонавий ҳикоялар бўрттирилиб нақл қилинса-да, бироқ ҳар доим кишиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Зеро, улўғлар қабрини зиёрат қилиб, чин дилдан Аллоҳга илтижо қилиш туфайли турли мусибатлардан халос бўлишга қатъий ишонч кишиларни доимий тарзда зиёрат қилишга бўлган хоҳиш-истакларини ўстириб борган.

Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорийнинг «Тарихи муллозода» аса-рида бу ҳақда жумладан шундай дейилган: «Билгилки, Ерюзида уламои дин ва шайхларнинг, уларнинг барчасига Аллоҳнинг раҳ-мати бўлсин, пок руҳлари ва муқаддас машҳадлари (мозорла-ри)га яқинлашиши шак-шубҳасиз баракотти зиёда қилишига сабаб бўлади ҳамда дин ва дунё саодатига етказувчи восита санала-ди. Ва бу моҳият муваффақияти мурод-мақсадларга эришиши ва даражотга етишишининг аломатидир». <sup>226</sup>

Маълумки, Ўрта Осиёда қадимдан сақланиб қолган зиёрат-гоҳлар ичида энг кўп тадқиқотлар айнан Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда ансамбли билан боғлиқ бўлган. Айниқса Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда тарихидан маълумот берувчи XIX-XX аср-га доир илмий адабиётларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. <sup>227</sup>

---

<sup>225</sup>Темурнома. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи: Поён Равшанов. –Т.: «Чўлпон». 1990. 321-324-бетлар.

<sup>226</sup> Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. «Муъин ал-фуқаро». Тарихи муллозода («Бухоро мазорларини зикри»). Сўзбоши, форс тилидан таржи-ма, изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Б.Аминов. –Т.: «Янги аср ав-лоди», 2009. 18-б.

<sup>227</sup>Бу ҳақда қаранг: Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии. СПб., 1865; Крестовский В. В гостях у эмира Бухарского. СПб., 1887; Лапин. С.А. Шахи-Зинда и его намогильный памятник. Справочная книга по Самаркандской области. вып. IV. 1896. отд. IV; Вяткин В.Л.

Гарчанд ёзма манбаларда Қусам ибн Аббоснинг Самарқандда дафн этилгани таъкидланса-да, собиқ Советлар даврида бу мавзуда ёритилган тадқиқотларда юқоридаги мулоҳаза гумон остига олинган.<sup>228</sup> Ҳатто ўша даврдаги атеистик мазмундаги адабиётларда Шоҳизинда зиёратгоҳи «сохта қадамжо» сифатида қаралиб, уни зиёрат қилувчилар ҳам танқид остига олинган эди.<sup>229</sup>

Тадқиқотчилар эса кўп ҳолларда Шоҳизинда мажмуасининг бадиий меъморий қурилиш услубига кенгроқ эътиборини қаратган эдилар. Масалан, таниқли меъморшунос олим Пўлат Зоҳидов бу ҳақда жумладан шундай ёзади: «Самарқанд шаҳрининг машҳур меъморий ёдгорликлари ичида Шоҳизинда ансамбли алоҳида ўрин тутади. Уни минг йиллик

---

Самаркандские легенды. Справочная книга по Самаркандской области, вып. V, 1897; Жуковский В.А. «Живой царь», Легенда. Литературное приложение к ж. «Нива», 1898, №2; Панкратьев Г.А. Исторические памятники Самарканда, Самарканд, 1910; Масальский В.А. Туркестанский край, СПб., 1913; Виноградова А.А. Мавзолей-восьмигранник в ансамбле Шахи-Зинда в Самарканде. МИТАУ, –М.: 1950; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. –Т.: 1958; Пугаченкова Г.А. Мастера Среднеазиатский архитектуры XI-XVII вв. Искусство зодчих Узбекистана. Вып. III. –Т.: 1965; Ноткин И.И. Развитие структуры однокупольного сооружения XIV – нач.XV вв. в ансамбле Шахи-Зинда. АН, 13. –М.: 1961; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., Т. I. –М.: 1963; Немцева Н.Б., Шваб Ю.З. Шахи-Зинда. –Т.: 1963; Немцева Н.Б. Раскопки на ансамбле Шахи-Зинда в Самарканде // СА, 1964. № 1; Шишкин В.А., Надписи в ансамбле Шахизинда. – «Зодчества Узбекистана. Материалы и исследования, вып. II. Ансамбль Шахизинда», – Т.: 1970; Акимусшкин О.Ф., Иванов А.А., К чтению надписей с именами мастеров на мавзолеях Шах-и зинда // История и культура народов Средней Азии. М.: Наука, 1976; Маньковская Л.Ю. Мемориальное зодчества Средней Азии. // Художественная культура Средней Азии IX – XIII веков. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. 1983.

<sup>228</sup>Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда ... 43-б.

<sup>229</sup>Бу ҳақда қаранг: Аҳмедов Н. «Муқаддас» ва «қадамжойлар»нинг пайдо бўлиши ва зарарлари. –Т.: 1960; Саксонов Т. «Муқаддас» жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. –Т.: 1984.

архитектураси ривожидан дарак берувчи ноёб музей деса бўлади. Археологик текширишлар натижасида Шоҳизинда территориясида яна ҳам қадимгироқ бинолар қолдиқлари борлиги аниқланди. Хуллас, Шоҳизинда атрофини ҳали очилмаган тарихий муаммоларнинг мислсиз хазинаси деб таърифлашади».<sup>230</sup>

Албатта бундай таърифлар асосан Шоҳизинда мажмуасининг меъморчилиги хусусида айтилган бўлиб, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) хусусида аксинча фикрларни кўриш мумкин:

*«Ўрта Осиёда жумладан, республикамиз территориясида халқ орасида «муқаддас жой», «қадамжос», номи билан шўҳрат қозongan зиёратгоҳлар оз эмас. Бундай жойлар ўзининг келиб чиқиши ва шаклланиши тарихи билан бир-биридан фарқ қилади. Буларнинг ҳаммасига бир хилда, бир ўлчов билан қараш нотўғри бўлганидек, барча қадамжоларни ҳам «муқаддас жой» деб бўлмайди.*

*Масалан, Самарқанднинг ҳуснига ҳусн баҳи этувчи нодир архитектура обидаларидан бири Шоҳизинда ансамблининг шаклланиши хурофий ривоятлар билан боғлиқ бўлса-да, аммо у амалий санъат ва халқ меъморчилигининг тенги йўқ дурдонаси ҳисобланади. Бу тарихий обида Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос шахсияти билан боғлиқ. Қусам ибн Аббос араб лашикарлари билан бирга Самарқанд оташпарастларини ислом динига киритишда олиб борган жангларда қатнашиб, гўё ғолиб бўлади. Кейинчалик эса ғойиб бўлган жой ўрнида қабр пайдо бўлиб, унинг атрофида бутун бир қабристон ташкил топади. Аммо бу ерда ўтказилган археологик қазималар натижаларига кўра, Афросиёбнинг Шоҳизинда районида VI–VII асрларда, арабларга қадар ҳам шаҳар қабристони бўлган экан».*<sup>231</sup>

Шоҳизинда зиёратгоҳининг пайдо бўлиши тўғрисидаги бундай қарашлар замирида, ўз навбатида, мутахассислар томонидан зиёратгоҳда дастлаб исломдан аввалги Сиёвуш илоҳи би-

---

<sup>230</sup>Зоҳидов П. Зеб ичра зийнат. –Т.: «Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1985, 99-б.

<sup>231</sup>Немцова Н. Сохта қадамжолар // Сирли олам. Тўртинчи тўплам. –Т.: 1988. 108-б.

лан боғлиқ эътиқодлар мавжуд бўлган деган фикрлар ҳам асос бўлган дейиш мумкин.<sup>232</sup>

Таъкидлаб ўтиш керакки, атеистик мазмундаги асарларда зиёратгоҳларга ишонувчи кишилар руҳиятида муқаддас мазорлар ва анъанавий урф-одатларга, ҳамда азиз-авлиёларга, жумладан, Қусам ибн Аббос шахсига нисбатан ҳам салбий фикр ва тушунчаларни шакллантириб, атеистик дунёқарашни сингдириб бориш кўзланган эди. Собиқ Совет ҳукумати кишиларга муқаддас зиёратгоҳлар, жумладан, Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) мазорининг салбий таъсирини илмий тарзда кўрсатиб бериш учун дин, тарих, тиббиёт, адабиёт фанининг етук мутахассисларини жалб қилиб, уларнинг атеистик мазмунда ёзилган асарларидан кенг фойдаланиб келинди ва натижада муқаддас зиёратгоҳлар коммунистик мафкура ва атеизм нуқтаи назаридан ноҳолис талқин этилди. Шоҳизинда зиёратига келган ҳамюртларимиз «дин ва жаҳолат тузоғига илинган одамлар», деб аталди.<sup>233</sup>

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, муқаддас зиёратгоҳларга эътибор тубдан ўзгарди. Ўзбек халқининг йирик мутафаккирлари жумладан, ислом дини уламолари, тариқат намёндалари бўлган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд сингари улғузотларнинг таваллуди муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари фикримизнинг яққол далилидир.

---

<sup>232</sup>Бу ҳақда қаранг: Кнозоров Ю.В. Мазар Шамун-наби (Некоторые пережитки домусулманских верований у народов Хорезмского оазиса) // СЭ. 1949. №2; Сухарева О. А. к вопросу о культе мусулманских святых в Средней Азии // Труды Института истории и археологии. Том II. –Т.: Издательство АН Уз. 1950; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. –Т.: 1960; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. –М.: Мысль, 1970; Ремпель Л.И. Об отражении образов Согдийского искусства в исламе ( К вопросу о культах Шахи-Зинда, Хазрет-Хызра и Ходжа–Данияра в Самарканде) // Из истории искусства великого города. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1972; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. –М.: 1983.

<sup>233</sup> Фозилов И. Зарарли одатлар. –Т.: 1961, 82-б.

Мустақиллик даврида азиз-авлиёлар билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар тўғрисида китоблар, илмий мақолалар мунтазам равишда чоп этилиб келинмоқда. «Ипак йўли афсоналари», «Бухоро авлиёлари тарихи», «Бухоро афсоналари», «Нажмиддин Кубро», «Валий волидалар», «Гўри Амир мақбараси», «Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиб», «Баҳоуддин Балогардон», «Ҳожа Аҳрор тарихи», «Махдуми Аъзам», «Ҳазрати Полвон пир», «Ўзбекистоннинг исломий зиёратгоҳлари» асарлари шулар жумласидандир.<sup>234</sup>

Шу ўринда Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳи тарихига оид истеъдодли тарихчи Комилхон Каттаевнинг тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш лозим.<sup>235</sup> Жумладан, К.Каттаевнинг «Шоҳизинда – Қусам ибн Аббос тарихидан нақллар» деб номланувчи рисоласида Шоҳизинда – Қусам ибн Аббоснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги маълумотлар берилган. Шу сабабдан мазкур китобдан айрим маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқчимиз:

«Зиёратгоҳ – қабрхона, зиёратхона, масжид, ер ости чилла-хонаси ва эски минора қолдиқларидан иборат. Мақбарага кираверишдаги эшик устига ушбу ҳадис ёзилган:

«Арабий, ҳошимий, қурайший, Макка ва Мадина пайғамбари (с.а.в.) деди: «Қусам ибн Аббоснинг юз тузилиши ва хулқи менга жуда ўхшашдир».

---

<sup>234</sup> Ипак йўли афсоналари. –Т.: 1993; Йўлдошев Н Бухоро авлиёлари тарихи. – Бухоро., 1997; Жўраев М, Саидова Р. Бухоро афсоналари. –Т.: 2002; Комилов Н., Нажмиддин Кубро. –Т.: 1998; Муҳиба Саййид Ҳасан қизи. Валий волидалар –Т.: 1999; Бердимуродов А. Гўри Амир мақбараси. –Т.: 1996; Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиб. –Т.: 1996; Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. –Т.: 1993; Валихожаев Б. Ҳожа Аҳрор тарихи. –Т.: 1994; Илёсхон Ғозий. Махдуми Аъзам Имом ал-Қосоний.–Т.: 1996; Раҳимов И. Худойбергандов К. Ҳазрати Полвон Пир. – Хива., 1999; Ртвеладзе Л, Ртвеладзе Э. Мусульманские святыны Узбекистана. –Т.: 1996.

<sup>235</sup> Бу ҳақда қаранг: Қусам ибн Аббос ривояти. «Мерос» газетаси. 1991, август; Зикри мазори Шоҳизинда. «Овози Самарқанд» газета, 1992, 30 апрел; Шоҳизинда. «Зарафшон», 2004й. 26-октябр; Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда – Қусам ибн Аббос тарихидан нақллар. – Т.: «Фан», 2007.



Эшикнинг ўзига эса: «Амали устод Юсуфи Шерозий, 807 (1404) йил» деб ёзилганлигига қараганда, Амир Темурнинг Эрон юришидан келтирган устанинг номи эканлиги аниқланади.

Зиёратхонага масжид орқали ўтилади. Масжид меҳробида ва зиёратхона шифтлари айланасида «Қуръони карим»нинг «Моида» ва «Тавба» сураларидан оятлар ёзилган. Зиёратхона ва Шоҳизинданинг қабрлари жойлашган гўрхонани эшик ва панжарали дераза ажратиб туради. Панжарали нақшин деразанинг устки қисмида ҳам худди дарвозада ёзилгани каби яна айнан ўша «Ашбеҳаннос» ҳадиси келтирилган. Панжара ўртасида тамға-муҳр шаклидаги жойда кичик ёзувлар мавжуд бўлиб, қуйидаги рубоий ёзилган:

*Зулмати дил зи тавфи ту ҳардад зоил  
Қобил бошад аз тавфи ту ҳар ноқобил.  
Шоҳон сар ба сари остонаат оранд,  
Мақсуди ду олам аз ту шавад ҳосил.*

Таржимаси:

*Кўнгли зулмати зиёратингдан соқит бўлар,  
Ҳар ноқобил сениг зиёратингдан қобил бўлар.  
Шоҳлар ўз бошларини остонагда ҳам қиларлар,  
Икки дунё мақсуди сендан ҳосил бўлар.*

Гўрхона нисбатан кичик хоначадан иборат бўлиб, унда Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг қабрлари жойлашган. Қабртош қимматбаҳо, уст-устига қўйилган тўрт қаторли рангли тошлардан ясалган бўлиб, уч қаторида кошиний олтин суви юритилган ҳарфларда ёзувлари мавжуддир. Қабртошнинг шимолӣ буржида: «Ушбу марқад охирги пайғамбар, сайидалмурсалин, дунёлар эгаси элчисининг амакизодасиникидир». Жанубий буржида давоми ёзилган: «Мусулмонлар амири Қусам ибн Аббос, розияллоҳу анҳу, ҳар иккисини Оллоҳ бизнинг ишларимизга шафеъ қилсин. 57 (677) йилда вафот (шаҳид) этилди». Қабртошнинг юқори қисмида Қуръони каримнинг Бақара сурасидан 154 - оят келтирилган: «Ва Оллоҳ йўлида ҳалок бўлган шаҳидлар ҳақида: «Булар ўликлар», демангиз! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар». Назаримизда, айнан ушбу ёзувлар Қусам ибн Аббоснинг кейин-

чалик «Шоҳизинда» деб аталишларига асосий туртки берган кўринади.

Ўрта қисмида шундай ёзилган: «Ушбу (сарой) саройларнинг олийси бўлиб, кўнгилларни яшнатувчи жаннатдирким, ўзидан нур таратиб, мусулмонларни ўзига жалб этади. «Унинг тагидан жаннат дарёси оқади» ва ҳоказо, охиригача».<sup>236</sup>

К.Каттаев мазкур китобида Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) тарихига доир қадимий қўлёзма, тошбосма манбалар ҳамда архив материаллари асосида кўплаб маълумотлар тўплашга муяссар бўлган. Бу эса ўз навбатида, ўқувчиларга Қусам ибн Аббос ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқарли маълумотлар билан таништириш имконини беради. Муаллиф ўз асаарида Қусам ибн Аббос ҳақида, жумладан, қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади:

«Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда)нинг ислом оламида хизмат даражалари ва ҳурматлари шундайким, аввало пайғамбар (с.а.в.)нинг яхши кўрган амакиваччалари бўлиш билан аҳли байтга алоқадорликлари, иккинчидан, пайғамбар (с.а.в.)га жуда ўхшаганликлари туфайли ўзлари ҳақида алоҳида ҳадисга мушарраф бўлганликлари, учинчидан, пайғамбар (с.а.в.)ни ғусл этганлардан бири бўлганликлари ва тўртинчидан, бу дунёда пайғамбар (с.а.в.)ни кўрган охирги киши эканликлари учун ҳам мартабалари ниҳоятда улуғдир. Бизнинг халқимиз учун эса ислом дини, илми ва маданиятини юртимизда илк ёйганлари учун ҳам рутбалари жуда баланд.

Қусам ибн Аббос ҳақида манба жуда кам. Шунга қарамай, эътиборингизга турли каттаю кичик, ривоятотомизу золибий манбалардан топилган ҳамда Қусам ибн Аббос тўғрилирида ёзилган нақл ва ривоятларни ҳавола қилдик. Нақлу ривоятларнинг аксарият қисми тарихий ҳақиқатдан иборатдир.

Энди, манбаларга назар ташлаймиз.

Ан-Насафийнинг «Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» асаарида ёзилишича, Расулulloҳ (с.а.в.) Арафотдан қайтардилар, шунда ул зот уловларини миниб келаётган бўлиб, ортларига Фазл ибн Аббосни, олдиларига эса Қусам ибн Аббосни мингаштириб олган эдилар.

---

<sup>236</sup> Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда ... 40-42-б.

Абдуллоҳ ибн Аббоснинг озод қилган қуллари бўлмиш Икрима Хуросон ноиби Маҳмуд ибн Муҳаллаб ибн Абу Суфра ҳукмронлиги даврида Самарқандга келган эди. Икрима қуйидаги ҳадисни Ибн Аббосдан ривоят қилган: «Расулulloҳ (с.а.в.) Фазл ибн Аббос бирлан Қусам ибн Аббосни уловларига мингаштириб олдилар. Шунда улардан бирини олдиларига, иккинчисини эса ортларига ўтқаздилар».

Қусам ибн Аббоснинг ислом оламидаги яна бир улуғ даражалари шуким. Он Ҳазрат пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларидан сўнг ул муборак зотни ғусл қилган, қабрга қўйган ҳамда ушбу дунёда охириги марта кўрган киши эдилар. Бу воқеани Мавлоно Муъин бин Ҳожи Муҳаммад «Маъориж ун-набуват фи мадориж ул-футуват» китобида шундай ёзади.

*«Оварданд, ки чун амри гусл ва такфин тааллуқ бо аҳли байт гирифт, Аббос (р.а.) фармуд, ки то дар ҳучраи ҳумоюнро бар рӯи мардули бегона дар банданд. Баъд аз он хостанд, ки ба гусл машгул шаванд. Ногоҳ шахсе аз беруни ҳучра овоз дод, ки: «машуед вайро, ки тоҳири мутаҳирот ва эҳтиёчи ба гусл надорад». Ҳарчанд таъҳис карданд, қошро надиданд. Баъд аз он шуниданд, ки дигаре гуфт, ки: «бишӯед Он Ҳазратро, қоили аввал иблис буд ва ман Хизрам...».*

Таржимаси:

«Келтирибдурларким, аҳли байт учун ҳам (мурдани) ювиш ва кафанлаш учун амр вожиб бўлгач, Аббос (р.а.) буюрдиларки, муборак хужранинг эшиги бегоналардан ёпилсин. Шундан сўнг, ғусл ишларига киришишди. Ногаҳон, ташқаридан нотаниш кишининг овози эшитилди: «Ул зотни ювмангизким, поку тоза ва муборакдир ва ғуслга эҳтиёжи йўқдир». Ул шахсни ҳарчанд сўзидан қайтармасаларда, иқроридан қайтмади. Баногоҳ бошқа кимса овоз бердилар: «Он Ҳазратни ювингизким, аввалги овоз берган иблис эрди ва мен Хизр(а)ман...»

Ўша асарда яна таъкидланишича, (Пайғамбар вафотларидан сўнг), Али (к.в.) ва Аббос (р.а.) ҳамда ул зотнинг ўғиллари Фазл (р.а.) ва Қусам (р.а.) ва Асом бин Зайд ва Он Ҳазратнинг озод қилган қуллари Шақрон лақабли шахслардан ташқари, ҳеч ким муборак (жасад ётган) хужрага кирмайди. Парда тортишиб, ул сарварни (пайғамбарни) парда ичига киритдилар ва уларнинг орасида яна бир масалада ихтилоф пайдо бўлади: Пайғамбар алайҳиссалоту васалламни (бу дунёдан у дунёга) «сайр этувчи

мурда қабр барча либосларини ечиб мужаррад ҳолда ювиш керакми ёки кийимлари кийилган ҳолда ювиш керакми?»– деган савол ўртага тушади. Уларда турли фикрлар ғолиб бўлиб турганда, ногоҳ ҳужранинг бурчагидан яна овоз эшитилиб... уларни тўғри йўлга солади.

Алқисса, Аббос (р.а.) ҳужра эшигини маҳкам ёпишни буюрганларида, ташқаридаги ансорийлар фарёд кўтаришиб, дедилар: «биздан ҳам бир вакилни сайлаб ҳужрага киритингиз, токи биз ҳам ушбу савоб ишдан қуруқ қолмайлик». Шундан сўнг, улар орасидан Авс Ансорийни сайлашиб ҳумоюн ҳужрага киритишади.

Ҳазрати Али (к.в.) пайғамбар (с.а.в.)нинг жасади муборакларини бағирларига олиб оҳиста-оҳиста қўйлақлари ичидан юва бошлайдилар. Асома бин Зайд ва Шақрон сув қуйиб туришар, Аббос ва ўғиллари Қусам эса ул зоти муқаддаснинг муборак жасадларини бир томондан иккинчи тарафга айлантириб туришар ва шул тариқа ғуслни амалга оширишар эдилар.

Пайғамбар (с.а.в.) қабрлари қовлангач, Ҳазрати Аббос, Али, Уқайл, Фазл, Қусам, Шақрон, Асома ва Авс Ансорийлар қабрга тушишади. Ҳайбар фатҳиясида Расулуллоҳга етишган Шақрон қабр ичидаги тупроқни гоҳо ўзига тортиб, гоҳо ёйиб текисларди. Айтишларича, қабр тупроғини Он Ҳазрат (с.а.в.) васиятлари бўйича, Шақрон ёйган экан.

Қабрга гиштларни териб чиқишаётганда Шақронни қабрдан тортиб олишади. Айтишларича пайғамбар (с.а.в.) қабрларига қўйилган гиштларнинг сони тўққизта бўлган экан. Ва пайғамбар (с.а.в.) қабрларидан охирги чиққан киши – Қусам ибн Аббос эдилар.

«*Маорижул-набуват фи мадорижул-фатуват*» асарида келтирилишича, тарихчи тазкиранавис олимларнинг баъзилари ўз китобларида Қусам ибн Аббосдан нақл келтириб ёзишганким, Қусам (р.а.) айтган: «Он Ҳазрат– пайғамбаримиз (с.а.в.) жасадларини қабрга қўйган ва ул зотнинг муборак юзларини бу дунёда охирги марта кўрган киши – мен эдим. Қабр ичида Он Ҳазратнинг лабларига назар қилсам, улар пичирлар эди. Қулоғимни оғизларига яқинроқ олиб бордим. Эшитсам: «*Рабби умматил! Рабби умматил!*» яъни, «Аллоҳим, умматимни (мағфират қил!)» деб зорланиб, Парвардигордан умматларига раҳм-шафқат сўраётган эканлар».

Абдуллоҳ ибн ал-Аббос (р.а.)дан ривоят қилинишича, Қусам ибн ал-Аббос ярадор бўлган чоғларида Абдуллоҳ ибн ал-Аббосга вафот этажаклари хусусида хабар қила туриб: «Туғилган ерим вафот этаётган жойимдан нақадар узоқ. Маккада туғилиб, Самарқандда вафот этаётирман». –деб айтган эканлар. Бу далил ҳам ул зотнинг барҳаёт бўлмай, яраланиш туфайли ҳаётдан кўз юмганликларини англатаётир...

Ислом оламида, айниқса, Ўрта Осиё тарихида ёрқин из қолдирган Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) тўғрисида халқ орасида кўпгина ривоят ва нақллар қолганким, булар тарихий китобларда ҳам ўз ўрнини эгаллаган. Нақллар билан бир қаторда, архивлардаги колониал ҳужжатларда ҳам обида тўғрисида илмий маълумотлар ҳам борки, уларни юқорида келтирилган манбалардаги маълумотлар билан солиштирганда, қизиқарли хулосаларни чиқариш мумкин. Ана шундай нақлларнинг бирида келтиришларича, Қусам ибн Аббос турк подшоҳлигида етмиш фатҳия-жиҳод урушларига қатнашган. Аммо бу урушларнинг энг қаттиғи ва аҳамиятлиси Самарқанд яқинида бўлганким, унинг халқки икки карра ҳам диндан қайтиб, мунофиқ бўлган.

56 ҳижрий йилда (676 йил милодийда) Панжикент тоғларида яшовчи оташпараст кофирлар Самарқандга тўсатдан ҳужум қилишади. Намоз ўқиш билан банд бўлган мусулмонларнинг деярли барчалари қириб ташланадилар. Бу урушда Қусам ибн Аббосга ҳам ўқ тегиб шаҳид бўладилар.

Бошқа бир тарихчининг ёзишига қараганда, Қусам ибн Аббос ўша куни намоз пайтида ҳалок бўлмайди. У турган минбар иккига бўлиниб ёрилади ва у ёриқ орқали ўтиб, ғайридинлардан яширинади.

Учинчи тарихчининг далолат беришича, Қусам ибн Аббос душман билан олишиб, кўп жойидан яраланади ва «Шаббон» номли қудуққа етгач, унга кириб ғойиб бўлади. Айтишларича, қиёматга қадар ул зот ушбу қудуқ аро тирик экан...

Қусам ибн Аббоснинг маҳаллий халқ орасида «Шоҳизинда» деб аталишларига яна бир ривоятни ҳам сабаб қиладилар. Бу ривоят 1895 йили зиёратгоҳ мутаваллийси (Шоҳизинда авлодидан) бўлган кишидан машҳур мударрис Абу Саъид Махзум ва С.Лапинлар томонидан қайд этилган. Унга биноан, ислом дини ва маданиятини Мовароуннаҳрга ёйиш тўғрисидаги Муҳаммад (с.а.в.) васиятларига кўра, Қусам Ибн Аббос (р.а.) Самарқанд-

га келади ва шаҳар яқинидаги (ҳозир унинг мақбараси жойлашган ўриндаги) бир ғорга ўрнашиб яшай бошлайди ҳамда янги дин ҳақиқатини маҳаллий кофир халқ орасида ошкора тарғибот эта бошлайди.

Қусам ибн Аббоснинг саъй-ҳаракатлари натижасида кўп ўтмай Самарқанд аҳли ислом динини қабул қилиб, мусулмон бўлади, унинг ғори эса илоҳий ҳақиқатни англамоқчи бўлган шаҳар халқининг тўпланиш жойи бўлиб қолади.

Шундай қилиб, Пайғамбар (с.а.в.) томонидан қўйилган вазифа тўлиқ бажарилгач, у ўзининг охирги амру маъруфидан сўнг, эшитувчилар кўз ўнгида бошини ўнг қўлига олиб, тирик ҳолатда ғор ичига кириб ғойиб бўлади. Ўшандан бери у ҳеч кимга кўринмаган ва шунинг учун ҳам уни «Шоҳи-зинда» («Тирик шоҳ») деб атаб келишади.

Яна бир манбада таъкидланишича, Қусам ибн Аббос 676 йили Ислом лашкари билан ғазот қилиб, Самарқандга келганда қалъа деворидан бир одам унинг бошига тош ташлаб ўлдирган. Сўнг у ўлган ерида кўмилган. Кейинчалик бу ерда Шоҳизинда ансамбли шаклланган. Бу ансамблнинг ҳозирги номи эса Шаҳиди Зинда («Тирик шаҳид») иборасининг бузиб айтилишидир». Бирор манбасиз келтирилган бу илдамнинг ҳукмини ўқувчиларга ҳавола қиламиз».<sup>237</sup>

Маълумотларга кўра, Қусам ибн Аббос зиёратгоҳида жойлашган ер ости чиллахонаси тариқат аҳлларининг муқаддас маскани ҳисобланган. Уларнинг айримлари бу чиллахонада йиллаб ҳаёт кечирганлар. Масалан, Сайрам хожаларига мансуб насабномаларнинг бирида Шайх Муҳаммад Самарқандда Қусам ибн Аббоснинг мозоридаги чиллахонада етти йил чилла ўтириб, 935 (милодий 1528) йилда етмиш ёшда вафот эканлиги таъкидланади.<sup>238</sup>

Ўзбек хонлари ва Бухоро амирлари ҳукмронлиги даврида ҳар бир ҳукмдор Шоҳизинда мажмуасини зиёрат қилар экан, катта миқдорда бева-бечоралар ва етим-есирларга шу ерда эҳсонлар қилганлар. 1841 йили Шоҳизиндани обдон кўздан кечирган та-

---

<sup>237</sup> Каттаев К., Мусаев Ш. Шоҳизинда... 63-71-б.

<sup>238</sup> Родословная Карахана. Патрона гор. Аулия ата // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. –Т.: 1899. С. 87-91.

биатшунос А. Леманн билан сўхбатлашган муллаларнинг таъкидлашларича, бундай эҳсонларнинг ҳар бири 500 тилла миқдо-рида бўлган.<sup>239</sup>

Маълумотларга кўра, айнан XIX асрдан бошлаб Европа халқ-ларида меъморчилик тафаккури ва меъморий наққошлар ҳунари-нинг мўъжизаси ҳисобланиб, бутун мусулмон шарқида тенги йўқ дея эътироф этилган Шоҳизинда зиёратгоҳи мажмуасига бўлган эътибор кучайди. Айниқса, шу давр мусаввир ва меъморлар хаё-лотини Шоҳизинданинг яхлит уйғунликликни ташкил этувчи мо-вий кошинларию ўсимликсимон нақшлари батамом ром этган эди: «Уларнинг фикрича, у ерда инсон ва табиат уйғунлиги, гўзал-ликнинг тантанаси калтабинликда эмас, аксинча, мушоҳадада эди. Самарқанддаги Шоҳизинда мақбарасидаги жума масжидининг мовий кошинлари, худди Европа санъати қилганидай, осмонга мушт дўлайтириш эмас, қайтанга, жаннатий бир осойишталикни заминга чорлаш эди».<sup>240</sup> Мазкур сўзлар муаллифининг «жаннат-ий бир осойишталик» деган жумласини айнан Шоҳизинда зиё-ратгоҳига нисбатан қўллаши бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар бир киши жинси ва қайси соҳа эгаси бўлишидан қатъи назар, Шоҳи-зиндани зиёрат қилар экан, қалбида осойишталикни ҳис қила бош-лайди. Бинобарин, бу ерда ётган улуғлар, жумладан ҳазрат Қусам ибн Аббос (р.а.)дек зоти баракотларнинг серфайз мазорлари шу сабабдан минг йиллар ўтса-да, ҳали-ҳануз турли эллардан келган зиёратчилар билан гавжумдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимиз-нинг миллий ва диний қадриятларига, тарихий обидалар, жумла-дан зиёратгоҳларга бўлган эътибори ўзгарди. Муқаддас қадам-жолар давлат маблағлари ҳисобига, шунингдек тадбиркор ва ишбилармонлар, бошқа олижаноб инсонларнинг хайр-эҳсонла-ри эвазига, ҳамда халқ ҳашарлари йўли билан таъмирланмоқда, азалий кўринишида тикланмоқда. Зиёратгоҳларда ёки унга ёндош бўлган ҳудудларда халқ сайлгоҳлари барпо этилмоқда. Минг-минглаб зиёратчилар у ерларда маданий хордиқ чиқариб қай-тишмоқда.

---

<sup>239</sup> Немцева Н.Б. История изучения ансамбля Шахи-зинда // Исто-рия и археология Средней Азии. Ашхабад, 1978. С.237.

<sup>240</sup> Тиомоти Ж.Уинтер (Абдулҳаким Мурод) XXI асрда ислом. –Т.: «Шарқ», 2005. .50-б.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни жонз топдик. Муқаддас қадамжолар сифатида эъзозланиб келинаётган зиёратгоҳларнинг бошқа дам олиш масканларидан тубдан фарқ қилувчи жиҳатлари бор. Бу азиз жойлар халқимизнинг азалий қадриятлари, расм-русмлари, урф-одатлари билан боғлиқ экан, у ерларга уюштирилган саёҳатларда, ўтказилажак маросимларда азалий удумларга, зиёратгоҳларда дафн этилган азиз-авлиёларнинг руҳи-покига ҳурмат юзасидан муносабатда бўлмоқ заруриятини унутмаслик лозим. Жумладан, мазкур Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда зиёратгоҳи тарихини, бу ердаги анъаналарни билиб қўймоқ фойдадан ҳоли бўлмайди. Мазкур илмий-оммабоп тадқиқотимизнинг мақсади ҳам китобхонларга Қусам ибн Аббос – Шоҳизинда зиёратгоҳи хусусида мухтасар маълумотларни етказиш эди. Бунга қанчалик эришганимиз эса сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

Муҳтарам ўқувчи! Шоҳ Ҳаким Холиснинг «Қусам ибн Аббос» шеърий қиссасини ҳозирги кирилл алифбосига тадбиҳ қилиш давомида айрим саҳв-хатоларни илғасангиз, олдиндан узр сўраймиз. Барчаси Яратганнинг ўзигагина аён. Сўнгги сўз ўрнида Шоҳ Ҳаким Холис ва унинг тарихий қиссасида номлари зикр этилган муқаддам яшаб ўтган бузрукворларнинг руҳига дуои фотиҳа қилиб қўйишингиздан умидвормиз.



## ВОҚЕАИ МУҲОРАБА ҲАЗРАТ ШОҲИЗИНДА ШАҲЗОДА ҚУСАМ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ

Эшит аҳли таворихдан ривоят,  
Менга ани бир-бир айлади ҳикоят.  
Келиб олди у ерни уч диловар,  
Ғалат эрмас бу сўзга айла бовар.  
Бири эрди Қусам Шоҳи жавонон,  
Бири эрди Саъид ибн Усмон.  
Аларни бириси эрди Ҳузайма,  
Кетурди қавми каффор ичра ваҳима.  
Самарқандни алар қилди мусулмон,  
Қусам бирла Ҳузайма, ибн Усмон.  
Самарқандда булар манзил турар эди,  
Туруб қолди яна ёзу қишин ўтди.<sup>241</sup>  
Мадинани Самарқандга кўчурди,  
Мадиналик Самарқанд келди турди.  
Неча ерларни масжид айладилар,  
Бериб исломга зийнат ишладилар.  
Борисиға иймон қилдилар насиб,  
Мусулмонлиғни барча айлади касб.  
Самарқандни халқлари саксон минг эрди,  
Анга ўргатдилар Қуръон ўқурни.  
Буларни баъзиси бўлди мураттаб,  
Тиловат ҳам дилида зикр ё раб.  
Бори билди калимани ўқурни,  
Халойиқ тилида зикриллоҳи  
Тайин айладилар муҳтасиблар,  
Низом амри маъруф наҳйи мункар.  
Ки ондин бири онда хулқ бисёр,  
Қилурлар то бу дам Қуръони такрор.  
Бор эрди бир аён дарвоза анда,  
Отини деди Боб Шайхзода.  
Ўшал дарвозанинг ташқарисинда  
Икки бутхона бор эрди ҳам онда.  
Бор эрди ичида ўн икки минг бут.

---

<sup>241</sup>«Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 177 а.

Ҳаммаси олтун эрди сан қулоқ тут.  
Топинур эрди кофирлар бориси,  
Залолат аҳлининг ёшу қариси.  
Амир ал мўминин Усмонни вақти.  
У бутхона хароб ўлди йиқитди.<sup>242</sup>  
Они ўзини масжид айладилар.  
Намози ийд ва жумаъ ўқудилар.  
Ўзини қўли бирла ҳазрати Шоҳ,  
Бино қилди ўшал ерда намозгоҳ.  
Қусам ибн Аббос эрди ўшал эр,  
Қилайин барчаға бу сўзни тафсир.  
Ки ондин сўнг эшитгил эй мусулмон.  
Бири Холидни ўгли Абдурахмон.  
Йибордилар они Шош мулки сори.  
Бориб лашкари бирла бўлди тори.  
Яна аҳли била ҳам Андижонға,  
Йибордилар неча илғорни анга.  
Самарқандда Қусам ўзлари қолди.  
Низоми динни онда йўлға солди.  
Намоз ийд ва жумаъ бўлди жори.  
Қилур эрдилар онда юз минори.  
Самарқанд халқи бирла жумаъ анбуҳ,  
Келур атрофиндин гуруҳ-гуруҳ.  
Неча йиллар олар бу ерни тутди,  
Амир ал мўминин Усмон ҳам ўтди.<sup>243</sup>  
Ки ондин сўнг Али халифа бўлди,  
Али ул Молик Аждарни қўйди.  
Али халифа бўлди беш ярим йил,  
У ҳам фоний жаҳондин ўтди билгил.  
Ҳасан-Ҳусайн ҳам анда қолмадилар.  
Шаҳодат шарбатин нўш айладилар.  
Самарқанд ичра ўтди Молики Аждар,  
Жаҳондан яхшилар ўтди саросар.  
Ани ўрниға Иброҳим ўтурди,  
У эрди Молик Аждарни ўгли.

---

<sup>242</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 177 б.

<sup>243</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 178 а.

Мадинада ул дам султон йўқ эрди,  
Ҳамма Шоҳ Жарирни хон кўтарди.  
Бўлуб илҳом Шоҳга бир хурушни,  
Ажам мулки сори қилди юришни.  
Мадинадин чиқиб Куфага келди,  
Ани кўшиш била қўлига олди.  
Етушди Асқалонга Шоҳи аброр,  
Залолат аҳлини қилди некунисор.  
Ўтуб ондин яна Бағдодга тушди.  
Бўлуб Бағдодийлар замин ўфушти.  
Алар хизматлариға чиқдилар пешвоз,  
Буларни айлади ул эл сарафроз.  
Етишдилар яна Жайхун сориға,  
Йиборди жайш Туркистон сориға.  
Яна сувдин ўтиб келди Бухоро,  
Чиқиб алан анга қилди мадоро.  
Самарқандга етиб келди бориси,  
Туруб кенгашдилар ёшу қариси.  
Ки андин юрмак бўлдилар Қубога,  
Тутуб барчалари ҳиммат ғазога.  
Қубога харб уруб Хушдодни олди.  
Мусулмон бўлмади ўлдурди солди.<sup>244</sup>  
Яна Ахсини бориб Ҳурмузни олди,  
Ани ҳам ўлдуриб Косонга борди.  
Қочиб кетди чидай олмай муғ Ихшит.  
Паноҳ излаб ўзига кирди Заркент.  
Олиб Косонни Карвон сори борди.  
Анга нома йибориб қўлға олди.  
Базоҳир Карвон бўлди мусулмон,  
Вале кўнглида макри шайтон.  
Буларми ҳазратга бўлди мўмин,  
Вале ботинда кин тутди бедин.  
Буларга бир куни берди шикасти,  
Намоз жумъада масжидни босди.  
Булар туғи набини кўкка отди.  
Узуб умидларни бори қайтди.

---

<sup>244</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 178 б.

Қусам ҳам бўлдилар онда ярадор,  
Шаҳид бўлди онда неча сардор.  
Олар яна қайтиб тушди Самарқанд  
Ривож топмади бўлмади хурсанд.  
Бу ердаким ривоят мухталифдур.  
Қусамнинг ҳақида бир неча гафдур.  
Қусам Косон бориб бўлди жароҳат,  
Жароҳатдан тополмай истироҳат.  
Самарқанд келдилар топмади анжом,  
Қусам бўлди Самарқандда саранжом.<sup>245</sup>  
Бу сўзларни ўқуб ҳар ерда юрдим,  
Яна бир неча дигарни кўрдим...  
Ўшал неча ичинда бу сўз бор.  
Қулоқ солгил сўзга эй харидор.  
Қусам анда қишиси бирла қолди.  
Ўзини ўзгалари йўлга солди.  
Суҳбат топмади Қусам анда бе якбор,  
Яна бўлди Самарқанд ичра сардор.  
Саҳиҳ билинг биродарлар бу сўзни,  
Тараддудга не сўз деб солма ўзни.  
Ки бир кун ийд қурбоннинг намози,  
Ўқур эрди у ерда барча ғози.  
Оларнинг масжидини босди кофир,  
Мусулмонлар шаҳид бўлди тавотир.  
Ҳисобда эрди тўқсон минг мусулмон,  
Шаҳидлик бирла онда бердилар жон.  
Имоматда эрдилар ҳазрати Шоҳ,  
Ўшал он очилиб меҳробдан роҳ.<sup>246</sup>  
Бор эрди габр Зеваршоҳ отлиғ,  
Ғайур кофир эди бадбах қаттиғ.  
Булар олди Самарқандни қўлидин.  
Қочиб кетди Кўҳистон сори бедин,  
Бор эрди эллик минг лашкари они.  
Кетидин кетдилар излашиб они.  
Зеваршоҳ лашкари бирлан юруб роҳ,

---

<sup>245</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 179 а.

<sup>246</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 179 б.

Қилурлар эрди кенгаш гоҳ ногоҳ.  
Шаҳарни олдилар муҳаммадийлар,  
Ки бизга кун йўқдур дедилар.  
Оларни фикрини эмди нетармиз,  
Бошимизни қаён олиб кетармиз.  
Илғори онга йўл кўрсатарди.  
Бори билганча йўл кўрсатарди.  
Зеварни кўнглига ўлтурмиш эрди,  
Ўшал сўзларга юз келурмиш эрди.  
Агар бир ерга борсақ ҳолимиз танг,  
Бу ишга бизга ажаб номус ажаб танг.  
Қилолмас эрдилар жойни иложинг.  
Борса бу сабабдин эрди эмкин.  
Қусам мунда валекин шод ва хандон.  
Қилиб эрди ҳамма элни мусулмон.  
Оларга дод адлин кўрсатарди,  
Шариатни бориға ўргатарди.  
Қусамни шод этди ҳаййи Субҳон.  
Чидолмай куйдилар малъун шайтон.<sup>247</sup>  
Қусам кўрди бу дунё иззатини,  
Яна топди беҳишнинг роҳатини.  
Деди мен кимни йўлин урарман,  
Ани ул нор сўзонға сўрарман.  
Урар эрди чидолмасдин ўзини,  
Яна қон йиғлатар эрди қон кўзини.  
Зеварни фикридин бўлди хабардор,  
Ўшал душман лаъин шайтон бадкирдор.  
Бўлуб ман одами Зеварга борсам,  
Анга тадбиркоримни буюрсам.  
Ривож топса мани сўзим била ул,  
Бироқ танийғусидур анда кўнгул.  
Вағарна ул Қусамни ишлариға,  
Чидолмайдур они қилмишлариға.  
Қилиб бу фикр фосид тушди йўлға,  
Одам сурат асо олиб қўлиға.  
Вале Зеварни иш қилғучи билмас.

---

<sup>247</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 180 а.

Ажаб ҳолат анга ўлмас тирилмас.  
Бу ғам била туриб эрди паришон,  
Они олдиға келди анда шайтон.  
Анга тадбиркорин ўргатиб.  
Ёмонлиғ йўлларини кўрсатиб.<sup>248</sup>

## ШАЙТОННИНГ РАҲНАМОЛИҒИ БИЛАН ЗЕВАРШОҲНИНГ ҚАЙТАДАН САМАРҚАНДҒА КЕЛГЕНИ

Мени жоним эди черик таборак,  
Ўшал ерлар эди менга муборак.  
Сани динингда эрди эътиқодим,  
Ки сан эрдин кеча-кундуз муродим.  
Мусулмонлар бўлуб мандин хабардор,  
Бориб тахтимни этдилар афгор.  
Деди Зевар қани ул ерга етсам,  
Мусулмонлар аро коримни қилсам.  
У ерга етмоққа бизга замон йўқ,  
Замон балким биза анда омон йўқ.  
Деди шайтон қочиб санга келибман,  
Ўзимни бир йўли санга солибман.  
Деди бормоққа мен йўл кўрсатайин.  
Анинг тадбиркорини қилайин.  
Унармикин мени сўзимға айтсам,  
Дебон бўйум қисиб олдиға келдим.  
Деди Зеварни тадбир истайин.  
Ки мен ҳам анга лойиқ иш тутайин.  
Сани сўзинг била борсам Самарқанд,  
Кучум етар агар олсам Самарқанд.  
Санга инъом эҳсонлар қилайин,  
Яна қадрини онда хўб билайин.  
Деди шайтон анга эй шоҳ Зевар,  
Мани кўнглимда бор бир фикр дигар.<sup>249</sup>  
Мусулмонларға бордур йилда ийди,

---

<sup>248</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 180 б.

<sup>249</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 181 а.

Худодин марҳамат онлар умиди.  
Борур анга аҳли Самарқанд,  
Келур атрофдин қишлоқдин жанд.  
Ҳамма эркаклари анда йиғилур.  
Хотунлар барчаси уйида қолур.  
Яқинлаб келди эмди ийди қурбон.  
Ки сан ҳам ғимилазиб тур шоҳи даврон.  
Бир-икки кеча уйқуни ҳаром эт.  
Ҳамма лашкарни жабдуғин тамомот эт.  
Бир-икки тун қайтиб Дарғамга боргил.  
Работхожаға ўзини олғил.  
Асокир айлағил у ерда деб тутуб,  
Самарқандга йиборғил лашкаринг кўб.  
Олар кўрса гумони қилмоғудек.  
Силарни хеш адо билмоғудек.  
Дегайлар барчаси бу аҳли қишлоқ,  
Намозга ҳамма келур уруғ аймоқ.  
Ҳамма хайрга бориб кириб турунглар,  
Намоз вақтигача онда бўлунглар,  
Ўзунгдин бир киши жосус йиборғил.  
Намозда бўлсалар бизга хабар қил.  
Мусулмонлар намозга турса ногоҳ,  
Ўшал жосус сизларни қилсун огоҳ.  
Урунглар ўртасига ўзларини,  
Қилич тортиб юминглар кўзларини.  
Борса кўз ва қўл тоатга машғул,  
Қутулмасдин қармас санга бир йўл.<sup>250</sup>  
Ўқуб бўлғунча барини қирарсиз,  
Самарқанд шаҳрини ул кун оларсиз.  
Мунинг эшитди Зевар бўлди хушнуд,  
Қўлиға кирди гўё дури мақсуд.  
Анга юз келтуруб деди Зевар шоҳ,  
Мени инъомларимдин бўлғил огоҳ,  
Сани тадбиринг ила битса гар иш,  
Мени олдимда бўлғай мартабанг беш.  
Санга мулкимни, еримни берурман,

---

<sup>250</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 181 б.

Бу тадбиринг менга қайтан берурман.  
Яна черик таборак ҳам ўзунга,  
Ишим битса сани мундоғ юрганинга  
Яна хилъат берарман ранг бирингга  
Таажжуб қолғусидур халқ санга.  
Анга бошини шайтон урда қайтди.  
Ишини қилди ўз жойиға кетди.  
Чиқиб ташқариға ул деди малъун.  
Деди қилдим ишимни мунда кулкун.  
Йиғиб одамларин анда Зеваршоҳ.  
Оларға сўзлади бўлинг деб огоҳ.  
Гап солдилар аскарбошилар,  
Бу тадбирин олиб маъқулладилар.  
Туруб асбоб жирин созладилар.  
Намоз куни келишларин пойладилар.  
Келиб тўхтадилар Дарғом лабиға.  
Жосус йибордилар шаҳар ичига.<sup>251</sup>  
Ҳали они работхожа отардилар,  
Мунингдек от қўйибдур шоҳи Зевар.  
Қўшунлар онда бўлди турли тақсим.  
Турур жойлариға таъйин ва тақдим.  
Чунончи бир неча кофир палидга,  
Деди бориб туринглар Мотиридга.  
Яна бир нечасин тараф шимолга,  
Шунингдек бир қисм боғи Камолға.  
Сабабким онда бир кенг жой бор эрди,  
Бориб ул қавм кофир анда ўтушди.

## ҲАЗРАТ ШОҲИЗИНДАГА КОФИРЛАРНИНГ КЕЛИШИНИ ТУШЛАРИДА КЎРҲОНЛАРИ

Эшитгил воқеанинг ниҳоясин.  
Не бўлди кўрдилар тушда айтайин.  
Чақирди яхшиларни насаф шанбада,  
Йиғилишиб келдилар Шоҳнинг қошиға.  
Дедилар туш кўрибман мунда шул он

---

<sup>251</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» кўлёзмаси. 182 а.



Бўлмиш гўёки ийди қурбон.  
Ажаб бир воқеа кўрдим бехосият.  
Мусулмонлар кўрсатди сабр бехат  
Они ваҳимада қўрқуб уйғонибман,  
Мунингдек тушни ҳеч кўрғонмасман.  
Дедилар сўзларингиз эшитдук.  
Ёмону яхшисин таъбирин билдук.  
Они айтмоққа ҳазрат этди оғоз.  
Қулоқ солиб бариси турдилар боз.<sup>252</sup>  
Деди кўрдим тушда атроф дарё.  
Оқишида ҳайқириқлар бирла ғавғо  
Қоронғулуқда мисли тору тийр,  
Кўрунмас зулматдин шаб чеҳра  
Ўшал дарёга сизлар бўлдингиз ғарқ.  
Мусулмонлар юрурлар то қадам қирқ.  
Билинмайдур у дарё ғарби шарқи,  
Нелар кўрсатгуси дунёни чархи.  
Муаббирлар дедилар эй Қусам шоҳ,  
Эрур кофир эли тир дарё,  
У дарё ичра юрганлар саломат.  
Чиқарлар кўрмайин ҳеч бир жароҳат.  
Тоборлар ғарқ бўлғайлар шаҳодат,  
Кими яхшига бормиш бу саодат.  
Аё ҳазратим биз сизга қурбон,  
Бу йўлда жон бериб этмасмиз армон.  
Токи анда бўлди рўзи ийди қурбон,  
Намозга келдилар шоҳи жавонон.  
Мусулмонлар жамиъ лашкари Шоҳ,  
Йиғилиб келдилар суйи намозгоҳ.  
Ўшал дам лашкари Зевар етушди,  
Мусулмонлар ийидин анда кўрди.  
Намозгоҳга жосус йиборди,  
Намозга турсалар бергил хабарни.  
Намозга турдилар барча мусулмон,  
Имоматда эди Шоҳи жавонон.<sup>253</sup>

---

<sup>252</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 182 б.

<sup>253</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 183 а.

Мужодала қироат қилди онгоҳ,  
Ки, яъни сураи қадими Аллоҳ.  
Муни кўрди жосуси югурди,  
Намоз бошланганин Зеварга айтди.  
Етишдур лашкарини онда шул он,  
Ҳужум этмоққа тездин айла фармон.  
Бу дамда борсанг анжоминг қилурсан,  
Уруб қиличинг қасосин олурсан.  
Ўшал дам берди фармон лашкарига,  
Қиринг берманг омон онла бирига.  
Кўшунлар дафъатан отига минди,  
Намозгоҳга келиб атрофин олди.  
Буюрдиким Қусамни банди этинглар,  
Тирик ушлаб, олибон келтуринглар.  
Они то тутмасақ ёмон ишимиз,  
Фам ва қайғу билан ёзу қишимиз.  
Кўнгул тинсун они ушлаб олайли,  
Бошига турли меҳнатлар солайли.  
Йўқ эрса ул яна шаҳарни олғай,  
Билармизму у бизларга не қилғай.  
Шу дам кофир бори масжидни босди,  
Намозгоҳда мусулмонларни қирди.  
Шаҳид бўлдилар онда кўп халойиқ,  
Намозин бузмадилар динга содиқ.  
Ки то бўлгунча намоз ийди тамом,  
Қирилдилар қутулмай аҳли ислом.<sup>254</sup>  
Қачонким фориг ўлдилар намоздин,  
Кўрдиларким келибдур қавми бедин.  
Мусулмонларни мунда кўп қирибдур,  
Ибодат вақтида фириб берибдур.  
Оқибат ул замон қон меҳроба етмиш,  
Тириклар заҳмон ҳушида кетмиш.  
Бу ҳолни кўрдилар Шоҳи жавонон,  
Таважжуҳ айладилар суйи Раҳмон.  
Шаҳидлар ҳолидин она ўшал зот,  
Худоға сифиниб қилди муножот.

---

<sup>254</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 183 б.

## МУНОЖОТ ҲАЗРАТ ШОҲ ҚУСАМ РОЗИЯЛЛОҲУ ТАОЛО

Илоҳо мунча мусулмонларинг шаҳид этдинг,  
Оларни жонини олмоқни рўзи ийдинг.  
Худоё мунча мўминни бу кун мунда шаҳид этдинг,  
Оларни жонини фарвоз этарини рўзи ийд этдинг.  
Оларни мурдасини хонумонидин беийд этдинг.  
Ажаб бу илтифотинг бирла аларни шаҳид этдинг.  
Шаҳидлар қонини тўкмакли кофирга ваъда этдинг.  
Сани амринг экан бу бир мусибат кимга айтарман.  
Дам урмоқ мумкин эрмас бандаларди идда айларман.  
Тутуб мотам шаҳидларнинг қаю бирига йиғларман.  
Агар қўйсанг омон қасд этгали бу сабабли йиғларман.<sup>255</sup>  
Бу турлук ғам қайғулар била мўйсафид этдинг.  
Мусулмонлар намозда эрдилар ёд афғон бирла,  
Қачон бўлди алар кўнгилларида ваҳм жон бирла.  
Худоға ёлбориб бировси йўқ яхши-ёмон бирла.  
Кечиб жонларидин савдолари дор ул жаҳон бирла.  
Оларни васфини жаҳондин қавми шаҳид этдинг  
Худонинг йўлида ўтди шаҳидлар ушбу жонидан,  
Юмуб кўзларини парвоси йўқ аҳли аёлидан.  
Қачон парвоси бўлғай мулки аҳли аёлидин  
Умиди қўб эрур ул аҳли иймонни Аллоҳдин.  
Шаҳидларни икки олам зулматидин баъд этдинг.  
Баҳаққи ҳурмати андоғ шаҳидлар йўқла Холисини  
Муродга етур икки жаҳонда ушбу ноқисни.  
Ҳамиша ҳамнафас қил мен ғарибингга Хизр мунабини.  
Қачон олур димоғим яхшилардин симмам ишни  
Мусулмонни умидли кофир элини ноумид этдинг.  
Қусам қилди яна ўзга муножот,  
Яратқондин тилаб бир неча ҳожат.  
У ерда жонини ўлумға берди.  
Яна жони била зориға кирди.  
Будур қилғон таваллоси Худодин.  
Худо ёққил каромат равнақидин.<sup>256</sup>

<sup>255</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 184 а.

<sup>256</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 184 б.

Сани дўст қулларин мўмин эрурлар,  
Вале душманларин бедин эрурлар.  
Эрур дўстлар ҳамиша санга толиб.  
Вале душманни қилма дўстга ғолиб.  
Мен ғарибни суйғонини ё султон,  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.  
Фулу қилди кофир халқи бу замон.  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.  
Раҳматингни нисор айла ё Раҳмон,  
Йўқдур мунда эмди бизга меҳрибон.  
Мусулмонга кофирлардин бер омон.  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.  
Кўкка учсам етиб бўлмас кўк йироқ,  
Йўл бермагай тошдин қаттиқ бу фироқ.  
Қилма эмди мени мундин баттароқ.  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.  
Сандин ўзга суянғони йўқ тоғим,  
Ёшунғони мустаҳкам қалъа. йўқ боғим.  
Ҳолим будур урушқали йўқ чоғим.  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.  
Қайғу бирла холис андуҳ қади эгди  
Умид бирла қадам қўйди боши тегди,  
Зор айлади санга холин айтди.  
Фатҳ ва нусрат бирла ўзинг ёри бер.<sup>257</sup>

## НАМОЗГОҲДА КОФИРЛАР ҒОЛИБ КЕЛИБ МУСУЛМОНЛАР ҚИРИЛҒОНИ БУТУРУР

Намозгоҳда булар олдини олди,  
Мусулмонларни кофирлар қира солди.  
Мусаллодин чиқишларин топмадилар,  
Жамоатга муяссар бир тобмадилар.  
Қусам ўзлари кирди ўрта сафга,  
Ишорат қилдилар ҳар тўрт тарафга.  
Ўшал ердин эшик очилиб эрди,  
Мусулмонлар чиқишиб қочишиб эрди.

---

<sup>257</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 185 а.

Аларни баъзиси ўзини урди,  
Аларни баъзи сувларга урди.  
Яна баъзилари саъдқа кетибдур.  
Яна баъзиси Бекобод кетибдур.  
Алиободга баъзи борибдур.  
Яна баъзиси Олтунбешга кирди.  
Аларни баъзиси Хайриободга борибдур.  
Яна баъзиси бошқа жой олибдур.  
Қусамни ўзлари меҳробга келди,  
Ишорат қилдилар меҳроб ёрилди.  
Ки ондин чиқдилар ул дам шул вақт  
Яна ёронлари кейинда тўб-тўб.  
Самарқандни етиб дарвозасига,  
Кирай деди Самарқандни ичига.  
Ўшал дарвозани кофир олибдур.  
Булар барчаси ташқари қолибдур.  
Яна дарвоза дигарга борди.  
Булардин киролмай қайта келди.<sup>258</sup>  
Ки ондин қўйдилар саҳро сари юз,  
Анга эргашдилар ул қавм тўнғуз.  
Қусамга бир неча кофир етишди,  
Булар ерда алар отда етишди  
Ўшал чоғда айтиб бир габр келди,  
Муни олғил дейуб шамшир солди.  
Қиличини ҳавола қилди ул габр.  
Қўлидин ушлади монандаи беҳ эр.  
Бўлуб олди қиличини қўлидин.  
Алар деди Қусамшоҳни қўлидин.  
Ўзни қиличи бирла ўзини,  
Ки солди қаҳридин очиб кўзни.  
Совут қалқон дубулгалардан ўтди.  
Бўлунди икки тани дўзахга кетди.  
Бағоят паҳлавон эрди Қусамшоҳ.  
Баробар келмади анга у тарсо.  
Айдилар Шоҳ Қусам соҳиб шижоат,  
Яна соҳибжамол ва босалобат.

---

<sup>258</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 185 б.

Белидин юқори монанд Аҳмад,  
Ки яъни ул Муҳаммад шоҳи сармад.  
Белидин қуйиси мисли Алидек.  
Баъайни ўшал шоҳи валидек.  
Миниб олди они отини олиб,  
Қиличли яна илкина солиб.  
Қилич бирла аларни сийла берди,  
Оларни бошларини қира берди.<sup>259</sup>  
Ажаб сийладики қонлар оқизди,  
Юзини орқа сорига боқизди.  
Ки бўлди лашкар куфор кушаста.  
Ўлуклардин қўпорди неча пушта  
Уруш ичра алар бу ҳолни кўрди.  
Қусамни ғайратини онда кўрди.  
Эмарса онга гурзи солса бўлмас,  
Ва найза била бас келиб бўлмас.  
Қилич била қилиб бўлмас ишини.  
Қилич бирла қирар сонсиз кишини.  
Деди лашкарига ўраб олинглар,  
Бошига тир борон ёғдиринглар.  
Анинг амри била ўртага олди,  
Ададсиз ўқлар андин ёғилди.  
Қусам кўрди туман ўқ ичра қолди,  
Паноҳ излаб ўзин тангрига солди.  
Қусам қилди ўшал ерда муножот,  
Муяссар қил ё раб ҳожат.

### ҲАЗРАТ ШОҲ ҚУСАМ ҚИРҒИН ИЧИНДА ҚИЛҒОН МУНОЖОТЛАРИ

Мушкул кун эрур бизларга мунда эй, Худо ёраб,  
Не ердин бўлди пайдо биз ғарибга бу бало, ё раб.  
Бу кофир илкида бўлди мусулмон мубтало, ё раб.  
Бу ишларни биза кўрдин магар бизга раво, ё раб,  
Агар сандин бўлур бўлса бу дардга не даво, ё раб.<sup>260</sup>

---

<sup>259</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 186 а.

<sup>260</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 186 б.

Кўтарди фотиҳага қўлини ул дам дуо қилди,  
Баси жон дили бирла сиғиниб сано қилди.  
Бу кофир қайтадин ёронларимдин жудо қилди.  
Ки бу ўқни куйидин неча умидим яро қилди.  
Бу ерда излаюрман ичинда сандин паноҳ, ё раб,  
Бўлуб куфор эли голиб мени олдиға олдилар,  
Бошимға тир боронни балони ёғ дурдилар.  
Бу кун бир қанча ёронимни билмам қайда қолди.  
Қаердин борғум билмам мени ўртаға олдилар.  
Бу куфорлар ичида ёлғуз қулингга пано бер, ё раб.  
Мени холимға воқифсан каримойин ўзин мавло.  
Эрур душман ва дўстларни холидин ўзунг, ё раб.  
Нажот бер менға мундоғ балолардин, ё Аллоҳ,  
Шафиқим сан кечурғил ҳожати даргоҳ.  
Бошумни кўтарсин ушбу соат бу балодин,  
Қабул ўлғаймукин бул дам мени бандан таҳёти.  
Ўзунг сан ҳозир нозир олам ичра ҳуфиёти.  
Сани даргоҳингга сиғиниб қилурман бу муножоти.  
Бошимдан дафъ айла раҳим айла бу ҳожати.  
Нетай ёронларимни кўбдин бўлдим жудо, ё раб.  
Тиларман паноҳ сандин бу кофирдин халос этгил.  
Қусамни бу маҳалда оҳ розини қабул этгил.<sup>261</sup>  
Илоҳо икки дунёда мени соҳиби сарвар этгил.  
Ҳамиша уммати Аҳмадни фазлинг бирла сарвар этгил.  
Сани даргоҳингга мендин ҳамиша бу дуо, ё раб.  
Тилар Холис ҳамасидин аларни ким висолини,  
Тариқат йўлида кўрсатсалар касб камолоти.  
Бу дунё юзинда кўрсат ушул шаҳ висолини.  
Йироқ ташламағил ёраб бу бандани ҳисолини.  
Менингдек осийни айла дуосин мустажоб ё раб.  
Қусам мундоғ муножотда эрди,  
Қошиға ғайбдин бир банда келди.  
Ажаб мард мунаввар сабзпўш эди,  
Юзин кўрсанг кўнгил айлар хурушини.  
Деди аввал салом Шоҳи жавонон  
Санга келдим Худодан бўлди фармон.

---

<sup>261</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» кўлёмаси. 187 а.

Жавобин берди анда Шоҳ Зинда,  
Деди сиз ким бўлурсиз қайси банда.  
Дедилар Хизр эрурман Абул Аббос.  
Қалайсиз ҳолингиз эй Ибн Аббос.  
Қусам айди нечук мунда келибсиз,  
Яна мунда менга учраб турибсиз.  
Деди Ҳақни амри бирла келдим,  
Сизни машаққат ичра билдим.  
Худо бизни сизни амринда тутди,  
Ҳар ишни ўйласанг албатта битди.<sup>262</sup>  
Қусам айдики онда эй Аллоҳ,  
Менга берсун бу ер эмди паноҳ,  
Қўли бирла ишорат қилди ерга,  
Ҳамон суръат ер ёрилди Қусамға.  
Ки яъни онда бўлди чоҳ пайдо,  
Ҳизрдан Шоҳ Қусам сўрадилар онда.  
Дедилар амри Ҳақдур анга киргил,  
Ўзунгни ушбу кофирдин ёшурғил.  
Зухир ҳазрат Исо бўгунча,  
Хуруж Маҳдидан рухсат бўгунча.  
Бу чоҳ ичра кириб манзил тутарсиз,  
Мақоми дилкушода ўлтурирсиз.  
Бугун пайшанба пешинда кирарсиз,  
Яна чоршанба пешинда чиқарсиз.  
Иковлон рўйи оламда бўлурсиз,  
Жаҳонда ўзингизни билдиурсиз.  
Бўлур қирқ йилғача Исо пайғамбар,  
Юрутур амри маъруф наҳи мункар.  
Қилурсиз подшоҳлиқ анда қирқ йил,  
Бўлурсиз ул замонда шоҳ одил.  
Ки ондин сўнг бу дунёдан кетарсиз,  
Жаҳони боқийга онда етарсиз.  
Ҳамиша мен сизга ҳамроҳ эрурман,  
Сани олдинда давлатхоҳ эрурман.  
Рижол ғайб хизматда бўлурлар,  
Яъна арвоҳи тоиба алар келурлар.<sup>263</sup>

---

<sup>262</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 187 б.

<sup>263</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 188 а.



Бу мартаба била кўнглунг қилур хуш,  
Берурсан кунда оларға кўрунуш.  
Олиб рухсат бордилар жойлариға.  
У дам ўзларининг моволариға.  
Ки онда ноз-неъматлар қилур нўш.  
Бу дунё лаззатин қилгунг фаромуш.  
Видоъ қилди Ҳизрга ҳазрат Шоҳ,  
Тушуб кетдилар отдин токи чоҳ.  
Фулу қилди анга габирон гумроҳ,  
Етиб келди неча кофир сари чоҳ.  
Тутолмади олар Шоҳ Қусамни,  
Анингдек подшоҳи муҳтарамни.  
Етиб келди яна ул ерга Зевар.  
Йиғилдилар қошиға қавми абтар.  
Зевар деди Муҳаммадийни кўргил.  
Бу дам ул бунда жоду қилди билғил.  
Вагарна бормиди бу ерда чоҳи.  
Кўрур эрдук бу ерни неча бори.  
Мени тахтимни мунда келтурунглар,  
Бу ерда барчангиз ҳозир турунглар.  
Чиқиб яна қилмасин жодуи дигар.  
Чиқар бўлса қилур жоду муқаррар.  
Ўшал дам тахтини анда келтурди.  
Чиқиб тахтиға ул кофир ўтурди.  
Деди ташланг анга хас кесакни,  
Хаёлини кўрунгу ул дев сакни.<sup>264</sup>  
Лаби бирла қилинг деди баробар.  
Ўлуб қолсун они остида яксар.  
Вагарна бир куни чиқар бу чоҳдин,  
Бизи айирур бу тахту ва молу жохдин.  
Ани амри била ул дамда лашкар.  
Хас ва хашак қумлар ташладилар.  
Кетуриб тош, кесаклар ташлағонда,  
Фаришталар қантиға олди анда.  
Ўшал кун эртадин то вақти пешин,  
Не кирса қўлиға куфор бадкин.

---

<sup>264</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 188 б.

Йиғиб ерни юзидин ташладилар.  
Не ерга кетганини билмадилар.  
Мунингдек ул куни алқисса ул чоҳ,  
Тўлуб кўрунмади бўлмади огоҳ.  
Қарасалар яна бирдек турубдур,  
Қачон ул чоҳ лаби бирла тулубдур.  
Худойим сақлади Шоҳ Қусамни.  
Алардин чекмади ранжу аламни.  
Фаришта бор эди Руҳоил отлиғ  
Ўзи эрур вале қушдек қанотлиғ.  
Муаккал эрур уйқу аҳдисиға  
Ҳамма жонлиқ халойиқ бандасиға.  
Худо фармонини еткурди алҳол,  
Қусамни ҳолидан бориб хабар ол.  
Кесакларни қанотинг узра олғил,  
Анга еткурмайин ташқари олғил.<sup>265</sup>  
Ани дафъини қилди бу фаришта,  
Китобларда эди бу сўз навишта.  
Кўрар кофирлар анда чоҳ тўлмас,  
Қараса солғони ҳаргиз кўрунмас.  
Ҳамма кофирлар анда қолди ҳайрон,  
Бўлуб ғусса юрагиға тўлуб қон.  
Зеваршоҳ анда қиладурми муноди,  
Бизни лашкарда ҳеч ким бормуди,  
Салоҳини кийиб чоҳ ичра кирсун,  
Муҳаммадийни ушлаб боғлаб олсун.  
Қилиб маҳкам олиб чиқсун бу ерга,  
Хазинам борини берай ул эрга.  
Шаҳарлардин берай анга Бухоро,  
У ёқдин ҳам яна Балх дил оро.  
Берай анга Хисор, Нахшаб, Кеш,  
Мунингдек ваъдалар қилди бадандиш.  
Вилоятлар яна сўраса берайин,  
Нима мендан сўраса қилайин.  
Бор эди паҳлавон номдори,  
Отини дер эдилар Караксори

---

<sup>265</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 189 а.

Севинуб ўрнидан ул турди бехост,  
Халойиқни ичида қилди қадди рост.  
Деди бу ваъдангга қилсанг қасамёд.  
Тушайин чоҳ ичига хуррам ва шод.  
Қасамёд айлади лот манотидин,  
Кийгуздилар анга чакмон наботидин.<sup>266</sup>  
Салоҳин кийиб олди у кофир,  
Ки онда қуввати ҳам эрди вофир.  
Деди кўплаб мени чоҳға солинглар,  
Довуш қилсам яна тортиб олинглар.  
Ани қўл-оёғин боғлаб олайин,  
Ки бандига яна маҳкам қилайин.  
Ани солдилар эллик габр базур,  
У кофир қувватига эрди мағрур.  
Бориб эрди яқинлаб чоҳ тубига,  
Кўрунди аждарҳо ул сак кўзига.  
Чиқарди чоҳдин нола фиғонлар,  
Мени тортиб олинглар паҳлавонлар.  
Вагарна ўтга куйиб ўладурман,  
Гумон йўқким куйуб бўладурман.  
Яна эллик киши тортиб чиқарди,  
Бу ит чиқди у ит олдиға борди.  
Бориб таъзим этиб ўлтурди Караксор,  
Сўради Зевар ондин габр мурдор.  
Деди ул Караксор анга сўзини,  
Басе қўрқуб юмиб очиб кўзини,  
Мени чоҳ ичға солдилар ул ҳол.  
Борур эрдим ажаб хушвақт ва хушҳол.  
Яқинлаб чоҳ тубига етган эрдим,  
Муқаррар ушладим деб айтқан эрдим.  
Назар солдим кўрарман бир нимарса,  
Юраги ёрилур кўрғон кимарса.<sup>267</sup>  
Ётибдур чоҳ тагида қора аждар,  
Дамига тортғудек олимни яксар.  
Мени шарфам эшитиб уйғонибдур.

---

<sup>266</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 189 б.

<sup>267</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 190 а.

Кўрарман ҳар тарафга тўлғонибдур.  
Они ҳар бир кўзи ёлқин нуридек.  
Агар очса оғзини гўё унгурдек.  
Они кўрган ҳамон заҳрим ёрилди.  
Довуш қилдим булар ҳам тортиб олди.  
Неча қилсанг онга йўқтур иложи,  
Сани ишинг яна топмас ривожи.  
Мунга ҳар бириси кўп ўйладилар.  
Ҳамаси сеҳр-жодудир дедилар.  
Иложини тополмай ёнди ондин,  
Келиб кирди Самарқанд ичра бедин.  
Яна бўлди Самарқанд кофиристон.  
Ки гўё қолмади анда муслмон.  
Биёбонда эди ул чоҳ машҳур,  
Кўрур кўзга эди монанд бир гўр.  
Амир Темур замони бўлгунча ёр,  
Иморатсиз ўшал ер эрди ҳамвор.  
Амир Темур они қилди иморат,  
Аён бўлсун деди элга зиёрат.

## ҲАЗРАТ ШОҲ ҚУСАМНИНГ ЧОҲ ИЧИГА ҚАНДАЙ КИРИБ БОРИШЛАРИ

Яна сўзни эшитгил Шоҳ Қусамдин,  
Қутулуб бўлди онда холи ғамдин.<sup>268</sup>  
Тушти ҳазрат Шоҳ чоҳ тубиға.  
Қарор этди у ерда чоҳ тубиға.  
Кириб кетди магар боғи эрамга.  
Беҳишт жовидондек мухтасар маконга.  
Ўшал бўстонда турлук мевалар бор.  
Қачон кўнгли тиласа эрди тайёр.  
Бўлуб фориг ҳамма дунё ишидин,  
Қўноқча чекмади миннат кишидин.  
Худоға бандаликда бўлди онда,  
Инонғил эътиқодин бўлса санда.

---

<sup>268</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 190 б.

Яна айтди Худоға ҳамд бисёр.  
Они айтқон сўзидур ушбу гуфтор.

## ҲАЗРАТ ШОҲ ҚУСАМНИНГ ЧОҲ ТУБИДА АЙТҚОН МУНОЖОТЛАРИ

Ўзини қудратидин бир ҳовуч туфроқни жон эткан.  
Муқараб ўзига айлаб беҳишти жовидон эткан.  
Малакот кўтариб тахтини сар осмон эткан.  
Ўшал кун манзилини қодирим жовидон эткан.  
Азозилни рожим айлаб уруб отин шайтон эткан.  
Итоб этди чиқариб эмкин ер юзига ташлади,  
Тополмай бир-бирини рўйи дунёда адашлади.  
Алар бир неча йиллар гам била кўзини ёшлади.<sup>269</sup>  
Эгам лутф айлабон алар гуноҳин бағишлади.  
Иккисини қўшуб бир-бирига ҳам меҳрибон эткан.  
Оларни наслидин ер юзига одамни тўлдурди.  
Қўйуб баъзини дунёда яна баъзини ўлдурди.  
Ҳар ишга қудрати бордур деб сиҳатда бўлдурди.  
Қилиб баъзисини саркаш баъзисини қулуқға кўндирди.  
Яна Нуҳ наби қавмини фарқ тўфон эткан.  
Халилуллоҳ Иброҳимни пайғамбар қилиб Холиқ,  
Ҳамма элдин ани суйди қилиб даргоҳига лойиқ.  
Бировни айлади ошиқ, бировни маҳрум фосиқ.  
Ошурди кўкка Идрисни, Юнусни сақлади балиқ,  
Бу иш бирла Холиқ бандани имтиҳон айлади.  
Юсуфни ҳажридаким, дийдаи Яқубни кўр этди.<sup>270</sup>  
Адаштирди Юсуфни ғурбат ичра шаҳсувор этди.  
Яна қудратидин афлок узра Исони убур этди.  
Муҳаммад мустафони бир тунда сайри ломакон этган,  
Фараз Холисни умиди олардин баҳравар бўлсам,  
Муҳаббат маркабин минсам, тариқат боғида юрсам.  
Худонинг лутфи бўлса, обрўйи ду жаҳон кўрсам.  
Лахад уйига кирганда яна ҳабиб била бўлсам.  
Ўзининг қудратини, тахти мулкини намоён эткан.

<sup>269</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 191 а.

<sup>270</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 191 б.

## ЧОҲ УЗРАСИҒА АМИР ТЕМУРНИ ИМОРАТ БИНО ҚИЛГОНИ

Кел эй яхши дегил ровий ривоят.  
Қусам бошиғаки қилди иморат.  
Дедилар ровийлар султони даврон.  
Ки, яъни ул Амир Темур Кўрагон.  
Вилоятлар бўлди анга мусаллам.  
Ҳамма элди қилиб мамнуъи беғам.  
Анинг кўнглиға келдиким банагоҳ,  
Деди қилсам тавоф Ҳазрати Шоҳ.<sup>271</sup>  
Акобирлар била анга йўналди,  
Уламо фузало бирга эрди.  
Темуршоҳ келди чоҳи Шоҳизинда,  
Жаме хос ва ом йиғилди анда.  
Йўқ эрди анда бир олий иморат,  
Эди саҳрода чоҳ басалобат.  
Савол этди улуғлардин Темуршоҳ,  
Қилинглар яхшилар бу ердин огоҳ.  
Ҳоло зиндамукин ул Шоҳи жавонон,  
Билурмисиз ва ё оламдин ўткон.  
Акобирлар дедилар илм ғайибдур,  
Ўлук тирик демак бизларға ажибдур.  
Киши то кўзи била кўрмас, билмас,  
Ўлук тириклигин ҳаргиз деёлмас.  
Бор эрди Хожа Абдумалик ном,  
Ура турди ердин ушбу ҳангом.  
Деди мен кўб китобларни кўрубман,  
Буларни васфини анда ўқубман.  
Тирик деди у саҳнда буларни,  
Ақидасин биладурман аларни.  
Кеча-кундуз қилар Ҳаққа ибодат,  
Чиқар ер юзиға етишса соат.  
Нузул Ҳазрат Исо нишони,  
Чиқар эрмиш дегайлар билғони.  
Бўлур қирқ йил Самарқанд шаҳрида шоҳ,

---

<sup>271</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 192 а.

Азалда ғайратин бергандур Аллоҳ.<sup>272</sup>  
Темуршоҳ аскарға юз кетурди.  
Бу сўзларни ҳам аларға гапурди.  
Киши борми сизларда эй райият,  
Мени сўзумни олса, қилса ибрат,  
Кириб чиқар бу чоҳ ичра у одам.  
Хабар келтурса ондин бизға илдам.  
Ақидамиз яна бўлса зиёрат,  
Бу ерда айласак яхши иморат.  
Қилди инъом эҳсон бениҳоят.  
Анга ҳеч бўлмағай шак ва шикоят.  
Бехосдин биров турди ердин.  
Ўшал инъом эҳсон беҳадидин.  
Ҳаддод оти уста солор эди ул.  
Ҳамма лашкарлара сардори эди ул.  
Деди бу бандагиз кирса бўлурму?  
Алардан бир хабар олса бўлурму?  
Деди Амир Темур борик Аллоҳ,  
Муродим сан анда кўнглумда огоҳ.  
Ки сандан ўзгалар ҳамдардим бўлолмас.  
Бу ишга ҳеч бир қадам қўя олмас.  
Киши ҳадди бўлурми суқса бошин.  
Ўзини лаҳзаи ондалу ҳаётин  
Эди Ҳидо ажойиб паҳлавони,  
Ғайур коргар ҳам кордони.  
Деди Ҳаддод бошим билан солинглар,  
Адаб бўлур кўруб ибрат олинглар.<sup>273</sup>  
Оёғи боғлади анда камандин,  
Халойиқ кўп эди чандон ва чандин.  
Туруб солдилар они чоҳ ичиға.  
Замони бор эди етди тубиға.  
Адабни сақлашди бош бирла борди.  
Неча муддат қоронғу чоҳ ичра қолди.  
Қаро тундек эди андек чоҳ.  
На офтоб кўрунурди анда на моҳ.

---

<sup>272</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 192 б.

<sup>273</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 193 а.

Юмуб турди кўзни неча соат.  
Кўзни очмади бир қанча фурсат.  
Замондин кўзни очиди ул он.  
Кўрунди кўзига бир неча равшан.  
Қарарким ҳар тараф анда кўз очуқ.  
Кўрарким чоҳнинг тубида ҳеч кимса йўқ.  
Бироқ бир ёқда бир унгур кўрунди.  
Юрарға ул томонға юз ўгурди.  
Бориб макон у ғор қибла тарафға,  
Етарманму деди ул бош ариқға.  
Ўшал унгур томон бўлди раво  
Қадам қўяр эди чун ошиқона.  
Юрарда тунд тез қилмади тахир,  
Кириб борди у дам бир ўқ отим ер.  
Кўрарким бир сарой бўлди намоён.  
Бор эрди тўрт суфа шоҳи даврон.  
Ки ҳар бир суфада тахти оли,  
Ўшал манзил эди жаннат мисоли.<sup>274</sup>  
Суфа устида эрди ҳужра тайёр,  
Ани эшиги ҳам дарчаси ҳам бор.  
Кумуш тилло билан андуда қилган,  
Ани гавҳар билан омода қилгон.  
Беҳишт манзилларидан камики йўқ,  
Валекин ич ва ташидан ҳеч кимса йўқ.  
Кириб уй ичига қилди томоша,  
Ҳар бир хонаи фирдавси аъло.  
Яна тўринда бир дарча кўринди,  
Ки андин боғу бўстон кўринди.  
Бориб кирди ўшал боғнинг ичига,  
Қарасанг етмагай боғнинг тубига.  
Ани ўртасида туп нок бордур,  
Чучуклигидан лаб ва тилни ёрадур.  
Ариқни бир ёғи эрди токистон,  
Узумлари эрди анда турли алвон.  
Алаф устида сув ғалтон бордур,  
Билмадики булар фазли Худодур.

---

<sup>274</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 193 б.



Узай деб қўл узатди анда Ҳидо,  
Эшитди узма деб овози фарёд.  
Кўрдиким босалобат марди пири,  
Қўлида гурзи билан келурди.  
Ани ваҳимада Ҳаддод тортди қўлин,  
Узумни олмасидан тўсди йўлин.  
Югуриб борди бир девора ошди,  
Яна бир манзил дигарга тушди.<sup>275</sup>  
Юрубдур онда ўтлаб от бисёр,  
Эди зайнул-жоми бирла тайёр.  
Яна тилло эгар анда урулган,  
Жавоҳирдан эди жабдуқ ва юган.  
Айди Ҳаддод ҳар бир чоғ остинда  
Билар лашкарни чоғин кўз ўнгида.  
Бориси икки юз йигирма тўрт минг,  
Деди чоғлаб ажаб кўрарман анинг.  
Қараб эрди кўрунди анда қаср.  
Ичи таши ани тиллодан эди.  
У ерда бор экан мардони ғайб,  
Алар бирла эрди арвоҳи тайиб.  
У дам қаср ичига солди назарни.  
Ки анда кўрди уч марди гавҳарни.  
Учовлон тахт узра ўлтирибдур,  
Ани Ҳидо кўзи билан кўрибдур.  
Анинг ўнг қўлидаги эрди сапедпўш,  
Яна сўл қўлидаги эрди сабзапўш.  
Эди ўнг қўлдаги Хизр Абул Аббос,  
Эди ўн қўлдаги ҳазрати Илёс.  
Яқин борди рижол ғайб қошига,  
Кўруб эрди аларга тушди шубҳа.  
Еиб сўради алардин ким бўлурсиз,  
Бу ерда мунтазир бўлиб турибсиз.<sup>276</sup>  
Дедилар бизлар рижол ғайб бўлурмиз,  
Ўшал эрни келиб ҳар кун кўрунурмиз.  
Сўрарди уйдаги қандай кишидур,

---

<sup>275</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 194 а.

<sup>276</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 194 б.

Ани сизга тақи мундоғ кишидур.  
Деди ўртадағи Шоҳизинда.  
Икки ёнидағи икки банда.  
Бири Хизр бири Илёс эрурлар.  
Келиб Шоҳизиндаға хизмат қилурлар.  
Ўнгит эрур пайғамбарга амакизод,  
Қусам ибн Аббос эрур ўшал зот.  
Лақабини они Шоҳизинда дерлар,  
Шунингдек от кўтарур мундоғ эрлар.  
Муаккал айлади бизни бу ишга,  
Келурмиз ҳар куни мунда бу ишга.  
Кетармиз сўнгра биз атроф олам,  
Жаҳоннинг ишидур бизға мусаллам.  
Булардан ўтди арвоҳ сари борди,  
Муни кўриб алар овоза солди.  
Аларни шўри шайни Шоҳ билди,  
Деди. арвоҳлар сизга не бўлди?  
Дедилар мунда бир бегона пайдо,  
Анинг учун қилурмиз шўри ғавғо.  
Ғазаб бирла буюрди Шоҳизинда,  
Олиб келғил дедилар ани мунда.  
Ижозатсиз нега мунда келибдур,  
Не мақсадда, не хуружда у тушубдур.<sup>277</sup>

Икки арвоҳ келиб тутди қўлидин,  
Бириси ўнгинин, бириси сўлдин.  
Ҳар иккиси оти Шоҳ Муҳаммад,  
Ани судради беш шоҳ сармад.  
Алар холо Самарқандда ётурлар,  
Аларнинг васфини яхши айтурлар.  
Бири дарвоза Шайхнинг бошида,  
Бири дарвоза Фируза ичинда.  
Олиб борди алар Шоҳнинг қошиға,  
Не иш тушди кўрунг Ҳидо бошиға.  
Салом бирла бориб олдиға кирди,  
Ўшал Шоҳи жавонон алик олди.

---

<sup>277</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 195 а.

Кўруб Ҳидо таниға гурза тушди,  
Аларнинг ваҳмидин ўзин унутди.  
Агарчи пурдил эрди бошижоат,  
Қилолмади алар олдида итоат.  
Қусам билди ани ерга қаради,  
Замон ўтди анинг хавфи босилди.  
Бошини кўтариб анда Қусамшоҳ,  
У дам Ҳидони қилдилар огоҳ.  
Дедилар ким, қаердансан, у ерга,  
Ижозатсиз нечук кирдинг бу ерга.  
Агар амр айласам ҳозир буларға,  
Сани пора қилиб ташлар бу ерга.  
Ўлугини олиб ташқари ташлар,  
Сани чоҳ устидин барча кўрар.<sup>278</sup>  
Бўлур эрди ҳамма оламға ибрат,  
Санингдек келмағай то беижозат.  
Деди Ҳидо аё Шоҳи жавонон,  
Бўлурми бандагизда ҳад ила сон.  
Амир Темур дегон бир шоҳимиз бор,  
Раийятга эрур мушфиқ ва ғамхор.  
Таворихда ўқубдур саҳифангизни,  
Бу чоҳ ичра демишлар бор сизни.  
Амир Темур мени мунда тушурди,  
Кўруб чиқиш ишин менга буюрди.  
Ўзумча мен бу чоҳга тушгоним йўқ,  
Ижозатсиз бу ерга келганим йўқ.  
Итоб этмак менга мундин зиёда.  
Ҳазаб бирлан битурманг ушбу жода.  
Амир Темурни амири бирла келдим,  
Хабар сиздан олиб чиқмоққа келдим.  
Дедилар Шоҳизинда эй дуругўй,  
Не ҳолат тушди санга бу недур гўй.  
Уялгин тангридин ёлғон дегунча,  
Тушурди оҳи ила султон дегунча.  
Бу ерга не сани ул шоҳ тушурди,  
Бу ерга орзуи дунё тушурди.

---

<sup>278</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 195 б.

Бизни сан беҳабар билма бу ишдин.  
Не воқе бўлса анда ёзу қишидин.  
Яна шоҳ сўрадилар айтгил отингни  
Баён айла уруғ ила зотингни.<sup>279</sup>  
Деди Ҳидо отим Эй шоҳи сарвар.  
Амир Темурға мен сардор лашкар.  
Деди Ҳидоға анда ҳазрат Шоҳ.  
Бу ерғаким келибдурсан банагоҳ.  
Бу ерда турмагил бўлгил равона,  
Бу сирни билмасун халқи замона.  
Агар қилсан бу сирни анда изҳор.  
Бўлурсан бир балосиға гирифтор.  
Деди Ҳидо ё подшоҳи жавонон,  
Амирни олдида анга не дерман.  
Амир Темур эрур шоҳи ғайури,  
Етар машриқдан мағрибга зўри.  
Демасдин туруб қандай турурман,  
Ки хуршид олдида бир заррадурман.  
Ғазаб қилса нечук тоқат қилурман,  
Қаҳрланса қочиб қайға борурман.  
Мени ўлдурмоқдин анга ғам йўқ,  
**Шафоат қилгани соҳиб карам йўқ.**  
Таворихқа ўзини дониши бор,  
Хабар аҳли билан осойиши бор.  
Бу сирни мен агар анда яшурсам,  
Мени қўймас бошимни тошға урсам.  
Жаҳонда ҳар бир нимадан жон сучуктур,  
Айтар бўлсам мени холим нечукдур.  
Айтар бўлсанг дедилар кўр бўлурсан,  
Икки равшан кўзингдан айрилурсан.<sup>280</sup>  
Ки сандан сўнгра наслинг қиёмат.  
Бўлурлар кўр билгил бу аломат.  
Муни Ҳидо эшитди йиғлади зор,  
Не иш қилдим менга кўрлиқ не даркор?  
Дедилар ҳазрат Шоҳ йиғламагил.

---

<sup>279</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 196 а.

<sup>280</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 196 б.

Кўнглини ҳаққа бер кўп ғамламағил.  
Азалда санга шундайдур нетарсан.  
Не юздин беҳудага ҳомиш этарсан.  
Қиёматда киши кўрларға етмас.  
Қиёмат чўлидан онларға етмас.  
Бу дунёда хиёнатдун йироқдур,  
Беҳиштда кўзлари мисли чироғдур.  
Ўларда келса Азроил қошиға,  
Кўзлари кўрмас у дам даҳшатға.  
Лахадга қўйсалар сани эй соҳиби дин.  
Азоби бўлмағай мункар накирдин.  
Саволиға жавоб осон берурлар.  
Яна нома ўқурдин қутулурлар.  
Сақардин ваҳим йўқ хати оларда.  
Валекин хавф кўпдур ўзгаларда.  
Беҳиштга кирса нобино кирарлар,  
Бориб жойида нобино турарлар.  
Қусам Ҳидони кўнглини овладилар,  
Ки энди жойингга боргил дедилар.  
Ки санди ўзга бизни топмағай,  
Кўролмас мунда то дур қиёмат.<sup>281</sup>  
Туруб таъзим ила йўлланди Ҳаддод,  
Бу йўлдин шод у ердин эрди ношод.  
Етишти анда Ҳидо маргизорга,  
Томошалар қилиб гулзорларга.  
Ўтуб борди у дам ғорнинг тағиға.  
Етушни анда ҳам чоҳнинг лабиға.  
Белиға боғлади анда камарин,  
Қимирлатди камандни чоҳ хабарин.  
Юқори тортдилар Ҳидони ул дам,  
Чиқардилар ҳамон зўр ила ул дам.  
Камандни ечиб ташлади ерга.  
Дам олиб келди боргоҳи Амирга.  
Темур сўради андин сўзларини,  
Тикиб турди халойиқ кўзларини.  
Деди Ҳидо кириб чоҳ ичра ул ҳол,

---

<sup>281</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» кўлёмаси. 197 а.

Қоронғулиқда бўлдим тарафи бадҳол.  
Олардин чоҳ ичидин йўқ нишони,  
На ўзи бор, на анда устихони.  
Қарадим чоҳ ичида мой йўқ,  
Суви йўқ билсангиз ҳарф ҳаво йўқ,  
Бу сўзлардин Амир бўлди ғазабнок.  
Нега ёлғон айтурсан менга нопок.  
Уламолар таворихни қарабдур,  
Булар ҳазрат Шоҳни зинда дейдур.  
Билиб туриб мунинкор этарсан.  
Мени ўлдуларимдин ғам емассан.<sup>282</sup>  
Сани андоғ азобда ўлдурайин,  
Жаҳонда қаҳр заҳрим билдирайин.  
Сани ҳолингга мурғу ҳайвонлар,  
Таассуфдан десун турли наволар.  
Яна зор инграсун дарёда балиқ,  
Таажжуб айласун кўрган халойиқ.  
Темуршоҳни қаҳри бўлиб зиёда,  
Яна алдармусан деб анда мунда.  
Алар Ҳидони маҳкам боғладилар,  
Ўлум чоҳи томонға судрадилар.  
Ғилофидан қилични суғурди,  
Ани Ҳаддод очиқ кўз билан кўрди.  
Деди бўлди мени ҳолимға мушкул,  
Аллоҳим раҳмат эт жонимни сурғил.  
Деди жаллода эмди тутсангиз,  
Дейин кўрганларим бир раҳм қилсангиз.<sup>283</sup>  
Бўшатдилар Амир олдиға келди,  
Ютуниб олдида бир дам ўтурди.  
Деди эй, шаҳриёри ду олам,  
Санга сир сўзлайин ўлдирма шул дам.  
Мани сирим айтма дедилар Шоҳ,  
Бўлурсан кўр, у дам айтсанг банагоҳ,  
Қиёмат кунғача авлодларинг ҳам.  
Бўлур кўр дедилар ул шоҳи олам.

---

<sup>282</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 197 б.

<sup>283</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 198 а.

Мусулмон подшоҳи бодиёнат,  
Кўрармусан раво менга хиёнат.  
Санга ҳеч яхши хизмат қилмадиму?  
Ололмагон сирингни олмадиму?  
Не юздин бу жафо менга қилурсан,  
Мани бийнони нобийно қилурсан.  
Кўйуб фарзанди авлодларимга мундоғ,  
Қиёматгача доғ устига доғ.  
Амир Темур деди кўп қўрқма мундин,  
Санга беҳроқ бўлур буюрганимдин.  
Анга сан ғам ема бир иш қилайин,  
Сани авлодингга ҳар не берайин.  
Санга авлодларингга мударрислар,  
Солиб вақфларини ҳам нафақалар.  
Санга боғи бино ўлди шаҳарда,  
Десунлар эл яна аҳсанат санга.  
Олиб дарвозаи Сўзангарондин,  
Ки то дарвозаи Фируза мундин.<sup>284</sup>  
Санга вақф айладим барчаларини.  
Ки яна онда ўн икки кўприкни.  
Туйлидин ол сан аспи давонди  
Миниб ол ушбуға эй дардманди.  
Югурғил токи от борғунча саҳро,  
Санга бўлсун бори қайгурма асло.  
Сани авлодларин ҳам койинмасун,  
Ани махсулини деб ғам емасун.  
Ки мендин сўнг киши қўл солмасунлар,  
Яна тортуб олардан олмасунлар.  
Агар олса ҳамма лаънат аларға,  
Худонинг раҳмати бўлсун силарга.  
Не ерни хоҳласан ани танлақил,  
Отин бирла бориб борини олғил.  
Отин не ерга бориб қолса ҳориб,  
Ани мулк айлағил ўзингга олиб.  
Туруб Ҳидо ул дам андиша қилди,  
Кўнгли онча ишни пеша қилди,

---

<sup>284</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 198 б.

Агар анҳор ерни хоҳларман.  
Ки ондин доимо кулфат чекарман.  
Ҳамиша дари азимда хатарнок.  
Йиқилса йўқ зироат махзандур хок.  
Агар бўлмай десанг ўлгунча дарғам,  
Нимарса элмағил дар оби Дарғам.  
Суғдни ерини қилсам хаёли,  
Не бўлғусидир кўрларни холи.  
Тошиб кетса деди дарё лавмак  
Буларга йўқ бўлур имкони ўтмак.  
Назарга олмади анда борини.  
Алар илғади Насрбодни.  
Ки ул эрди Самарқандни нақшини.  
Менинг авлодим бўлмас қийини.  
Ани Амир Темурга айлади арз.  
Деди олғил менга ҳам бўлмасун қарз.  
Отни минди қамчи берди отиға.  
Халойиқдин ўзуб кетди у якка.  
Ки ондин ўтуб Оқтепаға борди.  
Яна отин буриб Себахшиға солди.  
Чопиб Себахшидан ул дам ўтубдур.  
Яна ноҳия Мисра етибдур.  
Ки ондин ўтди Давлатефаға борди.  
Юғуриб дилкушо ериға кирди.  
Ўтуб ондин Миёнчиға йўлланди.  
Жадал қилди Мароҳан ичра кирди.  
Мароҳандан чиқиб Чангалга кирди.  
Оҳаклик сойига отини бурди.  
Етар етмасда оти монда бўлди.  
Босарға келмади дармонда бўлди.  
Ки ҳарчанд қамчи урди бўлмади аввал.  
Неча зўрлади отға юрмади аввал.  
Бўлуб ночор қўлдин қамчини отди.  
Оҳаклик сойининг олдиға етди.<sup>285</sup>  
Амир Темур аларни анга берди.  
Бериб ёрлиғ они кўнглини олди.

---

<sup>285</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 199 б.



Амир олдинда Ҳидо сўзга кирди,  
Ки Шоҳ аҳволидин анга гапурди.  
Тамом этди сўзини анда хадод,  
Амир Темур эшитиб бўлди кўп шод.  
У дам Ҳидо кўзи беюз бўлди,  
Икки қатра сув томди кўр бўлди.  
Бу сўзлардин Амир топди башорат,  
Ўшал чоҳ устига солди иморат.  
Бино қилди Амир Ҳидога боғи,  
Вале Ҳидо эрди кўзни доғи.  
Яна мадраса қилдилар кўрларга,  
Кўзи йўқ барчаси маъзурларга.

### САМАРҚАНД МОЗОРЛАРИНИНГ ТАЪРИФЛАРИ БАЁНИ

Кел, эй оқил Самарқандин гапурғил,  
Они хосиятин бир-бир баён қил.  
Ки ўтди анда бир қанча азизлар,  
Ки яъни анбиё бирлан валийлар.  
Яна неча саҳобалар ўтибдур,  
Алар келиб Самарқандда ётибдур.  
Аларни қабрига ким бўлса зойир,  
Мужовирдур ё бўлса мусофир.  
Маротиби била қилса зиёрат,  
Тегар бўлғай ўшал эрға шарофат.<sup>286</sup>  
Бўлур деди дуоси мустажоби,  
Оларға ҳам буларға кўр савоби.  
Агарки ким шак келтурса бу сўзга,  
Бўлур кофир гумони қилма ўзга.  
Яхшилардин эшитиб мен ривоят,  
Санга айлай бир-бир ҳикоят.  
Темур қилди Шоҳизиндага иморат,  
Тайин бўлсун деди анга зиёрат.  
Мўмин бўлсанг айлағил таҳорат,  
Бориб айла анда Қуръон тиловат.

---

<sup>286</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 200 а.

Зори бирла йиғла анда бағоят,  
Умид улдур қилса керак шафоат.  
Ҳар кимарса қилур бўлса зиёрат,  
Аввал анга керак ғусл ва таҳорат.  
Масжид кириб қилсун намоз ду ракат,  
Қабул бўлғай даргоҳиға ул тоат.  
Пайғамбарга ҳады қилғил савобин.  
Тонгла алар берур бўлғай жавобин.  
Қиёмат кун ўпар бўлғай рикобин.  
У дамда хадлай олмайдур савобин.  
Андин сўнгра ўшал хайрилбаножға.  
Шоҳ Қусам оталари Аббосға.  
Икки ракат намоз бирла итоат.  
Қилур бўлса андин олур итонат.  
Борғил анда шоҳи Салим Балхийға,  
Ажаб учрасанг дунё талхига.<sup>287</sup>  
Андин сўнгра Сароҳа борғайсан.  
Ғор олдида тол тагида турғайсан.  
Чин зори тазаррулар қилғайсан,  
Ажаб эмас ижобатлар кўргайсан.  
Гўристон Бани Тож деган бор,  
Шайхул ислом Абулҳасан ул мозор.  
Доим эрур анда Хизр рахгузор.  
Учраб келса токи берур башорат,  
Авлиёни кўрай десанг кўз била,  
Бедор бўлиб ҳозир турғил шаб жумъа.  
Сўнг бориб кириб қил намоз,  
Шикасталиқ бирла арз этгил ниёз.  
Ёрлақаса шояд сани корсоз.  
Раво бўлур тилоғонда ҳар ҳожат.  
Андин борғил бу Наср қассоба,  
Яхши эрур гарчи эмас саҳоба.  
Ҳар қадамда тайёр бўлур савоби.  
Гуноҳингга бўлур дерлар каффорат.  
Зиёрат қил етмас санга кулфати,  
Бошлариндин олам жабру зулмати.

---

<sup>287</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 200 б.

Хуросон амрига ким, борса,  
Тирикларға сўзлагандек сўзласа.  
Чор ёқадан етти навбат айласа.  
Чиқар бўлғай ўшал ерда ижобат.  
Ондин яна савмаға киргайсан.  
Хотирингга гўристонни олғайсан.<sup>288</sup>  
Икки ракат намоз анда қилғайсан,  
Бўлғай сани гуноҳингга каффорат.  
Холис бориб Самарқандда зиёрат.  
Қилгон топар муродиға башорат.  
Эранлардан шояд бўлсанг баҳраманд.  
Маҳрум қолмаским, ихлослиқ ҳожатманд.  
Агар бўлсанг деди ҳар ишга музтар.  
Зиёрат қил қабур Молики Аждар.  
Ўшал ерда туба тобеъинлар,  
Бориси эрдилар динга мўъминлар.  
Алар кўп қалъаи кофирни олди.  
Борисини мусулмонлиқға солди.  
Аларнинг барчаси анда ётурлар.  
Худо марқадларин пур нур этибдур.  
У ерда бор мозор Хожасанграсон,  
Бориб қилсун зиёрат ҳар мусулмон.  
Ётурлар Хожа Муҳаммад Фазл Балхий.  
Зиёрат қилса кўрмас ҳеч талхи.  
Азизлар, авлиёлар борки анда,  
Саногин билмоқи не ҳадди банда.<sup>289</sup>  
Удур шайх Абулқосимға устод,  
Олардин илми дини қилдилар ёд.  
Яна шогирдларини бири эрди.  
Абулмансур шайх Мотириди.  
Яна сари роҳанинг бошида.  
Ётур имом соҳиб каромат.  
Пири Хожа Муҳаммад Марвазийдур,  
Абу Наср ўғлини билинг ўзидур.  
Иккинчи Муҳаммад бард борий.

---

<sup>288</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 201 а.

<sup>289</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 201 б.

Ки. яъни ибн бу Саид ал Бухорий.  
Алар ҳам зиёрат қилғуликдур,  
Мадад қувват алардан олғуликдур.  
Учинчи Ани Хожа Валидур.  
Муродинға ажабмас еткурурдур.  
Дедилар ушбу ерда ётқон эрлар,  
Файур қаттол баланд мартабадирлар.  
Оларға қилма тақсирот дедилар,  
Бурунғилар силарға ғам едилар.  
Вале чашма суви даводур,  
Таҳорат бирла ичқил кўп даводур.  
У ерда савмаъга кир дедилар,  
Икки ракат намоз ўқусун дедилар.<sup>290</sup>  
Бор эрмиш анда бир хотун диёнат,  
Зиёрат аҳлиға шафқатда одат.  
Демишлар баъзилар умми Ҳузайфа,  
Ки эрдилар пайғамбарга саҳоба.  
Самарқанд чашмаси йўлидандур,  
Агар ёрлақоғон қулларға берур.  
Валекин уламолар алқоби,  
Дедилар ҳазрат Дониёл булоқи.  
Ўшал чашма суйи оби шифодур,  
Киши ул чашмаға кирмак раводур.  
Кимарса ичса ё чўмса сувига,  
Ажаб эрмас кирар роҳат уйига.  
Ғам-андуҳдан бўлғай халоси,  
Бўлур ул ерда ду оламнинг давоси.  
Ониндек Оби раҳмат ариғи бор,  
Муҳожирларни анда тақияси бор.  
Самарқанд фатхида тегди оларға,  
Ерин тобди майдони дарғаларға.  
Қуруқ ерга ариқ олиб чиқарди,  
Этиб обод дарахтлари кўкарди.  
Ариқнинг олдида тайин мозори,  
Тавоф этсин кимни тушса гузори.  
Ўшал ариқ ёқаси Ғозиёнда,

---

<sup>290</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 202 а.

Ажойиб хонақои бордур анда.  
Ибодат хона Хизр эрди ул жойи,  
Кириб анда намоз қил эй ғузори.<sup>291</sup>  
Ағар ихлос била ўқиса Қуръон.  
Ҳамма мушкуллари бўлғуси осон.  
Абулқосим, Абулмансур анда,  
Икковлан Хизр билан учрашди анда.  
Алар вақтида мўғул эдилар,  
Буларға барчаси маҳбуб эдилар.  
Ривож олғон эди суннат жамоат,  
Иқтидо эди аҳли саодат.  
Хизрдин илм ҳикмат олдилар ёд,  
Ривожин топдилар, бўлдилар шод.  
Баландлик қилди аҳли суннат ул ҳол.  
Кироми муътазила бўлди лол.  
Аларни мазҳабини берди барҳам,  
Ки то алардан ҳеч ким қолмади.  
Самарқанд бўлди ҳамма аҳли суннат,  
Ки онда қолмади ғайри миллат.  
Ҳамма ерларни аҳли суннат олди.  
Бухорода бор эрди кўп жуҳуди,  
Иллоҳо оқибат маҳмуд қилғил,  
Кетарда бандани хушнуд қилғил.

---

<sup>291</sup> «Қусам ибн Аббос қиссаси» қўлёзмаси. 202 б.

## ҲАЗИНИЙ ЮРТИНИНГ ФИДОЙИСИ

(Насруллоҳ ота Раҳматуллоҳ ўғли маноқибӣ)

2008 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун Тошкентга жўнаб кетдик. Йўл-йўлакай Насруллоҳ отадан дуойи фотиҳа олиш учун Катта Кенагас қишлоғига кириб ўтишга тўғри келди. Насруллоҳ ота бу пайтда оғир операциядан чиққан бўлса ҳам руҳан жуда тетик эди, кўксига тушиб турган оппоқ соқоли унга янада улуғворлик бахш этиб турарди. У киши бизни узундан-узоқ дуолар қилди. Насруллоҳ отанинг олдидан худди қушдек енгил бўлиб, машинага ўтирар эканмиз, шофёр йигит ўз ҳаяжонини яшира олмай: «Нодирбек ака, биз кўришган бу инсон менинг назаримда худди авлиёлардан бўлиб кўринди» деди. Ўшанда унга «Мен учун Насруллоҳ ота доим шундай туюлиб келган» дедим. Шофёр йигит жавобимдан қониқиш ҳосил қилди шекилли бошқа савол ҳам бермади. Йўл давомида ҳар ким ўз хаёлининг оғушига чўмди...

Қамчиқ довонидан ўтиб борар эканмиз, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалололдин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари азиз-авлиёлар сиймосини хаёлан кўз олдимга келтирдим ва Насруллоҳ отанинг бутун ҳаёт йўли, турмуш-тарзи авлиёларга хос тарзда кечганлигини англай бошладим. Ўша пайтдаёқ юрагимизда у кишига бўлган юксак ҳурматимиз ифодаси сифатида ва келажак ёшларимизга ибрат ва намуна бўлишлари учун китоб ёзиш истаги пайдо бўлган эди.

Агар ёзувчи ёки шоирларимиз ўз даврида Насруллоҳ ота Раҳматулло ўғлининг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида ёзиш учун қўлларига қалам олганларида йирик бир роман ёхуд дoston битган бўлар эдилар. Кино усталари ҳам яхши бир фильм яратишлари тайин эди. Буларнинг барчасига ўз вақтида Насруллоҳ отанинг имконияти ва шароитлари ҳам мавжуд бўлган. Қолаверса, ишлаб турган вазифаси ҳам шуни тақозо этарди. Аммо Насруллоҳ ота бундай таклифларни ўйлаб ўтирмай шубҳасиз рад этарди. Зеро, ундаги камтарлик фазилати бу ишларга йўл қўймаган. Инчунун бирон-бир инсон Насруллоҳ отадан «бу ишни мен қилганман» деган сўзни эшитган эмас. Шу сабабдан ўзини бошқалар олдида кўз-кўз қилиб обрў олишдек манманлик хислати мутлақо Насруллоҳ отага бегона бўлиб келган.

Мана шундай олижаноб инсон ҳақидаги ушбу сўзларимизни Насруллоҳ отанинг ҳаётлик вақтида ёза олмаганимиз учун минг афсусдамиз. Наилож, жудолик аламини фақат айрилиқдан сўнггина тушуниб етар эканмиз. Бу сафар ҳам худди шундай ҳиссиётни бошимиздан кечиришга мажбур бўлдик. Ўша куни Кенагасдан «Насруллоҳ ота вафот этди» деган аччиқ хабардан сўнг юрагимиздан жой олган қадрдон инсон билан видолашиш онлари нақадар оғир бўлишини аста-секин англаб етдик.

Ҳаётимиз давомида не-не инсонлар билан видолашмадик. Уларнинг жонсиз танасини кўрганимизда, қандай ҳолатга тушганимиз фақат Яратганга аён. Нима бўлганда ҳам, одамзод ўз яқини билан видолашиш нақадар оғир эканлигини мусибат билан юзма-юз бўлгандагина теран ҳис қилар экан. Насруллоҳ ота билан видолашиш учун у ётган хонага кирар эканмиз, ажойиб насим муаттар ҳидни туйгандек бўлдик. Одатда, марҳум ётган хонага кирган киши бундай ҳидни сезмайди. Унинг нурли юзларидаги хотиржамликни кўриб, Насруллоҳ ота худди ухлаб қолгану бир оздан сўнг уйғониб кетадигандек туюлди. Аммо аччиқ ҳақиқат шу эдики, у чиндан ҳам мангу уйқуга кетган, узоқ йиллардан бери тиним билмаган муборак жисми ниҳоят тин олган эди.

Табиатда ажойиб ҳикмат бор. Яхши инсонлар дунёдан ўтган куни ҳатто еру осмон ҳам йиғлар экан. Бу ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигини Насруллоҳ отани қабристонга дафн этаётиб шоҳиди бўлдик. Чарақлаб турган қуёш юзини бирдан булут қоплаб, ёмғир ёға бошлади. Шу дамда беихтиёр машҳур шоирлардан бирининг қуйидаги тўртлиги ёдимизга тушди.

*Қайгу дами йиғла қаҳрамон,  
Йиғламаслик мумкинмас тўйиб,  
Булутлар тунд пайтида инон,  
Қоялар ҳам йиғлар ўкиниб.*

Чиндан ҳам ўша мусибатли кунда нафақат Кенагас аҳли, балки осмон ҳам йиғлади дейиш мумкин. Назаримизда, бундай айрилиқ аламини Кенагас аҳли Зиёвуддин Ҳазинийдан жудо бўлган куни бошидан ўтказган бўлса керак. Бинобарин, Насруллоҳ ота ўша эл эъзозлаган валий зот Ҳазиний тўранинг ҳурматини жойига қўйишда, унинг номини элга қайтаришда улкан

ҳисса қўша олган ҳазрати инсон эди. Буни нафақат фарғоналиклар, балки олис кунчиқар юрти Япониянинг дунёга таниқли олимлари ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтган эдилар. Насруллоҳ отанинг дунёдан ўтганлигидан воқиф бўлган япониялик бир гуруҳ тарихчилар қуйидаги дил сўзларини бизга ёзиб жўнатган эдилар:

*«Биз бир неча йил давомида Ўзбекистон олимлари билан ҳамкорликда Ўрта Осиёнинг, жумладан Фарғона водийсининг тарихига қизиқиб, илмий тадқиқотлар олиб бордик. Мазкур тадқиқотлар чоғида бир неча марта Катта Кенагас қишлоғига боришга мўяссар бўлдик. Ўша пайтларда Насруллоҳ ота Раҳматулло ўғли бизга жуда катта ёрдам берганлар.*

*Бузрукхожа, Набирахожа ҳамда Зиёвуддин Ҳазинийнинг мақбаралари, уларга тааллуқли нарсалар ва авлодларига тегишли ҳужжатларнинг бугунга қадар нодир манба сифатида сақланиб қолганини Катта Кенагас қишлоғининг нақадар тарихий воқеаларга бой ҳудуд эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Катта Кенагас қишлоғи тарихини ўрганиши биз сингари тадқиқотчиларга ниҳоятда қизиқарли бўлиши муқаррар. Масалан, Бузрукхожа билан боғлиқ тарихий манбалар Фарғона водийси ва Қошғар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи манбалар ҳисобланади. Набирахожа ва Ҳазиний тўғрисидаги маълумотлар бўлса, XIX ва XX аср бошларидаги Фарғона водийсида мавжуд бўлган тасаввуф тариқатлар фаолиятини яқиндан ўрганишида муҳим аҳамият касб этади.*

*Биз япон олимлари Катта Кенагасга қилган илмий экспедицияларимиз давомида ушбу ёдгорликлар тарихини ўрганибгина қолмай, балки қишлоқ аҳлининг Насруллоҳ ота сингари эсонкуяр инсонлар бошчилигида ўз тарихий обидаларини кўз-қорачигидек авайлаб, эъозлаб келаётганликларини гувоҳи бўлдик. Ва бундан бениҳоят таъсирландик.*

*Катта Кенагас қишлоғини чин юракдан севган, эсонэсон юрти тарихининг аҳамиятини чуқур фаҳмлай билган Насруллоҳ ота бизнинг қизиқишимиз ва мақсадимизни яхши англаб, имкони борича ёрдам қилди. 2004 йилги таширифимиз чоғида Катта Кенагаснинг ўзига хос анъана ва удумларини кўрсатиб бериш учун алоҳида маросимларни таъкил этишида бош-қош*



бўлиб турдилар. Айниқса, жонажон қишлоғи тарихини самимият билан бошдан охиригача пиеда юриб батафеил тушунтириб бердики, унинг тўлқинланиб сўзлашларидан катта таассуротларга эга бўлдик. Ўша кезларда биз кўрган Насруллоҳ отанинг меҳрга йўғрилган нурли сиймоси бир умр ёдимизда муҳрланиб қолади.

*Бизнинг тушунишимизча, Насруллоҳ ота Катта Кенагас қишлоғининг ўзига хос тарихини, ундаги ёдгорликларнинг меъморий ва тарихий аҳамиятини қадрига етганлигидан, кенгроқ доирадаги одамларни ҳам булардан хабардор қилишни истаган бўлсалар керак.*

*Умид қиламизки, Насруллоҳ ота орзу қилган ниятларини ҳам қишлоқлари рўёбга чиқаради. Ўз навбатида, биз ҳам Насруллоҳ отадан кўрган илтифоотларимизга муносиб тарзда жавоб беришига ҳаракат қиламиз».*

*Шимен Ясуши, Чуо университетининг профессори.*

*Минори Савада, Тояма университетининг профессори.*

*Яёи Каваҳара, Чуо университетининг профессори.*

Аксарият одамлар кексалик нафақасига чиққач «Тўйлар қилсам, дам олиш сиҳатгоҳларига борсам, имкон топсам Ҳаж зиёратини адо этсам» дея қарилик гаштини суриш орзусида яшайди. Аммо нафақага қадар бирор кун тиним билмаган Насруллоҳ ота нафақага чиққач ҳаётининг энг азиз дамларини Ҳазиний хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ хайрли ишларга сарфлади. Шу сабабдан Ҳазиний тўғрисида тадқиқот олиб борган ҳар бир тадқиқотчи ўзининг мақоласи ёки китобининг кириш қисмида албатта Насруллоҳ ота Раҳматуллаев номини тилга олади.

1995 йили истеъдодли адабиётшунос олим Икромиддин Остонақулов «Зиёвуддин Ҳазиний» рисоласининг муқаддимасига «**Ушбун Насруллоҳ ота Раҳматуллоҳ ўғлига бағишлайман**» деган жумлани ёзиб қўйган ва рисоланинг бир ўрнида қуйидаги дил сўзларини баён этган:

«Ҳазиний меросини тўплаш ва ўрганишда филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадаминов, шоирнинг ҳамқишлоғи, меҳнат фахрийси Насруллоҳ ота Раҳматулло ўғлининг жонбозлиги катта. Насруллоҳ ота Ҳазиний ҳаётига доир нақлларни тўплади, ҳазинийхонлик кунларини ўтказиш ишига бош-қош бўлиб, жа-

моатчилик эътиборини бу қутлуғ ишга биринчилар қаторида қаратди»<sup>292</sup>.

Ҳазинийшунос олим сифатида элга танилган адабиётшунос олим Отабек Жўрабоев «Ҳазиний тўра» китобининг кириш қисмида «Бу ишда ўз самимиятлари билан доимо далда бўлган Фарғона вилояти Учқўприк тумани Катта Кенагас қишлоғи аҳлига, жумладан муаллиф учун қадрли инсонлар – Насруллоҳ ота Раҳматуллаев ва Исмоилхон ака Маҳмудовга чексиз эҳтиром билдираман» деб ёзган.

Биз ҳам дастлаб Насруллоҳ ота Раҳматуллаев ҳақида алоҳида рисола шаклида китоб ёзишни режа қилган эдик. Аммо Насруллоҳ ота тўғрисида қанча сўзламайлик, Ҳазиний номи ҳам баб-баравар тилга олинар, агар Ҳазиний мероси хусусида оғиз очсак, Насруллоҳ отанинг меҳнатлари кўз олдимизга келаварар эди. Улар ўртасида худди узилмас ришта бордек туюлади. Шу сабабдан Зиёвуддин Ҳазиний ва Насруллоҳ ота Раҳматуллаев ҳақидаги ёзмоқчи бўлганларимизни бир китобга киритишга азму қарор қилдик.

\* \* \*

Насруллоҳ ота ҳаётликларидаёқ унинг ҳаётини ёритиб берувчи рисолага маълумотлар тўплаш учун уни яқиндан билган кадрдонларига саволномалар юборган эдик. Мазкур рисоланинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда саволномалар асосида ёзилган хотираларнинг айримларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этар эканмиз, дастлабки ёдномани адабиётшунос олим Икромиддин Остонақуловнинг хотираларидан келтиришни ўринли деб билдик.

### **Ҳиммат фарзанди**

1992 йилнинг сентябр ойи эди. XIV асрда яшаб ўтган шоир ва адиб Носируддин Рабғузий ижоди бўйича мақола тайёрлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги редакциясининг танқид ва адабиётшунослик бўлимига олиб бордим.

Моҳир адабиётшунос, журналист Маҳмуд Саъдий мақолани қабул қилиб олар экан, газетанинг келгуси режалари ҳақида гап

---

<sup>292</sup>Икромиддин Остонақул. Зиёвуддин Ҳазиний... 160 -161-бетлар.

очиб: «Ўзбек адабиёти намуналари» рукнида материаллар эълон қилишни режалаштирганмиз, асосан асарлари кам эълон қилинган ёки бирор марта ҳам жорий алифбода босилмаган шоирлар ижодидан намуналар берилади, мана рўйхат. сен ҳам қараб боқ, бизнинг эътиборимиздан четда қолган ижодкор ҳам ёдингга тушар, қўшиб қўямиз», дедилар.

Рўйхатга кўз югуртирдим, «Ҳазиний» исмига нигоҳим тўхтади.

– Менда Ҳазинийнинг бир баёзи бор, унинг туғилган қишлоғи бизга яқин, шоирнинг Сотиболдихон исмли ўғли барҳаёт, ҳофизлик маҳорати жуда юқори, – дедим.

Маҳмуд ака севиниб кетди.

– Ўша баёздан намуналар саралаб, Ҳазинийнинг ўғли билан суҳбатлашиб мақола тайёрлаб кел, албатта «Фарғона тонг отгунча» газалининг матни ҳам бўлсин. – деди.

Ўша кундан бошлаб, Ҳазиний баёзини тadbил қилишга жиддий киришдим. Ўндан ортиқ газал ва мухаммасларни оққа кўчирдим. Шоир ижоди бўйича биографик маълумот тўплаш учун Катта Кенагас қишлоғига Сотиболдихон ота ҳузурига бориш ҳақида ҳамқишлогим Муҳаммадхонтўрага мурожаат қилдим. Иккимиз Сотиболдихон отани излаб Катта Кенагасга бордик. Хонадонда бизни Сотиболдихон отанинг ўғли Носирхон (Худо раҳмат қилсин) кутиб олди. Дадаси Ултарма қишлоғидаги ҳовлида эканлигини айтди. Ултармага бориб отахон билан суҳбатлашдик. Сотиболдихон ота, «Дадамиз ҳақида ижобий мақола ёзиладиган вақт ҳам келибди-да», деб шоир ҳаёти, туғилган йили, меросини сақланиш аҳволи ҳақида маълумот бердилар.

Мен Муҳаммадхонтўра билан маслаҳатлашиб, мақолани ёзиб, шеърларни редакцияга олиб бордим. Унга Зиёвуддин Ҳазинийнинг «Бу жаҳонга ким келибдур, бўлмасин бахти қаро» мисрасини сарлавҳа қилдим. Чунки бу мисра шоирнинг умуминсоний қадрият даражасидаги дуоси эди.

Ниҳоят мақола ва шоир шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1992 йил 1 ноябр сониди ярим саҳифада босилиб чиқди. Бу материални ёзган кунларим мен Рабғузийнинг пайғамбарлар ҳақидаги қиссаси поэтикаси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида эдим. Шунингдек, XVIII асрда яшаган Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Маноқиб Қодирия» китобини араб графикасидан ҳозирги жорий ёзувга

ўгириб, эълон қилган эдим. Энг муҳими, Рушдийнинг «Тазкиратул авлиёи туркий» асарини профессор Ҳамиджон Ҳомидий билан бирга тадбил қилиб, нашрга тайёрлаётган эдим. Асардаги 95 авлиё зикри билан бутун фикри-хаёлим банд эди.

Ҳазиний бир ғазалида «Сулуқим Қодирия, раҳбаримдур пири пироним, саҳарлар зикри «Хув Оллоҳни»эмди одат қилмасам бўлмас», деб ёзган эди. Мен нашрга тайёрлаган Ғавсул Аъзам Абдулқодир Гилоний маноқиби эса Қодирия тариқати асосчиси ҳақида эди.

Шунинг учун Ҳазиний ҳақидаги мақолани тайёрлаш ва ёзиш мен учун кўнгилли ва осон кечди деб ўйлайман. Мен ўша пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети аспиранти эдим. Оилам ва тўрт фарзандим билан Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасида ижарада истиқомат қилар эдим. Мақолам босилиб чиққандан кейин бир ҳафта ўтиб, ўзим учун ажойиб туш кўрдим. Тушимда Оққўрғондаги ҳовлимизда эмишман.

Кун ёйилиб қолган пайт. Онам ёнимга келиб, «Бизнинг қишлоғимизга Ҳазиний келибди. хонадонларни айланиб юрибди экан, бизнинг уйда ҳам қолиши мумкин», деди.

Мен бу хабардан ҳаяжонга тушдим. «Ҳазиний Оққўрғонга мени излаб келган бўлса керак ёки менинг у ҳақида ёзган мақолам учун танбеҳ бергани келдимикин», деб ташвишга тушдим.

Шоирнинг уйимизга келишига қандай ҳолатда туришим керак, деб ўйлай бошладим. Ниҳоят шоирнинг келишига таҳорат олиб, пок ҳолатда тураман, деган қарорга келдим. Зудлик билан обдастага сув қуйиб таҳоратхона томон юра бошладим. Бахтга қарши дарвозамиз ланг очиқ экан. Дарвоза тўғрисида кесиб ўтиб кетаётсам, бир оқ соқолли, қора тўн кийган, бошидаги дўпписи гирдини қора атлас қийиқ билан танғиб олган савлатли киши кириб келди. Икки қўлига ёнғоқми, ўрик данагими ушлаб олган, уларни гоҳ ўнг қўлига, гоҳ чап қўлига тўкиб, ниманидир хиргойи қилиб кириб келди. Мен нима қилишни билмай, тўхтаб қолдим.

– Ие ўғлим, бугун намозга кеч қолибсиз-да, эртарақ туриш керак-да, – деди. Уятдан ҳаяжонланиб юрагим дукиллаб кетди. Юрак дук-дукидан уйғониб кетдим. Қарасам, Қўйлиқдаги уйдаяман. Шунда мен инсоний руҳ эсланган жойда ҳамиша ҳозир нозир эканлигига тўлиқ ишондим. Аввалги иштибоҳларим учун тавба қилдим. Бу туш менинг ёзганларимдан Ҳазиний руҳи шод

бўлгани нишонаси эканлигини билсамда, бир улуғ зотдан тушимнинг таъбирини сўрадим.

– Тушда таҳорат илм олишга интилиш белгиси, сиз диний-ирфоний билим олишга жиддий киришинг. – деди у киши.

Орадан бир ҳафта ўтиб уч-тўрт кунда қайтиш нияти билан Тошкентдан Оққўрғонга бордим. Шу ерда эканлигимда уйимизга қўлига «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини ва бир дафтарни тутганча юз-кўзлари чақнаб бир отахон кириб келди. «Сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку, Икромиддин», дея қучоқ очиб кўришди. Юзларидан нур, вужудидан ғайрат ва олижаноблик барқ уриб турган бу инсон Насруллоҳ ота Раҳматуллаев эди. Мен бу кишини вилоят газетасида ишлаб юрган кезларимда туман агросаноат бирлашмасида ишловчи, фидойи деҳқон, сўнг колхоз раиси бўлиб, нафақага чиққан меҳнат фахрийси сифатида танир эдим. Аммо Катта Кенагас қишлоғидан эканлигидан хабардор эмас эдим.

Унинг айтишича, ҳамқишлоқлар мустақиллик шарофати туфайли Ҳазиний меросини тиклаш, юбилейни ўтказиш, китобларини нашр этиш, қабрини ободонлаштириш бўйича бир неча ишларни режалаштиришган. Туман ва вилоят раҳбарлари уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашган. Шунинг учун улар Ҳазиний ижодини яхши билувчи адабиётшунос олимларни излашаётган эканлар. Бирдан кутилмаганда менинг мақолам ва Ҳазиний шеърлари газетада чиқиб қолган. Фарғонадан менинг кимлигимни сўраб-суриштиришган. Шундоқ оққўрғонлик эканлигимни билиб, қишлоққа келган экан.

Насруллоҳ ота менга қўқонлик адабиётшунос, филология фанлари номзоди Аҳмадjon Мадаминov (Худо раҳмат қилсин) Ҳазиний шеърларини тўплаганлиги, китоб «Ёзувчи» нашриётига берилгани, декабр ойида босилиб чиқишини айтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Зиёвуддин Ҳазинийнинг 125 йиллик юбилейини ўтказишга киришгани, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим комиссия раиси этиб тайинлагани, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими унга зарур ёрдам бериб турганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди. Менга эса Иброҳим Раҳимга ёрдам бериб туришим зарурлигини айтди.

Ҳақиқатдан ҳам севимли ёзувчимиз Иброҳим Раҳим (Худо раҳмат қилсин) шоир Зиёвуддин Ҳазиний юбилейини ташкил этишда тажрибали жамоат арбоби эканлигини намоён қилди.

У Маданият вазирлигига, Ўзбекистон мусулмонлар идорасига, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, композиторлар уюшмасига, Ўзбекистон давлат телевидениесига алоҳида-алоҳида хат тайёрлади. Бу ташкилотлардан юбилей учун маблағ ва кўмак уюштирди. Ҳазиний таваллудининг 125 йиллик юбилейи Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг биносига ўтказилди.

Шоир юбилейи чинакам адабиёт ва санъат, маънавият байрамига айланиб кетди. Кейинчалик Насруллоҳ ота Ҳазиний ижоди бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарурлигини айтди:

1. Ҳазиний девонини нашр этиш.

2. Ҳазиний уй-музейини ташкил этиш.

3. Ҳазиний ҳаёти ва ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш.

4. Катта Кенагас қабристонига Ҳазиний ва бошқа азиз инсонлар мақбараларини таъмирлаш.

5. Ҳазиний ижоди бўйича фильм яратиш.

Насруллоҳ отанинг наказларидан тўрттаси унинг ҳаётлик чоғида амалга оширилди. Аҳмаджон Мадаминов ва Отабек Жўрабоев Ҳазиний девонини нашрга тайёрлашди. 2000 йили «Девон» «Маънавият» нашриётида босмадан чиқди. Катта Кенагас қишлоғи марказида шоирнинг уй-музеи очилиб экспонатлар билан бойитилди. Отабек Жўрабоев «Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва адабий мероси» мавзусига оид 2004 йили номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Катта Кенагас қабристонига Ҳазиний мақбараси таъмирланди.

Афсуски, Насруллоҳ отага Ҳазиний ҳаёти ва ижодига бағишланган фильмни кўриш насиб этмади.

Биринчи учрашувимизда Насруллоҳ ота менга бир дафтар бериб кетган эди. Унда шоир ҳақида замондошлари хотиралари, айрим шеърлар, шоирнинг отаси Каттахожа шеърлари битилган эди.

1995 йили «Авлиёлар султони. Туронлик валийлар» китобини тасниф этиб, нашр этишга муваффақ бўлдим. Китоб сўнгида Ҳазиний ҳақида рисола берилди. Уни ёзишда Насруллоҳ ота менга берган дафтардан фойдаландим ва рисола ни Насруллоҳ отага бағишладим.

1999 йили «Фарғоналик валийлар» китобини ёзиш учун материал йиғиш пайтида Катта Кенагасга яна йўлим тушди. Насрул-

лоҳ ота билан суҳбат қурдим. У киши мени ош дамлаб, меҳмон қилди. Менинг ошқозоним оғрир, айниқса палов есам тунда дард тутиб қолар эди. Шунинг учун ош еб қўлимни артдим. Насруллоҳ ота:

– Нега сиз камовқатсиз, озғинсиз. Қандай касалингиз бор, очигини айтинг? – деди.

Мен ўн икки бармоқли ичагимда яра борлигини, шу боисдан кечаси безовта қилишини, етти йилдан бери аҳвол шундайлигини айтдим.

– Жарроҳлик операциясини қилиш керак. – деди Насруллоҳ ота.

– Операциядан яхши чиқмай, яна ҳам ҳолим хароб бўлса, нима қиламан? – дедим.

– Сиз қўрқманг, албатта операция яхши ўтади. Учкўприк тумани марказий шифохонасида Муроджон Йигитов деган хирург бор. Дўстимнинг ўғли, менга ўгил қаторида. Шу йигитга учрайсиз. – деди қатъият билан отахон.

Насруллоҳ отанинг ишонч билан айтган сўзларидан руҳим кўтарилди. Жарроҳлик амалиётига розилик бердим. Муроджон Йигитов жуда истарали, ўз билимига ишонувчи, меҳрибон инсон экан. Муроджон Йигитов мени обдон текшириб: «Ярангиз «пишиб қолибди» операциядан ўзга чора йўқ», деди.

Хуллас, 1999 йили 17 май куни жарроҳлик йўли билан ичакдаги яра олиб ташланди. Бир соатлик беҳушлик уйқусидан уйғониб кўзимни очдим. Тепамда турмуш ўртоғим билан Насруллоҳ ота турар эди. Шифохонадан чиққунимга қадар Насруллоҳ ота ҳар куни кўргани кириб турди.

Бир куни Сотиболдихон ота ҳам кўргани келдилар.

– Нега шу пайтгача операцияга рози бўлмади қийналиб юрдингиз? – деб сўрадилар.

– Тўғриси вафот этиб қолишдан қўрқиб рози бўлмаган эдим, – дедим. У киши:

– Э сизни қарангу, умрингиз узун бўлади, ҳали кўп яшайсиз, – деб кўнглимни кўтариб дуо қилдилар.

Қаламкашлигу адабиётга меҳрим туфайли Сотиболдихон ота ва Насруллоҳ ота каби азиз инсонлар билан танишиш, уларнинг олижаноб ҳимматларидан баҳраманд бўлиш бахтига мушарраф бўлдим. Мен улардан одамийликни, саҳийликни, ҳимматни, яхшилик учун хизмат қилишни ўргандим.

Насруллоҳ ота чинакам ҳиммат фарзанди эди. Ота-онаси, Катта Кенагаснинг олижаноб кишилари Насруллоҳ отани халқимизга бўлган барча олижаноб хислатлари билан тарбия қилдилар. Бу тарбия маҳсули фидойи инсоннинг барча хайрли ишларида ёрқин намоён қилди. Зиёвуддин Ҳазиний ҳаётда қадрлаган юксак фазилатлар: тўғрилиқ, саҳийлик, ҳиммат, силаи раҳм эди. Буни «Бўлмаса» радиопрограммасида жуда чиройли баён этган:

*Сиз ани одам деманг кўнглида ҳиммат бўлмаса,  
Балки имони хатарлик анда гайрат бўлмаса.  
Кимки қоҳилдир билинг ҳар ду сарода хордур,  
Мўмин содиқ эмас ул анда жузъат бўлмаса.*

Насруллоҳ ота эса улуғ шоир Ҳазиний васф этган ҳимматли, гайратли ва жузъатли мардуми Фарғоналардан бири эди.

*Икромиддин Остонақулов,  
филология фаилари номзоди, доцент.*

## Чўл сафари

Мен Мамадиев Саидхон Шукурович 1951 йили Данғара тумани Ғози-ғиждон қишлоғи ўрамидаги Ёв қишлоғида туғилганман. Ҳозирда Бешариқ шаҳри Чархий кўчаси 12-уйда яшаб келмоқдаман. Маълумотим олий.

Насруллоҳ ака Раҳматуллаевни (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) 1974 йилдан буён яхши биламан. Бу инсонни халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўювчи, халқим, юртим деб ёниб яшаб ўтган ҳалол инсон сифатида эсга оламан.

Насруллоҳ ака катталарга ука, кичикларга ака бўлиб, ҳар қандай мураккаб ишларни ҳам моҳирона ҳал қиладиган раҳбар эдилар.

1976 йилда Учкўприк туман қишлоқ хожалиги бошқармасида, мен бош агроном, Насруллоҳ акам бошқарма бошлиғи бўлиб бирга ишлаган даврларимизни, айниқса, кўп эслайман. Насруллоҳ ака бошқарма бошлиғи сифатида меҳнат жамоамиздаги ҳар бир ходимни бошига мушкул иш тушса, дарров ҳозир бўлиб, оталарча меҳрибонлик билан бошқарганлар. Хотирамда бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган воқеалардан бири, яъни чўл сафари ҳақида тўхтаб ўтмоқчиман.



Туман миқёсида иш бошлаган давримда, туманнинг ўша вақтдаги биринчи раҳбари ҳузурига чорлаб, чўллардаги деҳқончиликларни кўриб келиш ва бу борада маълумотнома тайёрлаш учун топшириқ берди. Тўғриси айтсам, бундай масъулиятли вазифани биринчи бор зиммамга олганим сабабли ҳаяжонга тушдим ва мазкур топшириқ юзасидан Насруллоҳ акам билан учрашдим. У киши бир оз ўйланиб туриб, «чўлга бирга борамиз» деди.

Эрталаб хизмат машинасида, мен рулда, ёнимда Насруллоҳ ака билан тўғри чўлга йўл олдик. Учкўприк марказидан чиқарчиқмас, Насруллоҳ ака касалхонага кириб ўтайлик деб айтди. Мен унинг ушбу сўзидан бирор беморни кўриб чиқар эканмиз, деб ўйладим. Кейин билсам бемор аслида Насруллоҳ аканинг ўзлари экан. Чунки Насруллоҳ аканинг ўша пайтда иситмаси кўтарилиб, 40<sup>о</sup> дан ошаёзган, устига-устак қон босими ниҳоятда баланд бўлган экан. Аввалига шифокорлар ҳам бу ҳолатдан бир оз саросимага тушиб қолдилар. Чунки уларнинг айтишларича, Насруллоҳ аканинг шу чоғда ҳаёти қил устида эди. Шу сабабдан унга кетма-кет тўрт мартаба укол қилиб ётқизиб кўйишди. Унинг бу ҳолатини кўриб, ўзим ҳам қўрқиб кетдим ва мен унга чўлга ёлғиз ўзим боришимни айтдим. Бироқ қанча ҳаракат қилмай уни кўндира олмадим. Шундай оғир аҳволда бўлишларига қарамай, бирор соат ўтар-ўтмас касалхонани тарк этиб, мен билан чўлга жўнаб кетди. Бир неча кун давомида Насруллоҳ ака билан бирга чўл ҳудудларини айланиб чиқиб, иккаламиз раҳбар учун пухта ва батафсил маълумотнома тайёрладик. Юз-кўзидан юқори иситма аломатлари яққол сезилиб турса-да, у киши бирон марта соғлиғидан шикоят қилмай, ҳар сўзида чўлга келиб буткул соғайиб кетганлигини таъкидлар эди.

Ўшандаги чўл сафарини энди эсласам, Насруллоҳ аканинг менга қилган меҳрибончилигини ҳатто оталар ҳам ўз фарзандларига қила олмас экан. Ваҳоланки, мендек ғўр, тажрибасиз мутахассис чўлга ёлғиз юборилгудек бўлса, арзигудек маълумотнома тайёрламасдан, туман раҳбарига нотўғри ахборот берилиши оқибатида, юзим шувут бўлиши турган гап эди. Бунинг натижасида менга нисбатан нафақат таъна-дашномлар, ҳатто ишлаб турган вазифамдан ҳам четлатиш чоралари кўриларди. Насруллоҳ ака вазиятни тўғри тушуниб, соғлигини ҳам ўйламай чўлга борган экан.

Насруллоҳ акадек бағрикенг, халқпарвар, фидойи раҳбар камдан-кам дунёга келади. Уларнинг ишларини давом эттириш фарзандлари ва мен каби шогирдларига насиб қилсин.

## Улкан чинор янглиғ

Мен Мастонов Собирхон Валихонович 1953 йили 30 май куни Катта Кенагас қишлоғида дунёга келганман. Ҳозирда шу қишлоқда истиқомат қиламан. 1970 йилдан буён давлат ишларида ишлайман.

Насруллоҳ ота билан бизни қариндош-уруғчилигимиз йўқ, лекин бизнинг оила билан эсимни таниганимдан буён борди-келди алоқалар борлигидан худди бир оиладек бўлиб кетганлигимизни англаб етган эдим.

Катталарнинг айтишларига қараганда, Насруллоҳ отанинг дадалари мулла Раҳматулло бобо дурадгор бўлганлар. У киши ниҳоятда халим, тақводор ҳамда ўз касбининг моҳир устаси сифатида машҳур бўлган экан. Мулла Раҳматулло ўз шогирдларига бош бўлиб, Қўқон ва Кенагас атрофларидаги қишлоқларда масжид, турар жой учун иморатлар, кўприклар бино қилдирганлар. У ясаган Қўқон аравалари ўз вақтида неча юзлаб кишиларнинг оғирини енгил қилганлигини кексаларимиздан кўп бор. Мулла Раҳматуллонинг дурадгорлик ҳунарини унинг иккинчи ўғли уста Ҳабибулло ота ҳозирги кунгача давом эттириб келмоқда. Ҳабибулло отанинг фарзандлари ҳам оталаридан наққошлик, дурадгорлик, ҳайкалтарошлик сирларини ўзлаштириб, бугунга келиб моҳир уста сифатида эл-юрт орасида обрў-эътибор топдилар ва кўплаб шогирдлар етиштириб чиқаришга улгурдилар.

Мен Насруллоҳ отанинг дадалари Мулла Раҳматуллони кўрмаганман, лекин оналари Бувинисо аяни кўриб у кишидан турмушда кўп зарур бўладиган ҳаётий сабоқларни ўрганганман. Бу табаррук онахон биз учун худди улуғ устозлар сингари ғоят қадрли ва эъзозли инсон бўлиб қолган эди.

Бувинисо ая шарқ аёлларига хос ибо ва ҳаё соҳибаси бўлиб, ниҳоятда оқила, олима, тақволи фариштасифат аёл эди. Бувинисо аянинг икки ўғиллари бўлган, холос. Икки ўғлига ҳам ўзларига муносиб хонадон қизларини олиб берганлар. Келинларини ҳам ўз фарзандларидан ортиқ суяр эди. Умрим давомида бундай

серфазилатли инсонни камдан-кам кўрганман. Бувинисо ая билан Раҳматилло отанинг аҳил оиласини қишлоқдагилар ўзлари учун энг ибратли хонадон сифатида улардан ўрناق олишга ҳаракат қилганлар.

Кўпчиликка ўрناق бўлиб турган шундай файзли хонадонда 1926 йилда Насруллоҳ ота туғилганлар. Ёшлик, ўсмирлик пайтлараридаёқ маҳаллада жамоат ишларига бош бўлиб, дастлабки меҳнат фаолиятини пахтачилик бригадасида ҳисобчиликдан бошлаган. Ёш ўспирин йигит иккинчи жаҳон уруши йилларида қишлоқда қийналган бева-бечораларга, етим-есирларга ёрдам кўрсатиш билан эл-юрт, раҳбарият ҳурматини қозонган. Сўнгра Кенагас (собиқ Дмитров колхоз)да бош ҳисобчи, ҳосилот вазифаларини бажариб келганлар. Сўнгра Бағдод, Бувайда, Учкўприк, Данғара туманларида қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, чорвачилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантиришда самарали меҳнат қилганлар. Ўша даврларда Республика бўйича Фарғона вилоятининг ҳозирги Учкўприк тумани ҳамда Хоразмнинг Боғот туманлари энг пешқадамлардан бўлганлар.

Насруллоҳ ота бир кунда ҳеч эринмасдан бир неча чақирим масофани пиёда босиб ўтиб, даладаги экинларни бирмабир кўздан кечириб, миришкор деҳқонлар билан фикр алмашар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, керакли маслаҳатларни берар эди. Насруллоҳ отадан ҳар бир экин майдонининг ҳажми, аҳволи, ундаги дарахтлар сони, тупроқ таркиби тўғрисида ҳар қандай ҳолатда сўралгудек бўлса, унинг жавоблари тайёр турар эди. Унинг бундай ҳозиржавоблиги олдида ҳайрон қолмасликдан бошқа иложимиз йўқ эди. Хотираси жуда кучли киши эди.

Насруллоҳ ота жамоат ишини ўзига берилган масъулиятли вазифадек қадрлар, завқ-шавқ билан ишга берилиб кетиб, ҳатто ўз соғлиғидан ҳам устун қўйишга одатланган эдилар. Шу сабабдан Насруллоҳ отада оиланинг майда-чуйда ишлари билан ўралиб қолишга вақт сира бўлмас эди. Аммо фарзандлар тарбиясига у жуда ҳам жиддий ва сергак эди. Бу борада унга тенг келадигани бўлмаса керак. Балки шу боисдан бўлса керак, фарзандларидан тортиб барча набиралари ҳам олий маълумотли мутахассис бўлиб етишганлар. Уларнинг барчаси ота изидан бориб, ўз ишининг етук ходимига айланганлар. Келинлари тўғрисида ҳам айнан худди шундай фикр билдириш мумкин.

Насруллоҳ отанинг яна бир ибратли томонлари унинг укасига бўлган акалик муносабатининг нақадар самимий эканлиги. Уста Ҳабибулло отанинг ҳам укасига бўлган юксак эҳтиромини кўрган ва билганлар борки, барчаси ҳурмат билан тилга олади. Уста Ҳабибулло ота қадрдон укаси Насруллоҳ отанинг умрини сўнги лаҳзаларига қадар ёнидан жилмади. Биринчи бор иккаласини бирга кўрган ҳар қандай киши уларни ака-ука эмас, балки худди буюк зотлар – Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сингари устоз ва шогирд бўлса керак, деб ўйлар эди. Чунки уста Ҳабибулло укасининг олдида ўзини худди садоқатли шогирд сифатида тутар, унинг бирон-бир сўзини бўлиб гапиришга ҳадди сиғмаган. Ўз навбатида, Насруллоҳ ота укасига нисбатан акаликдан кўра яқин дўстидек муносабатда бўлиб, унинг кўнглини қандай бўлмасин ранжитмасликка интилар эди.

Насруллоҳ отанинг турмуш ўртоқлари Раҳимахон ая (худо раҳмат қилсин) жуда намунали, тақволи оиланинг қизи бўлганлар. Насруллоҳ ота давлат, жамоат ишларида юрганларида Раҳимахон ая бирон-бир оилавий муаммони у кишини олдига кўндаланг қўймаганлар. Раҳимахон ая шарм-ҳаёда, ибо ва одобда қайнонаси Бувинисо ая тарбиясини олиб, унинг гўё қизидек бўлиб кетган эди.

Раҳимахон ая ҳақида оналаримиздан ажойиб ҳикояларни кўп эшитганмиз. Айтишларича, Раҳимахон ая бир мартагина Насруллоҳ отага: «Туманда бош раҳбарлардан бўлиб туриб, шу пайтгача уйимизни шифер қилмадик, мана уйимиз шифрдан ёмғир ўтиб, тоқчадаги ҳамма идиш-товоқларни пол устига қўйдик» деса, Насруллоҳ ота «Агар биз ўз уйимизни шифер қилиб олсак, оддий ишчиларнинг холидан беҳабар қоламиз-да, онаси» дея жавоб берган эканлар.

Насруллоҳ ота ҳеч қачон давлат, халқ, жамоатчилик мулкига кўз олайтирмаганлар. Бировнинг ҳақидан жуда кўрққанликлари учун ушбу сўзни кўп айтар эдилар: «Биров кўрмагани билан Худойи таоло барчасини кўриб турибдику?! Бу мулк давлатники, у бизга эмас, аксинча, умид билан шифо кутиб ётган касалхонадаги беморларга, дили махзун ногиронларга, етимхоналарда ота-онасиз қолган норасида гўдакларга, узоғимизни яқин қилувчи кўприкларга, йўлларга тегишли».

Ҳали-ҳануз эсимда бир куни Насруллоҳ отанинг дарвозалари олдида бир прицеп қирқилган беда тўкиб кетибдилар. Шу

куни Насруллоҳ ота ишга бориб ўтти олиб келган тракторчи ва уни юборган кишини топиб, ўзларига қайта юклатибди. Шахсан ўзларининг кузатувида ўтти фермага олиб бориб тўқдирибдилар. Айтибдиларки: «Менга уйдаги ҳайвонларим учун қачон ўт керак бўлса, кассага пулини тўлаб ёздириб оламан, лекин бунга ҳам ҳожатим йўқ. Чунки болаларим тўғри тарбия топиши учун бу ишлар билан улар машғул бўлишлари зарур» дебдилар. Бу воқеани биз ўша ўтти олиб келган тракторчидан эшитган эдик.

Агар мендан нимани билмайсиз деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмай «Насруллоҳ отанинг бировга қаттиқ гапирганини» дея жавоб берган бўлар эдим. Бу борада ҳеч ким мен билан тортишмайди ҳам, чунки аслида чин ҳақиқат бу. Бинобарин. Насруллоҳ ота нафақат яхши инсонлар билан, балки ҳар қандай разил, пасткаш, хасадгўй инсонлар билан ҳам чиройли муомалада бўлар эди. Охир-оқибатда ҳатто кўнгли қора киши ҳам Насруллоҳ ота билан бўлган суҳбатдан сўнг кимгадир яхшилик қилиш фикрига тушиб қолар эди.

Насруллоҳ ота ниҳоятда ўзларини босиқ, хотиржам ва вазмин ҳолатда тутса-да, лекин ҳамиша хаёли халқ манфаатига тегишли бирор-бир масала билан банд бўлар эди. У ҳеч кимга паст назар билан қарамаган. Аксинча, оддий бир деҳқонни ҳам улуг бир кашфиётчи инсон сифатида қадрлар эди. Бировнинг ўғли ҳарбий хизматга кузатилса ёки хизматдан келган бўлса, кимдир тўй қилаётган бўлса, уни алоҳида таклиф қилишларини кутмай ўзи бориб қутлаб келар ёки бошқаларни ҳам худди шундай йўл тутишга ундар эди. Унинг бу қадар хокисорлигини кўрган тўй эгаларининг кўзларида ёш қалқиганини ўзим неча бор гувоҳи бўлган эдим.

Истеъодли олим укамиз Отабек Жўрабоевнинг тўйлари бўлаётган куни у ерда Республикамиздаги бир қанча таниқли олимлар, жумладан, адабиётшунос олим Сайфиддин Сайфуллоҳ ҳам ҳозир бўлган вақтида Насруллоҳ ота «Эртага ҳаммамизга қадрдон бўлган Икромиддин Остонақул хонадониди ҳам тўй. Мен унинг номидан барчангизни шу тўйга таклиф қиламан. Эрталаб соат саккизда ўша ерда учрашамиз» дедилар. Унинг бу таклифига ўтирганларнинг барчаси рози бўлди. Эрталаб ушбу олимларнинг тўйга кириб келаётганини кўрган Икромиддин кўзларидан севинч ёшини яшира олмади.

Насруллоҳ ота таъзия маросимини эшитса, албатта ўша ерга қандай бўлмасин етиб боришга ҳаракат қилар эди. Ўша заҳоти кўнгил сўраш учун, марҳум яқинларига тасалли ва таскин бериш учун жўнаб кетарди. Бундай пайтларда ўзининг соғлигига эътибор беришни хаёлига ҳам келтирмаган.

Насруллоҳ отанинг энг ёмон кўрган одами шароити бўла туриб илм олмаган киши эди. Биров ўқишга кирганини эшитсалар, биринчилардан бўлиб табриклар эдилар ва кўпчилик орасида мақтаб хурсанд бўлиб гапирар эди. Қишлоқдагиларнинг қайсидир бирини бетоблигини эшитса, албатта уни уйига бориб холидан хабар олар, керак бўлса врач чақиртириб кўрсатар ва эҳтиёж туғилса касалхонага ётқизар эди. Шу билан чекланиб қолмай, беморни касалхонада ётганида ҳам бориб кўриб келар эди.

Насруллоҳ ота жамоат ишларини ўзлари ташкил қилиб бошқарар, иш битгандан сўнг: «Буни мен қилмадим, мана жамоатчилик асосида кўпчилик, яъни халқ қилди», деб мақтовлардан ўзини четга олар эди. Тўғриси айтганда биров уни мақташини сира хушламаганлиги учун «мен қилганман», ёки «мен томондан амалга оширилди» сингари жумлалар унга батамом ёт бўлган.

Ёши улуғ бир отахондан қуйидагиларни эшитган эдим: «У вақтда Насруллоҳ ота Ҳамза бўлимида бошқарувчи вазифасида ишлар эди. Мен маккажўхори даласидан ўғринча макка сўтасини қайириб бир қопга тўлдирдим. Ҳали замон қоровул келиб қолмасидан илгари кета қолай, деб қопни кўтармоқчи бўлдим. Бироқ қарилик панд берди. Ҳарчанд уринмай ҳеч қопни елкамга кўтара олмадим. Шу пайт орқамдан бир киши келиб қопни менга кўтаргизиб қўяр экан. «Тез бўлинг, қоровул келмай кета қолайлик» деди. Мен ёрдами учун унга раҳмат айтмоқчи бўлиб ортимга қарасам, не кўз билан кўрайки, от етаклаган раис буванинг нақ ўзлари олдимда турибди. Хиждатдан қопни ерга қўйишни ҳам билмайман... Шунда Насруллоҳ раис бува: «Отахон, сизнинг ёшингиз улуғ, сиз йўл бошланг»деса бўладими. Мен елкамда бир қоп макка сўтаси билан юра бошладим. Орқамдан эса изма-из от етаклаган раис келаверди. Ўқ ариқ бўйлаб макказордан четга чиқдик. Шунда раис: «Отахон, узр шошиб турибман, яхши қолинг», деб отга миниб жўнаб кетди. Мен раисдан роса дашном эшитсам керак, деб турган чоғимда унинг менга қилган илтифоти ҳаммасидан ошиб тушди. Ўз қилмишимдан уялиб кет-

дим. Бундай пайтда ер ёрилсаю ерга кириб кетсам. Шу воқеа сабаб узоқ вақтгача Насруллоҳ раис бува олдида юзим шувут бўлиб, афсусланиб юрдим. Бора-бора ўзим ҳам жамоат мулкани қўриқлайдиган, унга кўз олайтирмоқчи бўлганларни қаттиқ тергайдиган диёнат соҳибига айландим. Бунинг учун минг бор Насруллоҳ раис бувадан миннатдорман».

Насруллоҳ отанинг оналари Бувинисо ая бизнинг хонадонимизга тез-тез келиб турар эдилар. У киши онамизни жуда яхши кўрганлиги боис, бир-икки кун уйимизда туриб ҳам кетардилар. Ёш бола бўлганим учун уларнинг суҳбатларига қулоқ солишни яхши кўрардим. Уларнинг ўзаро суҳбатларидан айримлари ҳали ҳануз ёдимда. Бир кун Бувинисо ая онамга қараб: «Бир машина юк келди, ўғлимни сўрашиб, уни уйимизга тушириб кетишди. Қоп тешикларидан шоли ва бодом, қуруқ ўрик қоқиси эканлигини билдим. Шунда ўзимга: «Бу нарсалар ўғлимга тегишли. Ўғлим ишдан келса сўраб оларман» деб, бир дона ўрикни ҳам олмадим. Ўғлим ярим кеча ишдан келиб, юк қанақа машинада келганлигини билгач, олдига қўйган овқатни ҳам емасдан қайтиб чиқди. Шундан сўнг телефон қилиб ўша машинани ва олиб келган одамларни чақирди. Сўнгра қопларни ўзларига юклатиб қайтариб юборди» деган эди.

Бувинисо ая аксарият вақтларда Қуръон тиловати, жойнамоз устида намоз, зикр, тасбеҳ ўгириш билан машғул бўлар эди. Кўп кунларни рўзадорлик билан ўтказар эдилар. Умрларининг охириги кунда ҳам рўзадор бўлган эканлар. Қўшниларидан игна олган экан. Бувинисо ая ўша кун қўшнисига шу омонат игнасини бериб чиққач, намозга ўтирган ва намозни ўқиб бўлгач, жойнамоз устида дунёдан ўтган эканлар.

Ана шундай диёнат соҳибасининг фарзанди Насруллоҳ ота меҳнат нафақасига чиққанидан сўнг ҳам яна ўн йил бошқа бир қолоқ жамоа хўжалигини (собиқ Коммунизм) бошқарган эди. Шу вақт давомида Насруллоҳ ота кўп ёшларга устозлик қилдилар. Жамоа хўжалиги биологаториясини давлатимизда юқори даражага чиқарганлар. Энг қолоқлардан ҳисобланган жамоа хўжалигидаги ерларнинг тупроқ таркибини яхшилаш, зах қочирриш, чорва ҳайвонларини кўпайтириш, кам меҳнат сарфлаб, кўп даромад олиш ҳақида қайғуриб, қисқа фурсатда хўжаликни нафақат туманда, балки вилоятда энг илғорлар сафига олиб чиқишга муяссар бўлди.

Насруллоҳ ота экинларга ҳашорат бостириб юборган бепарво деҳқонларга «Экинни сочига тароқ тегмаган одамга ўхшатиб қўйманг. Чунки сиз шу билан бола-чақа боқасиз. Рўзгор тебратасиз. Даромадингиз ҳам шу, тўғрими?! Экин-текиндан хабар олмаган деҳқон, деҳқон эмас», дея мулойимлик билан ишга жиддий ёндашиш зарурлигини тушунтириб қўяр эди.

Насруллоҳ ота раисликни топширган кунидеёқ туман ҳокимияти унга туман фахрийлар кенгашини бошқариш вазифасини юклашди. Тиниб-тинчимаган Насруллоҳ ота тез орада бу ерда ҳам ишларни тартибга солди. У нафақага чиққан собиқ мутахассисларни йиғиб кўп йиллик тажрибага эга бўлган отахонлар билан доимо дала кезар ва жойларда деҳқончилиги оқсаб турган деҳқонларга қимматли маслаҳатлар берардилар. Шу билан бир қаторда, ёшлигидан дилига тугиб қўйган азалий орзуларини амалга ошириш учун енг шимариб ишга киришди. Унинг таъкидлашича, меҳнат фаолиятининг айна қизиган палласи худди шу даврдан бошланган эди.

\* \* \*

Насруллоҳ ота Катта Кенагасда яшаб ўтган мавлоно Ҳазиний ижодига мансуб асарларни халқимизга яқиндан таништириш борасида югуриб елди. У киши Ҳазинийнинг кўп йиллардан хароба холига келиб қолган қабрини ободонлаштириш, китобларини чоп эттириш, уй-музейини ташкил этиш, Ҳазиний боғини яратиш борасида гоҳ Тошкентда, гоҳ Фарғона ва Қўқон музейларида бўлиб, мутахассислар фикрини ўрганиб қайтар, шу залда кеча-кундуз ўй-фикрини Ҳазиний номини абадийлаштиришга қаратган эди. Қолаверса, 20 гектарлик қишлоқ қабристонига захни қочириш, у ерга электр тармоғини олиб бориш, йўллари таъмирлашга астойдил киришган эди. Шу билан бирга, қишлоқ йўлларини таъмир қилдириш, жомеъ масжидини барпо этиш борасида қилган меҳнатлари Катта Кенагас халқининг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди.

\* \* \*

Насруллоҳ ота Катта Кенагасда аввал яшаб ўтган улуғлар, жумладан, Зиёвуддин Ҳазинийнинг боболари дафн қилинган қабрни, XIX асрда Шарқий Туркистонда бир неча муддат ҳукмдорлик қилган Бузрукхон тўра мақбарасини, қишлоғимизда ту-



ғилиб Қўқон хонлигида узоқ вақт давомида адолатли қози сифатида иш юритган қозилар сулоласи тарихини тиклаш ҳамда Қўқон хонлигининг вазири сифатида кўплаб улкан тарихий обидаларни барпо этган Каримқул Зимбардорий фаолиятини ўрганиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан олиб борган саъй-ҳаракатлари машаққатли меҳнатларининг самараси эди. Бундай улкан ишларни амалга ошириш учун бир инсоннинг умри камлик қилар эди. Аммо Насруллоҳ ота ўн етти йил давомида бу ишларни деярли бажаришга улгурди. У қариллик гаштини суриб, дўсту биродарлари билан чойхоналарда суҳбатлар қурмади, дам олиш сиҳатгоҳларига бормади. Бир оз бўлса-да ўзининг шахсий ҳаётига фурсат ажратмади. Дарду хаёли қадрдон қишлоғини ободонлаштиришда бўлди. Натижада, Ҳазиний мақбараси тикланди, шоирга бағишлаб музей ташкил этилди, девонлари чоп қилинди. Ҳазиний таваллудига бағишланган юбилей тантаналари Республика миқёсида нишонланди.

Қишлоқ қабристонига асфальт йўлақлар ётқизилди. Қабристон ичидан ўтган ариқ Бетонлаштирилиб зах сувлар қочирилди. Қабристон атрофидаги янги хўжаликларга ҳамда зиёратчилар учун ичимлик суви чиқарилди.

Насруллоҳ ота бу ишларни амалга оширишда қишлоқ аҳли оқсоқоллари билан иш кўрганлар. Шулардан бири ҳожи домла Муқимжон Муллаевдир.

Шу ўринда қисқача Муқимжон ота тўғрисида маълумот берсак. Домла Муқимжон ота Катта Кенагас халқининг ёшу қарисининг таълим олишида устоз бўлган бир зот эдилар. Домла Муқимжон ота қишлоқдаги 21-умумтаълим мактабида 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида директорлик қилганлар. У киши билимдон мураббий, меҳрибон устоз, қаттиққўл тарбиячи, хизмат кўрсатган жонкуяр фидойи инсон, соф фикрловчи бир камтарин зот эди. Домла Муқимжон ота нафақага чиққанларидан сўнг Насруллоҳ ота билан биргаликда ҳамфикр бўлиб иш олиб бордилар. Қишлоқ тарихини тиклашда унинг ҳам муносиб хизматлари бор.

Умрларининг охириги куни ҳам жамоат ишлари билан банд бўлиб юрганларида автоҳалокат туфайли вафот этганлар. Насруллоҳ ота Муқимжон отага ниҳоятда боғланиб қолган эдилар. Қаерда бўлмасин, у билан ёнма-ён ўтирар, барча маросимларда имкон борида ундан ажралиб қолмасликка ҳаракат қилар эди.

Муқимжон ота вафотидан сўнг Насруллоҳ ота анча маънос бўлиб қолган. Чунки унинг учун кўп йиллик қадрдонисиз давралар ҳам ҳувиллаб қолган эди.

2007 йилнинг баҳор ойи эди. Насруллоҳ ота бетоблигига қарамай, қадрдонларидан бирини кўргани бориб, қайтишда врачга учрашиб операция қилдирган. Насруллоҳ отанинг бетобликлари 2 йил давом этган бўлса-да шу вақт давомида ҳам эл-юрт ободончилиги йўлида қайғурдилар.

Яна бир гап. Фарғона – Қўқон трасса йўли ёқасидаги ерлардан раҳбарият томонидан Насруллоҳ отага уй-жой қурилиши учун жой беришади. Шунда Насруллоҳ ота ёнларига бир хўжаликда 4 та ака-ука узоқ вақтдан бери яшаб келаётган ҳосилот йигитни чақириб «Бугун шу ерни кўриш учун юқоридан меҳмонлар келишади. Сизга алоҳида топшириқ. Шу ерни тўғри ўлчаб иккига бўласиз. Меҳмонлар тушдан сўнг етиб келишади», деб ишга жўнаб кетадилар. Туш пайти келиб бажарилган ишни кўриб: «Аниқ ўлчадингизми?» деб яна сўрайдилар. Ҳосилотдан «Ҳа» деган жавобни олганидан сўнг Насруллоҳ ота: «Энди ука, шу ерни у томони сизга мендан совға. Сиз у томонига бемалол иморат қилинг, қўшни бўлиб яшаймиз» деб ўзлари ишга қайтиб кетадилар.

Ўша пайтларда одамлар қўни-қўшни, ўз туғишганлари билан бир парча ер орқасидан сан-манга бориб, нари-бери бўлаётган бир замонда Насруллоҳ отанинг бу олийҳимматлигини таърифлашга тил ожизлик қилади.

Насруллоҳ отани касалхонада эканлигини эшитиб, кўргани кирдим. Аҳволлари анча оғир эканлигига қарамай, мен билан ўринларидан туриб кўришдилар. Анча суҳбатлашдик. Шу ҳолатда ҳам ишларим қандай кетаётганлиги билан қизиқиб, керакли маслаҳатларни бердилар. Шундан сўнг дуо қилиб ишга барвақт боришим зарурлигини таъкидладилар. Мен Насруллоҳ ота олдидан чиқар эканман, унинг орадан бир соатдан сўнг бу дунё билан видолашишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Аммо юрагимдаги безовталик у билан хайрлашаётганимда пайдо бўлган эди. Бунинг сабаби бир соатдан сўнг маълум бўлди...

Насруллоҳ отанинг дафн маросимига жуда кўп киши йиғилди. Назаримда, таъзияга келмаган одамнинг ўзим қолмагандек. Ўша дамларда барчанинг тили ва дилидан бир сўз ўтаверди: «Нафақат Кенагас, балки бутун туманимизга соя-салқин бериб

турган улкан чинор қулади». Чиндан ҳам Насруллоҳ ота биз учун улкан чинор янглиф бир зот бўлиб қолган эди.

## Насруллоҳ амаким

Мен Маҳмудов Исмоилхон Қодирхон ўғли 1967 йилда Учкўприк тумани Катта Кенагас қишлоғида туғилганман. Ҳозирда шу қишлоқда яшайман.

Аллоҳ таоло инсоният орасидан ҳар замон ва ҳар маконда комил фазилатларга эга бўлган саботли инсонларни яратиб, уларни ўз халқига муносиб тарзда намуна қилиб қўйган. Шундай инсонларнинг гўзал хулқ-атворлари, самимий муомалалари, ҳар бир қилган ишларининг пухталиги атрофдаги кишиларга таъсир этиб, уларни эзгу ишларга, фазилатли амалларга, олижанобликка даъват этган. Мана шундай инсонлар сабабидан кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, инсонийлик ришталари бир-бирига уланиб, яхши инсонлар кўпайиб бориши билан жамият равнақ топиб борган. Шундай олижаноб инсонлар ҳар бир жамиятнинг ўзаги ҳисобланади.

Бизнинг диёримиз шундай саботли инсонлар диёри, улуғ авлиёлар макони, илм- маърифат ўчоғи, саховатли дарахтлар боғи.

Бизнинг қишлоғимиздан ҳам қанча-қанча улуғ зотлар, яхши инсонлар ўтган. Шу яхши зотларнинг изидан бориб, одамларнинг қалб тўридан муносиб жой олган кишилардан бири Насруллоҳ ота Раҳматуллаевдир. Ким у кишини эсласа, кўзига ёш олади.

Мендан Насруллоҳ ота Раҳматуллаев ҳақида сўрашганда, фикримга бир сўз келади: «Мушки-анбарни таърифлашга ҳожат йўқ, чунки бўйи идишидан чиқиб таралиб туради», деб айтаман. Лекин шундай бўлса-да, Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Дунёдан ўтган кишиларингизни яхшилигини ёдга олинглар», деганларидек яхши инсонларни хотирлаш қалбингни тўлқинлантиради, яхшиликка чорлайди, нуқсонун камчиликларинг ёдингга келиб ҳушингни ўнглайсан, уларнинг ортларидан сен ҳам эзгу амалларга қўл уриб, савобли ишлар билан уларнинг руҳларини шод қилгинг келади, албатта яхши инсонларни хотирлашда ҳикмат кўп.

Насруллоҳ отанинг хайрли ишлари ҳақида ёзаман десанг китоб бўлади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) «Яхшиликни чиройли юзли кишилардан кутинглар» деб айтганларидек, юзлари нурли, доим табассумли

киши эдилар. Олимми шоирми, деҳқонми ёхуд қурувчими, ким билан мулоқотда бўлсалар, ўша кишиларга муносиб тарзда муомала қилар эдилар. Суҳбатларини, ширин сўзлари таъсирлик эди. У кишига баъзилар Насруллоҳ бува ёки Насруллоҳ ота, баъзилар Раис бува деб мурожаат қилишар эди. Мен эса «амаки» дер эдим. Чунки мен учун энг яқин азиз кишим, ҳам падари бузрукворимнинг оғайнилари, қадрдон укалари эдилар.

Дадам. Аллоҳ раҳмат қилсин. 1988 йил 24 февралда вафот қилдилар. Дадам вафотларидан сўнг амаким доимо менга суянчиқ бўлиб келдилар. мен у кишининг ёнларида бирга эдим, қанчадан-қанча хайрли ишларига гувоҳ бўлганман, уларнинг қай бирини айтай...

Амакимнинг менга қилган самимий яхшиликлари беқиёс, менга насиҳат қилдилар, оёққа турғиздилар, одам танитдилар, одоб ўргатдилар. Кошки, амакимнинг орзуларидаги киши бўла олсам...

Насруллоҳ амакимнинг мақсадлари юртнинг тинчлиги, фаровонлиги, кишиларнинг тотув-иноқлиги, келажак авлоднинг камолоти. Шу мақсадларда югуриб елдилар. Ҳазиний музейининг қурилиши-ю очилиши, йўл қурилиши, музей ва боғлар барпо этилиши. улуғ зотларнинг қадриятлари тикланишидаги ҳар бир саъй-ҳаракатларининг сабабидан оққан тер томчиларинию, дуо, илтижо қилгандаги тўккан кўз ёшларининг гувоҳиман. Улар доим «Хайрли ишга қўл урилдими мақсаддан қайтиш йўқ» дер эдилар.

Қишлоғимиздаги «Ҳазиний» мажмуасини қайта таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш учун саъй-ҳаракат қилиб турган пайтларида бетоб бўлиб қолдилар. Ўша куни бир маросимда бўлиб қайтаётган эдик, катта ўғиллари Убайдуллоҳ акам ҳам бирга эди. Сизлар мени Учкўприк касалхонаси ёнида тушириб қўйиб, ишларингга кетаверинглар, бир оз шу ерда ишим бор деб касалларини яширишга уриндилар, лекин юзлари оқариб, тер босиб кетаётган эди, биз сезиб қолиб касалхонага олиб кирдик. Врачлар касаллари жиддий эканини билиб олиб қолишди. Ўтлари ишламай қолган экан. Тезда муолажага тайёрлаб, шошилинч тарзда операция қилиб ўтларини олиб ташлашди. Лекин шу ётганларича оёққа турмадилар. Юртнинг ғами, одамларнинг ҳожати учун югуриб-елиб толмаган, рамазон ойидаги таровеху хатми-Қуръонларда чарчамаган оёқлари энди ишламай қолди. Ана шу

ҳолда ҳам касалликларидан нолимай, сабр қилиб, Яратгандан умидвор бўлиб, «Худо хоҳласа, тезда тузалиб кетаман, ҳали кўп ишлар қиламиз» деган умид билан яшадилар. Ана шу аҳволда ҳам бошқаларнинг тақдирига қайғуриб, кеча-кундуз азоб бериб келаётган оғир дардни унутишга ҳаракат қилар эди.

Алишер Навоий ҳазратлари

*Жон била сен то нафас имкони бор,  
Қадрини билгилки, нафасча не бор.  
Ҳар нафасинг холидин огоҳ бўл,  
Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл.*

деганларидек, нафаслари кириб чиқиб турганига, ақллари жойида, ҳушёр эканликларига Аллоҳга шукр қилиб, ўтирган жойларида ҳам ибодатларини қилиб, хайрли ишларни режалаштириб, кўргани келган кишиларнинг кўнглини олиб, ёшларга панд-насиҳатлар қилар эди.

Мен 2008 йил 10 августда «Умра» сафарига бориб 19 августда сафардан қайтдим. Амаким бетоб бўлса-да, кутиб олиш учун бизнинг хонадонимизга келган эканлар. Уйга кирар эканман, мени қучоқ очиб йиғлаб кутиб олдилар. Жаелимда ўша куни хонадонимизда Насруллоҳ отам билан бирга Катта Кенагасда яшаб ўтган барча азизлар руҳи ҳозир бўлгандек туюлди.

Амаким ҳар бир ишда ҳушёр эдилар. Миллий қадриятларимиз ҳурматини жойига қўйиб, уларни тиклаш фарзандлик бурчим деб, керак бўлса жонини фидо қилувчилардан бўлган. Насруллоҳ амаким мамлакатимиздаги ҳар бир ўзгаришларни теран тушуниб, ҳаётга тадбиқ қилишда ҳаммага ўрнак бўлган ҳолда ҳаёт кечирган диёнатли, оқил инсон эдилар.

У киши «Нафақага чиқдим, меҳнат қилганим бўлар энди», демасдан хайрли ишларга янада белларини маҳкам боғлаб, гўёки ёш навқирон йигитлардек шижоат билан киришардилар.

Насруллоҳ амаким билан ҳамнафас, ҳар бир ишда маслаҳатдош бўлган кишилардан Валихон бува Мастонов, Муқимжон домла Муллаев, Ҳамидуллоҳ Тўрақулов, Ҳазинийнинг ўғиллари Сотиболдихон Зияев, Абдусалим Ҳақимов, Нўмонжон Йўлдошев, Шарофиддин Отажонов ва бошқа бир неча фидоий оталаримиз бугунги кунда марҳум бўлиб, тириклар хотираларида ёрқин юлдуз каби порлаб турибдилар. Аллоҳ барчаларини ўз

раҳматига олсин. Дунёда қилган ҳар бир хайрли амаллари эвазига улкан ажр савоблар берсин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Кимники Аллоҳ таоло дўст тутса, унга одамларнинг ҳожатлари тушадиган қилиб қўяди, деб марҳамат қилдилар. Бу кишиларга одамларнинг ҳожати тушар, улар эса, ҳожатбарор эдилар. Амаким сингари инсонлар бизнинг юртимизнинг азим дарахтлари янглиг эди, назаримда.

Насруллоҳ амаким гўё дарёга сув келиб энг аввалда жавлон уриб келаётган тўлқин каби эдилар. Салобатли виқор дарахти каби сояларининг кўлами кенг эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Бирор кишини Худонинг дўсти эканлигини билмоқчи бўлсаларинг, одамларнинг унга нисбатан мақтовларига қаранглар» деганлар. Атрофда у кишини таниган, билган кишилар кўп. Уларнинг ҳар бирлари амакимни яхшилик билан ёдга олишади, ҳақларига дуо-ю хайрлар қилишади. Қишлоғимизда шундай кишилар бўлганидан фахрланамиз ва умид қиламизки, Насруллоҳ отанинг изларидан борадиган, улар учун орзу бўлиб қолган ишларни охирига етказадиган, руҳларини шод қилувчи муносиб авлодлар етарли.

### **Қадрдон синфдошим**

Мен Мавлонов Меҳмонали 1925 йили Юқори-Дашт қишлоғида туғилганман. Ҳозирда ҳам шу қишлоқда яшайман. Нафақадаман.

Мен Катта Қашқар қишлоғидаги бошланғич мактабда савод чиқардим. Кейин бизларни Кенагас қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабга ўтказишди ва бешинчи синфга қабул қилишди.

Бир неча кундаёқ синфдаги болалар ўзаро танишиб, қадрдонлашиб кетдик. Ичимизда Раҳматуллаев Насруллоҳ деган бола ўзининг одоблилиги, меҳрибонлиги, зукколиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турар эди. Шу тариқа 3 йил у билан бирга ўқидик. Бу давр ичида Насруллоҳ тиришқоқлиги туфайли синфда аълочи болалар сафидан ўрин олди. Насруллоҳ синфда паст ўзлаштирувчи болаларга чин дилдан ёрдам берар, уларни ҳам илғорлар сафига олиб чиқар эди. Барчага баробар муомала қилар эди. Тўғрисиўз, аҳдининг устидан чиқадиган бола эди.

Орадан 3 йил ўтгач мактабни битириб, ҳаммамиз ҳар қишлоққа тарқалиб кетдик. Ҳар ким ўз тирикчилиги билан бўлиб,

меҳнат фронтига ўзимизни урдик. Ўша қийинчилик йилларида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида мени районда ташкил этилган механизаторлик курсига ўқишга юборишди. Курсни тугатиб колхозимизда тракторчи бўлиб ишладим. Универсал маркали трактор беришди. Катта Қашқардан то Муллазоир қишлоғигача бўлган оралиқдаги ерларни аввал ҳайдаб, сўнгра сеялканда ҳаммасига пахта экиб чиқардим. Шу замида узоқ йиллар механизатор бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Иш фаолиятим давомида синфдошим Насруллоҳ Раҳматуллаев билан тез-тез кўришиб турар эдим. Колхозимиз (совхозимиз) га келса, албатта, мен ишлаётган бригадага келиб далани обдон айланиб, камчиликларни аниқлаб, тегишли йўл-йўриқларни берарди-да, мени йўқлаб суриштирар эди. Тенгдошлик, ўртоқлик меҳри ила қучоқлашиб сўраб исташар эдик. Бир оз суҳбатлашиб кўнгил сўраб, сўнгра қайтар эди.

Насруллоҳ Раҳматуллаев бошланғич маълумотни олгач, кечки мактабни битирди. Шундан сўнг Тошкент олийгоҳида ўқиб районимизга агроном бўлиб қайтди. Узоқ йиллар район пахтачилигини ривожлантиришга катта меҳнат сарф қилди. Қарда ишламасин, ўз ишига астойдил киришиб, қўл остидаги ходимларга, мутахассисларга, ишчиларга мураббийлик қилди. У доимо ҳаммага меҳрибон эди.

Биз тенгдошлари, шахсан мен биродаримиз Насруллоҳ Раҳматуллаевнинг ёрқин хотирасини қалбимизда доимо сақлаймиз.

### «Нон емас» одам

Мен Маликов Ҳалимжон 1940 йилда Учкўприк туманининг Кичик Кенагас қишлоғида туғилганман. Маълумотим олий. 1958 йилдан 1961 йилгача Катта Кенагас врачлик участкасида, 1961 йилдан 1996 йилгача туман Давлат санитария эпидемиология станциясида ишладим. 1995 йилдан бери нафақадаман. Ҳозирги кунда Учкўприк қишлоғи, Ҳамза кўчаси 19-уйда яшайман.

Насруллоҳ Раҳматуллаевнинг мингдан бир, бевосита менга аён бўлган баъзи фазилатлари тўғрисида сўзлаб бермоқчиман.

Насруллоҳ ака Раҳматуллаев очиқкўнгил, ҳалолу пок, самимий, беғубор, эзгу ниятли, ўз жамиятига садоқатли, бошқаларга беминнат яхшиликни раво кўрувчи, чин инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, эл-юрт ҳурмати ва муҳаббатига са-

зовор бўлган, жамият олдидаги фуқаролик бурчини қойилмақом бажарган инсон эди.

Насруллоҳ ака бу дунёда имони бутун, комил инсон бўлиб яшади. Аллоҳдан берилган бу юксак инсоний фазилатлар унинг ҳаёт йўлида ҳамроҳ бўлиб, бахиллик, ғайирлик, манманлик, кибрга берилиш сингари нопок иллатлардан нари яшаш имкониятини берди. Сўз бойлигимнинг қашшоқлигидан бу кишида мавжуд бўлган барча ижобий хислатлар ва фазилатларни ифодалаб беришга ожизман. Шу сабабдан, Насруллоҳ акамнинг яқинлари, уни яхши биладиган дўстлари, қадрдонлари, ҳамқишлоқлари олдида хижолатда қолсам-да, бироқ, у ҳақда сўзламай, жим турсам ўзимни сира кечирмаган бўлар эдим. Зеро, Насруллоҳ акамнинг шахсий ҳаётининг йўли элим - юртим деб ёниб ишлаш ва яшаш қандай бўлишининг намунавий тимсоли эди. У ҳаёт вақтида самарали меҳнатлари учун қаҳрамонлик унвонига тақдим этилмай қолган бўлса-да, халқ қалбидаги ҳақиқий қаҳрамон эди.

Менинг Насруллоҳ ака билан илк бор 1959 йилда яқиндан танишишимга ушбу ҳодиса сабаб бўлган. Мен ўша кезларда Кенагас врачлик участкасида ишлар эдим, Июл ойи эди. Соат кеч 5 лар чамасида қабулимга она ва болани оғир ҳолда олиб келишди. Ҳар иккиси овқатдан заҳарланган бўлиб, аҳволи анча оғир эди. Мен шошилишч биринчи ёрдамни кўрсатдим-да, тез ёрдам машинасини чақиришга ҳаракат қилдим. Ўша вақтларда туман бўйича битта эски тез ёрдам машинаси бўлиб, у ҳам бахтга қарши бузуқ экан. Қишлоқларда автомашина деярли йўқ эди. Беморларнинг аҳволи тобора оғирлашиб, уларни қандай қилиб касалхонага элтишга бошим қотиб турган пайт врачлик участкасидан 30 метрлар чамаси наридан ўтган йўлга Газ-69 енгил автомашинасининг кириб келаётганини кўрдим ва автомашинага қараб югурдим. Тўхтамай ўтиб кетмасин деб, илкис олдидан тўсдим. Шофёр автомашинани қаттиқ тормоз билан олдимга етиб келганда тўхтатди ва мени койиб кетди. Автомашинада ўша даврда агропром бошлиғи бўлган Насруллоҳ ака ва район партия комитетининг ходими ўтирган экан. Насруллоҳ ака менга бақираётган шофёрга танбеҳ бериб, «Нима гап тинчликми, ука?» деб автомашинадан тушди. Мен воқеани тезда тушунтириб, хизмат автомашинасини бериб туришларини талаб қилдим. Райком ходими «Биз райком топшириғи билан юрибмиз. Бизни ҳозир 200 дан ортиқ одам йиғилишда кутиб



турибди. Шу сабадан «Тез ёрдам» машинасини чақиринг», деб дўқ-пўписа қилишга тушди. Насруллоҳ ака райком ходимига «Ортиқча гапга ўрин йўқ, автомашинадан тезда тушинг, буёғига пиёда етиб оламиз. 3-4 чақирим пиёда юрсак, йиғилиш бир соат орқага сурилса ҳеч нарса қилмайди. Ахир гап инсон тақдири устида кетаяпти», деди. У шофёрга юзланиб «Сиз батамом докторнинг ихтиёридасиз», деб бизни машинага жойлаштириб, касалхонага жўнатиб юборди. Эртасига олдимга кириб, беморларнинг аҳволини суриштирди. Шу воқеадан кейин у киши билан ҳол-аҳвол сўрашиб турадиган бўлдим. Насруллоҳ ака агропром бошлиғи, колхоз раиси каби лавозимларда ишлаган бўлса-да, лавозим обрўсига эҳтиёж сезмай, фақат ўзининг инсоний фазилатлари билан қадр топди. Бу улуғ инсон шоҳга ҳам, гадога ҳам бирдай хушмуомалали ва инсонни ўзига тортадиган оҳанграбо янглиғ хислатга эга эди.

Насруллоҳ ака элим-юртим деб яшаган инсон эканлигини, унинг яқин сафдоши, биродар дўсти марҳум Ҳамидулло ака Тўрақулов шундай изоҳлар эди.

– Бир куни у кишидан Насруллоҳ ака соғ-саломат юрибдими, анчадан бери кўринмайди? – деб сўрадим.

– Насруллоҳ акангизнинг оёғи «казённый оёқ», эл - юрт учун яратилган оёқ, тиниб-тинчимайди, ҳали эл-юрт иши билан Қўқонда, ҳали қарасангиз вилоятда, эртасига Тошкентда. Машина ёғи тугаса тўхтагандай, нафақа пули тугаса тўхтайдди, янги ой нафақасини олса, яна ҳаракатга тушади, – деб қисқа, мазмунли фикри билан сафдошига берган баҳоси эсимдан чиқмайди.

Насруллоҳ ака эл-юрт аҳамиятига эга бўлган ҳар қандай ишни ўз манфаатидан юқори кўяр эди. 1975 йиллар чамаси район партия комитетининг биносида қишлоқ хўжалиги ходимлари учун 12 кунлик ўқиш ташкил қилинган экан. Мен бундан охириги куни хабар топдим. Мен санитария-эпидемиология станциясининг бош врачлари олдига кириб, ундан заҳарли химикатлардан фойдаланиш муаммолари тўғрисида маъруза ўқишга рухсат олиб беришини сўрадим, аммо ҳарчанд тушунтирмай «бошлиқлар рухсат беришмайди», деб кўнмади. Агропром бошлиғи Насруллоҳ акамга учраб илтимос қилдим. У киши «Аттанг, режага киритиш керак эди. Бу ўта муҳим масала. Бугун ўқишнинг охириги куни кетмоқда. Ҳозирги маърузадан сўнг вилоят ўсимликларини ҳимоя қилиш бошқармасининг бошлиғи Михайлянцини (у арман миллатига ман-

суб, вилоят миқёсида машҳур мутахассис бўлиб, ўзбекчани жуда яхши гапирар эди.) 1.5 соатлик маърузаси қолди холос. кейин тугайди. Мен Михайлянцдан 20 минутини сўраб бераман. Қолган қисмини маъруза даврида ўзингиз ҳал қиласиз» деди. У маъруза матни тўғрисида сўраб қолди. Менинг фикримни эшитиб, «Бу сиёсий масала, эҳтиёт бўлиш керак. аммо ўта муҳим масала! Менга бирорта оддий матн бўлса ҳам беринг, режага тиркаб қўйгани, у ёғи ўзингизга ҳавола», деб маъруза матнини олиб ичкарига кириб кетди. Михайлянц докладининг 20 дақиқасини менга берадиган бўлишди. Танаффусдан сўнг семинар бошланиб менга сўз берилди. Мен минбарда туриб юрагимдаги халқчил фикрларимни тўкиб солдим. Қарасам вақт тугаяпти, мен Насруллоҳ акамга. Михайлянцга қарадим, улар ўзаро гаплашди-да, маърузани давом эттиришимга ишора қилишди. Мен маърузамни халқ пахта учун эмас, пахта инсон учун экилади, заҳарли химикатларнинг келажаги йўқ, ҳашоратларга алтернатив методлар билан курашишга ўтишимиз керак, деб якунладим ва фикримни муҳокама қилинишини сўрадим. Минбарга Насруллоҳ акам кўтарилди. У «Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмасликнинг иложи йўқ», деб жонимга оро берадиган адолатли, ижобий фикрларини баён этди. Ундан кейин вилоят ўсимликларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи сўз олиб «Докторнинг айтганларига қўшилишга мажбурман, заҳарли химикатларни ишлатувининг келажаги йўқ, шу сабабдан мен ўз маърузам вақтини ҳам докторга бердим», деб мени қўллаб қувватлашди. Умуман заҳарли химикатларга бўлган муносабат ўша кундан бошлаб ўзгарди. Муҳими, жойларда биз билан ҳисоб-китоб қилишадиган, мутахассисларнинг фикрига қулоқ соладиган бўлишди. Бу иш Насруллоҳ акамнинг беқийёс ёрдами, хизмати билан амалга ошган эди.

Ўша вақтларда бошқа вазифада ишласам-да, заҳарли химикатларнинг туман ҳудудида кўр-кўрона ишлатилишининг аҳволи мени жиддий ташвишлантирар, фуқаролик бурчим менга сира тинчлик бермас эди. Мен ишдан ташқари вақтимда ва ҳордиқ кунлари қонун-қоидаларга хилоф равишда заҳарли химикатларни ишлатишнинг оқибатларига тааллуқли маъруза ва суҳбатлар билан жойларда учрашув ва тушунтириш ишларини олиб боришим туфайли ўша пайтдаги туман партия қўмитаси ва ижроия қўмиладаги баъзи бир раҳбарларнинг тайзиқига учрадим. Мени прокуратурага чақириб, икки суткага қаматиб ҳам қўйишди.

Сўроқ қилиш давомида бош врачимиз ва агропром бошлиғи Насруллоҳ Раҳматуллаевни ҳам чақиртириб, хатти-ҳаракатларим тўғрисида уларнинг фикрини сўрашди. Бош врачимиз М.В. Желтова ўта кўрқоқ ва саводсиз аёл эди. У менга ҳеч қандай топшириқ бермаганлигини баён этиб, бундай ишларни ўзбошимчалик билан қилганимни ва бу вазифа ваколатимга кирмаслигини айтиб мени қоралай кетди. Насруллоҳ ака Раҳматуллаев эса хатти-ҳаракатимни ижобий баҳолаб, қишлоқ хўжалигида заҳарли дориларни ишлатишда хатолар мавжудлигини тан олиб, мени ҳимоя қила кетди. Шундан сўнг туман прокурори бир ҳафта ичида кўлимдаги ҳужжатлар ва шу тартибдаги қонун-қоидаларни ўрганиб, менинг ҳақ эканлигимни эътироф этди.

Орадан чамаси бир ҳафта ўтди, иш кабинетимда ўтирган эдим. Ҳамкасбларимдан бири кўчада чақиришаётганини айтиб қолди.

Кўчага чиқсам, Насруллоҳ акам хизмат машинасида ўтирибди. У мени кўрди-ю автомашинасидан тушиб ҳол-аҳвол сўраб, прокуратурадаги ишнинг оқибатини сўради. Мен унга иш тинчиганини айтдим ва яна бир бор Насруллоҳ акам учун адолат ва ҳақ ишни ҳимоя қилиш қанчалик муҳим эканлигининг гувоҳи бўлдим.

Насруллоҳ акам туман марказига яқин колхозда раис бўлиб ишлаган даврида мени чақиртириб, шифохона атрофидаги экилган пахтани зараркунанда ҳашоратлар босганини, заҳарли химикат ишлатишга кўнгли бўлмаётганини, юқорининг топшириғига эса қарши тура олмаётганини айтиб қолди.

– Келинг, эксперимент қиламиз, дори мутлақо сепмаймиз, фақат биолобатория билан ишлаймиз, – дедим.

– Раҳбарларга нима деймиз, кўзи олдидаги ер, – деди Насруллоҳ акам. Ўша пайтларда биолобатория билан ишланар, ундан сўнг эса заҳарли химикат ҳам сепилаверар эди. Иккаламиз ўйланиб қолдик.

– Топдим йўлини, ОДН тракторига химикатсиз сув қуйиб номига айлантдириб қўямиз, сизлар ваҳима солманглар. Керак бўлса шу ишни тепасида текшириб турунглар, бировга лом-мим дейиш йўқ, – деди Насруллоҳ акам.

Ўша йили пахтага биолобатория ёрдамида ишлов берилди. ОДН эса ҳар замонда номига сув қуйиб айланиб турилди. У ердаги ҳосил қўшилмасдан атайлаб алоҳида йиғилиб, ҳисоб-китоб қилинганда ҳосил 35 центнердан, яъни, химикат ишланган ерлар-

дан 4 центнер ортиқроқ ҳосил олинганлиги маълум бўлди. Бу иш натижаси кейинчалик химикат тарафдорлари билан тортишишда, биолобораториялар ишини кенгайтиришда катта ёрдам берди. Насруллоҳ акам нафақага чиқиб ҳам тиниб-тинчигани йўқ. У эл-юрт иши билан банд бўлди. Катта Кенагас қишлоғидаги тарихий обидаларни тиклаш, Ҳазиний музейини ташкил қилиш, гузар ва хўжаликлар аро йўлларни таъмирлаш ишларига бошқош бўлдилар. Умуман у бирор дақиқа вақтини бефойда ўтказмай, эли-юрти учун сарфлаган бебаҳо инсон эди.

Насруллоҳ акамга мол-давлат йиғиш, бойлик орқасидан қувиш, ундан лаззатланиш, гурурланиш, руҳан унинг қулига айланиш бутунлай ёт бўлган. У бир куни тасодифан уйимга ташриф буюриб, имконим бўлса 100 минг сўм пулни нари борса 3-4 ойга қарз бериб туришимни илтимос қилиб қолди. Мен айтган замони пулни олдига қўйдим.

– Айбга буюрмайсизми, бир нарса сўрасам?– дедим унга чой узатиб.

– Майли, бемалол, – деди Насруллоҳ акам.

– Сизга ҳар қандай пули бор одам ўйламай-нетмай пул бериши мумкин, нега энди айнан менадан сўрадингиз?

– Қарзга пул олганлигимни бировлар билишини хоҳламайман, сабаби дўсту биродарларим ичида мени «нон емас» деганлари ҳам йўқ эмас. Сизга ишонаман, мени тўғри тушуна олишингизни.

Мен бу саволни берганим учун хижолат бўлиб кечирим сўрадим. Ҳақиқатдан ҳам халқимиз ичида катта лавозимда бировга таъмагирлик қилмай, фақат ойликка ишлаб, молу давлат йиғмаган инсонларни «нон емас», деб ғийбат қилувчилар ҳам йўқ эмас. Дунёнинг ишлари қизиқ. Ҳатто ҳалол, тўғри яшашинг ҳам баъзи одамларга ёқмас экан.

Насруллоҳ акамизни хотираси, унинг ёрқин ҳаёт йўли узоқ йиллар давомида катта-кичик барчамизга ўрнак бўлиб хизмат қилишига сира шубҳа қилмайман.

## Раис бобо ✓

Мен Тоиржон Абдураимов 1945 йилда Қува тумани Қўшкечик қишлоғида туғилганман. Узоқ йиллар мобайнида вилоятимизда маънавий-маърифий ишлар соҳасида раҳбарлик лавозим-

ларида меҳнат қилдим. Ишлаш давомида маънавиятимизнинг чинакам жонқуяр инсонларидан бири, иймонли, диёнатли Насруллоҳ ота Раҳматуллаев билан кўп маротаба дилдан суҳбат қурганман. Унинг тарихимизни нақадар яхши билиши мени лол қолдирган эди. Шу сабабдан қаерда бўлмайин, маънавият тўғрисида сўз кетгудек бўлса, албатта барчага ибрат тарзида Насруллоҳ ота номини тилга олар эдим.

Замонлар қандай бўлишидан қатъи назар, халқига, элига, Ватанига садоқат билан яшайдиган фидойи инсонлар топилаверади.

Учкўприк туманидаги Катта Кенагас қишлоғида, машҳур Ҳазиний бобомиз юртида 1926 йилда таваллуд топган Насруллоҳ ота тинимсиз меҳнати туфайли роҳатда ҳаёт кечириб, катта оиланинг бобоси, қишлоғининг маслаҳатгўйи, эзгу ишлар ташкилотчиси сифатида эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб умргузaronлик қилди.

Насруллоҳ бобонинг иш фаолияти, умр йўлига назар ташланганда, жуда кўп ибратли воқеаларнинг шоҳиди бўласиз. Оталари Раҳматулло Аҳмедов машҳур аравасоз бўлиб, ўша даврда донғи кетган «Қўқон арава» ларнинг зўр устаси ҳисобланарди. Бунинг устига, яхшигина илми ҳам бор эди. Оналарини «Бувинисо отин» дердилар. Бувинисо хола кўплаб ёшларга араб тилидан дарс бериб, саводини чиқарганлар. Бу оила аъзолари 1930 йиллардан бошлаб далага чиқиб, кўплар қатори пахта етиштириш билан машғул бўлишган.

Насруллоҳ бобо икки қадрдони – умр йўлдоши Раҳимахон ая (Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин) ва укалари, уста Ҳабибулло акани алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олар эди. «Агар, – деган эди бобо, – мен 50 йил давомида оддий колхозчиликдан туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи даражасигача бўлган табелчи, ҳисобчи, бош ҳисобчи, раис, масъул идора ходими каби лавозимларда муваффақият билан ишлаган бўлсам, бу юқорида айтганларим – икки меҳрибонимнинг меҳнатлари, менга кўрсатган ғамхўрликлари туфайли деб биламан».

Шундай даврлар бўлганки, уйда тўй тараддуди авжида бўлсада, Насруллоҳ ота ишдан бўшаб, «ҳа» дейишга вақт тополмаган. Тўй тайёр бўлганда келар, меҳмонлар қатори иштирок этар экан. Тараддуд билан боғлиқ барча ишлар укаси ҳамда аёли зиммасида бўларкан. Ҳатто уста укаси Ҳабибулло ўзи учун қур-

ган уйига акасининг Тошкентда эканлигидан фойдаланиб, унинг оиласини кўчириб олиб бориб қўйган пайтлари бўлган. Отахон шундай меҳридарёлари борлиги учун ҳам шу ёруғ кунларга етиб келган бўлса ажабмас.

Насруллоҳ бобо суҳбатимиз асносида яна хотираларга берилиб қуйидагиларни ҳикоя қилиб берган эди:

– 1972 йилдан 1979 йилгача район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаб, асосан Марказий Фарғона чўлларидаги янги ерларни ўзлаштиришда тўлиқ иштирок этдим.

Бу борадаги муваффақиятларим эвазига «Фахрий ёрлиқ» беришган. Ўша пайтдаги фаолиятим эскидан экилиб келаётган ерлар чарчаши туфайли «108-ф» навли пахта вилтга чалиниб, ҳосилдорлик пасайиб кетган даврга тўғри келди. Энди олдимизда янги пахта навини ўзлаштиришдек мураккаб вазифа турар эди. Бу оғир вазифани бажаришда забардаст миришкорлар, ҳозирги Деҳқонов номли ширкат хўжалигининг собиқ раиси, меҳнат қаҳрамони, марҳум Мирзааҳмад Деҳқонов, селекционер олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Содиқ Мираҳмедов, колхознинг бош агрономи Маҳмуджон Эргашевлар ва ушбу колхознинг бригада бошлиқлари билан биргаликда иш олиб бордик. 34 гектар ерга «Тошкент» навли уруғдан экиб, бу кўрсаткични кўп ўтмай 1080 гектарга етказдик ва кейинги йилларда районнинг 100% майдонларига ўзимизнинг уруғлик пахта навини эдик. Мен янги навни етиштиришда иштирок этганлигимдан фахрланаман.

Насруллоҳ бобо 1979 йилдан 1988 йилгача ҳозирги «Учкўприк» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлади. Колхоз иқтисодини яхшилаш учун энг аввало ерлардан унумли фойдаланиш керак эди. У колхоздаги ишни кадрларни жой-жойига қўйишдан бошлади. Чунки кўп нарса мутахассис кадрларга боғлиқ эди. Кўл остидаги мутахассисларни ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш билан бирга бурчларини ҳис этишга ундади.

Чўлдаги 600 гектар ер яхши ҳосил бермаётган эди. Насруллоҳ бобо бу майдонларни яқин бир йил мобайнида 25 та механизм ёрдамида олдин текислатиб, сўнг йўл юмшатгич рихлметрда ҳар бир картани 1 метр чуқурликда, узунига ва кўндалангига бир мартадан юмшаттириб чиқди. Тажриба бир йилда ўз натижасини берди. Колхоз илғорлар қаторидан ўрин олди. Қолаверса, ернинг ҳосилдорлигини оширишда маҳаллий ва минерал ўғит-

ларга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир бригадага биттадан феколовоз бириктириб берилди ва ўғитлардан унумли фойдаланиш режалари тузилди. Янги замонавий ўғитхона қуриб, ўғитларни агрохимкартограмма асосида ишлатдилар. Биринчи йилнинг ўзидаёқ бу иш самара берди. Вилоят раҳбарлари ва мутахассислар бу ижобий ишни оммалаштириб, кўргазмали семинар ўтказишди.

Етказилган ҳосилни ҳашаротга егизиб қўймаслик бош масалалардан биридир. Насруллоҳ бобо мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ҳашаротларга қарши курашишда ерларга, одамларга зарар етказмаслик учун заҳарли химикатларни камроқ ишлатиб, асосан биологик метод билан ишлашга ўтдилар. Дастлаб кичик лаборатория қуриб, 1979 йили 13 гектар ерга заҳарни умуман сепмасликка эришдилар. Фақат олтингугурт кукуни олдин чанглатилиб, қолган кураш чоралари биоусулдан иборат бўлди. Экин майдонлари касалхона, мактаб, боғча, аҳоли яшайдиган жойларга яқин бўлганлиги учун, ерларга мутлақо заҳарли химикатлар сепилмади.

– Натижа кутгандан ҳам яхши бўлди, – деган эди Насруллоҳ бобо, – дарҳол шу ернинг ўзида катта замонавий биофабрика қурдик. Биофабриканинг маҳсулотлари баракали бўлиб, вилоят хўжаликларига «оналик» уруғларини сотдик. Ҳатто Сирдарё вилоятининг энг юқори рентабелли бўлган «Малик» давлат хўжалиги ҳам биздан катта миқдорда йил бўйи маҳсулот сотиб олиб турди. Ўша йилнинг ўзида фабрика қуриш учун сарфланган харажат тўлиқ қопланди ва заҳар сепишга сарфланадиган пулларни иқтисод қилдик, одамлар саломатлигини сақладик, пахта ҳосили юқори бўлди, режалар ортиғи билан бажарилди. Биофабрикалар ўртасида вилоятда биринчи ўринни эгаллаб, енгил автомашина билан мукофотландик.

Бош агроном Адҳамжон Мираҳмедов, бош муҳандис Раҳимжон Аҳмедов, раис ўринбосари Муҳаммадқул Нишоновлар бошчилигида барча мутахассислар, бригадирлар, звенолар, сувчилар, аъзоларимиз шу муваффақиятга катта ҳисса қўшганлар.

Чорвачилик соҳасида раис муовини Абдулазизов Абдулҳамид ва ферма мудирлари Мўътабархон Астанақулова, Аҳмадали Қулмирзаев бошлиқ чорвадорларимиз чорвачиликни рентабелли қилишда кўп куч сарфлашди.

Мен қаерда ишлаган бўлсам, халққа суяниб ишладим, доим халқ мени қўллаб-қувватлади. Бундан миннатдорман, аммо одамлар билан ишлашнинг ўзига хос сир-асрорлари, қийинчилиги бўлади. Бу соҳада менинг бахтимни Аллоҳ ўзи берган ва доим яхши одамларга учраганман. Масалан, мен дастлаб 1962 йилда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган вақтимда ўқимишли кадрлар етарли эмас эди. Шу бўлимда 6-бригадага бошлиқ топиш қийин бўлди. Мен энди қишлоқ хўжалиги институтини сиртдан тугаллаган эдим. Бригадирликка Маҳмуджон Мадғозиевни тавсия қилсам, дастлаб кўнмади. Нега десангиз, бу бригаданинг ерлари каналнинг юқорисига жойлашган. Сўх сойидан сув ичар ва сув келмасдан кўп қийинчилик бўлар эди. Мен бригада бошлиғига: «Сизнинг ерларингизни суғориш учун Катта Фарғона каналидан сув чиқариб бераман» деб ваъда бердим. Чиндан ҳам сув насосини 40 кун деганда битказиб, ишга солиб юбордик. Шундай қилиб, у одам бригада бошлиғи вазифасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, бригадани илғорлар қаторига қўшди ва ҳурмат билан нафақага чиқди.

Насруллоҳ бобо икки хўжаликка раҳбар бўлиб ишлаган бўлса, иккаласи ҳам дастлаб оғир аҳволда бўлган. Меҳнат, ташкилотчилик, тадбиркорлик туфайли ҳар икки хўжалик ҳам тезда илғорлар қаторига қўшилди. Бундай натижа, албатта, у кишининг ҳурматига ҳурмат қўшди. Туман, вилоят аҳли олдида, хўжалик аъзолари олдида юзлари ёруғ бўлиб, орденлар ва бошқа кўплаб медаллар билан тақдирландилар.

Мустақиллигимиз муносабати билан бобонинг юксак нишонлари қатори кенгайди. Соҳибқирон Амур Темур сиймоси туширилган медал ва Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган «Шуҳрат» медали билан мукофотландилар, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлдилар.

Мазкур ҳикоямизда бир оддий инсоннинг меҳнат фаолияти оддий сўзлар ёрдамида, қисқагина ёритилди, холос, Аслида Раҳматуллаев Насруллоҳ бобомизнинг умр бўйи қилган намунали ишлари бир китобга сиғиши маҳол. Дарвоқе, отахоннинг нафақага чиқишида ҳам ажойиб ҳодиса бўлган эди. Насруллоҳ раис туман раҳбарига ариза беради. Ишлаб турунг, деса, кўнмайди. Шунда хўжаликка янги раҳбар топиб, аъзоларни мажлисга тўплашади. Туман раҳбари Н.Раҳматуллаев ишдан бўшаш тўғрисида ариза берганлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларига: «Кимда-



ким раиснинг аризаси қондирилсин, деса. қўл кўтарсин», дейди. Залда бирорта ҳам одам қўл кўтармайди. Насруллоҳ ака ўшанда ҳаяжондан тўлқинланиб кетиб, ташқарига чиқиб кетади. Бироз ўзини босиб олгач, залга кириб, сўз сўрайди. Халққа юрагидан раҳматини айтиб, залдагиларга мурожаат қилади: «Кимдаким раис бувамиз бундан кейин соғ-саломат юрсин, деса қўл кўтарсин». Залдагилар қўл кўтаришади ва шу билан Насруллоҳ раис «ишдан бўшаб» олади.

Нафақага чиққан «раис бобо» тиниб-тинчимайди. Ҳазрати Ҳазиний бобомизнинг қабрларини ободонлаштиришда, уй-музейларини барпо этишда, китобларини нашр эттиришда, Ҳазиний юбилейларини тайёрлаш ва ўтказишда доимо ишбоши бўлади.

Хўжалик, давлат, жамоат ишларидан ортиб оилага қарашга вақти бўладими? Шу саволга ҳикоямиз бошида жавоб беришга ҳаракат қилдик. Лекин яна бир эслатиб ўтмоқчимиз: Насруллоҳ бобо ўзига оиласида яратилган шароит учун укаси уста Ҳабибулло ва унинг хотинидан, марҳума умр йўлдошлари Раҳимахон момолардан миннатдорлар. Улар Убайдулло (Ҳамза Ҳакимзода ширкат хўжалиги бош муҳандиси), Муҳтарамой (олий маълумотли ўқитувчи), Хайрулло (қурувчи-муҳандис), Мирзабахром (кимё бошқармасида бош агроном) лардек бир-биридан тарбияли, меҳрибон фарзандларини, 20 га яқин набираларини тарбия қилиб, эл қаторига қўшишди, юрт корига яратишди. Бобо барча набираларини бирдек кўрса-да, Республика ёшлар радиосида муҳаррирлик қилаётган журналист ва шоира Мухтасархонни алоҳида гурур билан тилга олар эдилар...

### **Ёлғиз қизнинг хотиралари**

Мен Раҳматуллаева Муҳтарамой Насруллоҳ қизи 1952 йил 23 декабрда Учкўприк тумани Катта Кенагас қишлоғида туғилганман. Ҳозирда шу туманнинг Қўштепа қишлоғида яшайман. Олий маълумотли ўқитувчиман. Ҳозирда нафақадаман.

Ота-онам ҳақида ўйлаганимда, аввало бир шоирнинг ушбу сатрлари ёдимга тушади:

*Олтин остонада қолган йилларим,  
Ёшлик орзусига тўлган йилларим.*

*Тушларимга кириб шивирлар гоҳо  
– Отанг чинор эди, ҳимматда танҳо!  
Бировлар – нафсибад, дунё йиғади.  
Мол-давлат кўйида жонинг тиглади.  
Сизнинг ҳурматингиздай ҳурмат тополмай,  
Сизнингдай иззатли бўла билмади.  
Биз сизга ёдгорлик қўйсак олтиндан,  
Фидоий умрингиз, халққа меҳрингиз  
Меҳнатингиз хаққи соз бўлар эди...*

Менинг дадажоним Насруллоҳ ота, онам Раҳимахон аялар бизларнинг (уч ўғил ва бир қизни) чиройли хулқли, дину диёнатли, илмли, ҳунарли, ватанига садоқатли қилиб тарбияладилар, олий маълумотли қилиб ўқитдилар.

Дадажоним ака-укаликни ҳам жуда қадрлаганлар. Укалари Ҳабибулло амакимни жуда ҳурмат қилганлар. Улар аҳил-иноқ яшашни, бир-бирига елкадош, ўзаро ҳамжиҳат бўлишни жуда ўрнига қўйиб бизга ибрат бўлишган.

«Ака-укалар ўртасида ҳасад, совуқ муносабат бўлмаслиги керак, бир-бирининг ҳақиға тажовуз қилиш, сабрсизлик, ёлғон сўзлаш, баъзи одатларни ёқтирмаслик кўнгилни қолдиради» дер эдилар дадам. Шунинг учун ҳар иккала оила фарзандлари (биз 4 фарзанд, амакимда 7 фарзанд) аҳил-иноқ, бир-биримизга меҳрибон, елкадош бўлиб тарбияландик. Бунда Раҳимахон (онам) бувижонимнинг ҳам катта хизматлари бор. Дадажоним бувижонимдан умрларининг охиригача миннатдор бўлиб кетдилар.

Улар бизга «Кўпга ва озга сабр қилиш қаноатдир. Моддий бойлик чегара билмайди. Нафснинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш иложсиз ва имконсиздир. Нафсни тия билиш ва қаноат қилиш катта фазилатдир», деб ўғит берар эдилар. Эсимда, мен дадамдан бир сўм пул сўрасам, икки сўм қилиб берар эдилар. Ака-укаларим сўрашса, «Нима қиласан? Нима учун?», деб суриштириб, шундан сўнггина уларни сўраган пулини берар эди. Шунда бувим: «Нима учун қизингизга индамай ортиғи билан берасиз, лекин ўғилларингизга суриштириб, сўраганини берасиз» десалар, дадам «Эй бувиси, ўғил болаларга суриштириб бериш керак, чунки улар чекиш ёки бошқа зарарли нарсаларга ишлатиши мумкин, лекин қизлар ундай эмас» деб жавоб берар эдилар.

3 ёки 4-синфда ўқиётганимда бир куни уйимизга битта машинада пиёз, бир қопда шоли, бир қопда қуритилган ўрик олиб келиб ташлаб кетишди. Биз болалар севиниб қопдаги ўриқдан дўппимизга солиб олдик. Кечқурун дадам уйга келиб, бу нарсаларни ким олиб келди, ҳеч нарсага тегманглар, дедилар. Эртасига машина олиб келиб юклатиб юбордилар. Дадамнинг бувилари Бувинисо энамиз бизнинг севинганимизни кўрганлари учунми: «Болам, шу бир қоп ўриқни пулини бериб олиб қолгин», десалар, дадам: «Ия, мени бувим бўла туриб, шундай дейсизми? Болаларимга бозордан сотиб олиб бераман», деганлар. Шу-шу биров нарса олиб келса, қарамай қўйганмиз. Иш фаолиятлари давомида дадажоним доим ҳалол меҳнат қилганлар, бизларга ҳалол луқма едириб, тарбиялаганлар.

Дадажонимни ажойиб меҳрибон ота, оталарнинг энг аълоси, доноларнинг энг доноси десам, муболаға қилмаган бўламан. 1992 йилнинг феврал ойида мен Андижонда операция бўлдим. Дадажоним бир ой давомида ёнимдан қимирламадилар. Реанимация бўлимида ётган вақтимда дадам: «Нима олиб берай қизим?», деб сўрадилар. Менинг кўзимга уйимизда оқиб турган сув билан, мандарин бўлаклари кўринибди. Ўша кезде Андижон бозорларидан мандарин топа олмаган дадажоним, ноилож, бозор бошлигининг олдига кириб, бу мевани қаердан олиб келишларини сўраганлар ва ўша узоқ жойдан менга илиниб мандарин олиб келиб берганлар.

Ўша йили тўнғич қизим Мухтасархон 11-синфда ўқирди. Дадажонимнинг шу пайтлардаги аҳволига қараб «Бобожон» деб номланган ушбу шеърини ёзганди:

*Қиз дегани кўнгишнинг қонидан бўлур экан,  
Муҳаббат ўланлари жонидан бўлур экан.  
Бир бор қоқилай деса, минг бора сўлур экан,  
Сени ўзимдан бошқа кимга ишонай, қизим,  
Сени Аллоҳдан бошқа кимга ишонай, қизим.*

*Қизалогим, мендан бошқа киминг бор,  
Бу гурбатли, ҳам ҳайбатли шаҳарда.  
Дардларингга гўё ўзим гуноҳкор,  
Худойимдан шифо сўрай саҳарда.*

*Дуоларим дуо бўл деб йиғладим,  
Қизинамга шифо бўл деб йиғладим.  
Юрагимга мадор бўл деб йиғладим,  
Қизалогим, мендан бошқа киминг бор.*

*Онанг она бўлиб сенга тўймаган,  
Тўшиларида отингни ҳеч тилларидан қўймаган,  
Ҳар кун эшик қараб согинч қўймаган,  
Қизалогим, ундан бошқа киминг бор.*

*Беита бешик тебратганинг меваси,  
Беита норасиданг йўқлар алласин.  
Улар чарчаб, энди осмон йўқласин,  
Қизалогим, улардан зўр киминг бор.*

*Пешонамга ажин бўлсанг, бўлақол,  
Бу гурбатли, ҳам ҳайбатли шаҳарда.  
Қизалогим, мендан бошқа киминг бор,  
Ўзим дармон бўлай, бўлсам, агарда.*

Мана ўшанга ҳам ўн етти йил бўлибди. Аллоҳнинг иродаси билан ота-онамнинг, яқинларимнинг дуолари ижобат бўлиб, соғайиб кетдим. Турмуш ўртоғим Шермуҳаммад ака билан бир ўғил, тўрт қизни тарбияладик, ўқитдик. Афсуски. 1996 йилда болаларимнинг дадасидан ажралиб қолдик. Мана шундай ғамли кунларимда ҳам дадажоним, яқинларим менга суянч бўлдилар. Тўрт фарзандим Фарғона Давлат университетида таҳсил олди. Ҳозирда бири журналист, бири иқтисодчи, 2 таси муаллим, кенжа қизим Тошкент Ислом университетида ўқимоқда. Мен аввало, ота-онамдан, уларнинг тарбиясини олиб менга ёрдам бераётган ака-укаларимдан бир умр миннатдорман.

Раҳматли дадажоним деҳқончилик илмининг олими бўлишига қарамай, шоир ва ёзувчилар билан яхши муносабатда бўлганлар. Чунончи, Катта Кенагаслик Зиёвуддинхон Каттахожа ўғли Ҳазиний ҳақида қилган ишлари таҳсинга лойиқ, беқиёсдир. Айниқса, Йўлдош Сулаймон, Иброҳим Раҳим, Абдулла Орипов, Икромиддин Оққўрғоний кабилар шулар жумласидандир. Хусусан, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан ҳам жамоа

хўжалигида раис бўлиб ишлаганларида учрашган ва дўстлашиб қолган эдилар.

Раҳимахон бувижонимни Тошкентда даволатган пайтимизда ҳам ўз ташвишларидан ортиб Зиёвуддин Ҳазиний мажмуасини таъмирлаш ва шоир китобларини чоп эттириш масаласида бир ой давомида ҳеч эринмасдан кунора Ёзувчилар уюшмасига, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Республика марказига борганларининг гувоҳи бўлганман. Тошкентда эканлигимизда Мухтасархон қизимга бир шеър ёзиб бергин. севимли шоиримиз Абдуллажонни ҳожи бўлганлиги билан табриклар келай дедилар. Шундан сўнг қизим ушбу шеърни битган эди:

*Арофат тоғининг этаги ёнар,  
Тоғдайин дард или ёнаман ўзим.  
Қиблага, қошига қутловим энар,  
Ҳожилик муборак энди, устозим.*

*Ассалому алайка, ё Муҳаммад дея,  
Мен ким сиз йўқлаган бир уммат дея,  
Юраги, тилаги шеър-оят дея,  
Саждалар айлаган ҳожи, устозим.*

*Ҳазрати Яссавий йўқлагандирлар,  
Дилингиз ҳикматга чулгандирлар,  
Ўшал дам пайгамбар қўллагандирлар,  
Саждалар айлаган ҳожи устозим.*

*Абдулла ўғлидир пайгамбаримиз,  
Аларнинг руҳидек пок галларингиз.  
Кўзга сурай либосу эҳромларингиз,  
Ҳожилик муборак энди, устозим.*

Дадажоним иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳақида кўп гапириб берар экан. «Кишиларнинг ўша йилларда чеккан заҳматлари бизлар учун ҳамиша ибрат бўлиши керак» дея қайта-қайта таъкидлаб, ўша машъум йиллар хотираларидан қуйидагиларни ҳикоя қилиб берган:

«Қишлоғимизга Усмон Юсупов келган эдилар. Йўқчилик. Одамлар қийин аҳволда қолган. Нон отлиққа ҳам йўқ. Зўрға бит-

та тухум, 5-6 дона ўрик, майиз топиб, уларнинг олдиларига қўйганмиз. Шунда очликдан эти суягига ёпишган озғин болалар колхоз идорасидан ошиб туша бошлаганлар. Усмон Юсупов аҳволни тушуниб уларга етганича олдидаги егуликларини бўлиб берганлар. Кейин атала пишириш учун ун бердириб юборган. Мана шу ундан колхоз идорасида атала пишириб одамларга тарқатиб қишлоқ аҳлини очликдан сақлаб қолганмиз. Бундай оғир кунларни кўрганмиздан кейин томорқамизга эски уйнинг тупроғини ташиб солиб, у ерга оқ жўхори экканмиз. Томорқа олдида чуқур қазиб, янтоқни қирқиб солдим, сўнгра сув бостириб қўйдим. Жўхори икки қарич бўлганда чуқурдаги ачиган янтоқли лойни ҳар бир туп жўхори тагига бир челақдан солиб чиқдим. Жўхори ҳосили зўр бўлди. Маҳалла-қўй, қариндошлар билан баҳам кўрдик, қолганини ернинг устига тўплаб устини лой билан суваб сақлаганмиз. Мен Қўқондаги бухгалтерия курсида шу ҳосилимиз туфайли ўқиганман. Шундай қилиб менда деҳқончиликка меҳр уйғонган. Мен Ҳазинийдек улуғ зотларни умр бўйи деҳқончилик билан машғул бўлганлари сабабини шундагини тушуниб етдим».

Дадажоним илмга интилган ёшларга айниқса, ҳурмат билан қарардилар. Бундай ёшлар билан суҳбатлашишни қадрлар эдилар. Илм билан шуғулланаётган ёшлар ҳақида сўз кетса, улар ҳақида ифтихор билан сўзлашни хуш кўрар эди. Улардан бири ҳақида шундай деган эди:

«Бир куни Қўқондаги Адабиёт музейига борсам, адабиётшунос олим Аҳмаджон Мадаминов бир ёш талабанинг газетада Зиёуддин Ҳазиний ҳақида ёзган мақоласини кўрсатди. Мақолани ўқиб, шу талабани қидириб Қўқон Давлат педагогика институтига бордим. Уни дарсдан чақириб мақола билан табриқладим ва қишлоғимизга боришини ва унга ёрдам беришимизни айтдим. Шу талаба ҳозирда адабиётшунос олим бўлиб етишган Отабек Жўрабоев эди».

Дадажонимни Мелибой ака деган шофёрлари бўларди. У ажойиб инсон эди. Қаерга борса «элчига ўлим йўқ»деб ҳамма билан чиқишиб кетарди. У ҳар доим менга «Муҳтарамхон, ажойиб ота-онангиз борда, уларга қойил қоламан», дер эди.

– Мен кўп бошлиқларни олиб юрганман, вақти келганда уларига машина-машина нарсалар ташиганмиз. Кечқурун уйларида қанча кўп нарса олиб келмайлик, эрталаб аччиқ-тирсик билан уйдан чиқишади. Мана Насруллоҳ акамни олиб юрганмиз.

дан буён унинг ҳаракатларига ҳайрон қоламан. Кўчадан бир нарса олиб келмаймиз, лекин ҳар куни бир ширин, хуштаъмли оби ёвғон тайёр. Мен ундан баҳам кўраман. Насруллоҳ акамни ҳеч қачон уйдан жаҳл билан чиқиб кетганларини кўрмадим.

Шу кунга қадар остона хатлаб кўчага чиқар эканман. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонларнинг барчаси дадажонимни ҳамиша яхши сўзлар билан тилга олишади, элу юрт учун қилган хизматларини қадрлашади. Қишлоқ аҳолисининг неча йиллардан буён қийнаётган муаммоларини ҳал этишда жонкуярлиги, саъй-ҳаракатлари, тўғрисўзлиги, ҳалоллиги, камтарлиги, халқпарварлиги билан элу юртга ибрат бўлдилар. Биз фарзандларини ҳам шу руҳда тарбияладилар. Дадажоним: «Давр илмини ўрганинг, чунки улар сизнинг даврингиздан бошқа даврда дунёга келгандир», деб ўгит берардилар.

Биз фарзандлар шу ўгитга амал қилиб, фарзандларимизни имон-этиқодли, одоб-ахлоқли, илмли, ҳунарли, она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилдик ва қилмоқдамиз.

Илоҳим, авлодларимиздан худди дадажонимга ўхшаган хислат ва фазилатларга эга бўлган инсонлар етишиб чиқишини кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Илоҳим, дадажонимнинг охират уйлари обод бўлсин, ётган жойлари равзаи райҳону жаннати наим бўлсин. Икки дунё саодатига етиштирган бўлсин.

Менинг азиз дадажонимни яхши ишларини, эзгу амалларини ёд этиб, келажак авлодга етказишни ният қилган азиз инсонларни ҳам Аллоҳ ўзи қўлласин.

### Тўнғич ўғил хотиралари

Мен Раҳматуллаев Убайдилло 1970 йилда Андижон пахтачилик институтининг механизация факультетини тугатиб, инженер-механик мутахассислигига эга бўлдим. Ўқишни тамомлаб Учкўприк тумани Ҳамза Ҳақимзода давлат хўжалигида муҳандислик лавозимида иш бошладим. Дадам бу вақтда туман қишлоқ хўжалик бошқармасида масъул вазифада ишлар эди. Шу боис мен ва укаларим билан ҳафтада бир ёки икки мартагина кўришар эдилар, холос. Чунки дадам ишга саҳар кетиб, жуда кеч қайтар эди. Бизни ҳам юракдан чиқариб, бор кучимиз билан ишлашга ундаб, ҳар доим ҳалол ризқ билан яшашга ўргатиб келган.

Тумандаги Коммунизм жамоа хўжалигига раис этиб сайланганларидан сўнг, яна ҳам кам кўришадиган бўлдик. Сабаби колхоз ниҳоят даражада қолоқлашиб, молиявий аҳволи танг даражага келиб қолган эди. Худо раҳматлик дадам бир куни биз билан суҳбатлашаётиб «Мен олдингидан ҳам қаттиқроқ меҳнат қилиб хўжаликни оёққа тургазишим, унинг иқтисодий аҳволини яхшилашим керак. Бунинг учун алмашлаб экишни ўз ўрнига қўйишим зарур. Бундан ташқари, ҳосилдорликни ошириш учун чўлдаги ерларнинг мелиоратив ҳолатига эътиборни қаратиб, уларни юқори ҳосилли ерларга айлантиришим керак. Бунинг учун ҳозирги шароитда кеча-кундуз меҳнат қилишим зарур» деган эдилар.

Дадам раисликлари даврида айтган сўзларининг уддасидан чиқдилар. Колхозни юқори ҳосилли, иқтисодий жиҳатдан бақувват, чорвачилиги ривожланган хўжаликка айлантирдилар ва шу ерда ҳурмат билан нафақага чиқдилар.

Дадам нафақага чиққанларидан сўнг «Энди ўзим туғилиб ўсган қишлоғим учун қиладиган ишларим бор. Мен бу ишларни ниҳоясига етказишим керак», деб ишга киришиб кетган эди.

Нафақага чиққанларида туман фахрийлар кенгаши раиси сифатида Сарикўрғон қишлоғи адирликларида Фахрийлар боғини, Катта Кенагас қишлоғида бўлса Ҳазиний боғини ташкил қилдилар. Ўша вақтларда Катта Кенагас – Машат қишлоқлари ўртасидаги йўл талаб даражасида эмаслиги учун аҳолини ташуш транспорти юрмас эди. Дадам аҳоли мушқулини осон қилиш учун туман, вилоят йўл қурилиши идоралари билан ҳамкорлик қилган ҳолда ушбу йўлни вилоят рўйхатига ўтказиб, ўзлари йўл қурилиши ниҳоясига етгунча барча ишларга бош-қош бўлиб турдилар. Ниҳоят йўл кенгайтирилиб асфалтланди ва аҳолини ташуш учун транспорт юришига имкон бўлди. Халқимиз бундан жуда хурсанд бўлди. Бундан ташқари, Усмонбек-Миришкор-Қўштепа йўли ҳам давлат ҳисобига ўтказилиб таъмирдан чиқарилди.

Катта Кенагас қишлоғидаги катта қабристон ер ости суви яқинлигидан зах эди. Шу қабристон ичидан ўтган ариқни мозорга захи урмаслиги учун бошдан охиригача бетон ариқ ётқизиблиб қайта таъмирланди. Қабристон ичидан зовурлар техника билан чуқур қилиб ковлатилди. Натижада, қабристон еридан зах қочиб кўркам бўлиб қолди.



Дадам раҳматлик ўз олдиларига қўйган эзгу мақсадлари ичида энг муҳими Ҳазиний домланинг номларини қайта тиклаш эди. Чунки узоқ йиллар аввал тушларида Ҳазиний эшон бувани кўрганлари ва у киши билан суҳбатлашганини айтган эдилар.

Узоқ йиллик изланишлардан сўнг Ҳазиний ижодига мансуб ғазал ва шеърлар қишлоқма-қишлоқ юриб не-не машаққат ва изланишлар натижасида топилди ва бу иш билан қизиққан Ҳазинийшунос олимларга топширилиб, уларнинг жонкуярликлари асносида китоблар чоп этилди.

### Катта келини хотиралари

Мен Насибохон Раҳматуллаева Эрмуҳаммад қизи Бувайда тумани Бачқир қишлоғида туғилганман. 1973 йили Насруллоҳ отанинг тўнғич фарзанди Убайдилло акага турмушга чиқдим. Олий маълумотли ўқитувчиман. Ҳозирда Катта Кенагас қишлоғида яшаймиз. Тўрт нафар фарзандимиз бор. Фарзандларимиз уйли, жойли бўлиб кетишган. Кенжа қизимиз талаба. Ҳозирда саккиз нафар набираларимиз бор.

Насруллоҳ дадамизнинг камтарин, сахий, олийҳиммат, каттага ҳам, кичикка ҳам бир хил ширин муомалада бўлиш каби фазилатларини жуда қадрлар эдик. Дадамизни, бу хислатлари биз учун катта мактаб бўлди. Бу оилага келин бўлиб келибманки, дадам нафақага чиққунларига қадар, ҳатто дам олиш кунларида ҳам бир оз бўлса-да дам олганини эслай олмайман. Улар доим ишга эрта кетиб, жуда кеч қайтар эдилар. Олдиниға туманимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган бўлсалар, нафақага чиққанларидан сўнг қишлоғимизни обод қилишга кучларини сарфладилар.

Бачқирдаги уйимизга борган кезларим раҳматлик дадам Эрмуҳаммад Қулматов қудалари бўлмиш Насруллоҳ отани, яъни қайинотамни кўп мақтар эдилар. Чунки улар узоқ вақт қишлоқ хўжалиги соҳасида бирга ишлашганлиги боис, бир-бирларини жуда ҳурмат қилишар эди. Отам мендан ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, Насруллоҳ отамиздан сўз очар эди: «Қудам жаннати инсон. Ишлари таҳсинга сазовор. Оилавий ташвиш дейсанми, иш юзасиданми одамларга беғараз сидқидилдан ёрдам берадилар».

Эрмуҳаммад дадам Кенагасга келиб қолсалар, Насруллоҳ дадамиз шодлигини ичига сиғдира олмас эди. Уларнинг сами-

мий суҳбатларини кўриб ҳар қандай кишининг ҳаваси келар эди.

2001 йилнинг январ-феврал ойлари эди. Эрмуҳаммад дадамиз инфаркт бўлиб Учкўприк касалхонасига тушиб қолдилар. Насруллоҳ дадамиз эса ҳар куни касалхона эшиги олдида турар эди. Бу қудаларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари нақадар юқори бўлганлигидан далолат берарди. Сўнг бошимизга оғир мусибат тушди. Дадам вафот этдилар. Бундай мусибатли кунларда Насруллоҳ дадамиз оиламиз дардига шерик бўлдилар. Ҳақиқий дўст бошингга кулфат тушганда билинади, деганлари рост экан. Насруллоҳ дадамиз ҳақиқий дўст эканлигини ўша дамлардаёқ намоён эта олди. У киши нафақат қудаларга, балки қариндошларига, қўни-қўшниларга, маҳалла-кўйга ҳам мана шундай самимий муносабатда бўлганлар.

Мен бундай инсон оиласига келин бўлиб тушганимдан, тақдирим риштасини шу оилага боғлаганидан Аллоҳга беадад шукрлар айтаман.

### Ўрганча ўғил хотиралари

Мен Раҳматуллаев Хайрулло Насруллоҳ ўғли 1955 йили Катта Кенагас қишлоғида дунёга келдим.

Инсон учун энг яқин кишисини йўқотиш жуда оғир экан. Буни мен падари бузрукворимдан айрилганимда билдим. Дадам менинг энг яқин маслаҳатгўйим, суянчигим эдилар...

Биз эсимизни таниганимиздан бери дадамни камдан-кам ҳолатларда уйда кўрар эдик. Ҳамма вақт ишда бўлар эдилар. Дадамиз бизни ўқитди. Худога шукр, барчамиз олий маълумотли бўлиб, халқимиз хизматига доимо камарбастамиз. Мактабда ўқиб юрган кезларим доимо агроном бўламан дер эдим. Ўқишни тамомлаган пайтим дадам менга политехника институтига ҳужжат топширишим кераклигини айтди. Ҳайрон бўлиб «Мен ахир агроном бўлмоқчиман», дедим. Шунда дадам: «Ўғлим, сен футболни, спортни севасан. Шу боис қишлоқ хўжалигида ишлаб кетишинг қийинроқ бўлади. Бу соҳада ишлаган одам вақти келганда ўзининг қизиқишларидан ҳам кечишга тўғри келади. Акс ҳолда, ишлаб кета олмайди. Қурувчилик касбида ундай эмас. Сен ўз қизиқишларингга ҳам фурсат топа оласан. Қолаверса, оиламиздан ҳам қурувчи чиқсин-да» дедилар. Мен дадамнинг

айтганларини қилдим. Кейинчалик дадамнинг маслаҳатлари нақадар тўғри эканини англаб етдим. Бунинг учун бир умр падари бузрукворимдан миннатдорман.

Дадам биз фарзандларга болалик чоғларимиздан бошлаб оталик насаҳатларини берар экан. «Ҳазрат Ҳазиний ҳаёти сизларга ибрат бўлсин. У кишини билмаган ва танимаган кишининг ўзи йўқ эди. Аммо камтарлик ва хокисорликда Ҳазинийга ўхшаши ҳам йўқ эди», дея таъкидлар эди. Шу сабабдан дадамизнинг бу ўғитларига биз ҳар доим содиқ қолишга интилиб яшадик.

Институтда ўқиб юрганимда мени раҳбарнинг ўғли эканлигимни курсдошларим ҳам билмас эдилар. Чунки, дадам «ҳар доим камтар бўл, кимлигингни билдирмагин», деган эди. Бизнинг оилани яқиндан танийдиганлардан бири институтимизга ўқитувчи бўлиб келди. Имтиҳон вақтида бир оз қийналганимни кўриб, деканимизга «Шу талабага ёрдам берсак, раисимизнинг ўғли бўлади» дебди. Декан дарсга кириб «Раҳматуллаев раисни ўғли, тур ўрнингдан. Нега раисни ўғли эканлигингни шу вақтгача айтмадинг?», деса бўладими. Аудиторияда кулги кўтарилди. Мен эса вазиятдан чиқиш учун унинг саволига «Домла раисни ўғлиман, деб пешонамга ёзиб олайми» деб ҳазил аралаш жавоб бердим. Танафусда курсдошларим «Декан тўғри гапиряптими?», деб сўраб қолишди. Мен кулиб «Бирон марта раисни ўғли бўлсак бўлибмизда, домла кимгадир мени ўхшатиб юборди шекилли» деб қўя қолдим.

Бир куни туман марказига ишга кетаётган эдик. Машина тўла одам. Шунда бир кекса аёл машинага қўл кўтариб қолди. Афтидан анча вақтдан бери йўлда туравериб, тоқати тоқ бўлганга ўхшар эди. Дадам машинани тўхтатиб: «Ҳайрулло сен эркак кишисан. Шу ерда тушиб қолиб бошқа йўловчида етиб оларсан. Аёл кишини олиб кетмасак, ноқулай бўлади», дедилар. Тўғриси-ни айтганда, дадамнинг ҳар вақт нотаниш одамларга нисбатан ҳам худди қадронларига қилгандек самимий муомалада бўлиши биз учун одатий ҳолга айланиб қолган эди.

Дадам бизга бир сўзни кўп таъкидлар эди: «Биз ҳалол-пок, сабр-тоқат билан яшадик. Сизларга данғиллама иморат қуриб бера олмадим. Машина олиб беролмадим. Лекин бир умр бошларингни кўтариб юра оладиган обрў олиб бердим. Агар пул, бойлик тўплаш лозим бўлганда, мен қишлоқдаги энг бой одам бўлар эдим. Қўлимда оз вақт тегирмончи бўлиб ишлаган ҳам

қоплаб пул топган. Аммо узоқ ишлай олмаган. Ҳаром йўл билан пул топганларнинг ҳаловати узоққа чўзилмайди. Ҳамма яхшиликнинг боши ҳалолликдадир».

Дадамни узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлашида онамиз Бураҳима Абдуллажон қизи ва Ҳабибулло амакимизнинг ҳиссалари катта бўлган. Дадам билан амакимнинг бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатига қишлоқдагилар ҳавас билан қарашар эди.

Дадамиз давлат ишлари билан машғул бўлганликлари учун бизнинг тарбиямиз билан ҳам кўпроқ амакимиз шуғулланган.

Дадам ўқиганларни қўллаб-қувватлар, уларни жуда ҳурмат қилар эдилар. Фарзандларим олий ўқув юртларига ўқишга киришганида мендан ҳам кўра дадам кўпроқ хурсанд бўлган эдилар.

Худога шукрлар бўлсинки, дадамизнинг айтганларини қилиб сира кам бўлмадик. Яхши яшаб, эл-юрт ичида обрў-эътибор топдик. Мен 32 йилдан бери қурилиш ташкилотида турли лавозимларда ишладим. Турмуш ўртоғим Муҳаббатхон узоқ йиллар туман марказий кутубхонасида ишлаб, меҳнат нафақасига чиқди. Катта қизим Марҳаматой халқ банкида кассир, иккинчи қизим Махфиратхон марказий шифохонада лаборант бўлиб ишлаб келмоқда. Ўғлим Саъдулло Фарғона Давлат университети тарих факультетини тамомлаб, ҳозирда Қўқон шаҳар 2-академик лицейида ўқитувчи. Кенжа қизим Маърифатхон Фарғона Давлат университети химия-биология факультетининг 4-курс талабаси.

## **Кенжа ўғил хотиралари**

Мен Раҳматуллаев Мирзабахром Насрулла ўғли 1957 йили Учқўприк тумани Катта Кенагас қишлоғида туғилганман. Ҳозирги Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини агрономлик мутахассислиги бўйича 1979 йили тамомладим. Икки акам ва бир опам бўлиб, Насруллоҳ Раҳматуллаев хонадонининг энг кичик фарзанди сифатида дадамнинг умрини охиригача бирга яшадик. Дадамнинг вафот этганига ҳам салкам бир йил бўлиб қолди. Қиблагохимнинг йўқлиги кундан-кунга билиниб бормоқда. Одамларнинг вақт ўтган сари мусибат унутилади, деган сўзлари бекор гап экан. Менда эса аксинча, тобора дадамнинг дийдорини қўмсайман. Шундай дамларда дадам тўғрисидаги хотираларни ўйлаганимда, у кишининг гўзал фазилатлари нақадар кўп бўлганлигини

англамоқдаман. Бу ҳақда дадамни билган кишиларнинг фикрларини эшитиб хурсанд бўламан. Дадам ҳаёт вақтларида, айниқса охирги уч йил бемор ётган вақтларида бирга бўлганлигимиз туфайли менга ўз ҳаёти билан боғлиқ хотиралари, Набирахожа Ҳазиний, Бузрукхон тўра сингари қишлоғимизда яшаб ўтган улуг зотлар зиёратгоҳларига доир келажакда режалаштирган ишлари тўғрисида кўп сўзлар эди. Шулардан хулоса чиқариб, дадамнинг ўзига хос айрим хислатларини эсга олдим.

Дадамнинг энг асосий хислатларидан бири тўғрисузлик, ҳалол яшаш, ҳамда мустаҳкам эътиқод эгаси эканлиги эди. Буни дадамни яқиндан билган кишилар ҳам кўп бор таъкидлашади.

Дадамнинг айтишига қараганда, унинг ота-оналари ҳалол-пок яшаш тўғрисида фарзандларига кўп насиҳат қилганликлари боис, умри давомида шу насиҳатга амал қилиб яшаб келган. Ҳаётдаги етишмовчиликлар, йўқчилик ва моддий қийинчиликлар дадамни ўз эътиқодидан четга чиқара олмаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида қишлоқда очлик азобидан ўлганлар ҳам бўлган экан. Шундай оғир кезларда дадамни ёш бўлишига қарамай, колхоз тегирмонларига ҳамда қишлоқ марказида ҳар куни оч одамларга пишириладиган атала учун масъул қилиб қўядилар. Дадам ўз оиласи учун бу имкониятлардан шахсий манфаати йўлида фойдаланмайди. Баъзи кунлари ўзи очликдан ҳоли қуриб қолса-да, бироқ бошқаларнинг ғамида зиммасидаги масъулиятига хиёнат қилмайди. Бу ҳолат нафақат уруш даврида балки ундан кейинги йиллардаги меҳнат фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Дадам Учкўприк (собиқ Ленинград) туманидаги қишлоқ хўжалиги бошқармасида бош агроном, кейинчалик бошлиқ бўлиб 15 йил ишлаган вақтида ҳам ота насиҳатларига қатъий амал қилди. Ўша пайтларда туманда ҳар йили ўтказиладиган ҳосил байрамларига дадам бошчилик қилган эди. Шундай тадбирларнинг бирида туманимизга ҳосил байрами учун Марғилон савдо базасидан катта миқдорда савдо моллари олиб келишади. Олиб келинган маҳсулотларни ҳужжатлари ўзаро солиштириб кўрилганда ўша вақтдаги нарҳда бир неча енгил машина баҳоси миқдоридаги маҳсулот ортиқча чиқади. Шунда дадам омборни қулфлаб, кечаси ўзи ҳам ўша ерда қолади ва бу ҳақда Марғилонга хабар қилади. Эртасига Марғилон савдо базасидагилар келиб ҳужжатларни тўғри расмийлаштирадилар ва дадамга катта миннат-

дорчилик билдирадилар. Шу воқеа тепасида турган кишилар ҳозир ҳам ҳаётлар.

Энди ўйлаб қарасам, дадам олдиндан кўра билган эканлар. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов маҳалланинг кучи, имкониятлари тўғрисида гапирар экан, бу ўзбекча ўзимизга хос дунёни бошқа ҳеч қаерда учрамайдиган моделлардан бири эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Бугунги кунимизда, маҳаллага қандай эътибор берилаётганлиги, унда алоҳида бошқариш тизими яратилаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Собиқ Иттифоқ даврларидаёқ дадам ўзининг кўп йиллик тажрибаларига таяниб, маҳалла имкониятларидан фойдаланган ҳолда кўплаб эътиборга молик ишларни амалга ошириш мумкин эканлигини исботлаб берган эди. 1960–1963 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли давлат хўжалигида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган кезлари дадам кишиларни меҳнатга лаёқати су-сайиб кетганлигини кузатади. Чунки бўлим бир неча йиллар давомида мунтазам равишда йиллик режани бажармас, одамларнинг кайфияти ҳам шунга яраша тушкун бир ҳолатда эди. Бу эса уларнинг ишлашга бўлган иштиёқига салбий таъсир кўрсатиб бўлганди. Дала ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Тўқсонқовун қишлоғида эса аҳвол бошқаларга нисбатан бир мунча оғир бўлиб, пахтазорлар ўт босиб кетган эди. Бундай жойларда ишни ташкил қилиш учун нафақат райкомдан вакиллар, балки милиция ходимларини жалб этишгача бориб етарди. Мана шундай бир шароитда дадам ўзига хос йўл тутди. Юқоридан ёрдам сўрамайди. Иш фаолиятининг дастлабки кунидаёқ қишлоқ аҳлини бир жойга тўплашни ташкил қилади. Маҳалланинг имомидан тортиб, Қўқон шаҳрида ишлайдиганларгача йиғилишда иштирок этишади. Бу йиғилишда дадам қишлоқ аҳлига мурожат қилиб, аҳволни тушунтиради: «Агар аҳвол шундай давом этса, кузда режа бажарилмайди. Менинг ойлигим тайин. Ишдан бўшатишса, бошқа жойда ишлайвераман. Лекин сизлар, бутун қишлоқ аҳли нима қиласизлар. Даладаги деҳқончиликларингиз бўлмайди. Шундай бўлгач, совхоздан даромад ҳам чиқмайди», дейди.

Қишлоқ аҳли бу сўзлардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб «Нима қилсак, аҳвол яхши томонга ўзгаради» деган савол билан дадамга мурожат қилишади. Уларнинг саволига дадам:

«Битта йўли бор. Бутун маҳалла аҳли бирлашиб, дала ишларига оилавий тарзда ёрдам беришлари керак. Агар шунга амал қилсак, аҳволни ўнглай оламиз», дейди.

Шундан сўнг маҳалланинг фаол аъзолари бошчилигида барча бирлашиб, бир ҳафта даладаги ҳолатни яхшилайдилар. Бошқа қишлоқлар ҳам бундан ибрат олиб ишни шундай ташкил қилдилар. Оқибатда, Ҳамза бўлими туманда уч йил давомида биринчи бўлиб йиллик пахта режасини ортиғи билан бажаришга эришадилар.

Ўша вақтда Марказий комитет раҳбарлари ҳам дадам бошқараётган бўлимга бир неча маротаба келиб деҳқончилик ишларига юқори баҳо берган эдилар.

1978–1988 йилларда дадам Учкўприк туманидаги «Коммунизм» колхозига раҳбарлик қилди. 1978 йили май ойида уни раис этиб сайлашган пайтда хўжалик режаларни муттасил бажармай, қарзга ботган эди. Аксарият аҳоли туман марказида ишлаганлари учун колхоздаги бу ҳолат ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Ҳатто жамоа аъзолари ҳам мазкур шароитга бефарқ бўлиб қолган эдилар.

Дадам колхозга келган биринчи кунидеҳқончилик ишни маҳалла билан ишлашдан бошлади. Худди Ҳамза бўлимида бўлгани каби бу ерда ҳам маҳаллаларда йиғилишлар ўтказиб, маҳалла кенгашлари тузди. Оқ олтин қишлоғида бошланган ташаббус бутун колхозга ёйилди. Маҳаллалар шу даражада фаоллашиб кетдики, нафақат дала ишлари, балки маҳалла ободончилиги, таълим-тарбия ишлари ҳамда оилавий маросимларни ўтказишда ҳам жонбозлик кўрсата бошладилар. Ҳатто тўйларни спиртли ичимликларсиз ўтказиш ташаббуси бутун туманга тарқалди.

Дадамнинг яна бир яхши хислатларидан бири ёшларни билим олишларини қўллаш, ҳамда кадрларга нисбатан талабчанлиги ва меҳрибонлиги эди. Қаерда ишласа ҳам ишни кадрлар алмаштиришдан эмас, балки уларни тарбиялашдан бошлар эди. Ўқийман, билим оламан деган ёшларга астойдил ёрдам берар, уларни имкон борича қўллаб-қувватлар эди. Олийгоҳларда ўқиётган талабалар билан ҳеч эринмай суҳбатлашар, керакли йўл-йўриқлар кўрсатарди. Қўл остидаги мутахассислар келажакдаги учун ҳам қайғуруар эди. Ишлаган кезлари мактаблар билан яқиндан алоқада бўлган. Мактабларда ўтказиладиган йиғилиш ва байрам тадбирларида қатнашибгина қолмай, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдамларини сира аямас эди.

Дадам Ҳамза хўжалигига бўлим бошлиғи этиб тайинлангандан сўнг, у ердаги мактаб фаолияти билан танишмоқчи бўлади. Мактаб билан яқиндан танишгач, шу нарса маълум бўладики, мактаб саккиз йиллик бўлганлиги боис, юқори синф ўқувчиларининг бир қисми кўшни Янги қишлоқдаги мактабда, яна бир қисми 20-мактабда, қолганлари Ўзбекистон туманидаги мактабда ўқишларини давом эттиришар экан. Булардан хабар топган дадам ҳайрон бўлиб, эртасигаёқ туман халқ таълими бўлими мудирини Фахринисо опани бўлимга таклиф қилиб, ўрта мактаб очиш зарур эканлиги тўғрисидаги таклифларини айтади. Шунда опа: «Майли, сиз бино топинг, Мактаб очиб, вивескасини илиб қўйиш мендан», деган фикрни билдиради. Шунда дадам «Шу бўлимнинг биноси бўладими?» деб сўрайди. Опа «Бўлаверади», деб жавоб беради. Халқ таълими бўлими мудирасининг жавобидан кўнгли тўлган дадам «Уч кундан сўнг вивескани олиб келаверинг, унга қадар мен бинони ремонт қилдириб қўяман» дейди. Шу тарзда туманимиздаги 19-ўрта мактаб ташкил этилган. Мактаб очилганидан сўнг дадам бу ҳақда юқоридагиларни хабардор қилади. Ўзи эса бўлим идорасини кичикроқ бинога кўчиради.

Дадам иш фаолиятида янгиликларга қизиқар, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда шароит яратишга ҳаракат қилар эди. Пахта етиштиришда заҳарли химикатлардан фойдаланиш роса кучайган пайтларда дадам биологик метод тўғрисида эшитиб қолгач, шу соҳадаги мутахассис Аҳмаджон Носировга: «Ўғлим, сизга барча шароитни яратиб бераман. Бизнинг хўжаликда биологическая лаборатория яратиб берсангиз бўлди. Одамларнинг саломатлиги биз учун ҳамма нарсадан муҳимроқ», дейди. Натижада, дадам бошқараётган хўжаликда биологическая лаборатория вужудга келади. Ўз навбатида, Учкўприк марказий касалхонаси атрофидаги пахта майдонларига умуман заҳарли химикат сепилмайди. Биринчи йили 500 гектар, кейинчалик қолган майдонларда ҳам биометод кенг қўлланилади. Дадам ташкил этган биологическая лабораториянинг довуғи нафақат Ўзбекистонда, балки ўша вақтдаги собиқ иттифоқ буйича бериладиган «Время» кўрсатувида алоҳида кўрсатилган. Биологическая лаборатория мудирини Муроджон Аҳмедовга «Жигули» енгил автомашинаси мукофот қилиб берилган. Дадам биологическая лаборатория қурилиши билан чекланиб қолмаган. У хўжаликда минерал ўғитларни ишлатишда илмий ёндашиш мақсадида янги



типовой минерал ўғит сақлаш омборини ҳам барпо этади. Кўп ўтмай, вилоят бўйича биологическая лаборатория ҳамда минерал ўғитларни сақлашга доир семинарлар айнан дадам бошқарган колхозда ўтказиладиган бўлди.

Пахта уруғчилиги бўйича ҳам дадам кўп хизматлар қилган. Машҳур «Тошкент-6» нави яратилишида, туманимизда уруғчилик хўжалиги ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган. Кейинчалик «Фарғона-3» навларининг яратилиши ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилинишига амалий ёрдам берган. Селекция соҳасида ишловчи олимлар билан дадамнинг ўзаро муносабатларига кўп гувоҳ бўлганман. Дадам қишлоқ хўжалиги бошқармасида ишлаб юрган пайтида Тошкентдан Марказий комитет топшириғига биноан кўзга кўринган академик олимлар келишади. Уларнинг асосий мақсади пахта уруғчилигини ўрганиб, туманларда кўп навлар пала-партиш аралаштириб экилаётганлиги тўғрисида бюрога материал тайёрлаш эди. Туманда ҳам саккиз хил пахта нави экилган эди. Дадам ҳар бир экилган навнинг ҳажми, нима сабабдан экилгани тўғрисида уларга гапириб беради. Бунга оид тегишли ҳужжатларни кўрсатади. Даладаги ҳолат билан яқиндан таништиради. Шундан кейин олимларнинг фикри ўзгариб, туманимиздаги ишларни намунали топиб, уни бутун Республика бўйича амалга ошириш кераклиги тўғрисида юқорига таклифлар киритадилар.

Дадамнинг одамлар кўп гапирадиган хислатларидан яна бири халқ ичида бўлиши, ҳеч эринмай пиёда юриши эди. Умри давомида қаерда ишлаган бўлса ҳам доимо даладаги ҳолатни пиёда юриб ўрганар эди. Хўжаликни бу чеккасидан у чеккасигача пиёда кезиб чиқар эди. Шундай юриши чоғида йўлида учраган хонадонларда бемор бўлса, албатта ҳолидан хабар олар эди. Агар қайсидир оилада кўнгилсизлик юз берган бўлса, бошқалардан олдин ўша ерга етиб бориб, оила аъзоларига қўлдан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилар эди.

Дадам нафақага чиққач, қишлоқ ободончилиги, Ҳазиний адабий меросини тиклаш учун самарали меҳнат қилди. У ўзининг бундай ҳаракатларини қуйидагича изоҳлаб берган эди:

«Ўғлим, ҳозир ҳеч қандай иш қилмасак ҳам кунлар ўтаверади. Лекин келажакда одамлар шубҳасиз «Бизнинг қишлоқда нима учун ободончилик ишлари, маданий меросимизни тиклаш ишлари қилинмаган?» деган саволни беришлари тайин. Шунда бу са-

волга: «Қишлоқда яшаб ўтган раҳбарлар ҳар қандай ишга имкониятлари етадиган даражадаги одамлардан бўлган. Бироқ улар ўз оилаларининг ташвишлари, шахсий манфаатларини ўйлашдан бошқа ишга қўл урмаганлар» дейишади. Агар мен ҳам шу тахлитда умр кечирсам, мендан кейингилар, яъни сиз ва набираларим одамлар олдида хижолатда қолишларинг мумкин». Шунинг учун дадам келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис эгиб тинмай ҳаракат қилдилар.

Қишлоқдаги Ҳазиний уй-музейининг қурилиши, китобларининг чиқарилиши, Ҳазиний юбилейини ўтказилиши, қабристондаги зовурлар кавланиши, ариқларга лотоклар ўрнатилиши, йўллар таъмирланиб асфальтланиши, қишлоқ масжидини давлат рўйхатидан ўтказилишидаги фаолиятларининг ҳар бири алоҳида мавзу. Сўзим чўзилиб кетмаслиги учун улардан бири ҳақида тўхталиб ўтаман.

Катта Кенагас-Учкўприк-Янгиқўрғон йўлигача ўртасида 5 км. йўл бор эди. Бу йўл ўша вақтларда тор бурилишлардан иборат тупроқ ва тошлоқли бўлиб, қор ва ёмғирли кунларда бу йўлдан юриш барча учун жуда кўп ноқулайликлар келтириб чиқарар эди. Мен бўлимда агроном эдим. Шу вақтларда аҳолига ёппасига уй-жой учун ер берилаётган эди. Кунларнинг бирида дадам «Ўғлим, анчадан бери мени бир нарса ташвишга солмоқда» деди. Мен «Сизни нима ташвишга солмоқда», деб сўрадим. Дадам «Ҳозирги ҳолатда уй-жой берилса, кейин бу йўллар шундайлигича қолиб кетади. Бундай ҳолатдаги йўлларга жамоат транспортлари қатнашига рухсат берилмайди. Иложи бўлса, қишлоқ харитасини олиб келсанг» деди. Мен бўлим харитасини олиб келдим. Ер тузувчи Бахтиёржон Акбаровдан колхоз харитасини олдик. Дадам иккала харитани ёнма-ён қўйиб, йўл харитасини чиздилар. Вақтинчаликка Машад қишлоғидаги аҳолига уй-жой берилишини хўжалик раҳбаридан илтимос қилди. Кейин шу масалада туман, вилоят раҳбарларига мурожаат қилди. Вилоят автойўл бошқармаси бошлиғи Козимов шахсан ўзи келиб йўлнинг ҳолатини кўздан кечириб чиқди. Янги йўл учун учкўприклик лойиҳачини жалб этди. У йўл лойиҳасини чизиб берди. Натижада, йўл тез орада ҳозирги кун ҳолатида битказилди. Мана ҳозир мазкур йўл тумандаги энг текис, равон йўллардан бири бўлиб қолди. Кенагас-Учкўприк-Найманс-Қўқон йўналишидаги транспортлар қатнаб аҳолига хизмат қилмоқда. Қачон бу йўлдан

ўтсам, дадамнинг шу йўл қурилишида қилган меҳнатлари кўз ўнгимдан ўтади. Ўша дамларда келажакни олдиндан кўра билганликларига яна бир бор тан бераман.

Дадамнинг ўзига хос фазилатларидан яна бири ким билан нима масалада гаплашмасин ўз фикрини, мақсадини тушунтира олар эди. Шунинг учун дадам қандай ишга аралашса, натижаси албатта ижобий бўлар эди. Шу сабабдан одамлар турли масалаларда ёрдам сўраб дадамга мурожаат қилардилар. Дадам ўзи оддий қишлоқ кишиси бўлгани билан иш юзасидан Республика-миздаги кўплаб машҳур адиб ва шоирлар, жумладан, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Озод Шарафутдинов, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Иброҳим Раҳим, Йўлдош Сулаймонлар билан кўп бор мулоқотда бўлган эди.

### **Тўнғич набира хотиралари**

Мен Мухтасар Шермуҳаммад қизи Насруллоҳ отадек улуғ инсоннинг набираси бўлганимдан фахрланаман. Одатда, бундай фахрланиш туйғуси боболари машҳур олим ёхуд таниқли санъаткор бўлган набираларга хос бўлади. Бироқ бобом Насруллоҳ олим ва санъаткор бўлмаса-да, илмнинг қадрига етган, санъатни эъозлай билган чинакам зиёли инсон эди. Умр бўйи қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилган бўлса-да бир дақиқа ҳам хаёлидан қишлоғининг тарихига бўлган қизиқиши сўнмади. Ҳар доим маърифатга интилиб яшади.

Бобом Насруллоҳ Раҳматуллаев «Бешикдан қабргача илм изла», деган ҳикматни дилига маҳкам туккан инсон эдилар. Ана шу йўлдаги ҳар қандай ўзбошимчалигу қайсарлигимизни қадрлаганлар.

«Барибир Тошкентга кетаман», деб астойдил оёқ тираб туриб олганимда менга қаршилик кўрсатган оила аъзоларимизни бобом кўндирганлар. Лекин «Ҳа шеър ёзиш кўнглига тушибди», дея қўлтиғига қистириб қўлимдан етаклаб кетавермаганлар. Устозларим Фариди Афрўз ва Йўлдош Сулаймонларнинг мен ҳақимдаги фикрларини эшитгач «Қани қизим, ёнимга ўтирингчи. Мен қизимни имтиҳон қилиб кўрай. Ҳақиқий ижодкор ҳар қандай вазиятда ўткир фаросат ва юксак мушоҳадага тайёр туриши керак. Мана сиз ҳар доим Абдулла Ориповнинг шеърлар тўпламини қўлингиздан қўймайсиз. Мен соатга қараб тураман.

Ярим соатда ана шу устозингиз ҳақида шеър ёзиб, менга кўрсатинг-чи», дедилар қатъий оҳангда. Ўшанда мен «Бўйруқ билан шеър ёзиб бўларканми. Ҳақиқий шеър илҳом келганида ёзилади» дея улардан норози бўлганман. Бироқ «Тошкентга юбормай қўйсалара?!», деган ҳадикда шеър ёзиб қўлларига тутқазганман. Шеърим бобомга маъқул келгач, ўзлари мен билан бирга йўлга отланганлар.

Бобом бизга ниҳоятда кўп таъкидлайдиган фазилат бу камтарлик эди. «Болаларим, камтар бўлинглар ва ҳеч қачон бозори бор нарсаларни деб бировнинг кўнглини оғритманглар. Кўнглининг бозори йўқлигини ҳеч қачон унутманглар», дердилар.

Ҳар гал бобом билан суҳбатлашганимда у кишининг ҳазрати Навоий, Бобур ва Ҳазиний ғазалларию ҳозирги шеърятимиз борасидаги мулоҳазаларидан ҳайратланар эдим. Вафотларидан сал олдинги суҳбатимиз давомида шуни сездимки, бобом асосий қизиқишлари ва фурсатларини адабиётга бағишламаганларига афсусланар эканлар.

Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, бобом барча фарзандларию набираларидан миллий урф-одатларимизга нисбатан катта эҳтиром билан муносабатда бўлишимизни жиддий ва қаттиққўллик билан талаб қилар эдилар. Бир сафар «дакки» эшитган чоғимда мана бу шеърни ёзган эдим:

*Бобом орзу қилар: Сочим кесмасам,  
Узун-узун кўйлак кийсам ҳар куни.  
Қани энди бошлаб адабин берса,  
Шу «модани» ўйлаб нон еб юрганни.  
Рўмол ўрамасдан чой олиб кирсам,  
Индамай терс қараб аразлаб олар.  
«Ўйи ҳам, ўзи ҳам ялангоч ўша  
Европага бунча интилар улар...»  
Чақалоқларку-я ҳаммаси «реппер»,  
Онасини эмиб кўйлак танлашар.  
Лекин нега энди гапингни уқмас  
Ҳазрат Навоий ва Бобурни ўқиб,  
Ҳазинийни тинглаб ўсган болалар?»*

Сўзларимни яқинда ёзган бир шеърим билан якунламоқчиман.

# БОБОМ НАСРУЛЛОҲ РАҲМАТУЛЛОҲ ЎҒЛИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

*«Кўнгил дардига топмай бораман  
ҳаргиз диво истаб»  
(Фурқатон)*

Кўнгил дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб.  
Наво билмаслар ичра хор бўлдим-ку мен наво истаб.  
Қўқон тупроғидан сармаст йўлга чиққандим сафо истаб.  
Менингдек бормикан ўз элин билмаган бало истаб.  
Бу ғам тупроғига бошимни қўймай ҳеч ўтиб бўлмас.  
Ўтар бўлсам не тонгким топмай сендек мубтало истаб.  
Кўнгил дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб.

Эй аҳли шуаро айтинг, қайлардан келур оҳингиз,  
Элга бир чин Сўз айтмаса ул патқаламни отингиз.  
Навойи, Машраб дардлари ичра кезарми ёдингиз.  
Нечун ғарибдур ҳолингиз, хижолат фарёдингиз.  
Ғафлат ғавғосида кетманг ёлғон савдосига ўтманг,  
Бозор қошида бошингиз, тош босарми чин отингиз,  
Ўзидин қочмоқ ажабдир, гоҳ ўзгадин паноҳ истаб.

Маҳшар гулханлари сари кетмоқдамиз йўл истабон,  
Ўн саккиз минг олам ичра кечмоқда не савдо ҳар он.  
Жаҳон айвонида кулган пойгакларда бўлмиш хазон,  
Ўз элидин эл кўрмаганлар то абад топмас макон.  
Ҳар тонгким таралгай садо Ҳақ сўроғидин бир наво,  
Нафс ила суҳбати сархушлар англамасларки шу он,  
Сўнгги имконларда бормиз, сўнг кетармиз фано истаб.

Нечун дод этарман гар обод элни истаб борамен,  
Гарчи фақиру нотавон бир шоира садпорамен,  
Ўз мақсудин маёқ билган, кўнглин тилган сувворамен,  
Сўзларимни пайкон қилиб жанг қилмоқ-ла оворамен.  
Сиз ҳозирий ҳаётингиз ҳавасида кул бўлурсиз,  
Мен эртанинг ишқида қул, мозийга маст ёлворамен.  
Мухтасармен эл ичра кезиб, дарди бедаво истаб,  
Кўнгил дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб.

В Ферганской долине часто встречаются топонимы, связанные с именем Кенагас<sup>293</sup>. Из этого следует, что в Ферганской долине, в том числе и на территории селения Катта Кенагас, в прошлом проживало население, относящееся к племени Кенагас<sup>294</sup>. Кенагас считался одним из 92 узбекских племен<sup>295</sup>. По приведенным С.М. Абрамзоном сведениям, племя Кенагас стояло на первом месте в списке названий 92 узбекских племен<sup>296</sup>, что свидетельствует об известности и большой влиятельности вышеупомянутого племени. В конце XVII – начале XIX века оно признавалось в качестве одного из самых сильных племен узбеков<sup>297</sup>. Об этом К. Кубаков пишет следующее: «Узбеки-кенегасы были расселены в основном в Верхней Кашкадарье. Как известно кенегасы относятся к числу наиболее древних узбекских племен. Основным местопребыванием кенегасских беков были города – Шахрисабз и Китаб. В прошлом они проявляли непокор-

---

<sup>293</sup> Об этом см: Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909.

<sup>294</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: Ўзбекистон, 1994. С. 27. (на узбекском языке).

<sup>295</sup> Султанов И.Т. Опыт Анализа Традиционных списков 92 «Племен Илатийа»// Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура) М.,1977.С. 171

<sup>296</sup> Об этом см: Хивинские источники по истории Туркмен XIX в / / Материалы по истории туркмен и туркмены. Том II. XVI-XIX вв. Иранские, Бухарские, Хивинские источники.М.-Л., 1938; Мирмухаммад Амин Бухорий. Убайдуллонома. Т., 1957; Мирза Абдулазиз Самми.Тарих-и салатин-и мангитийа (История мангытских государей) / Перевод, издание текста и прим. Л.М. Епифановой. М., 1962 Маджума ат-гаварих // Материалы по истории киргизов и Киргизии. М.: Наука, 1973.

<sup>297</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана.М.: Наука, 1976. С. 238.

ность бухарским эмирам. Многочисленные попытки бухарских правителей, в частности Насруллахана, покорить это вольнолюбивое племя, заканчивалась крахом»<sup>298</sup>.

Время переселения племени Кенегас в Ферганскую долину пока неизвестно. Об этом этнограф С.С. Губаева приводит следующее мнение: «...точно не установлено когда первые кенегасы прибыли в Фергану, предполагают, что с войсками Шейбанихана. Кроме того, Абдул Раим (время правления 1721–1739 гг.) был женат на дочери правителя Шахрисабзкого вилайета (кенегасы издавна обосновались в этой части Бухарского ханства) Хакима-букари, кенегеса по происхождению, Ай Чучук-Аим. Вероятно, часть соплеменников Ай-Чучук тоже прибила в Фергану и осела здесь»<sup>299</sup>. Точка зрения С.С. Губаева по этому поводу, на наш взгляд, выглядит обоснованной. Потому что среди населения селения Катта кенегас сохранилось предание о переселении племени Кенегас в Ферганскую долину именно с войсками Шейбани-хана.

Расположенное в Учкоприкском районе Ферганского вилоята селение Катта Кенагас (в 13 км к востоку от города Коканда) богато своим историческим прошлым. Оно играло важную роль в экономической и культурной жизни Кокандского ханства и по этой причине много раз упоминалось (иногда под именем Кенагаси калон) в письменных источниках, рассказывающих о происходивших в регионе событиях<sup>300</sup>. Поскольку в прошлые времена кишлак включал в себя более десяти махаллей, он получил название «Тысячедомный Кенагас».

В настоящее время Катта Кенагас состоит из семи махаллей - Таглик, Зинбардор, Чарбаг, Абджуваз, Хазини, Янгиабад, Кичик кашкар, Ишан курганча. Численность его населения - более 6 тысяч человек.

---

<sup>298</sup> Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX-начало XX. ) // Этнографическое быта и культуры узбеков. Т.: Фан, 1972. С.16.

<sup>299</sup> Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. Т.: Фан, 1983. С.62.

<sup>300</sup> Об этом см: Weisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ILCAA. Tokyo. 2008

Катта Кенагас известен своими святыми местами. В селении находится, например, усыпальница семьи Абаббасидских хваджей (в махалле Ишан курганча). На основном кладбище селения находятся Чилла-хана, мазар Хазини и мазар Бузрук-хан-тюрк, имеющие вид архитектурных сооружений. На этом же кладбище, вблизи мазара Хазини, похоронен Каримкул Зинбардори, один из государственных деятелей XIX века. О его героических подвигах можно найти сведения в произведении жившего в XIX веке Зияуддина Махдума (Махзуни) «История ханов Ферганы»<sup>301</sup>.

По рассказам старожилов, эти места понравились Кокандским ханам, так как земли Катта Кенагаса были очень плодородными. По этой причине они были пожалованы Набиру х<sup>а</sup>дже, предку Хазини, и белогорскому х<sup>а</sup>дже Джахангир-хану (ок. 1788-1828 гг.) и его потомкам. Об этом факте свидетельствуют письменные документы, хранящиеся до сих пор в руках их потомков. Как справедливо отметил профессор Аширбек Муминов, «В планах Коканда по укреплению своих позиций в регионе большое место отводилось влиятельным кланам и семействам местных х<sup>а</sup>джа. Для реализации политических замыслов ключевым лицам ханы стали предоставляться со стороны ханства имущественные и сословные привилегии, в подтверждение чего им выдавались документированные родословные с оттискам печатей ханов и других высокопоставленных лиц ханской администрации»<sup>302</sup>.

Как известно, Джахангир-хан, заручившийся поддержкой кокандского хана Мухаммад Алихана, возглавлял восстание против китайцев в Восточном Туркестане с 1820 по 1827 годы. В итоге, попав в плен, он был казнен в Пекине в 1828 г.<sup>303</sup>. После

---

<sup>301</sup> Махзуни. Фаргана хандарынын тарыхы. Бишкек, 2007. С. 106 (на киргизском языке).

<sup>302</sup> Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях. Том 2. Составители, перевод на русский язык, комментарии, приложения и указатели: А. Муминов, З. Жандарбек, Д. Рахимжанов, Ш. Зиядов. Алма-аты: Дайк-пресс, 2008. С. 40-41

<sup>303</sup> Об этом см.: Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. М.: Издательство восточной литературы, 1958; Kawagoe Yasuhiro. «Jihangiru ryakuzono hakken». Tokyo, Bunkoshoho, No.7, 1976; Ка-



его смерти единственный сын Джахангир-хана Бузрук-хан-торе (ок. 1818-1870 гг.) некоторое время жил в Катта Кенегасе. В 1864 году в Восточном Туркестане вспыхнуло новое антикитайское восстание, Бузрук х"аджа со своим отрядом отправился на помощь и был объявлен правителем Кашгара<sup>304</sup>. После кратковременного правления Бузрук х"аджа был вынужден уйти из этого поста и был отправлен хадж<sup>305</sup>. Однако из-за болезни ему пришлось вернуться в Коканд - Бузрук х"аджа скончался в кишлаке Катта кенегас и был похоронен там же. С тех пор его могила, на которой в конце XIX века был построен мавзолей, является объектом паломничества местных жителей. Внутри мавзолея расположена могила самого Бузрук х"аджа, а снаружи расположены могилы его потомков. Согласно некоторым сведениям, раньше над мавзолеем имелась также хоругвь, покрытая цветным металлом. Сейчас от хоругви сохранилась только металлическая часть.

Хазини (Ишан-и Хазини, Хазини тора) - поэтические прозвище (тахаллус) знаменитого поэта-мистика Зияуддина Хуканди

---

дырбаев А.Ш. Ходжи Суфийского ордена Накшбандие в Восточном Туркестане накануне в эпоху Маньжуро-Китайского владычества XVII - начала XIX века // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс. 2007; Мулло Мўсо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди. Бейжинг.: Миллатлар нашриёти. 2007. (на уйгурском языке).

<sup>304</sup> Об этом см: Валиханов Ч. Избранные произведения. Казахское государственное издательство Художественной литературы. Алма-Ата. 1958; Акбаров Қ., Маьмуров Ж., Ботирова Н., Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан алоқалари тарихидан // «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Қўқон. 2004 Вей Ляктоу, Ляо Чипин. Хожалар жамияти ҳақида / Таржима қилгучи Қурбон Турон. Бейжинг. Миллатлар нашриёти, 2006; Мулло Мўсо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди. Бейжинг.: Миллатлар нашриёти, 2007; Zarcane T. Quand le saint legitime le politique: le mausole de Afaq Khwaja a Kashgar // Cental Asian Survey, Vol.18, № 2, 1999; Papas A. Soufisme et Politique entre Chine, Tibet et Turkestan. Paris: Jean Maisonnuve Successeur. 2005; Shimen Y., Kawahara Y. Mazar Buzurg Khan Tora in Katta Kenagas Village // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007.

<sup>305</sup> Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. Т.: Фан, 1989 (на узбекском языке).

(1867-1923 гг.). Хазини родился в семье просвещенного для своего времени человека – Катта Х<sup>а</sup>аджи. Свою родословную предки Хазини возводили к дяде пророка Мухаммада - Аббасу (ум. 652 г.), сын которого Абдуллах стал основателем второй исламской династии – Аббасидов (750-1258 гг.).

Будущий поэт получил начальное образование в семье, у своего отца, затем пополнял и совершенствовал его самостоятельно. Известный литературовед и краевед Полотджон Домулла Қайомов (1885-1964 гг.) в своем произведении «Тазкира-и Қайомни» упоминает о том, что Хазини обучался какое-то время в кокандском медресе Джами, но не смог его закончить<sup>306</sup>. Став мюридом известного шайха суфийского братства Кадирийя Мухаммада Хаким-халифа (ум. 1897 г.), он всю жизнь следовал учению этого братства<sup>307</sup>. В своих стихах Хазини проповедовал учение Кадирийя, писал о быстротечности земного и вечности потустороннего мира.

Люди почитали поэта как святого человека. При своей жизни Хазини возносил молитвы за население кишлака, люди, как в радостные, так и в печальные для себя дни, приходили в его дом и, получив благословение, возвращались назад. До своей смерти он совершал обряд хатм-и х<sup>а</sup>аджа, посвященный Джанаб-и хазрат Гаус ал-Азаму, знаменитому ханбалитскому проповеднику, богослову и суфию Абд ал-Кадиру ал Джилани (1077-1166 гг.), основателю братства Кадирийя.

Хазини занимался земледелием - он освоил пустующие песчаные земли вокруг кишлаков Чопдор и Караултипа, благоустроил их и разбил там фруктовые сады, назвав местность «Регистан». На свои средства в кишлаке Караултипа он построил мечеть (масжид) и мельницу (обжувоз). Говорят, после окончания постройки мечети Хазини, осмотрев ее, сказал: «Мечеть получилась красивой. Но пройдет время и она сгорит». Его предвидение сбылось в 1943 году, когда мечеть полностью сгорела по неизвестным причинам.

---

<sup>306</sup> Пўлотжон Домулла Қайомов. Тазкират уш – шуаро. 1 – китоб. –Т.: ЎзРФА Давлат адабиёт музейи, 2006. С.123. (на узбекском языке).

<sup>307</sup> Икромиддин Остонақул. Фарғоналик валийлар. –Т.: Моваруннахр, 2001. С. 69. (на узбекском языке).

Определенный вклад в изучение жизни и литературного наследия Зияуддина Хазини внесли филологи А. Маданиминов, Ш. Юсупов, А. Турдалиев, И. Останакулов<sup>308</sup>. Идеино-художественные особенности поэзии Хазини прекрасно проанализированы в публикациях доктора О. Джурабоева<sup>309</sup>.

---

<sup>308</sup> Махмудов М., Останакулов И. Бу жаҳонга ким келибдур // Ўз АС. 12.IV.1991; Орзибеков Р., Абсамиев Ҳ // Алабиёт ва тарих. Ўз АС. 29.XI.1991; Йўлдош Сулаймон. Ҳазиний ноласи // «Олтин водий» вилоят газетаси. 18.04. 1992; Икромиддин Останакул ўғли. Зиёвуддин Ҳазиний. // Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. –Т.: 2004; Умарова И. «Ҳазиний тўрамнинг ғазалл» // Миллий тикланиш. 1996 йил, 5 ноябр: 44 (73); Алиев Н., Останакул И. «Расуллуллоҳ вориси» // Сирли олам.1997. № 10; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар / Ме Вомиқу сен- Узро. –Т.: 1998; Юсупов Ш. Ҳазиний тўра меросига бир назар (Сўнгсўз ўрнидаги мақола) / Ҳазиний. Девон. 1999; Орзибеков Р. Ҳазиний Хўқандий назмиётида илоҳий тимсоллар талқини // Мустақиллик. Самарқанд ва миллий қадриятлар. –Т.: 1998; Кароматов Ҳ. Хўрлаиған пайғамбарлар ғалабаси. –Т.: 1999; Қосимов Б. XX аср бошла жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар / Китобда: Жалидчилик: ислоҳот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: 1999; Юсупов Ш.Тарих ва адаб бўстони. –Т.: Маънавият. 2003; Мадаминнов А., Турдалиев А. Хазини // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 4. М., 2003; Ostanquolov I. Traditions orales et Literature chez les qadiri de la vallee Ferghana aux XIXe-XXe siecles (Traduit de L'uzbek). //Journal of the history of sufism. Istanbul. «Simurg».2000. № 1.(Frans) 304-336 .

<sup>309</sup> Об этом см: О.Жўрабоевнинг Ҳазиний ижоди бўйича тадқиқотлари: Ҳазиний. Девон. –Т.: Маънавият (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифлари: А.Мадаминнов ва О.Жўрабоев. 1999; Жўрабоев О.Р. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси. Н.Д. автореферати. –Т.: 2003; Жўрабоев О. Ҳазиний тўра (ҳаёти ва ижоди). –Т.: Фан, 2007; Жўрабоев О. Илоҳий оятлар ва теран мисралар // «Ватан» газетаси. –Т.: 1996. 22 август; Оташзабон шоир // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. –Т.: 1997. 24 октябрь; Ҳазиний адабий меросининг манбалари // Ўзбекистон ёш адабиётшуносларининг аънавий анжумани материаллари. –Т.: 1997; Зиёвуддин Ҳазиний ва унинг адабий мероси // «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. –Т.: 2000. Ҳазиний асарларининг қўлёзма манбалари ва матний қиёс масалалари хусусида // «Адабиёт кўзгуси» илмий тўплами. –Т.: 2000. №6; Ҳазинийга аталган зиё // «Ёшлик» журнали. –Т.: 2000. №5-6; Мардуми Фарғона //

Согласно сведениям, приведенным А. Мадаминовым и А. Турдиалиевым, Хазини писал стихи религиозно-мистического содержания и находится в дружеских отношениях с признанными в своё время поэтами и певцами-хафизами (Мухйи, шайх Сулайман, Махджур, Наджи Каландар, Насими Хуканди, Хамракул-кари, Эркакари, Мулла Туйчи-Хафиз, Садир-хан, Умар-хан, и др.). Помимо поэтического дара Хазини обладал и музыкальным - он исполнял песни на свои стихи, подбирая к ним подходящие мелодии из классической музыки. Иногда он и сам сочинял мелодии к своим стихам и пел, аккомпанируя себе на танбуре или дутаре. Легко читаемые и понятные народу, близкие его душе, поэтические произведения Хазини пользовались большой популярностью<sup>310</sup>. Его стихи были и остаются в числе наиболее часто издаваемых с момента появления литографий и типографий. Это доказывает, в частности, сборник стихов под названием «Баёзи Хазини», который с 1910 по 1915 годы был напечатан восемь раз в городе Ташкенте<sup>311</sup>.

---

«Гулистон» журнали. Т., 2000. №6: Ҳазиний ижодида иқтибос // «Адабиёт кўзгуси» илмий тўплами. Т., 2000. №6: Ҳазиний ижодида мажозий ишқ талқини // «Ўзбек тили ва адабиёти» ж. Т., 2001. №5: Муршиди Фарғона кимдур? // «Шарқ юлдузи» ж. Т., 2001. №3: Ҳазиний ва Фурқат: руҳий-маънавий уйғунлик // Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. 6-конференция. Тошкент, 2001; Юсуфнинг харидори // Ўзбекистон шарқшуносларининг 7-анжумани материаллари. Тошкент, 2002; Шерий санъат нима? // «Қишлоқ ҳаёти» г. Т., 2002. 7 ноябрь: «Тонг отқунча кимга аталган?» // «Фидокор» г. Т., 2003. 22 май; Шукри беҳад бизни инсон айлади / «Хуррият» г. Т., 2003. 8 октябрь; Қўлёмалар давр руҳиятини акс эттирувчи манба сифатида // Ёш олимларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Т., ЎЗР ФА, 2004; Мумтоз мерос тадқиқи: ютуқлар ва муаммолар (давра суҳбати). // Ўз АС. 2004. 21 май: Бир ғазал матни ва моҳияти хусусида // «Ўзбек тили ва адабиёти» ж. Т., 2005, №2; Ҳазиний Хўқандий // «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 11-жилд. Т., 2005; DOVBNЬ LYGBTЭ'Т-ТЬРК'ТЕКЭ TANG SQZЪNЪN XIX. YЪZYIL KOKAND ЎАЭРЛЕРЭНДЕКЭ TEZАНЪРЪ / Journal of Academic Studies. November 2008. January 2009. (Istanbul.) Number.39.

<sup>310</sup> Об этом см: Мадаминнов А., Турдиалиев А. Хазини // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 4. М., 2003.

<sup>311</sup> Жўрабоев О. Ҳазиний тўра (ҳаёти ва ижоди). Т.: Фан, 2007. С.113. (на узбекском языке).

Песни на слова Хазини продолжали исполнять вплоть до 1917 г. и даже какое-то время после, а некоторые из них прочно утвердились в репертуаре народных певцов. Их исполняли во время народных гуляний (сайил), на различных празднествах и т.д. И поныне популярной и любимой является песня Фаргона тонг отгунча («Фергана до рассвета») на слова Хазини. Другая песня Ё хаёт ан-наби, посвященная пророку Мухаммаду, в исполнении известного певца Хамрокула-кари была записана на грампластинку и имела широкое распространение до 1917 года.

Поэт сам составил сборник своих стихов (диван), который после его смерти находился у старшего сына Амаки-хана. 1937 году Амакихан был арестован во время праздничного намаза ураза хаййит. По утверждению потомков Хазини, во время ареста диван был в тот момент у него на руках и дальнейшая судьба его неизвестна. В советский период произведения Хазини не издавались из-за их религиозно-мистического содержания. Лишь в 1992 г. был издан сборник его стихов Тасаддук, ё расулulloх («Окажи милость, о посланник Аллаха»), а в 1999г. – дополненное его издание под названием Диван.

Поэт скончался в родном кишлаке Катта Кенагас, похоронен там же. В 1997 г. его могила была приведена в порядок. Достоинно отмечены 125-я и 130-я годовщины со дня рождения поэта. В кишлаке, где Хазини родился, рос и скончался, открыт его мемориальный музей.

Place-name toponyms associated with the name «Kenagas» are frequently met in the Fergana valley.<sup>312</sup> This implies that in the Fergana valley, including the territory of the village of Katta Kenagas, the population related to the Kenagas tribe lived in the past.<sup>313</sup> The tribe of Kenagas was considered the one of 92 Uzbek tribes.<sup>314</sup> According to the data presented by S.M.Abramzon, the Kenagas tribe ranked the first place in the list of names of 92 Uzbek tribes<sup>315</sup> that testifies to prominence and great power of that tribe. At the end of the 17<sup>th</sup> - the beginning of the 19<sup>th</sup> centuries it was recognized as one of the most powerful tribes of the Uzbeks.<sup>316</sup> K.Kubakov writes the following about that. «The Uzbeks-Kenegeses were settled basically in the Upper Kashkadarya. As is known, the Kenegeses refer to the number of the most ancient Uzbek tribes. The major residence of the Kenegas *begs* were the cities of Shakhrisabz and Kitab. In the past, they showed mutinous behavior and insubordination to the Bukhara emirs. Numerous attempts of Bukhara governors, in

---

<sup>312</sup> On this issue see: Spisok naseleennix mest Ferganskoy oblasti. Skobelev, 1909.

<sup>313</sup> Oxunov N. Joy nomlari ta'бири. T.: Ozbekiston, 1994. p. 27. (in Uzbek)

<sup>314</sup> Sultanov I.T. Opit Analiza Traditsionnix spiskov 92 «Plemen Ilatiya»// Srednyaya Aziya v drevnosti i srednevekove (istoriya i kultura) M.,1977.p. 171

<sup>315</sup> On this issue see: Xivinskiye istochniki po istorii Turkmen XIX v // Materiali po istorii turkmeni i turkmeni. Tom II. XVI-XIX vv. Iranskiye, Buxarskiye, Xivinskiye istochniki.M.-L., 1938; Mirmuxammad Amin Buxoriy. Ubaydullanoma. T., 1957; Mirza Abdulaziz Sami.Tarix-i salatin-i mangitiya (Istoriya mangitskix gosudarey) / Perevod, izdaniye teksta i prim. L.M. Yepifanovoy. M., 1962 Madjuma at-tavarix // Materiali po istorii kirgizov i Kirgizii. M.: Nauka, 1973.

<sup>316</sup> Karmisheva B.X. Ocherki etnicheskoy istorii yujnix rayonov Tadjikistana i Uzbekistana.M.: Nauka, 1976. p. 238

particular of Nasrullakhan, to subdue this freedom-loving tribe went to failure».<sup>317</sup>

The time of resettlement of the Kenegas tribe to the Fergana valley has not been age-dated, yet. The ethnographer S.S.Gubaeva's opinion about that is as follows: «...it has not been found precisely, when the first Kenegases arrived in Fergana; it is assumed that with Sheybani-khan's armies. Besides, Abdul Raim (period of reign 1721-1739) was married to Ai Chuchuk-Aim, the daughter of Khakim-bukari, the governor of the Shahrisabz vilayet and the Kenegas by origin (Kenegases had long since settled in this part of the Bukhara khanate). Probably, some part of Ai-Chuchuk's tribesmen also came to Fergana and settled here».<sup>318</sup> S.S.Gubaeva's point of view in this connection, in our opinion, seems well-grounded. For the Katta Kenegas villagers still preserve the folk story of the tribe Kenegas's resettlement to the Fergana valley with Sheybani-khan's armies.

Located in the Uchkoprik district of the Fergana viloyat, the village of Katta Kenegas (13 km to the east from the city of Kokand) has a wealthy historical past. It played an important role in economic and cultural life of the Kokand khanate and for this reason, it was mentioned many times (sometimes under the name of Kenagasi kalon) in the written sources informing of the events taking place in the region.<sup>319</sup> As in the old times the *kishlak* (village) included more than ten *makhallas*, it received the name «Thousand-house Kenegas»

At present, Katta Kenegas consists of seven *makhallyas* - Taglik, Zinbardor, Charbag, Abjuvaz, Khazini, Yangiabad, Kichik kashkar, and Ishan kurgancha. The number of its population is more than 6 thousand people.

Katta Kenegas is known for its holy places and shrines. For example, in the village, there is a shrine of the Abbasid khwajas' family (in the *makhallya* Ishan kurgancha). In the main cemetery of

---

<sup>317</sup> Kubakov K. O nekotorykh rodoplemennix gruppax uzbekov verxney Kashkadari (vtoraya polovina XIX-nachalo XX. ) // Etnograficheskoye bita i kul'turi uzbekov. T.: Fan, 1972. p.16

<sup>318</sup> Gubayeva S. S. Etnicheskiy sostav naseleniya Fergani v konse XIX – nachale XX v. T.: Fan, 1983. p.62

<sup>319</sup> On this issue see: Beisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and Africa ILCAA. Tokyo. 2008.

the village, there is Chilla-khana, the *mazar* of Khazini and the *mazar* of Buzruk-khan-tyurya, which look like architectural constructions. In the same cemetery, near the mazar of Khazini, Karimkul Zinbardori is buried, one of the state figures of the 19<sup>th</sup> century whose heroic feats are described in the book «The History of the Khans of Fergana» by Ziyauddin Makhdum (Makhzumi) lived in the 19<sup>th</sup> century.<sup>320</sup>

According to the old men's stories, the Kokand khans liked those places, as the lands of Katta Kenagas were very fertile. For this reason, they were bestowed to Nabir *khwaja*, the Khazini's ancestor, and to the Belogorsk *khwaja* Jahangir-khan (ca. 1788-1828) and to his descendants. This fact is registered in the written documents kept until now by the descendants. As Professor Ashirbek Muminov truly noted, «In the plans of Kokand on strengthening its positions in the region the great role was played by the influential clans and families of the local *khwajas*. For realization of the khans' political plans they began to bestow grants on key persons in the form of lands from the khanate property or class privileges in witness thereof they issued the documented genealogies with prints of khans' seals and other high-ranking persons of the khan' administration».<sup>321</sup>

As is known, Jahangir-khan, who had secured support of the Kokand khan Muhammad Alikhan, headed the revolt against the Chinese in Eastern Turkestan from 1820 to 1827. As a result, having been taken prisoner, he was executed in Peking in 1828 r.<sup>322</sup> After his

---

<sup>320</sup> Magzuni. Fargana xandarinin tarixi. Bishkek, 2007. p. 106 (in Kirghiz)

<sup>321</sup> Islamizatsiya i sakralniye rodoslovniye v Sentralnoy Azii: naslediye Isxak Baba v narrativnoy i genealogicheskoy traditsiyax. Tom 2. Sostaviteli, perevod na ruskiy yazik, kommentarii, prilozheniya i ukazateli: A.Muminov, Z.Jandarbek, D.Raximjanov, Sh.Ziyadov. Alma-ati.: Dayk-press, 2008. pp.40-41

<sup>322</sup> On this issue see: Ivanov P.P. Ocherki po istorii Sredney Azii. M.: Izdatelstvo vostochnoy literaturi, 1958; Kawagoe Yasuhiro. «Jihangiru ryakuzono hakken». Tokyo. Bunkoshoho. No.7. 1976; Kadirbayev A.Sh. Xodji Sufiyskogo ordena Nakshbandiye v Vostochnom Turkestane nakanune v epoxu Manjuro-Kitayskogo vladichestva XVII – nachala XIX veka // Sufizm v Irane i Sentralnoy Azii. Almati.: Dayk-Press. 2007; Mullo Muso Sayramiy. Tarixi Hamidi. Beyjing.: Millatlar nashriyoti, 2007. (in Uigur).



death, the only son of Jakhangir-khan Buzruk-khan-tyure (ca 1818-1870) lived in Katta Kenagas for some time. In 1864, new anti-Chinese revolt broke out in Eastern Turkestan: Buzruk *khwaja* with his detachment flew to assistance and then he was pronounced the governor of Kashgar.<sup>323</sup> After his short-term rule, Buzruk *khwaja* was compelled to leave this post and went to perform *hajj*.<sup>324</sup> However, because of his illness, he had to return to Kokand-Buzruk *khwaja* died in the *kishlak* of Katta Kenagas and he was buried there. Since then his tomb, over which the mausoleum was constructed at the end of the 19<sup>th</sup> century, is the object of pilgrimage of local residents. Inside the mausoleum there is located the tomb of Buzruk *khwaja* himself, and the tombs of his descendants are located outside. According to some data, previously, above the mausoleum there was also a Holy banner covered with nonferrous metal. Only the metal fragment of that banner has survived until today.

Khazini, or Ishan-i Khazini, or Khazini tyurya are the poetic nicknames (*takhalluses*) of a renowned poet-mystic Ziyauddin Khukandi (1867-1923). Khazini was born into a family of an educated (for his time) person - Katta Khwadji. The Khazini's ancestors ascended their genealogy to the uncle of the Prophet Muhammad - Abbas (d. 652), whose son Abdullah became the founder of the second Islamic dynasty – the Abbasids (750-1258).

The future poet obtained elementary education in his father's family, and then he gained and improved his knowledge himself. The

---

<sup>323</sup> On this issue see: Valixanov Ch. Izbranniye proizvedeniya. Kazaxskoye gosudarstvennoye izdatelstvo Xudojestvennoy literaturi, Alma-Ata.1958; Akbarov Q., Ma'murov J., Botirova N., Qoqon xonligining Sharqiy Turkiston bilan aloqalari tarixidan // «Qoqon asrlar silsilasida» Respublika ilmiy-nazariy konfrensiyasi materiallari. Qoqon, 2004 Vey Lyaktou. Lyao Chigin. Xojalar jamiyati haqida / Tarjima qilguchi Qurbon Turon. Beyjing. Millatlar nashriyoti, 2006; Mullo Muso Sayramiy. Tarixi Hamidi. Beyjing.: Millatlar nashriyoti, 2007; Zarcone T. Quand le saint legitime le politique: le mausole de Afaq Khwaja a Kashgar // Cental Asian Survey. Vol.18, № 2. 1999; Papas A. Soufisme et Politque entre Chine, Tibet et Turkestan.Paris: Jean Maisonneuve Successeur.2005; Shimen Y., Kawahara Y. Mazar Buzyrg Khan Tora in Katta Kenagas Village // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007.

<sup>324</sup> Toxtiyev I. Tangalar tilga kirganda. T.: Fan, 1989 (in Uzbek).

famous literary critic and regional specialist Polotdzhon Domulla Kayumov (1885-1964) in his book «*Tazkira-i Kayumi*» mentions that Khazini studied in the Kokand madrasah Jami for some period, but had not managed to graduate from it.<sup>325</sup> Having become a *myurid* (disciple) of Muhammad Khakim-caliph (d. 1897), a renowned Sufi shaykh of the Qadiriya brotherhood, he followed the doctrine of this brotherhood all his life.<sup>326</sup> In his poems Khazini exhorted the Qadiriya teaching, wrote about the transience of this world and of eternity of the afterworld.

People esteemed the poet as a holy person. Khazini read prayers for the people of the kishlak, and people, both in happy, and in sad days for themselves, came to his house and, having received his blessing, came back. Up to his death, he performed a ceremony *katm-i khwaja*, devoted to Janab-i khazrat Gaus al-Azam, to the eminent Hanbalite preacher, theologian, and Sufi Abd al - Qadir al Jilani (1077-1166), the founder of the Qadiriya brotherhood.

Khazini was engaged in farming - he developed the unused sandy land around the kishlaks of Chopdor and Karaultipa, renovated them and planted orchards there, having named the district «Registan». At his own expense, he constructed a mosque (*masjid*) and a mill (*objuvoz*) in the kishlak Karaultipa. The say that after the construction of a mosque had been completed, Khazini came to see it and said, «The Mosque is constructed beautiful. But the time will pass and it will burn». His prediction came true in 1943, when the mosque completely burned because of the unknown reasons.

A certain contribution to studies of life and literary heritage of Ziyauddin Khazini was made by philologists A.Madaniminov, S.Yusupov, A.Turdialiev, and I.Ostanakulov.<sup>327</sup> The ideological and

---

<sup>325</sup> Polotjon Domulla Qayyumov. *Tazkirat ush – shuaro*. I – kitob. T.: OzR FA Davlat adabiyot muzeyi, 2006. p.123. (in Uzbek).

<sup>326</sup> Ikromiddin Ostonaqul. *Fargonalik valiylar*.T.: Movarounnahr, 2001. p. 69. (in Uzbek).

<sup>327</sup> On this issue see: Mahmudov M., Ostonaqulov I. Bu jahonga kim kelibdur // *Oz AS*. 12.IV.1991; Orzibekov R., Absamiyev H // *Adabiyot va tarix*. *Oz AS*. 29.XI.1991; Yoldosh Sulaymon. *Haziniy nolasi* // «*Oltin vodiy*» viloyat gazetasi. 18.04. 1992; Ikromiddin Ostonaqul o'g'li. *Ziyovuddin Haziniy*. // *Avliyolar sultoni*. Turonlik valiylar. T., 2004; Umarova I. «*Haziniy toramning gazali*» // *Milliy tiklanish*. 1996 yil. 5 noyabr: 44 (73):

artistic features of Khazini's poetry are comprehensively analyzed in Doctor O.Dzhuraboev's publications.<sup>328</sup>

According to the data presented by A.Madaminov and A.Turdialiev, Khazini wrote verses of the religious-mystical content

---

Aliyev N., Ostonaqul I. «Rasullulloh vorisi» // Sirli olam.1997. № 10; Abdugafurov A. Qalb qa'ridagi qadriyatlar / Me Vomiqu sen- Uzro. T., 1998; Yusupov Sh. Haziniy tora merosiga bir nazar (Songsoz ornidagi maqola) / Haziniy. Devon. 1999; Orzibekov R. Haziniy Xoqandiy nazmiyotida ilohiy timsollar talqini // Mustaqillik. Samarqand va milliy qadriyatlar. T., 1998; Karomatov H. Xorlangan paygambarlar galabasi. T., 1999; Qosimov B. XX asr boshida jadid adabiyoti va tarixiy hodisalar / Kitobda: Jadidchilik:islohot, yangilanish, mustaqillik va taraqqiyot uchun kurash. T., 1999; Yusupov Sh.Tarix va adab bostoni. T.: Ma'naviyat. 2003; Madaminov A., Turdaliyev A. Xazini // Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii. Ensiklopedicheskiy slovar. Vip. 4. M., 2003; Ostanquolov I. Traditions orales et Literature chez les qadiri de la vallee Ferghana aux XIXe-XXe siecles (Traduit de L'uzbek). //Journal of the history of sufism. Istanbul. «Simurg».2000. № 1.(Frans) 304-336.

<sup>328</sup> On this issue see: O.Joraboyevning Haziniy ijodi boyicha tadqiqotlari: Haziniy. Devon. T.: Ma'naviyat (Nashrga tayyorlovchi, sozboshi va lugat-izohlar mualliflari: A.Madaminov va O.Joraboyev. 1999; Joraboyev O.R. Haziniy Xoqandiy hayoti va ijodiy merosi. N.D. avtoreferati. T., 2003; Joraboyev O. Haziniy tora (hayoti va ijodi).T.: Fan, 2007; Joraboyev O. Ilohiy oyatlar va teran misralar // «Vatan» gazetasi. T., 1996. 22 avgust; Otashzabon shoir // «Ozbekiston adabiyoti va san'ati» gaz. T., 1997. 24 oktyabr; Haziniy adabiy merosining manbalari // Ozbekiston yosh adabiyotshunoslarining an'anaviy anjumani materiallari. T., 1997; Ziyovuddin Haziniy va uning adabiy merosi // «Ozbek tili va adabiyoti» jurnali. T., 2000. Haziniy asarlarining qolyozma manbalari va matniy qiyos masalalari xususida // «Adabiyot kozgusi» ilmiy toplami. T., 2000. №6; Haziniyga atalgan ziyo // «Yoshlik» jurnali. T., 2000. №5-6; Mardumi Fargona // «Guliston» jurnali. T., 2000. №6; Haziniy ijodida iqtibos // «Adabiyot kozgusi» ilmiy toplami. T., 2000. №6; Haziniy ijodida majoziy ishq talqini // «Ozbek tili va adabiyoti» j. T., 2001. №5; Murshidi Fargona kimdur?! // «Sharq yulduzi» j. T., 2001. №3; Haziniy va Furqat: ruhiy-ma'naviy uygunlik // Imom al-Buxoriy xalqaro jamgarmasi. 6-konferensiya. Toshkent, 2001; Yusufning xaridori // Ozbekiston sharqshunoslarining 7-anjumani materiallari. Toshkent, 2002; She'riy san'at nima? // «Qishloq hayoti» g. T., 2002. 7 noyabr; «Tong otquncha kimga atalgan?» // «Fidokor» g. T., 2003. 22 may; Shukri behad bizni inson ayladi / «Hurriyat» g. T., 2003. 8 oktyabr; Qolyozmalar davr ruhiyatini aks ettiruvchi manba sifatida

and he was in friendly relations with the poets and singers-*khafizes* recognized at their time (Muhyi, shaykh Sulayman, Mahjur, Nadji Kalandar, Nasimi Khukandi, Khamrakul-kari, Erka-kari, Mullah Tuychi-Khafiz, Sadir-khan, Umar-khan, etc.). In addition to his poetic gift, Khazini also had musical talents - he performed songs with his verses, selecting to them suitable melodies from classical music. Sometimes he himself composed melodies to his verses and sang, accompanying himself with playing the *tambur* or *dutar*. Khazini's compositions were easily readable and understandable to people, and close to the people's soul, that is why his poetic products enjoyed great popularity.<sup>329</sup> His poems remained among the lithographs most frequently issued from the moment of occurrence and printing houses. This fact is proved, in particular, by that the collection of verses entitled «*Bayozi Khazini*» was published eight times in the city of Tashkent during the period between 1910 and 1915.<sup>330</sup>

Songs on Khazini's words people continued to perform down to 1917 and even for some period after that, and some of the songs were inevitable items in national singers' repertoires. They were sung during people's festivities (*sayil*), various holiday gaieties, etc. The song *Fargona tong otguncha* («Fergana before daylight») on Khazini's words has been the popular and favorite song until now. Another song *Yo khayot an-nabi* devoted to the Prophet Muhammad, in performance of a renowned singer Khamrokul-kari was recorded on a phonograph record and had a wide circulation until 1917.

---

// Yosh olimlarning an'anaviy ilmiy konferensiyasi materiallari. T., OZR FA, 2004: Mumtoz meros tadqiqi: yutuqlar va muammolar (davra suhbat). // Oz AS. 2004, 21 may; Bir gazal matni va mohiyati xususida // «Ozbek tili va adabiyoti» j. T., 2005, №2; Haziniy Xoqandiy // «Ozbekiston Milliy ensiklopediyasi». 11-jild. T., 2005; DOVBNЬ LBGBTЭ'T-TЬRK'TEKЭ TANG SЦZЬNЬN XIX. YЬZYIL KOKAND ЎAЭRLERЭNDEKЭ TEZAHЬRBЬ/ Journal of Academic Studies. November 2008. Janury 2009. (Istanbul.) Number.39.

<sup>329</sup> On this issue see: Madaminov A., Turdialiyev A. Xazini // Islam na territorii bivshey Rossiyskoy imperii. Ensiklopedicheskiy slovar. Vip. 4. M., 2003.

<sup>330</sup> Joraboyev O. Haziniy tora (hayoti va ijodi). T.: Fan, 2007. p.113. (in Uzbek).

The poet himself compiled the collection of his own verses (*divan*), which after his death was preserved by his elder son Amaki-khan. In 1937, Amaki-khan was arrested during the feast's prayer – the *namaz* in celebration of the *Uraza Hayyit*. As the descendants of Khazini stated, when arrested the *divan* was in his hands and the further destiny of it is unknown. During the Soviet period, Khazini's poetic works were not issued because of their religious-mystical content. Only in 1992 the collection of his verses *Tasadduk, yo rasulloh* («Show mercy, oh, the Messenger of Allah») was issued, and in 1999 his augmented edition under the title «*Divan*» was published.

The poet died in his native kishlak Katta Kenagas and was buried there. In 1997, his tomb was swept and garnished. The 125-th and 130-th anniversaries from the poet's birthday were hallowed adequately. The memorial museum in Khazini's honor was opened in the kishlak, where the poet was born, grew up, and died.

## МУНДАРИЖА

Ворислик йўлидаги ибрат .....	3
Катта Кенагас ва кенагасликлар .....	4
Зиёвуддин Ҳазиний .....	33
Ҳазиний ҳақида ҳикоялар .....	40
Ҳазинийнинг аждод ва авлодлари .....	81
Ҳазиний устозлари .....	116
Ҳазиний аждодлари тарихига доир айрим ҳужжатлар тавсифи ...	132
Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) зиёратгоҳи .....	150
Ҳазиний юртининг фидойиси .....	222
Ҳазини Хуканди из Катта Кенагаса .....	278
Khazini Khukandi hailed from Katta Kenagas .....	286

Н.АБДУЛАҲАТОВ, С.МАСТОНОВ, И. ТЎХТАБОЕВ

**ҲАЗИНИЙ ЮРТИ**

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Тех. муҳаррир  
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳиҳ  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА